Аннотация. Для повышения эффективности использования орошаемых земель после уборки озимой пшеницы целесообразно выращивать сахарную свеклу в качестве повторной культуры. Хорошие результаты дает капсульный посев семян сахарной свеклы. Для получения более высокого урожая важно установить нормы минеральных удобрений на уровне $N_{200}P_{150}K_{200}$ кг / га. В то же время сахарная свекла хорошо растет в вегетационный период и даёт 370,2 ц/га урожая и 63,4 ц/га сбора сахара.

Ключевые слова: сахарная свекла, корнеплоды, урожайность, минеральные удобрения, соотношение, питательные вещества, вегетационный период, почва, плодородие, полевой опыт

Abstract. To increase the efficiency of irrigated land use, it is advisable to grow sugar beets as a secondary crop after harvesting winter wheat. Capsule sowing of sugar beet seeds sown as a secondary crop gives good results. To get a higher yield, it is necessary to establish the norms of mineral fertilizers N200P150K200 kg / ha. At the same time, sugar beet grows well during the growing season and provides a biological yield of root crops of 338.1 c / ha. This suggests that there is a correlation between the yield of sugar beet root crops and mineral fertilizers.

Key words: sugar beet, root crops, productivity, mineral fertilizers, ratio, nutrients, vegetation period, soil, fertility, field experience.

Маълумки, қанд лавлаги шакар ишлаб чиқариш саноатининг асосий-хом ашёсидир. Унинг илдимеваси таркибидаги шакар миқдори энг муҳим кўрсаткич деб ҳисобланади. Унинг ҳосилдорлиги қанча юқори бўлса, бир гектар майдондан йиғиб олиниши мумкин бўлган шакар миқдори ҳам шунча юқори бўлади. Шунинг учун ҳам ҳозирда бутун дунё бўйича шакар ишлаб чиқариш саноатида ишлатиладиган ҳомашёлар ичида шакар қамишдан кейин қанд лавлаги иккинчи ўринни эгаллайди. Европа давлатларида эса саноатда асосан қанд лавлагидан шакар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

Республикамиз мустақилликка эришган дастлабки йилларида аҳоли эҳтиёжлари учун керак бўлган қанд ва қанд маҳсулотларини ўзимизда ишлаб чиқаришга катта аҳамият берди. Шунинг натижасида Хоразм вилоятига шакар ишлаб чиқариш заводи қурилиб, хом-ашё учун республикамизнинг Қорақалпоғистон республикаси ва Хоразм вилоятларининг 47000 гектарга яқин суғориладиган майдонларига қанд лавлаги экилди.

И.И.Чередничек, Г.В.Подколзина, А.Б.Дерноваялар [4] нинг маълумотларига кўра азотнинг технологик хоссаларига ва айниқса, лавлаги илдимевалари таркибидаги қанд миқдorigа салбий таъсирини узоқ вақт таъсир этувчи карбамид ва карбамид-формалдегидли ўғитлар йўқотади. Уларни фосфор-калий фониди киритилиши аммиакли селитра билан солиштирганда илдимеваларнинг қанд миқдорини 0,4-1,3% га оширди.

Б.Холиқов [5] маълумотига кўра азот элементи қанд лавлаги талаб қиладиган кимёвий элементлар ичида алоҳида аҳамиятга эга. У барча аминокислоталар, фосфатидлар, ферментлар ва бошқа элементлар учун компонент ҳисобланади. Маълумотларга қараганда, 1 тонна қанд лавлаги илдимева ҳосили яратиш учун тупроқдан 3,5-4,0 кг азот ўзлаштиради. Айниқса, вегетации даврининг биринчи ярмида азотли озика моддаларига талаб ортади. Азот элементи етишмаслиги, ўсимликнинг ривожланишини секинлаштиради, уларни меъёрдан ортик берилиши ўсимликнинг ғовлаб кетишига, қандлилик даражасининг камайишига олиб келиши мумкин.

А.П. Дрейкот [3] кўплаб мамлакатларнинг тадқиқотларини ўрганар экан, уларда қанд лавлаги ҳосили жуда фарқ қилиши аммо, қўлланиладиган ўғит миқдори хайратланарли даражада ўхшаш ва улардан фойдаланиш доимий равишда ўсиб боришини кузатган. Аммо, ҳар хил тупроқ ва иқлим шароитида ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, минерал ўғитларнинг юқори дозалари фониди ўстирилган қанд лавлаги озика элементлар ўртасидаги боғлиқликни ҳисобга олмаслик ва уларнинг ўз вақтида қўлланилмай қолиши технологик кўрсаткичларни пасайтиради.

Б.Б.Никитин [11] қанд лавлагини ўғитлашдаги озик моддаларининг нисбати устида ўтказган тажрибалар натижаларини умумлаштириб шундай хулосага келди: азот илдимевалардаги қанд миқдорини камайтиради ва туппада йўқолишига сабаб бўлади, фосфор ва калий эса азотнинг салбий таъсирини сусайтиради ва қанд миқдорининг кўпайишига ҳисса қўшади. Шу сабабли, ўғит таркибидаги озика моддаларнинг мақбул нисбати 1 азот бирлигига нисбатан 1-1,2 (1,5 тагача) бирликда фосфор ва 1,3-1,5 бирликда калий бўлиши мақсадга мувофиқ бўлади .

Ўғитлар ва хусусан баъзи озик моддалари таъсирида техник қанд лавлаги сифат кўрсаткичларини ўзгартиришга нисбатан, азотли ўғитлар илдизмеваларидаги қанд миқдорини камайтиради, туппада йўқолишини оширади, баргларнинг илдизларга нисбатини оширади ва техник пишиб етилишни кечиктиради деган аниқ позиция мавжуд; фосфоркалий аксинча, илдизмеваларининг қанд миқдорини кўпайтиришга ёрдам беради ва азотли ўғитлар таъсирининг салбий томонларини сезиларли даражада сусайтиради деб ёзади Вострухина Н.П. [1].

Н.В. Гвоздев [7] минерал ўғитлар ва мелиорантларнинг қанд лавлаги ҳосили ва сифатига таъсирини ўрганиши натижасида шундай хулосага келди, энг кўп шакар йиғилиши $N_{190}P_{90}K_{90}$ ва $N_{90}P_{90}K_{180}$ миқдорда берилган вариантларда кузатилди. Шу вариантларда шакар миқдори назоратга нисбатан сезиларли даражада ўзгармади. Юқори ҳосил олиш туфайлигина юқори миқдорда шакар йиғишга эришилди.

А.П.Бражник [8] минерал ўғитларнинг юқори дозалари ($N_{60}P_{80}K_{60}$ ва $N_{120}P_{160}K_{120}$) ҳамда ўртача дозадаги ўғит, гўнг ва сомондан биргаликда фойдаланилган (7.42-7.60 т/га) вариантларда илдизмевалардаги шакар миқдори бир-бирига яқин - 14,3-14,8% бўлганида, биологик шакар тўпланиши максимал даражада бўлганлигини ёзади. Бир жуфт элемент комбинацияланган ўғит тизимлари ($P_{80}K_{60}$ ва $N_{60}P_{80}$) ёрдамида 6,57-6,78 т/га га тенг юқори ва деярли бир хил шакар ҳосили олинди. Ушбу вариантларнинг кўрсаткичи назоратдан +32,2-36,4 % ни ташкил этди, тўлиқ минерал ўғитнинг ўртача дозаси билан солиштирганда 11,6-15,2% га паст бўлди.

С.В.Харченко [9] қанд лавлаги етиштириш самарадорлигини тавсифловчи асосий кўрсаткич бу бир гектар майдондан тўпланган шакар миқдори бўлиб тўғридан-тўғри илдизмеваларнинг ҳосилдорлиги ва унинг таркибидаги шакар миқдорига боғлиқ деб ҳисоблайди. Унинг тадқиқотларида бу кўрсаткич лавлаги барглари қаторларни ёпган босқичда борли микроўғитлар билан озиклантирилганда энг кўп бўлганлиги кузатилди. Бу ҳолатда шакар тўплаш ҳажми мос равишда 8,23 т/га ва 8,27 тн /га, назоратдан (6,95 т / га) 1,3 т кўп бўлди.

Е. В.Поповнинг [10] маълумотларига кўра бир гектардан олинadиган шакарни миқдори илдизмева ҳосилига ва унинг таркибидаги шакар миқдорига боғлиқ. Тажрибанинг назорат вариантыда бу кўрсаткич гектарига 4,80 т.ни ташкил этди. Унинг энг юқори кўрсаткичи 25 т/га гўнг фонида минерал ўғитлар меъёрлари уч карра оширилган вариантда - 6,47 т/га эканлиги кузатилди. Шу жумладан, 25 ва 50 т/га гўнг фонида минерал ўғитлар $N_{45}P_{60}K_{45}$ кг/га миқдорда берилганда шакар йиғими 1,12 ва 1,16 т/га ошган ва мос равишда 5,92 ва 5,96 т/га ни ташкил этди.

Фарғона вилоятининг ўтлоқи-соз тупроқлари шароитида (Соколик, Қурбонов [5]) қанд лавлагига $N_{150}P_{100}K_{75}$ кг/га меёрида маъдан ўғитлар қўлланилиб, суғоришлар дала нам сифимига нисбатан 70 фоиз бўлганида илдизмеванинг қандлилиги энг юқори бўлиб 19.4 фоизни ташкил этди.

Биз ўз тажрибамаизни Андижон вилояти Избоскан туманининг бўз-ўтлоқи тупроқлари шароитида олиб бордик. Тажриба қўйилишидан олдин тупроқни агрохимёвий жиҳатдан таҳлил қилдик. Қанд лавлаги ўсимлиги ташки омилларга берилувчанлиги ва тупроқдан озика моддаларини кўп ўзлаштирганлиги сабабли дала тажрибалари ҳар йили алоҳида далада олиб борилган. Унга кўра тупроқнинг хайдов қатламида (0-30 см) чиринди биринчи йили 1,108фоиз, иккинчи йили 1,065 фоиз, учинчи йилда 1,110 фоиз мутаносиб равишда умумий азот 0,118; 0,108 ва 0,124 фоиз, умумий фосфор 0,216; 0,220 ва 0,212 фоиз, нитратли азот 22,1; 20,7 ва 21,1 мг/кг бўлгани холда , ҳаракатчан фосфор билан биринчи йили ва учинчи йиллари ўртача, иккинчи йили кам, алмашинувчи калий билан эса тупроқ биринчи йили кам, иккинчи йили кўпроқ ва учинчи йилда камроқ таъминланган.

Тупроқнинг пастки қатламларида (30-50, 50-70, ва 70-100 см) ҳар учала далада ҳам чиринди, озика моддаларининг умумий ва ҳаракатчан турларининг миқдори конуний равишда камайиб борган.

Шу асосида биз тажриба тизимини белгилаб олдик. Тажрибада қанд лавлаги такрорий экин сифатида экилганида тўлиқ кўчат олиши мақсадида уруғлари капсулаланади. Капсула сифатида тупроққа турли нисбатларда (50;75 ва 100 %) биогурус қўшилди. Буларни таққослаш учун ўсимлик уруғлари оддий усулда ҳам экилади. Шу экиш усуллари бўйича ҳосил қилинадиган ўсимликлар учун минерал ўғитлар меъёрларини $N_{150}P_{100}K_{150}$ ва $N_{200}P_{150}K_{200}$ кг/га миқдорда қилиб белгилаб олдик.

1-жадвал

Минерал ўғитлар меъёрларини қанд лавлагидан биологик қанд олиш миқдори таъсири, 2017-2019 йй.

Ва р.	Илдизмева таркибидаги ўртача қанд миқдори, % ҳисобида			Бир гектар майдондан йиғиб олинishi мумкин бўлган биологик қанд миқдори, ц/га ҳисобида		
	август	сентябрь	октябрь	август	сентябрь	октябрь
1	4,8	9,4	17,5	0,6	5,6	33,1
2	4,6	9,2	17,2	1,4	7,9	43,7
3	4,5	9,1	17,0	1,7	8,7	48,9
4	4,8	9,4	17,5	0,7	6,2	34,1
5	4,4	9,0	17,3	1,6	9,2	53,9
6	4,6	9,2	17,1	1,7	9,8	54,5
7	4,7	9,3	17,4	0,9	6,7	34,8
8	4,5	9,3	17,2	1,7	10,2	56,8
9	4,4	9,1	17,1	2,1	11,4	63,3
10	4,6	9,2	17,3	1,0	7,4	36,0
11	4,4	9,2	17,1	2,1	11,4	59,5
12	4,4	9,0	17,0	1,8	10,6	57,3

Эслатма: капсула сифатида тупроққа биогурус турли меъёрларда.

Тажриба 12 вариант, 4 такрорланишда бир ярусда жойлаштирилган бўлиб, унинг умумий майдони 11520 м² ни ташкил этса, битта бўлакнинг умумий майдони 240 м² ни, ҳисобга олиш майдони 100 м² га тўғри келган. Тажрибада қанд лавлагининг “Рамонская односемянная - 47” нави 60X15X1 тизимда экилган. Тажриба “Методика полевого опыта” (Доспехов [2]) усулномаси асосида ва фенологик кузатувлар эса ПСУЕИТИ (олдинги СоюзНИХИ [6]) усулномасига асосан олиб борилди.

Қанд лавлаги вегетацияси даврида илдизмеваси таркибидаги қанд миқдори ҳар ойда аниқлаб борилди (1-жадвалга қаранг). Бу жадвалда келтирилган малумотларга кўра, қанд лавлаги яганадан кейин илдизмевада тўпланган шакар миқдори вариантлар бўйлаб ўртача 4,4-4,6 фоиз, бу маълумотларга асосан бир гектар ердан олиннадиган қанд миқдорини ўрганганимизда гектарига шакар чиқиши 0,6-2,1 центнер оралиғида бўлган.

Шуни таъкидлаш лозимки, минерал ўғитлар солинмаган вариантларда илдизмева таркибидаги қанд миқдори ўғит солинганига қараганда кўп эканлиги аниқланди. Масалан, минерал ўғит солинмаган 1-,4-,7- ва 10-вариантларда уларнинг миқдори мос равишда 4,8; 4,8; 4,7 ҳамда 4,6 % миқдорида бўлди. Минерал ўғитлар меъёрлари ортиши билан илдизмева таркибидаги қанд миқдорини камайиб боришига олиб келаётганини қўришимиз мумкин. Бунда минерал ўғитлар меъёрини $N_{150}P_{100}K_{150}$ кг/га қилиб белгиланган вариантларда (2-,5-,8- ва 11-вар.) 4,6 % дан 4,4 % гача камайиб борган. Минерал ўғитлар меъёрларининг $N_{200}P_{150}K_{200}$ кг/га ортиши билан улар 4,5-4,4 % миқдорга тушиб қолган. Буни илдизмева ҳосилдорлигини ортиб бориши билан изоҳлаш мумкин. Тажрибанинг кейинги кузатишларда (сентябрь) илдизмевадаги қанд миқдори жадаллик билан ортган бўлсада юқоридаги қонуният сақланиб қолди. Масалан, оддий усулда экилган ва минерал ўғит солинмаган 1-вариантда илдизмева таркибидаги қанд миқдори энг юқори 9,4 % бўлгани ҳолда шу усулда экилиб, минерал ўғитлар меъёрларини $N_{150}P_{100}K_{150}$ ва $N_{200}P_{150}K_{200}$ кг/га қилиб белгиланган 2 ҳамда 3-вариантларда уларнинг миқдори 9,2 ва 9,1 % ни ташкил этди. Худди шунга ўхшаш маълумотлар кейинги вариантларда ҳам кузатилди. Демак, қанд лавлаги илдизмевасидаги қанд миқдори биринчи навбатда минерал ўғитлар меъёрлари таъсир кўрсатар экан.

Кузатишларимизнинг кейинги октябрь ойида ҳам қанд миқдори ортиб борганлигини кузатдик. Бу вақтга келиб қанд лавлаги илдизмевасидаги қанд миқдори ўтказилган

агротехник тадбирларни таъсири яққолроқ намоён бўлди. Натижада вариантларни орасидаги фарқ сезиларли, 17,5-17,0 % оралиғида бўлди.

Илдизмева таркибидаги қанд миқдори аниқлаб олинганидан кейин, бир гектар майдонда ҳосил бўлаётган биологик қанд ҳосилини тўпланишини ҳам ўрганиб бордик. Унга кўра, август ойида биологик қанд миқдори 0,6-2,1 ц/га оралиғида бўлганлиги аниқланди. Юқорида айтганимиздек, илдизмева таркибидаги қанд миқдorigа минерал ўғитлар ва экиш усулларининг таъсири сезиларли бўлган. Масалан, минерал ўғитлар қўлланилмаган ва турли усулларда экилиб, кўчат қалинлиги турлича бўлган 1-,4-,7- ва 10-вариантларда у мос ҳолда 0,6; 0,7; 0,9 ва 1,0 ц/гага тўғри келди. Минерал ўғитлар $N_{150}P_{100}K_{150}$ кг/га меъёрида берилганида эса бу (2-,6-,8- ва 9-вар.) 1,4-2,1 ц/га оралиғида қанд ҳосил бўлган, минерал ўғитлар меъёрларини $N_{200}P_{150}K_{200}$ кг/га етказилганида эса вариантлар бўйича (3-,6-,9-,12-вар.) 1,7;1,7;2,1 ва 1,8 ц/га қанд ҳосили йиғилган. Бу маълумотлардан кўриниб турибдики, ҳар доим ҳам минерал ўғитлар меъёрлари бориши билан бир гектар ердан олинадиган ҳосил салмоғи ошавермас экан.

Тажрибанинг кейинги ойида (сентябрь) ҳам шу қонуният сақланиб қолган, фақатгина олинадиган биологик қанд миқдори бир неча баробарга ортиб кетган. Буни қанд лавлаги илдизмеваларида қанд моддасининг жадал тўпланиши билан изоҳлаш мумкин, қанд лавлаги илдизмевасида қанд моддасини ҳосил бўлиши 9,1-9,4 % оралиғида, бир гектар майдондан йиғиб олиниши мумкин бўлган қанд миқдори эса 5,6-11,4 ц/га миқдорда бўлди.

Октябрь ойида олиб борган кузатишларимизда илдизмева таркибидаги қанд модда миқдори олдинги ойга нисбатан 0,7-0,8 баробарга ортган. Энг юқори қандлилик оддий усулда экилиб минерал ўғитлар қўлланилмаган 1-вариантда 17,5 % қандлиликка эришилган. Экиш усули фарқ қилиб ўғит меъёрлари ортиши илдизмевадаги қандлилик миқдорининг камайишига олиб келди. Масалан, 4-вариантда у 17,5 %; 7-вариантда 17,4 %; 10-вариантда эса 17,3 % ни ташкил этган. Минерал ўғитлар $N_{150}P_{100}K_{150}$ кг/га меъёрда берилган 2-, 5-, 8- ва 11- вариантларда қандлилик миқдори мос равишда 17,2; 17,3; 17,2 ва 17,1 % ни ташкил этди. Минерал ўғитлар меъёрини $N_{200}P_{150}K_{200}$ кг/гага етказиш билан эса қанд миқдори яна ҳам камайганлиги кузатилиб, 3-вариантда 17,0 % ни, 6-ва 9-вариантларда бир хил 17,1 % ҳамда 12-вариантда бу 17,0 % ни ташкил этди. Бир гектар майдондан йиғиб олинадиган қанд ҳосили ҳам шунга мос равишда ортган. Энг юқори биологик қанд ҳосили уруғ биогумус билан 75 % капсулаланиб, $N_{200}P_{150}K_{200}$ кг/га меъёрда минерал ўғит берилган 9-вариантда олинди, 63,3 ц/гани ташкил этган, ундан бироз кам ҳосил уруғ 100 % биогумус билан капсулаланиб, $N_{150}P_{100}K_{150}$ кг/га меъёрда минерал ўғит берилганда 59,5 ц/га ҳосил олган.

Демак, такрорий экилган қанд лавлаги илдизмевасидаги қанд миқдорини юқори бўлиши бошқа омиллар қатори минерал ўғитлар меъёрларига ҳам боғлиқ экан. Қанд лавлаги учун гектарига $N_{200}P_{150}K_{200}$ кг/га меъёрда минерал ўғит қўллаш, уруғларни экишдан олдин намлаб, кейин 75 % биогумус ва 25 % тупроқ аралашмаси билан капсулалаб экилганида қандлилик даражаси 17,1 % ҳамда бир гектардан энг юқори 63,3 ц/га қанд ҳосилини йиғиштириб олиш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Вострухина Н.П. Азот и сахар //Сахарная свекла.- 1992.- №1.27-32-б.
2. Доспехов Б.А. “Методика полевого опыта” Агропромиздат, 1985
3. Дрейкот А.П. Удобрение сахарной свеклы. М.: Колос, 1977. –279-б.
4. Чередничек И.И., Подколзина Г.В., Дерновая А.Б. Эффективность длительнодействующих удобрений при внесении под сахарную свеклу //Удобрения и продуктивность сахарной свеклы: Сб. науч. тр. Киев, 1989. - 46-53б.
5. Б.Холиқов.Қанд лавлаги етиштириш агротехнологияси ва алмашлаб экиш. Наврўз наш.Т.2013 й. 14-6.
6. Методы агрохимических анализов почв и растений Средней Азии Ташкент, СоюзНИХИ, 1974 г.
7. Гвоздев Н.В. Влияние удобрений и мелиорантов на урожайность и качество корнеплодов сахарной свеклы. Диссертация на соискание ученой степени кандидата сельскохозяйственных наук.Каменная Степь – 2005
8. Бражник А.П. Влияние органических и минеральных удобрений на продуктивность сахарной свеклы в условиях недостаточного увлажнения. Рамонь – 2009

9. Харченко С В. Влияние некорневых подкормок микроэлементами на урожай и качество корнеплодов сахарной свеклы в условиях лесостепи ЦЧЗ. диссертация на соискание учёной степени кандидата сельскохозяйственных наук. Воронеж – 2010

10. Попов Е. В. Влияние длительного применения удобрений в севообороте на продуктивность сахарной свёклы и физико-химические свойства чернозёма выщелоченного. Диссертация на соискание ученой степени кандидата сельскохозяйственных наук. Рамонь-2005.

11. Никитин В.В. Продуктивность свеклы в зависимости от удобрений. Сахарная свекла. 1985. - №10. - С.33- 34

УЎК:581.9

УРГУТ БОТАНИК-ГЕОГРАФИК РАЙОНИ ФЛОРАСИ ТУРЛАРИНИ ТЎР ТИЗИМЛИ ХАРИТАДА ТАКСИМЛАНИШИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

К.Ш. Тожибоев, б.ф.д. академик, ЎзР ФА Ботаника институти, Тошкент

У.Х. Қодиров, кат.и.х., ЎзР ФА Ботаника институти, Тошкент

Ф.И. Акбаров, к.и.х., ЎзР ФА Ботаника институти, Тошкент

З.З. Қосимов, к.и.х., ЎзР ФА Ботаника институти, Тошкент

С.О. Пулатов, к.и.х., ЎзР ФА Ботаника институти, Тошкент

Аннотация. Мақолада Ургут ботаник-географик райони флорасида тарқалган ўсимлик турларини Ўрта Осиёда илк мартаба қўлланилаётган тўр тизимли хариталаш орқали таҳлил қилинган. Худуд флорасида тарқалган 1281 турни ҳамда худуд учун камёб ва эндем бўлган 50 турни ажратилган 277 катаклар бўйича тарқаланиши аниқланган.

Калим сўзлар: Ургут ботаник-географик райони флораси, флора, ГИС, тўр тизимли харита, TASH, LE, MW.

Аннотация. В статье анализируются виды растений, распространенных в Ургутском ботанико-географическом районе, на основе сеточного картирования, что впервые было использовано в Средней Азии. Установлено, что в 277 клетках распространены 1281 вида растений, из которых 50 видов являются редкими и эндемичными для региона.

Ключевые слова: Флора Ургутского ботанико-географического района, Флора, ГИС, сеточного картирования, TASH, LE, MW.

Abstract. In this article analysis of the common plant species in the Urgut botanical-geographical region, based on grid mapping, used in Central Asia for the first time is given. 1281 plant species are distributed in 277 cells, out of which 50 species are rare and endemic for the region.

Key words: Flora of Urgut botanical-geographical region, flora, GAT, grid maps, TASH, LE, MW.

Кириш

Табиий флора таркибидаги ўсимлик турларини тарқалишини график тасвирларда акс эттириш, яъни хариталаш ўзининг долзарблигини сақлаб келмоқда [17]. Ўтган асрнинг бошларидан турларнинг тарқалиши ва уларнинг ареалларини акс эттириш учун асосан нуктали ва контурли хариталар тузилган [5, 6]. Бу йўналиш бўйича жиддий бурилиш 60-йиллардан бошланди ва Ғарбий Европанинг бир қатор мамлакатлари маҳалий ва континентал флораларни хариталашнинг сифат жиҳатдан янги босқичга қадам қўйди [13, 17]. Янги изланишлар тадқиқот худудини квадратларга (2x2 км, 5x5 км, 10x10 км ва ҳ.з.) ажратувчи тўр тизим асосига қўйилади ва турларнинг ўсиш нукталари шу квадратлар бўйича қайд этилади. *Grid mapping* (сеточное картирование) номи билан аталиб келаётган бу тадқиқотлар методологик жиҳатдан такомиллашди ва биологик турларини тарқалишини рақамли хужжатлаштиришда муҳим услуб сифатида кенг қўлланилиб келинмоқда [15].

А.И. Толмачев фикрига кўра (1974), тўр тизимли хариталаш фақатгина флористик жиҳатдан яхши ўрганилган худудларда амалга ошириш мумкин [6]. Бу нуктаи назарнинг зарарли таъсири шундан иборат бўлдики, унинг таъсири остида эса тадқиқотларнинг илғор услубларини қўллаш кечикиб кетди [3]. Хусусан, табиий флораларни тўр тизимли хариталаш

Россияда 2000 йиллардан бошлаб оммалашган бўлса [1, 2]. Марказий Осиё ҳудудида, жумладан Ўзбекистонда 2015 йилдан бошланди [4, 10].

2. Тадқиқот объекти ва методлари.

2.1. Тўпланган маълумотлар учун манбалар.

Тоғли Ўрта Осиё провенцияси Кўхистон округини таркибига кирувчи Ургут ботаник-географик районини тадқиқот объекти этиб белгиланган.


Ҳудуд филорасининг тўр тизимли харитасини яратишда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ботаника институтининг Ўзбекистон Миллий гербарийси (TASH) (2786 гербарий намуна), Россия Фанлар академиясининг Комаров номидаги Россия Ботаника институтининг гербарийси (LE) (32), М.В. Ломоносов номидаги Москва Давлат университети (MW) (217) ва Самарқанд Давлат университетининг гербарий фондларида (654) сақланаётган намуналар ҳамда 2017-2020 йилларда амалга оширилган дала тадқиқотлари давомида (1199 турнинг 3105 гербарий намунаси) йиғилган намуналаридан фойдаланилди.

2.2. Дала тадқиқотлари.

Мазкур тадқиқот иши флористикада кенг қўлланилиб келинаётган классик ҳамда замонавий методларнинг уйғунлигида амалга оширилган. Дала тадқиқотлари 2017-2020 йилларнинг март ойидан август ойига қадар амалга оширилди. Дала тадқиқотлари А.И. Толмачев [6], Б.А. Юрцев [9], А.В. Щербаков, С.Р. Майоровлар [8.] томонидан ишлаб чиқилган методлардан фойдаланилган ҳолда олиб борилди. Шунингдек тўр тизимли хариталаш учун мақсадли ташкил этиладиган дала тадқиқотлари усуллари қўлланилди [12, 14].

2.3. Тўр тизимли харита яратиши.

Тадқиқот ҳудудининг тўр тизимли харитаси ArcGis (10.5.) дастурида “Atlas Flora Europa”, ҳамда Серегин (2014) ва Чепинога (2017) услубларидан фойдаланиб 5x5 км квадратларга ажратилди. Катаклар алфавит харфлар ва сонлар иштирокида индекслар билан номланди. Катакларга ажратишда Зарафшон тизмаси ва унга ёндош бўлган ҳудудларнинг табиий шароитлари, рельеф хусусиятлари ва географик ўрни (38.9°-39.8° шимолий кенглик ва 66.2°-67.5° шарқий узоклик) ҳисобга олинди. Ҳосил бўлган умумий катаклар сони 277 ташкил этди (1-расм).



1-расм. Тадқиқот ҳудудининг тўр тизимли харитаси

3. Олинган натижалар ва уларни таҳлили:

3.1. Хариталашда инобатга олинadиган асосий жиҳатлар.

Маълум бир ҳудуд флорасида тарқалган ўсимлик турларининг гербарий намуналари координаталарининг аниқлик даражисининг юқори бўлиши керак шунингдек, турли йилларда амалга оширилган лойиҳа ҳисоботлари, геоботаник қайтномалар ва илмий асарлар ёрдамида амалга оширилди. Турларнинг тўр тизимли хариталарини яратишда қуйидаги асосий хусусиятини эътиборга олиш керак: катакларда турлар учраши тўғрисидаги маълумотларга ҳар доим ҳам эътиборга олиш тўғри эмас, чунки флора учун олинган янги маълумотлар, катаклардаги турлар сонининг ортишига хизмат қилади [10].

3.2. Тўр тизимли хариталашнинг назарий аҳамияти.

Бундай таҳлиллар натижасида, ҳудудда тарқалган турларни катта ёки жуда кичик майдонларни эгаллаганлиги ҳақидаги маълумотларни, эга бўлиш имкон беради ҳамда тадқиқот ҳудуди бўйлаб олиб борилган дала тадқиқотларининг сифатини ҳам белгилайди.

Ҳозиргача локал флораларда олиб борилган флористик тадқиқотларда, ўрганилаётган ҳудудга нисбатан юзаки ёндошиб келинган ва дала тадқиқотлари давомида гербарий намуналари йиғишга бўлган эътибор ниҳоятда пастр бўлган (Масалан, бор ёки йўк, плюс ёки минус ва бошқ.). Шуларни инобатга олган ҳолда, мазкур усулни УБГР флорасидаги 1281 турни 277 та катаклар бўйича тарқалишини гуруҳларга ажратилди (1-жадвал).

1-жадвалда келтирилган гуруҳлар Мешера миллий боғи ва Владимир вилояти флораларида ҳам қабул қилинган ва флорани ўрганишга бўлган тадқиқотларда фойдаланиб келинмоқда [3].

Тўр тизимли хариталашда келтирилаётган маълумотларнинг аниқлик даражасини ортиши, таҳлил учун жалб этилган маълумотларнинг ҳажмига боғлиқ бўлади. Шунинг учун, турларнинг флорада тарқалишини аниқлашда мавжуд (TASH, MW, LE, СамДУ) гербарий фондларида сақланаётган намуналарни, мавжуд геоботаник қайдномаларни ўрганиш ва дала тадқиқотлари давомида олинган натижалар асос қилиб олинди.

УБГР флорасида аниқланган 1281 турнинг ажратилган 277 катаклар бўйича тақсимланиши мулоҳаза ва мунозараларга сабаб бўладиган натижаларни кўрсатди.

Флорасидаги 1281 турнинг тўр тизимли хариталарда тарқалишини тўртта гуруҳга ажратилиб таҳлил қилинди (1-жадвал).

1-жадвал

Турларни катаклар бўйича тақсимланиши

Катаклар сони	Турлар сони	Умумий турлар сони, %
10 тагача	973	75,95
50 тагача	298	23,32
100 тагача	10	0,78
100 дан ортиқ	-	-

Биринчи гуруҳга, жами 277 та катакдан 10 тагача катакда учрайди турлар мансуб бўлиб, улар 973 турни ёки умумий флоранинг 75,95% ташкил этади (1-жадвал). Тўр тизимли харитада 10 тагача бўлган катакларда турларнинг учраши юқорилиги камёб, эндем ва Қизил китобга мансуб турлар ўз ичига қамраб олганлиги ҳамда полимор оилалар қаторидан ўрин олган Asteraceae, Fabaceae, Boraginaceae, Poaceae, Сурегасеае, Brassicaceae ва бошқа оилалар вакилларида нисбатан камроқ гербарий намуналар йиғилганлиги билан изоҳланади. Шунингдек, асосий дала тадқиқотлари ўрта ва юқори тоғ минталарида олиб борилганлиги, инвазив ва адвентив турлар бой бўлган, аҳоли яшаш пунклари, экин майдонларида дала тадқиқотлари камроқ олиб борилганлиги билан асослаш мумкин.

Турларнинг катаклар бўйича тақсимланишининг навбатдаги гуруҳга, умумий катакларнинг 50 тагача катакларда тарқалган турлар киритилди. Уларнинг сони 298 турни ташкил этади ва флоранинг 23,32% ташкил этади холос. Asteraceae (42 тур), Fabaceae (21 тур), Lamiaceae (18 тур) оилалар вакиллари катакларда тарқалишига кўра, қолган оилаларга нисбатан, бу гуруҳга ўстунлик қилиши аниқланди. Иккинчи гуруҳга *Cousinia*, *Artemisia*, *Scorzonera*, *Geranium*, *Medicago*, *Ranunculus*, *Bromus* каби туркумлар турлари етакчи ҳисобланади. Мазкур гуруҳга мансуб бўлган 298 турдан 4 тури *Cousinia integrifolia* (37 та

катакда), *Oxytropis tachtensis* (39), *Erodium ciconium* (42), *Sophora pachycarpa* (45) катакларда тарқалишига кўра, қолган турларга нисбат кўпроқ каатаклардан гербарий намуналари йиғилганлиги маълум бўлди.

Тадқиқот ҳудуди бўйлаб кенг тарқалган турлар максимал даражада 100 тагача бўлган катакларни эгаллайди. Бироқ, уларнинг сони 10 турдан ортмайди. Улар 5 оилага мансуб бўлиб, Hypericaceae (*Hypericum perforatum* 53 та катак, *Hypericum scabrum* 61 та), Amaryllidaceae (*Allium verticillatum* 56 та), Iridaceae (*Iris magnifica* 61 та), Lamiaceae (*Ziziphora clinopodioides* 68 та, *Phlomis salicifolia* 73 та) Liliaceae (*Tulipa fosteriana* 58 та, *Tulipa turkestanica* 79 та), Ranunculaceae (*Ranunculus rufosepalus* 86 та, *Ranunculus sewerzowii* 91 та) каби турлардан иборат. Бу оила вакилларининг гербарий намуналари кенгрок майдондан терилганлиги ва кўпроқ катакларни ташкил қилганлиги тадқиқотчилар томонидан сўнги йилларда олиб борилган мақсадли илмий сафарлар ташкил қилинганлиги билан боғлиқ.

100 ва ундан ортиқ катакларни қамраб олган турлар флора таркибида қайд этилмади. Тадқиқот ҳудудини тўла қамраб олган, барча ландшафт хилма-хилликларида ўсишга мослашган, экологик ва географик жиҳатдан диапозони жуда катта бўлган турлар ҳам кўпи билан 100 тагача бўлган катакларда қайд этилган холос.

Ўзбекистонда флора таркибини тадқиқ этишга бағишланган тадқиқотларда тўр тизимли хариталаш услубидан фойдаланилмаганлиги, шунингдек, маҳаллий флора таркибидаги турларнинг ҳудуд бўйлаб тарқалишининг ўзига хос хусусиятлари рақамли формат асосида ўрганилмаганлиги юқорида келтирилган натижаларни баҳолаш ва қиёслашга имкон бермайди. Бундан олинган асосий хулосалар қаторида маҳаллий флора хилма-хиллигининг инвентаризацияси ва биологик хужжатлаштиришга бағишланган замонавий тадқиқотлар максимал даражада гербарий намуналарини йиғиш, йиғмаларни қайд этишни тўла рақамли форматга ўтказиш, тўр тизимли хариталаш услубидан янада кенгрок фойдаланиш, дала ва фонд маълумотларни марказлашган ягона маълумотлар базасига аккумуляциялаш ва қолаверса, флора таркибини ўрганиш динамик жараён эканлиги алоҳида қайд этилади.

3.3. Камёб ва эндем турларни тўр тизимли хариталаш.

Тадқиқотлар давомида УБГР флорасидаги камёб, эндем ва Қизил Китобга мансуб бўлган 50 турни тўр тизимли хариталаш орқали тадқиқот ҳудуди бўйича тарқалишини таҳлили амалга оширилди.


Мазкур гуруҳ (10 тагача катакда) 50 турдан 40 турни ўзида жамлайди. Олиб борилган тадқиқотларимизда улардан 3 тур *Tulipa micheliana*, *Allium majus*, *Eremurus robustus* турлари 7 тадан (277 катакдан 2,57%) катакда тарқалганлиги аниқланди (2-расм). Шунингдек, ҳудуд флорасидаги 10 тур эса битта катакда тарқалганлигини кўришимиз мумкин (2-жадвал). Бу турларнинг асосий қисмини камёб, йўқолиб кетаётган турлар ташкил этади.

2-жадвал

Биринчи гуруҳга мансуб турларнинг флорада (катакларда) тарқалиши

№	Турлар	Катаклар (Ячейка)	Турлар сони	Жой номи
1	<i>Hedysarum amankutanicum</i>	O13	1	Омонқўтон кишлоғи
2	<i>Chondrilla maracandica</i>	И7	1	Сазағон кишлоғи
3	<i>Chondrilla tenuiramosa</i>	310	1	Самарқанд шаҳрининг Дарғом канали атрофи
4	<i>Tanacetopsis urgutensis</i>	H21	1	Қирқарча довони
5	<i>Lepidium uzbekistanicum</i>	K5	1	Сарикқўл кишлоғи
6	<i>Astragalus stipulosus</i>	K10, П12,	1	Охайлик кишлоғи, Тахта-Қарача довони
7	<i>Hedysarum olgae</i>	O12	1	Тахта-Қарача довони
8	<i>Oxytropis litvinovii</i>	O13	1	Омонқўтон кишлоғи
9	<i>Cousinia dissectifolia</i>	O15	1	Аллярон тоғи
10	<i>Cousinia praestans</i>	O10	1	Аёкчи кишлоғи
11	<i>Koelipinia leiocarpa</i>	H14	1	Зинак кишлоғи
12	<i>Ziziphus jujuba</i>	П12	1	Тахта-Қарача довони.
13	<i>Lagochilus inebrians</i>	K6	1	Оқсой кишлоғи
14	<i>Phlomidioschema parviflorum</i>	H7	1	Чакмоқлитоғ


15	<i>Paonia hybrid</i>	H7	1	Чакмоқлитоғ
16	<i>Cerastium borisii</i>	K9, Л10	2	Оҳайлик сойи
17	<i>Silene oreina</i>	Л9, Л10	2	Оҳайлик ва Миронкул сойи
18	<i>Potentilla komaroviana</i>	H13, O13	2	Терсак, Омонқўтон қишлоқлари
19	<i>Jurinea asperifolia</i>	O13, П12	2	Тахта-Қарача довони, Омонқўтон қишлоғи
20	<i>Serratula lancifolia</i>	P19, C19	2	Китоб қуриқхонаси, Мадмон қишлоғи
21	<i>Asperula nuratensi</i>	H19, H21	2	Полвон қишлоғи атрофи
22	<i>Mentha pamiroalaica</i>	C17, C20	2	Ошкон, Деновбола қишлоқлари
23	<i>Phlomoidees sogdiana</i>	H14, O15	2	Зинак қишлоғи, Аллаярон тоғи
24	<i>Scutellaria poecilantha</i>	П11, П12	2	Тахта-Қарача довони
25	<i>Carex pamirensis</i>	K10, Л10	2	Оҳайлик қишлоғи, Оҳайлик сойи
26	<i>Platanus orientalis</i>	П15, П16	2	Хазрати-Башир қишлоғи.
27	<i>Cousinia adenophora</i>	H9, H16, O9	3	Хизалак, Қомангорон қишлоқлари
28	<i>Scutellaria botschantzevii</i>	M11, H8, H10, H11, O9	3	Лангар, Говҳона қишлоқлари
29	<i>Allium clausum</i>	H18, O17, O18	3	Чакмоқли тоғ
30	<i>Iris svetlana</i>	H18, H20, O18, П12,	4	Тахта-Қарача довони, Соғус, Ғиждувон қишлоқлари
31	<i>Acantholimon sarawschanicum</i>	K6, Л13, O12, O13	4	Тахта-Қарача довони, Қаратепа, Омонқутон, Оксой қишлоқлари
32	<i>Cousinia butkovii</i>	K6, Л7, H7, M16, H17	4	Оксой қишлоғи, Чакмоқлитоғ
33	<i>Elaeosticta seravschanica</i>	H12, H13, O13, O14, П13,	5	Терсак, Омонқўтон, Қизилтурук қишлоқлари
34	<i>Cousinia litvinovii</i>	K9, K10, H10, O9, O13	5	Миронкул, Оҳайлик, Омонқўтон, Аёқчи қишлоқлари
35	<i>Eryngium octophyllum</i>	K5, Л7, O18, П12, П13	5	Меҳнаткаш, Лангар, Соғус қишлоқлари Тахта-Қарача довони
36	<i>Eremurus aitchisonii</i>	K9, Л9, Л10, O13, O14,	5	Миронқўл, Оҳайлик, Омонқўтон, Қайнар қишлоқлари
37	<i>Phlomis linearifolia</i>	K6, K10, M7, H8, O14, П12	6	Қизилтурук, Лангар, Тарағай, Оксой, Оҳайлик, Аёқчи қишлоқлари, Тахта-Қарача довони
38	<i>Tulipa micheliana</i>	O10, O13, O14, П11, П12, П13, E11,	7	Аёқчи, Хасантепа, Омонқўтон қишлоқлари, Чупонота, Тахта-Қарача довони
39	<i>Allium majus</i>	П16, П17, П18, P16, P17, P18, C19	7	Хазрати-Башир, Мадмон, Деновбола қишлоқлари
40	<i>Eremurus robustus</i>	H16, H18, H19, O13, O14, O15, P12	7	Омонқўтон, Зинак, Қайнар, Соғус, Полвон қишлоқлари, Тахта-Қарача довони



2-расм. Биринчи гуруҳга тегишли турларнинг тарқалиш харитаси

Иккинчи гуруҳга мансуб турларнинг флорада тарқалиши

№	Турлар	Катак (Ячейка)	Турлар сони	Жой номи
1	<i>Astragalus chrysomallus</i>	K5, K6, J7, H10, H11, O11, O12, O13, O14, П11, П12	11	Оқсой, Чунқаймиш, Лангар, Қўруқсой, Аёкчи, Омонқўтон, Қизилтурук, Хасантепа қишлоқлари
2	<i>Tulipa ingens</i>	H12, H13, O12, O13, O14, П13, П14, H18, P16, P17, C17, C18	12	Терсак, Омонқўтон, Зинак, Тахта-Қарача довони, Жовуз қишлоқлари, Чакмоқлитоғ ва Аллаяронтоғи
3	<i>Tulipa korolkowi</i>	K6, K7, K10, L10, M10, M12, H8, H12, H13, H15, O10, O15, P9, П12, П13	15	Оқсой, Эгриқўл, Қўрқсой, Аёкчи, Терсак, Омонқўтон қишлоқлари, Тахта-Қарача довони, Аллаярон тоғи
4	<i>Silene popovii</i>	K6, K7, J7, J9, M8, M10, H8, H10, O12, O13, П12, П13, П14	13	Оқсой, Чунқаймиш, Тороғай, Қўруқсой, Миронқўл, Омонқўтон қишлоқлари ва Тахта-Қарача довони
5	<i>Elaeosticta paniculata</i>	K5, K6, L6, M18, O10, O11, O16, P7, P9, П10, C18, C19, T18	13	Меҳнатқаш, Оқсой, Чунқаймиш, Аёкчи, Лангар, Говхона, Жовуз қишлоқлари ва Китоб кўриқхонаси
6	<i>Dianthus uzbekistanicus</i>	K8, K9, J9, M9, H12, H15, O14, O16, П12, П13, P11, P12, C15, C18	14	Тахта-Қарача довони, Омонқўтон, Қайнар, Миронқўл, Тарағай, Жовуз қишлоқлари
7	<i>Salvia drobovii</i>	H12, H13, H14, П11, П15, П16, П17, P18, P11, P12, O13, O14, C18, C19,	14	Терсак, Қизилтурук, Омонқўтон, Қайнар, Зинак, Хазрати-Башир, Жовуз, Мадмон, Деновбола қишлоқлари, Тахта-Қарача довони, Китоб куриқхонаси
8	<i>Komarovia angiosperma</i>	K10, L10, M13, M14, H8 H14, O14, П12, П13, П16, П17, P18, P19, P20, C17, C18, C19, C20, C21, T16, T17	26	Қоратепа, Зенак, Оҳайлик, Терсак, Омонқўтон, Лангар, Қушчи, Хазрати-Башир, Жовуз, Мадмон, Ковзихона қишлоқлари, Қашқадарё, Жиннидарё ҳавзалари ва Зинчилбоғ сойлари
9	<i>Iris magnifica</i>	K6, L6, J10, M8, M9, H12, H13, H14, O9, O10, O11, O12, O13, O14, P9, П10, П11, П12, П13, П15, P10, P11, P12, C18, C19, T17, T18	27	Оҳайлик, Оқсой, Аёкчи, Тарағай, Ланган, Говхона, Қайнар, Терсак, Зенак қишлоқлари, Китоб кўриқхонаси, ва Қиртоғ, Аллаярон тоғлари



3-расм. Иккинчи гуруҳга мансуб турларнинг тарқалиш харитаси

Иккинчи гуруҳ (11–50 катак) 9 та турдан иборат бўлиб, улар 277 катакдан 39 (14%) тасида тарқалган, улардан 6 таси Қизил Китобга киритилган турлар (*Tulipa ingens*, *T. korolkowi*, *Silene popovii*, *Dianthus uzbekistanicus*, *Komarovia angiosperma*, *Iris magnifica*), қолган 3 тур (*Astragalus chrysomallus*, *Elaeosticta paniculata*, *Salvia drobovii*) эндем ва

субэндем турлар ҳисобланади. Турларнинг катакларда тарқалиши бўйича асосий натижалар 3-жадвалда келтирилган.


Юқорида келтирилган тўққизта турнинг тўр тизимли харитлаш таҳлили амалга оширилганда, энг юқори кўрсаткич П12 (*Astragalus chrysomallus*, *Tulipa korolkowi*, *Silene popovii*, *Dianthus uzbekistanicus*, *Komarovia angiosperma*) ва С18 (*Tulipa ingens*, *Elaeosticta paniculata*, *Dianthus uzbekistanicus*, *Salvia drobovii*, *Komarovia angiosperma*, *Iris magnifica*) катакларига тўғри келиб, уларда 6 тадан турлар учради. Энг кам кўрсаткич 22 та катакни ташкил этиб, уларда 1 тадан турлар тарқалган (3-расм). Мазкур гуруҳга катакларда тарқалишига кўра, юқори кўрсаткични *Iris magnifica* ўсимлиги 277 катакдан 27 таси тарқалган бўлиб, ҳудуднинг 9,74% ни эгалаган.

Учинчи гуруҳ ўзида 51-100 тагача катакларда тарқалган турлар мансуб. Кенг кўламли таҳлилларимиз натижасида 50 та турдан фақат *Tulipa fosteriana* Миллий Қизил Китобга киритилганлигига ва антропоген омиллар таъсири юқори эканлигига қарамай, ушбу гуруҳга мос келди. Ушбу тур ҳудуднинг 54 катакларига (тахминан 2700 г майдонда) тарқалган ёки умумий ҳудуднинг 19,49% ни эгаллаши аниқланди. Турнинг ҳудуд флорасида тарқалиши бўйича олинган маълумотлар 4-жадвал ва 4-расмда берилган.

4-жадвал

Tulipa fosteriana ўсимлигини УБҒР флорасида тарқалиши

№	Турлар	Катак (Ячейка)	Турлар сони	Жой номи
	<i>Tulipa fosteriana</i>	И6, К5, К6, К7, К8, К9, Л7, Л8, Л9, Л10, Л11, М9, М10, М11, М15, М16, Н11, Н12, Н13, Н14, Н15, Н16, Н17, Н18, Н19, Н20, О9, О10, О11, О12, О13, О14, О15, П10, П11, П12, П13, П14, П15, П16, П17, П18, Р15, Р16, Р17, Р18, С17, С18, С19, Т14, Т15, Т16, Т17, Т18	58	Оқсой, Тағай, Лангар, Говҳона, Қўруксой, Аёқчи, Миронқўл, Терсак, Омонкутон, Қайнар, Қизиктурук, Зинак, Команорон, Сайгус, Полвон, Муминобод, Хазрати-Башир, Жовуз, Модмон, Деновбола қишлоқлари, Тахта-Қорача довони, Китоб кўрикхонаси, Қурғонтоғ, Қирқтоғ, Чакмоқлитоғ, ва Алляронтоғи



4-расм. *Tulipa fosteriana* ўсимлигининг тарқалиш ва йиғмалар зинчлиги бўйича харитаси

Хулоса. Юқорида келтирилган маълумотларга таянган ҳолда, шундай хулоса қилиш мумкин, ҳозирга қадар олиб борилган флористик тадқиқотларга таянган ҳолда берилган бўлиб, дала тадқиқотлари натижасида гербарий намуналарини теришга бўлган этибор ниҳоятда паст бўлган. Бундан сўнг, табиий ҳудудларни флорасини ўрганишга қаратилган тадқиқотларда тўр тизимли хариталаш методикаси қўллаш ва интевсив равишдаги гербарий намуналарини тўплаш ҳамда маълумотлар базасига керитиш билан боғлиқ ҳолда олиб бориш керак деб ҳисоблаймиз.

Миннатдорчилик. Мазкур тадқиқот ишини бажаришда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ботаника институтининг Ўзбекистон флораси лабораториясида бажарилган фундаментал №ВА-ФА-Ф5-010 ҳамда амалий №ПЗ-20170925347 лойиҳаларига, Ўзбекистон Миллий гербарийси (TASH) ва Самарқанд Давлат университетининг гербарийси фондининг илмий ходимларига ўз миннатдорчилигимизни билдирамыз.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ефимов П.Г. Орхидеи северо-запада Европейской России. 2-е изд. – М., 2012. – С. 4-220.
2. Начичко В.О., Гончаренко В.И., Буджак В.В., Прокопьев А.И. Поширення видів роду *Thymus* L. (Lamiaceae) на території чернівецької області (Україна) // *Biol. Stud.* 2017: 11(1). 117–134.
3. Серегин А.П. 2014 г. Флора Владимирской области: анализ данных сеточного картирования // Товарищество нау. изд. КМК. Москва 2014. – С. 418.
4. Тожибаев К.Ш., Бешко, Н.Ю., Кодиров У.Х. Акбаров. Эндемичные и редкие виды флоры идентификация ключевых ботанических территорий в западной части зеравшанского хребта // Гулистон хабарномаси, 2019. – Б. 9-20.
5. Толмачев А.И. Основы учения об ареалах. – Л.: Наука, 1962. – 107 с.
6. Толмачев А.И. Введение в географию растений. – Л.: ЛГУ, 1974. – 244 с.
7. Чепинога, В.В., Петухин В.А., and Стальмакова Д.П. "Результаты сеточного картирования сводки «Флора Центральной Сибири» (1979) в цифровом формате: итоги и перспективы использования." *Растительный мир Азиатской России* 3 (2017): 27.
8. Щербаков А.В., Майоров С.Р. Инвентаризация флоры и основы гербарного дела (Методически Флора сосудистых растений с рекомендациями). – Москва: Товарищество научных изданий КМК, 2006. – С. 48.
9. Юрцев Б.А. Флора Сунтар-Хаята. – Л.: Наука, 1968. – 238 с.
10. Кодиров У.Х. Ургут ботаник-географик райони флораси: Дис...канд биол наук.–Тошкент, 2020.–123 б.
11. Atlas Florae Europaeae (AFE) – Distribution of Vascular Plants in Europe. <https://www.luomus.fi/en/atlas-florae-europaeae-afe-distribution-vascular-plants-europe>
12. Braithwaite, Michael, and Kevin Walker. 50 Years of Mapping the British and Irish Flora. Henry Ling Limited, 2012. – P. 44.
13. Jackson, S.F., Walker, K., Gaston, K.J., Relationship between distributions of threatened plants and protected areas in Britain. *Biological Conservation*, 2009. – P. 1515-1522.
14. Lajos Balogh, István Dancza and Gergely Király. Preliminary report on the grid-based mapping of invasive plants in Hungary. *Biological Invasions: from Ecology to Conservation. Neobiota*, 2007. №7. – P. 105-114.
15. Otýpková Z., Chytrý M., Tichý L., Pechanec V., Jongepier J.W. & Hájek O. Floristic diversity patterns in the White Carpathians Biosphere Reserve, Czech Republic // *Biologia*, 2011 №66/2: 266-274.
16. Preston C.D., Pearman D.A. and Dines T.D. *New Atlas of the British and Irish Flora*: Published by Oxford University Press, 2002. – 912 p.
17. Sennikov A.N., Tojibaev K.Sh, Khassanov F.O., Beshko N.Yu. The Flora of Uzbekistan Project // *Phytotaxa*, 2016. –P.107-118.

УЎК 598.252.3

ЖАНУБИЙ ҚИЗИЛҚУМ СУВЛИКЛАРИДА ВИШИЛДОҚ ОҚҚУШ (*CYGNUS OLOR* G.1789) НИНГ ТАРҚАЛИШ ЭКОЛОГИЯСИГА ДОИР МАЪЛУМОТЛАР

М.М. Тўраев, б.ф.н., доц., Бухоро давлат университети, Бухоро
Р.Р. Рахмонов, PhD, Бухоро давлат тиббиёт институти, Бухоро

Аннотация. Мақолада Ўзбекистоннинг чўл зонаси сувликларида вишилдоқ оққуши (*Cygnus olor* G.1789) ларнинг мавсумий ва ҳудудий тарқалиш экологияси, сони ва уя қуришидаги ўзига хос хусусиятлари, унга таъсир этувчи экологик омиллар ва бу таъсирларга қушларнинг мослашиш кўринишлари ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: чўл зонаси, колония, экологик омиллар, адаптация.

Аннотация. В статье проводятся данные по экологии–лебедя шипуна (*Cygnus olor* G.1789) одна из редкие и малочисленные гнездящихся птиц на водоемах пустынных зон Узбекистана, их перераспределении, образовании гнездовой колонии, влияющие факторы и особенности приспособления птиц.

Ключевые слова: пустынная зона, колония, экологические факторы, адаптация.

Abstract: The article presents the data on the ecology of *Cygnus olor* (G.1789) in the reservoirs of desert zones of Uzbekistan, the ways of colony formation, the influencing factors and features of the adaptation of birds.

Key words: desert zone, colony, environmental factor, adaptation.

КИРИШ. Бизга маълумки биотопларда бўладиган ҳар қандай ўзгариш, энг аввало биоценоздаги ўсимлик ва ҳайвонот олами вакиллари ҳаётида маълум ўзгаришлар асосида намоён бўлади. Қушлар олами вакиллари ҳам атроф муҳитда бўлаётган ўзгаришларни ўзининг ҳатти ҳаракатлари билан намоён қилувчи экологик “индикатор”лар саналади. Инсон баъзан атроф-муҳитда юзага келган биотик ёки абиотик омилларнинг оқибатларини ушбу кўрсаткичлар орқали сезади ва баҳолайди (Тураев,2019).

Республикамизнинг Оролбўйи сувликлари ва унинг теварагидаги тўқайзорлар узок йиллар давомида ҳудуд ҳайвонот олами вакилларининг, шу жумладан қушларнинг сеvimли маскани сифатида танланган. Аммо 1950 йиллардан бошлаб, юзага келган ноқулай экологик ҳолат барча ҳайвонот олами вакиллари қатори сув ва суволди қуш турлари ҳаёти учун салбий таъсирни кўрсата бошлади. Натижада, бир қатор турлар қисқа вақт мобайнида ҳудудни бирин кетин тарк этди. Бу ҳолат уларнинг республикадаги тарқалиш экологиясини қайта таҳлил этишни тақозо қилади.

Худди шу ўзгаришлар Республикамизнинг марказий ва жанубий шарқий вилоятлари орнитофаунасида ҳам турларнинг этологик хусусиятларига, тарқалиш ҳолатига, учраш характерини ўзгаришига олиб келганлигини таъкидлаш лозим. Қуйида баён этилаётган маълумотларда республикамизнинг чўл зонасида жойлашган сувликлар орнитофаунасида сўнгги ўн йилликда кириб келиб, уя қуриш ҳаракатлари кузатилаётган, республикамиз орнитофаунасининг кам сонли турларидан бири бўлган, вишилдоқ оққуш (*Cygnus olor* G.1789) ҳақида маълумот берилмоқда.

Материал ва методика. Баён этилаётган ушбу маълумотлар Қизилқумнинг Жанубий-Ғарбий қисмида шакланган Қорақир, Замонбобо, Денгизкўл, Хадича, Зикри, Чўчкаҳона кўллари, Тўдакўл сув омбори ва Когон балиқчилик хўжалиги ҳовузларида 2000-2020 йиллар давомида олиб борилган кузатишларимиз асосида олинди. Кузатишларимиз давомида сув ҳавзаларда рўйхатга олинган 132 қуш турлари орасида ҳаёти сувлик билан боғлиқ бўлган Ўзбекистон ва Ҳалқаро “Қизил китоб”ларига киритилган қушларнинг 16 турини қайд этилганлигини таъкидлаш лозим. Қуйида шундай турлардан бири - вишилдоқ оққуш (*Cygnus olor* G.1789) ҳақидаги сўнгги маълумотлар баён этилади.

Ишда вишилдоқ оққушнинг сони, тарқалиш экологияси ҳақидаги маълумотлар таҳлили Новиков (1949) методикаси асосида, қушларнинг тарқалиш экологияси Кашкаров (1927) методикаси асосида, турнинг жамоавий таҳлили Лановенко, Фелатов, Фелатоваларнинг 2017 методикасидан фойдаланилди.

Натижалар таҳлили. Ўтган асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Оролбўйи районларида кузатилган экологик ўзгаришлар туфайли Орол денгизи теварагидаги сув сатхининг кескин пасайиши ва ҳудудда бир қатор сув ва суволди турлар жумладан вишилдоқ оққушларнинг тарқалиш ареали ва уларнинг учраш хусусиятларида ҳам ўзгаришлар кузатила бошланди. Натижада 1970-90 йилларга келиб оққушларнинг республикамизнинг марказий ва жанубий шарқий районлари буйлаб тарқалиши кузатила бошланди. Бу ҳолатнинг бош омили, Республикамизнинг марказий районларида дарё сувларини қишлоқ хўжалик экин далаларига режасиз йуналтирилиши туфайли Республикамизнинг марказий ва жанубий-шарқий вилоятларида янги сув ҳавзалар – кўллар, сув омборлар ва балиқчилик ҳовузларининг

майдони йилдан-йилга кенгайиб борганлиги, Республикамизда ҳаёти сув ҳавзалар билан боғлиқ бўлган қушларни қайта тақсимланишига олиб келди (Тураев, 2017).

Республикамиз сувликларида вишилдоқ оққуш (*Cygnus olor G.1789*) лар учиб ўтувчи, уя қурувчи ва қишлоқчи тур саналади. Адабиётларда ўтган асрнинг сўнгги ўн йилликларига қадар оққушларнинг республикамиздаги асосий уя қуриб кўпайиш ҳудудлари сифатида Қуйи Амударё сув ҳавзалари ва Орол денгизининг жанубий соҳиллари кўрсатилган. Аммо яқин йилларга қадар оққушларнинг Бухоро вилояти сувликларида учиб ўтувчи ва баъзан қишлаб қолувчи тур сифатида қайд этилган (Маслов, 1947, Салихбаев, Остапенко, 1967, Сагитов, 1989) бўлса, бугунги кунда ушбу ҳолат ўзига хос манзарани намоён этмоқда. 1990-2020 йиллар давомида Хоразм, Бухоро, Навоий, Қашқадарё вилоятлари сувликларида мазкур турнинг маҳаллий популяцияси шаклланиб бораётганлигини кўрсатмоқда.


Биргина Бухоро ва Навоий вилоятлари сувликларида олинган маълумотларимиз тахлили оққушлар мунтазам учрашини ва 2000-2002 йиллардан бошлаб, тур вакилларининг кўпайишда иштироки ҳам кузатила бошлади ва тур ҳудуд орнитофаунасида ўтроқ турлар қаторида кириб бораётганлигини кўрсатмоқда. Бугунги кунда ишилдоқ оққушлар Бухоро, Навоий ва Қашқадарё вилоятларининг бир қатор йирик сув ҳавзаларида сон жиҳатдан ошиб бораётганлигини кузатишмоқда. Кўп йиллик кузатишларимиз давомида йил мавсумларига қараб Бухоро ва Навоий вилоятлари сувликларида 120 тадан 5667 тагача сонда учраши фикримизнинг далилидир.

1-жадвал

Бухоро ва Навоий вилоятлари сув ҳавзаларида вишилдоқ оққуш (*Cygnus olor G.*)лар сонининг мавсумий ўзгариши

Йил мавсумлари	Сув ҳавзалари бўйлаб тарқалиши						
	Қорақир	Зикри	Хадича	Замон-бобо	Денгиз-кўл	Оғит-ма	Тўдакўл с/о
Баҳор	440	67	48	280	3467	387	886
Ёз	34	12	38	124	265	28	68
Куз	69	33	89	346	544	78	559
Қиш	220	32	47	465	3687	320	584
	763	144	222	1215	7763	813	2094

Кузатилган сувликларда йил давомида жами бўлиб - 12000 тадан кўпроқ оққуш учрайди. Олинган маълумотларнинг тахлили шуни курсатадики, ҳудуд сувликлари барча сув ва суволди қуш турлари сингари вишилдоқ оққушларнинг асосан баҳорги миграцияси учун катта аҳамиятга эга бўлган макон саналади. Бунда сув ҳавзаларнинг майдони, географик жойлашуви, экологик ҳолати ва озиқа захирасининг сероблиги ҳамда безовталантирувчи омилларнинг таъсир даражаси ҳал қилувчи рол ўйнаши қайд этилди.(1-расм).




1-расм. Бухоро ва Навоий вилояти сув ҳавзалари бўйлаб вишилдоқ оққуш (*Cygnus olor G.*)ларнинг сонининг мавсумий динамикаси

Шу нуқтаи назардан оққушлар сонининг асосий қисми энг қулай экологик имкониятга эга бўлган Денгизкўлда (60%) ва Тўдакўл сув омборида (16%) ва Замонбобо кўлида (9%) қуш қайд этилади. Хадича ва Зикри кўлларида оққушларнинг нисбаттан кичик сонда учраши,

ушбу кўлларнинг майдонининг кичиклиги ва сув сатҳининг тез-тез ўзгариб туриши, ҳамда антропоген таъсирларнинг юқорилиги ҳисобидан кузатилади.

Олинган натижаларимизнинг таҳлили, ёз мавсумида кузатилган сув ҳавзаларда вишилдоқ оққушларнинг энг кам сонда учрашини кўрсатади. Бу кўрсаткич, мазкур сув ҳавзаларда кўпайишда иштирок этувчи вакиллар сонини ташкил этади.



2-расм. Вишилдоқ оққуш (*Cygnus olor G.*) нинг сув ҳавзалари бўйлаб тарқалишининг йиллик кўрсаткичи (сони)

Оққушларнинг уя қуриш ҳаракатлар 1990-91 йилларда фақат Қорақир кўлида кузатилган бўлса (Шерназаров, 1991), 2000-2020 йиллар давомида ушбу ҳаракатларни Навоий вилоятининг Тўдакўл сув омбори, Бухоро вилоятининг Когон балиқчилик хўжалиги ҳовузлари, Қорақир, Замонбобо, Оёқоғитма, Хадича ва Зикри, Денгизкўл ва унга ёндош бўлган Жигдали кўл, Ойна кўл, Чўчкахона, Хужамсаёт, Лухли кўлларида ҳам қайд этилди (Тўраев, 2003; Тўраев, 2008, 2012; Тураев, Шерназаров, 2006; Азимов, Тураев, 2011; Тураев, Холбоев, 2017, Тураев, Рахмонов, 2019). (2-расм)


Бугунги кунда кузатилган сувликларида купайишда иштирок этувчи оққушлар сони тахминан 500-550 жуфтни ташкил этмоқда Уялар сув ҳавзаларидаги экологик шароитларга қараб турли кўринишда шакиллантирилишини таъкидлаш лозим. Жумладан Тўдакўл сув омбори, Когон балиқчилик хўжалиги, Зикри ва Чўчкахона кўлларида уялар сув ҳавзаларнинг камийиш уюмларида жойлаштирилса, Замонбобо, Қорақир кўлида қалин қамишзорнинг оролларида ерда, Денгизкўл ҳамда Хадича кўлларида сув ҳавзаларнинг ўт қопламисиз, “яланғоч”, очиқ қумли оролчаларда жойлаштирилганлиги қайд этилди.

2 жадвал

Сув ҳавзаларида кўпайишда иштирок этувчи оққушларнинг сони ва тарқалиши

Қайд этилган қушлар	Қорақир	Зикри	Хадича	Замон-бобо	Денгиз-кўл	Оғит-ма	Тўдакўл с/о
Ота-она қуш	68	24	36	48	84	20	32
Уялар сони	34	12	18	24	42	10	16
Жўжалар сони	102	40	54	64	126	34	49
Жами қуш	170	64	53	112	210	54	81


Уяда қўйиладиган тухумлар сони одатда 3-5 та (баъзан 7-9 тагача) ни ташкил этиб, йирик, оқ рангда бўлади. Тухумлар ранги тухум босиш давомида хиралашиб, нам туфайли палағда бўлган тухумлар кўкимтир ранга киради. Инкубация даври 35 кун. Июнь-август ойи давомида тухумдан жўжалар чиқади ва полапонлар уяларни тарқ этиб, она қушга эргашиб суза бошлайди. Қайд этилган уяларда ота-она қушлар билан бирга сузиб юрган жўжалар сони 1-4 тагача бўлишини учратиш мумкин. Бу ҳолат турли ноқулай экологик омиллар туфайли жўжаларнинг 1/3 қисми тухумлардан жужа очилгунча бўлган вақтда нобуд бўлишини кўрсатади. Кузатилган сув ҳавзаларда оққушларнинг жўжа очиш салмоғи-қалин қамишзорли Хадича, Зикри, Қорақир ва Денгизкўл кўлларида нисбаттан юқори бўлишини кўрсатди. (3-расм)



3-расм. Сув хавзаларида кўпайишда иштирок этувчи оққушларнинг сони ва тарқалиши динамикаси

Оққушларнинг кўпайиш муддати апрель ойининг сўнгги кунларидан бошланиб, май ойининг охиригача давом этади. Кузатишлар олиб борилган сув хавзаларда уяларда илк тухум босиш бошланган 3 та тухумли уя 03.05.2008 да Хадича кўлида қайд этилган бўлса, энг кеч қайд этилган 2 та тухумли уяни 22.06.1992 йилда Қорақир кўлида қайд этдик. Қушнинг кузги миграцияси сентябр-октябр ойларидан бошланиб, ноябр ойининг сўнгги кунларигача давом этади ва февралгача қишлаш учун танлаган сувликларида тўпланади.

Олинган маълумотларимиз тахлили кузги миграцияси даврида оққушларнинг сув хавзалардаги сони ортиб боришини кўрсатади. Бундай ҳаракатлар гарчи барча сув хавзаларда кўзга ташлансада, уларнинг асосий сони қулай экологик имкониятли йирик сув хавзаларда Денгизкўл, Оёк-оғитма, Қорақир, Замонбобо кўллари ва Тудакўл сув омбори каби сув хавзалари қушларнинг асосий тўпланиш марказлари саналади. (4-расм).



4-расм. Вишилдоқ оққуш (*Cygnus olor G.*)ларнинг сув хавзалари бўйлаб тарқалишининг йиллик кўрсаткичи (сони)

Аммо вишилдоқ оққушларнинг кузги миграция муддати куз мавсумидаги ҳаво ҳароратига қараб турлича бўлиши кузатилади. Ҳаво салқин келган йилларда октябр ойининг сўнгги кунлариданоқ оққушлар худуднинг асосий қишлаш маркази саналган Денгизкўлда йиғилса, куз ҳавоси иллик келганда қушлар вилоят сувликлари бўйлаб озикланишда бўлади ва ноябр ойининг охириги кунларига келиб Хадича, Зикри ва Денгиз кўлда йиғилади.

Хулоса қилиб айтганда чўл зонасида сунъий сув хавзаларнинг вужудга келганлиги сув ва суволди қушларнинг айниқса Орол популяцияси вакиллари ҳаётида катта аҳамиятга эга бўлаётганлигини таъкидлаш лозим. Шу нуқтаи назардан сунъий сув хавзалар республикамиз орнитофаунаси вакиллари тарқалиш ареалини кенгайтиришда ижобий аҳамият касб этмоқда.

Бугунги кунда оққушларнинг йил давомидаги стабил сони Бухоро ва Навоий вилоятларининг Замонбобо, Қорақир кўллари ва Денгизкўл сув омборида кузатилса, Зикри, Хадича, Оғитма каби кўллар ва Тўдакўл сув омбори сувликлари оққушларнинг асосан миграцияси ёки кичик сонда уя қуриш маскан саналади.

Худуд сувликларидида оққушларнинг энг катта мавсусий кўрсаткичи, йилнинг кузги миграцияси даврида ва иллик киш мавсумларида Денгизкўл ва унга ёндош бўлган Девхон, ҳамда Заомбобо кўлларида, купайиш мавсумида эса Қорақир, Замонбобо, Зикри, Хадича кўллари ва Когон баликчилик хўжалиги ҳовузлари, Чўққахона, ҳамда Хўжамсайёд кўллари (майдонининг катта-кичиклигидан қатъий назар муҳими оққушларнинг уя қуриш учун қулай камишзорларга эгаллиги учун) кўпайиш мавсумида оққушларни жалб қилувчи асосий марказлардан саналади.

Аммо бу сув ҳавзаларда мазкур турларнинг худудда мослашиб қолишига халақит берувчи бир қатор негатив жиҳатлар ҳам кўзга ташланади. Булар;

- купайиш мавсумида сув ҳавзаларида сув сатҳининг тез-тез бошқарилиши;
- сув ҳавзалар теварагидаги камишларнинг ўриб олиниши;
- сув ҳавзалари теварагидаги камишзорларда чорва молларини боқилиши;
- қишда ва айниқса баҳорда қуруқ камишзорларга “ўт” қўйиб ёқиши;
- броконерлар томонидан рухсатсиз овларнинг мавжудлиги;
- қуш уяларидан тухумларнинг йиғиб олиниши - каби салбий ҳолатлар оққушларни учраш худудини тез-тез ўзгартириб туришига олиб келмоқда ва бу қушларни сув ҳавзаларда доимий мослашиб қолишига ҳалал бермоқда. Шундан келиб чиқиб кузатилган сувликларда оққушларнинг тўлиқ мослашган турғун популяцияси шакилланиши ҳали давом этмоқда деган хулосага келишимиз мумкин.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Залетаев В.С. Природная среда и птицы северных пустынь Закаспия Издательство «Наука» Москва, 1968г.
2. Кашкаров, Д.Н. Метод количественного изучения фауны позвоночных и анализ полученных данных: Тр. Ср.Гос. университета, сер.8. Зоол., вып.1. 1927. Ташкент. Изд-во Ср.Гос. ун-та. С.3-24.
3. Кашкаров Д.Ю., Павленко Т.А. Методические указания по учету численности охотничье-промысловых животных в условиях Узбекистана. Инф. сооб. АН УзССР, Институт зоологии и паразитологии. «ФАН», 1975.
4. Ковшарь В.А. План действий по управлению глобально значимыми видами птиц Астана-Алматы, 2010., С. 97.
5. Лановенко Е.Н., Филатова Е.А. Методические рекомендации по проведению орнитологического мониторинга на водоемах Южного Узбекистана. Ташкент, 2017, С.22.
6. Рустамов А.К., Ковшарь А.Ф. Птицы Средней Азии Том.1. Алматы 2007г
7. Сагитов Р.А., Пукинский Ю.Б., Пукинская М.В. Современные поселения веслоногих и голенастых птиц на озерах Каракыр Бухарской области//Фауна и экология птиц Узбекистана. – Самарканд 1989 г., 193-205 стр.
8. Тўраев М.М. Амударё қуий оққушлари сув ҳавзаларида сув ва суволди қушлари фаунаси, экологияси. Диссертацияси материаллари, Тошкент, 1995 й.
9. Тўраев М.М. Каравайка (*Plegadis falcinellus* L.1766) нинг тарқалиш экологиясига доир янги маълумотлар.// Ўзбекистон Республикаси биохилма-хиллигининг экологик муаммолари Республика илмий амалий конференцияси материаллари. Навоий. 2006. 48-50 бетлар
10. Turaev Mukhtor Ecological change in the Aral region; adaptations by the spoonbill and black-crowned night heron. Disaster by Design; The Aral Sea and its Lessons for Sustainability. Emerald 2012, 283-290
11. Тураев М., Шерназаров Э. Гнездящиеся птицы Тудакульского водохранилища (Юго-Западный Узбекистан)//Казахстанский зоологический ежегодник Selevinia. 2006, 206-208 с.
12. Шерназаров Э. Антропогенная трансформация фауны, населения и экологии водных и околоводных птиц Узбекистана. Автореферат док. Диссертации. Ташкент, 1996 г.
13. A.Ten, R.Kashkarov, G.Maketova, M.Turayev. Akpetky lakes, Sarykamysh lake, Ayakaghytma lake, and their desert surrounds: three new Important Bird Areas in Uzbekistan Sandgrouse 34. 2012г. 137-147с.
14. Азимов Н., Тураев М. Когон баликчилик хўжалигида уя қурувчи қушлар экологияси. УзМУ хабарномаси, 2011 й.
15. Тураев М., Холбоев Ф. Бухоро вилоятининг кам сонли ва ноди қушлари «Навруз» нашриёти, 2017 йил.
16. Тураев М.М. Рахмонов Р. Чул зонаси сувликларидида қушларнинг тарқалиш экологиясининг узига хос жиҳатлари. Маъмун академияси хабарномаси. 2019 йил, 3 сон. 17 б.
17. Turaev Mukhtor Murodovich; Kholliyev Askar Ergashovich. The role of environmental factors in the re-breeding of waterfowl in the steppe zone. Asian Journal of Multidimensional Research., TRANS Asian Research Journals <http://www.tarj.in> 2019, 71-79 .
18. Mukhtor Turaev. Ecological change in the aral region: adaptations by the spoonbill and black-crowned night heron

**ЎЗНИНГ Ғ, ОДДИЙ ВА МУРАККАБ ДУРАГАЙЛАРИНИНГ ТОЛА СИФАТ
КЎРСАТКИЧЛАРИ**

Б.О.Ўрозов, ПСУЕА илмий тадқиқот институти, Тошкент
П.Ш.Ибрагимов, ПСУЕА илмий тадқиқот институти, Тошкент
Ф.Н.Тореев, Тошкент давлат аграр университети
С.Расулов, ПСУЕА илмий тадқиқот институти, Тошкент

Аннотация. Бизнинг тадқиқотларда тола сифат кўрсаткичлари таҳлили асосида оддий ҳамда мураккаб дурагайлардан T-95, T-97, T-119 ва T-133 тизмалари бошқа оддий ва мураккаб дурагайлар ва андоза навига нисбатан тола сифати жаҳон андозалари талабларига жавоб бериши аниқланди.

Калим сўзлар: Тизма, тола, дурагай, тола сифати, HVI, микронейр, оддий ва мураккаб дурагайлар

Аннотация. В наших опытах на основе анализа показателей качества волокна простых и сложных гибридов было определено что качество волокна линий T-95, T-97, T-119 и T-133 отвечает требованиям мирового стандарта чем гибридов и стандартного сорта.

Ключевые слова: Линия, волокна, гибрид, качества волокна, HVI, микронейр, простой и сложный гибрид

Abstract. It was identified in our experiments that the quality of fiber in the lines of T-95, T-97, T-119 and T-133 on the base of analysis of fiber quality of simple and complicated hybrids meets the requirements of the world standards than hybrids and standard variety.

Keywords: Line, fibers, hybrid, fiber quality, HVI, microneir, simple and complex hybrid

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» нинг 3.3 бандида “касалликлар ва зараркунандаларга чидамли маҳаллий ер иқлим ва экологик шароитларга мослашган қишлоқ хўжалиги экинларининг янги селекция навларини ҳамда юқори маҳсулдорликка эга ҳайвонот зотларини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича илмий тадқиқот ишларини кенгайтириш вазибалари” кўрсатилган.

Маълумки ғўза ўсимлиги асосан толаси учун етиштирилади, шу сабабли тола сифати, тола чиқимини яхшилаш тола ҳосилдорлигини ошириш бўйича олиб борилган селекция ишлари ишлаб чиқаришнинг тўқимачилик саноати учун муҳим аҳамият касб этади.

Тола сифатини ошириш доимо асосий вазифа бўлиб келмоқда. Шу билан бирга, сертолалли ва сифати юқори бўлган навлар яратишда айрим муаммолар мавжуд. Биринчидан, тола чиқими ва сифати ўртасида салбий боғланишлар мавжуд W. R. Meredith [2] маълумотларига кўра, тола ҳосилдорлиги ва тола сифати ўртасида кучли салбий боғланишлар мавжуд. Австралия олими J.D.Clement маълумотида кўра, ҳосилдорлик ва тола сифатининг айрим белгилари орасида салбий корреляциялар борлиги аниқланди, айниқса тола узунлиги ва пишиқлиги ҳамда тола ҳосилдорлиги салбий даражада боғланган. Тола пишиқлиги ҳосилдорлик билан ижобий боғланганлиги маълум бўлди. Микронейр ва тола майинлиги ҳосилдорлик билан боғланмаганлиги аниқланди. Тола сифати белгиларини бошқарувчи генлар F₅ –F₆ авлодида ўз аддитив самарасини намойиш этади [3]. Тола сифатини пасайтирадиган яна бир омил-баргларнинг қолдиқларидир, чунки машина теримида сербаргли ўсимликларда ифлосланиш юқори бўлади. Баргдаги тукларни кескин камайтириш толанинг ифлосланишини камайтиради.

Республикамизда экилаётган ва янги яратилаётган ғўза навларини толанинг сифат белгиси жаҳон андозалари талабларига жавоб бериши пахтачиликда муҳим аҳамиятга эга. Толанинг сифат кўрсаткичлари “Сифат” сертификатлаш марказида HVI замонавий ўлчов асбобида аниқланди. Айрим биотик омилларга бардошли, морфоҳўжалик белгилари бўйича ижобий кўрсаткичларга эга бўлган ўрта толали ғўзанинг Ғ₉ оддий ва мураккаб дурагайлари

хамда андоза С-6524 навидан олинган намуналарда толанинг Mic, SCI, Lend (дюйм), UI (%) ва Str(g/tex) каби сифат кўрсаткичи таҳлил қилинди.

Жадвалда микронейр кўрсаткичи бўйича F₉ оддий дурагайларда 4.4 F₉ (РАТхТурон) дан, 4.7 F₉ (Бухоро-6хРАТ) гача, мураккаб дурагайларда эса Т-119,Т-131, Т-133 тизмаларда 4.3 дан, Т-115 ва Т-138 тизмаларда 4.5 гача бўлганлиги, ип игирувчанлик коэффиценти бўйича аниқланганда F₉ оддий дурагайларда 144 F₉ (Бухоро-6хРАТ) дан, 158 F₉ (БарҳаётхАндижон-35) гача, мураккаб дурагайларда эса 147 F₉ [(КЛТ-842)х(БарҳаётхАндижон-35)] дан, 154 F₉ [(Бухоро-6хРАТ)х(ТуронхАндижон-35)] гача эканлиги аниқланди. Андоза сифатида ўрганилган С-6524 навида микронейр кўрсаткичи 4.9 ни ип игирувчанлик коэффиценти эса 141 ни ташкил этди. Микронейр кўрсаткичлидан ва ип игирувчанлиги жаҳон тола сифати талабларига жавоб бермайдиган комбинациялар чикитга чиқазилди.

Тола узунлиги толани асосий сифат белгиларидан бири ҳисобланади. Ушбу белги бўйича F₉ оддий дурагайларда 1.15 F₉ (БарҳаётхАндижон-35) дюймдан, 1.20 F₉ (ТуронхАндижон-35) дюймгача, мураккаб дурагайларда эса 1.13 F₉ [(Бухоро-6хРАТ)х(БарҳаётхАндижон-35)] дюймдан, 1.19 F₉ [(РАТхТурон)х(Т-842хШодиёна)] дюймгача бўлиб, андоза навида эса 1.08 дюймни ташкил этди. Солиштираму узулиш кучи эса F₉ оддий дурагайларда 31.9 F₉ (Т-842хШодиёна) г/текстдан, 34.9 F₉ (РАТхТурон) г/текстгача, мураккаб дурагайларда эса 33.1 F₉ [(Бухоро-6хРАТ)х(ТуронхАндижон-35)] г/текстдан, 34.3 F₉ [(РАТхТурон)х(ТуронхАндижон-35)] г/текстгача бўлганлиги кузатилди. Андоза сифатида олинган С-6524 навида тола бирхиллиги 83.2 фоиз, солиштираму узулиш кучи эса 34.4 г/текстни ташкил этди.

Таҷрибаларда ўрганилган F₉ оддий ва мураккаб дурагайларни тола сифат кўрсаткичлари таҳлили асосида F₉ оддий дурагайлардан Т-95 ва Т-97 тизмалари ҳамда мураккаб дурагайлардан Т-119 ва Т-133 тизмалари бошқа оддий ва мураккаб дурагайлар ва андоза навига нисбатан тола сифати жаҳон андозалари талабларига жавоб бериши аниқланди. Ўрганилган намуналарда толанинг Mic, SCI, Lend (дюйм), UI (%) ва Str(g/tex) каби сифат кўрсаткичи кўрсаткичлари бўйича ижобий белгиларга эга бўлмаган комбинациялар чикитга чиқазилиб, жаҳон андоза талабларига жавоб берадиган янги тизмаларни бошқа айрим хўжаликка қимматли белгилари билан мужассамлаштириш мақсадида таҷрибаларни кейинги йилларда давом эттириш учун ажратиб олинди.

Жадвал

F₉ оддий ва мураккаб дурагайларнинг тола сифат кўрсаткичлари (2020 й).

№	F ₉ оддий ва мураккаб дурагайлар	Mic	SCI	Lend (дюйм)	UI (%)	Str (g/tex)
1	Т-76F ₉ (Бухоро-6хРАТ)	4.7	144	1.15	84.3	32.8
2	Т-87F ₉ (ТуронхАндижон-35)	4.6	157	1.20	85.3	34.5
3	Т-90F ₉ (БарҳаётхАндижон-35)	4.5	158	1.15	83.5	33.1
4	Т-95F ₉ (РАТхТурон)	4.4	153	1.19	85.7	34.9
5	Т-97F ₉ (Т-842хШодиёна)	4.4	152	1.17	85.0	31.9
6	Т-101F ₉ (ТуронхАндижон-35)	4.5	155	1.15	85.3	34.7
7	Т-107F ₉ (КЛхТ-842)	4.7	147	1.16	85.0	32.3
8	Т-115F ₉ [(Бухоро-6хРАТ)х(ТуронхАндижон-35)]	4.5	154	1.18	85.7	33.1
9	Т-119F ₉ [(Бухоро-6хРАТ)х(БарҳаётхАндижон-35)]	4.3	155	1.13	83.3	34.1
10	Т-131F ₉ [(РАТхТурон)х(ТуронхАндижон-35)]	4.3	150	1.15	85.2	34.3
11	Т-133F ₉ [(РАТхТурон)х(Т-842хШодиёна)]	4.3	157	1.19	85.3	33.7
12	Т-138F ₉ [(КЛхТ-842)х(БарҳаётхАндижон-35)]	4.5	147	1.16	84.7	33.8
	St С-6524	4.9	141	1.08	83.2	34.4

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентнинг 2017 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги Фармони

2. Meredith W.R., Notice of release of three noncommercial stocks of Upland cotton, DES 7A-ne, DES SL-ne, and DES DK-ne. Miss. Agr. and Forest. Exp. St. and U.D. Dept. Agr. Memo 1972. - P. 321-325.

3. Brubaker C.L., Brown A.D., Stewart J.M., Kilby M.J., Grace J.P. Production of fertile hybrid germplasm with diploid Australian Gossypium species for cotton improvement. Euphytica 1999;108(3): P.199-213.

УЎК 577.4:631.95

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ШИМОЛИ-ШАРҚИЙ ЗОНАЛАРИНИНГ
ШЎРЛАНГАН ТУПРОҚЛАРИНИНГ ФИЗИКАВИЙ ҲОЛАТИНИ ЭКОЛОГИК
БАҲОЛАШ**

*Утемуратова Г.Н., PhD, ЎзР ФА Қорақалпоқ табиий фанлар илмий тадқиқот институти,
Нукус*

*Наурызбаева З.Ш., кичик илмий ходим, ЎзР ФА Қорақалпоқ табиий фанлар илмий тадқиқот
институти, Нукус*

Бабаджанова Ш.К., PhD, Урганч давлат университети, Урганч

*Рустамова С.Р., мустақил изланувчи, ЎзР ФА Қорақалпоқ табиий фанлар илмий тадқиқот
институти, Нукус*

Бахтиёрова З. У., магистрант, Қорақалпоқ давлат университети, Нукус

Аннотация. Ушбу мақолада Қорақалпоғистон Республикаси шимоли-шарқий зоналарининг шўрланган тупроқларининг физикавий ҳолатини экологик баҳолаш билан боғлиқ бўлган ташкिलий масалалар тадқиқ этилган. Шунингдек, Республикада шўрланишнинг олдини олиш жараёнларини тўғри ташкил этиш борасида муаллиф ёндашувлари берилган.

Калит сўзлар: Шўрланиш жараёни, шўрланган тупроқлар, суғориладиган ер майдонлари шўрланиши, сув ресурслари танқислиги, ер деградацияси, чўлланишни кучайиши, биохилма-хилликнинг кескин камайиши.

Аннотация. В статье рассматриваются организационные вопросы, связанные с экологической оценкой физического состояния засоленных почв северо-восточных зон Республики Каракалпакстан. Приведены авторские подходы к правильной организации процессов предотвращения засоления в стране.

Ключевые слова: Процесс засоления, засоленных почв, засоления орошаемых земель, дефицит водных ресурсов, деградация земель, усиление опустынивания, резкое снижение биоразнообразия.

Abstract. The article discusses organizational issues related to the ecological assessment of the physical state of saline soils in the northeastern zones of the Republic of Karakalpakstan. The author's approaches to the correct organization of the processes of preventing salinization in the country are presented.

Keywords: The process of salinization, salinized soils, salinization of irrigated lands, scarcity of water resources, land degradation, increased desertification, a sharp decline in biodiversity.

Шўрланиш жараёнини ўрганиш ҳозирги кунда ушбу жараённинг ер шарининг турли минтақаларида жадал тарзда юзага келиши билан боғлиқ ҳолатда фавқулотда долзарб масала ҳисобланади. Евросиёнинг шўрланган тупроқлари рақамли харитаси бўйича шўрланган ерларнинг умумий майдони тахминан 242 млн. га ташкил этади. Бундай ерлар кўпроқ Қозоғистон, Россия, Туркменистон, Ўзбекистон, Украина ва Озарбайжонда тарқалган. Ҳозирги вақтда Марказий Осиёнинг 40-60% гача суғориладиган ер майдонлари шўрланиш ва ботқокланиш жараёнларига учраган [1.3.].

Ҳозирги вақтда Оролбўйи худудида юзага келган экологик инқироз табиий захираларнинг, жумладан тупроқларнинг ўзгариши ва деградациясига сабаб бўлмоқда. Оролбўйи минтақаси табиий компонентларининг, жумладан тупроқларининг экологик ҳолати ёмонлашиши кузатилмоқда. Орол денгизи қуришининг жадаллашуви, иқлим ўзгариши, хусусан ёғингарчиликнинг кам бўлганлиги Амударё куйи оқимида туз ва сув мутаносиблиги бузилишига, ерларнинг шўрланиши, унумдорлик даражаси пировардида

кишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигининг камайишига олиб келмоқда. Натижада сув ресурслари танқислиги, ер деградацияси, чўлланишни кучайиши, биохилма-хилликнинг кескин камайиши ва бошқа жиддий иқлим ўзгаришлари тобора чуқурлашиб бораётганлиги нафақат минтақамиздаги, балки дунёдаги экология ва атроф муҳит муҳофазасига бефарқ бўлмаган ҳар бир инсонда жиддий ташвиш уйғотмоқда. Суғориш ва тупроқларнинг шўрини ювиш меъёрлари даражасининг ортиши ер ости сувлари сатҳининг кўтарилишига олиб келмоқда, бу эса ўз навбатида тупроқлар шўрланишининг асосий сабабларидан бири ҳисобланади. Тупроқ шўрланиши кишлоқ хўжалик экинлари ишлаб чиқаришини сезиларли даражада чегаралайди, ўз навбатида озиқ-овқат хавфсизлигига салбий таъсир кўрсатади. Тупроқларнинг мелиоратив ҳолати ёмонлашиши билан боғлиқ ҳолатда тупроқларнинг сифат хусусияти – унумдорлиги ҳам сусайиши қайд қилинмоқда. Бу ҳолат эса ушбу ҳудуд тупроқлари таркибидаги гумус ва озуқа элементлари миқдорини ўрганиш масаласининг аҳамиятини белгилаб беради. Тупроқлар таркибидаги гумус ва озуқа элементлари миқдорининг камлиги, шунингдек ташқи муҳитнинг экологик жиҳатдан оғир шароитлари кишлоқ хўжалигида минерал ўғитлардан кенг миқёсда фойдаланиш талабини юзага келтиради. Бироқ, қайд қилиб ўтиш керакки, минерал ўғитлар ва кишлоқ хўжалигида бегона ўтларга, касалликлар ва зараркунандаларга қарши қўлланилувчи воситалар кўпинча ҳолатларда тупроқларнинг кимёвий таркибининг ўзгаришига олиб келади ва натижада элементларнинг биологик мувозанати бузилади, бу эса ўсимликларнинг ҳаёт фаолияти ёмонлашишига сабаб бўлиши мумкин [3.2.].

Иккиламчи шўрланиш ҳаддан ташқари ортиқча суғориш ва шўр ювиш натижасида, грунт сувларининг тез кўтарилишини олдини олувчи зовурлар билан етарлича таъминланмаган шароитда содир бўлади. Ҳозирги вақтда иккиламчи шўрланишнинг жадаллиги курғоқчил экотизимлар хавфсизлиги учун жиддий муаммони келтириб чиқармоқда [3.].

Тупроқларнинг эволюциясига таъсир кўрсатувчи омиллар орасида инсон фаолияти, яъни суғориладиган тупроқларнинг ижобий ёки салбий йўналишда ривожланиши, хосса ва хусусиятларининг шаклланиши, унумдорлигини ошириши ёки камайириши жуда муҳим ўрин тутиши таъкидлаб ўтилган. Инсоннинг тупроққа турлича таъсирларидан бири қуруқ иқлимли ҳудудларда уни суғориш жараёнлари оқибатида тупроқларнинг табиий ривожланиши ҳамда эволюциясини тўхтатиб, янги тупроқ ҳосил бўлиш жараёнларини бошлаб бериши тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Тупроқларнинг унумдорлигини сақлаш ва ошириш, шўрланган суғориладиган тупроқларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, шунингдек суғориш сувларидан, айниқса сув танқислиги шароитида тежамкорлик асосида фойдаланиш замонавий деҳқончилик фанларининг асосий масалалари ҳисобланади. [8.9.]

Жанубий Оролбуйи тупроқларининг хосса-хусусиятларини комплекс равишда ўрганиш мақсадида Амударё ва Чимбой туманлари мисолида тупроқларни шўрланиш даражасини ҳамда суғориш даври давомийлигини ҳисобга олган ҳолда танланган массивлардан 48 та асосий тупроқ кесмалари солиниб, генетик қатламларга ажратилди ва дала шароитида уларнинг морфологик белгилари ўрганилди. Тупроқнинг агрокимёвий, кимёвий, агрофизикавий хоссаларини лаборатория шароитида таҳлил қилиш учун генетик қатламлардан намуналар олинди. Биологик фаоллик учун 0-30, 30-50 ва 50-70 см чуқурликлардан йил мавсумлари (баҳор, ёз, куз) бўйича алоҳида стерилланган бюксларда тупроқ намуналари олинди.

Дала ва лаборатория тадқиқотлари умумқабул қилинган стандарт услублар бўйича амалга оширилган. Тупроқ таҳлиллари Аринушкинанинг «Тупроқнинг кимёвий таҳлиллари бўйича қўлланмаси», қўлланмалари бўйича бажарилди. [3.6.]

Тупроқнинг агрокимё ва кимёвий хоссаларидан гумус – И.В.Тюрин усулида; умумий азот – Къельдал усулида; умумий фосфор ва калий – бир намунада Мещеряков усулида; ҳаракатчан P_2O_5 ва алмашинувчан калий K_2O Мачигин-Протасов усулида; SO_4 гипс – 0,1н Cl


сўрими орқали; CO₂ карбонатлар – ацидиметрик усулида; тузлар миқдори – сувли сўрим орқали аниқланди.

Қишлоқ хўжалиги экинларининг нормал ҳолатда ўсиб ривожланиши учун ҳажм оғирлигининг энг мақбул қиймати ҳайдалма қатламда 1,1-1,3 г/см³ни ташкил этади. Табиийки бу кўрсаткичнинг кескин ошиши ўсимликларнинг ўсиши учун ноқулай шароит туғдиради. Тупроқнинг ҳажм оғирлиги нафақат унинг минералогик ва механик таркибига, органик моддалар миқдорига, балки унинг тузилишига ҳам боғлиқдир. Кам гумусли ва структурасиз тупроқлар гумусга бой ва структурали тупроқларга нисбатан юқори зичликка эга бўлади.


Шунингдек, тупроқ зичлиги қийматининг 1,45 г/см³ дан ортиқ бўлиши унинг биологик фаоллиги учун, шунингдек, тупроқ унумдорлигида катта аҳамиятга эга бўлган сув-ҳаво режими учун экстремал шароитларни юзага келтиради. Шу боис, тупроқнинг сув, ҳаво ва иссиқлик режимлари, ундаги гумус миқдори, солиштирма оғирлик қиймати, ўсимликлар илдизининг ривожланиши ва ҳосилдорлиги тупроқнинг ҳажм оғирлиги билан чамбарчас боғлиқ ҳисобланади.

Умуман олганда, дала тадқиқотлари давомида олинган натижалар асосида ўтлоқ-аллювиал тупроқларнинг ўзига хос морфологик кўрсаткичларидан асосийлари сифатида куйидагиларни санаб ўтиш мумкин, яъни, генетик қатламларга сезиларсиз равишда бўлинган гумусли қатлам қалинлиги, профил ўртасида юққа кумли қатламнинг мавжудлиги, қуюқ гумусли қатлам ва чуқурлашган сари кучайиб борувчи гилланиш белгиларини турли даражада ифодаланиши.

Ўрганилган тупроқлардаги ферментлар фаоллигининг мавсумий динамикаси (баҳорги)



Ўрганилган тупроқлардаги ферментлар фаоллигининг мавсумий динамикаси (куздаги)



Таҳлил натижалари асосида тупроқдаги қуруқ қолдиқ миқдори бўйича ўрганилаётган тупроқларнинг шўрланиш даражалари, хлор ва сульфат ионлари миқдорининг нисбати бўйича шўрланиш типи аниқлаб олинди[4]

Тупроқда кечадиган биокимёвий жараёнларнинг жадаллиги маълум даражада гидротермик шароитга боғлиқ бўлади. Юқори намлик ва паст ҳарорат тупроқда биомассанинг кўп тўпланишига, бу эса ўз навбатида тупроқ ферментлари фаоллигини

ошишида муҳим ҳисобланган гумус ва озика элементлари миқдорининг етарлича тўпланишига имкон яратади[3]

Азот ўсимликларнинг асосий озик элементларидан бўлиб, асосан органик моддалар таркибига киради. Унинг миқдори тупроқдаги чиринди миқдорига боғлиқ бўлиб, 0,1-0,12% ни ташкил этади. Тупроқда азот органик модда ҳолида учрашидан ташқари, минерал ҳолда ҳам учрайди. Тупроқдаги азот ҳар қил усуллар билан аниқланади. Булардан энг кўп қўлланиладиган, қулай ва осони Къельдал усулидир.[7]

Шўрланган ерлар махсулдорлигини тиклаш улар асосида юқори махсулдор кишлок хўжалик биоценозларини шакллантириш, уларни кишлок хўжалик оборотига жалб қилиш, мелиоратив ҳолатини яхшилаш, тупроқлар унумдорлигини ошириш арид худудлар биодеҳқончилиик дастурини биринчи навбатдаги вазифаси ҳисобланади.

Олинган маълумотлар шунини кўрсатдики, шўрланмаган ва кучсиз шўрланган тупроқларда ферментатив фаоллик нисбатан юқори, шўрланиш даражасининг ортиши билан уларнинг фаоллиги пасаяди. Шундай қилиб, ферментлар фаоллиги генетик қатламнинг биогенлигига гумус ва озика элементлари миқдорига, гидротермик режимга, тупроқнинг механик таркибига ва бошқаларга боғлиқ ҳолда ўзгаради.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йилда 18 январдаги ПҚ-2731-сон «2017-2021 йилларда Оролбўйи регионини ривожлантириш бўйича Давлат дастури тўғрисида»ги қарори.
2. Панкова Е.И., Конюшкова М.В. Влияние глобального потепления климата на засоленность почв аридных регионов // бюллетень Почвенного института им В.В.Докучаева. 2013. Вып. 71. – С. 3-15.
3. Аринушкина Е.В. Руководство по химическому анализу почв. М.: МГУ. 1970. – 487 с.
4. . Почвы Республики Каракалпакстан (Чимбайский район, Книга-5). АН РУз, Институт Почвоведения и агрохимии. Ташкент – 1997. – 121 с.
5. Ташкузиев М.М. Влияние структуры почвенного покрова на содержание и состав гумуса. Сборник докладов и тезисов III съезда почвоведов и агрохимиков. Ташкент, 2000. – С. 187-188.
6. Горбов С.Н., Безуглова О.С. Биологическая активность почв городских территорий // Нучный журнал КубГАУ. 2013. № 85. – С. 1-15.
7. Мирхамидов.Х, Мирюнусов М. Тупроқшиносликданамалиймашгулотлар. Тошкент-«МЕХНАТ»-1987 - 92с
8. Жоллыбеков Б.Б. Влияние различных способов орошения и биоинтенсивных технологий на плодородие орошаемых луговых аллювиальных засоленных почв.: Автореф. дис. ... канд. с/х. наук. – Т.: 2006. – С. 3-23
9. Ковда В.А. Основы учения о почвах. М.: Наука. 1973. Т. 1. 447 с.

УЎТ 581.1:633.51+633

ЎЎЗАНИНГ СУВ АЛМАШИНУВИГА СТРЕСС ОМИЛЛАР ТАЪСИРИ ХУСУСИДА

А.Э.Холлиев, Бухоро давлат университети, Бухоро
У.Т.Норбоева, Бухоро давлат университети, Бухоро
З.А.Болтаева, Бухоро давлат университети, Бухоро

Аннотация. Мақолада гўза навларининг сув алмашинуви кўрсаткичларига стресс (қурғоқчилик, шўрланиш, юқори ҳарорат) омиллар таъсирини ўрганиш бўйича олинган маълумотлар келтирилган. Тажрибалар давомида баргларидаги умумий, метаболитик ва боғланган сув миқдори, кундузги ҳамда қолдиқ сув танқислиги, баргларнинг сувни сақлаш хусусиятининг стресс омиллар таъсири натижасида ҳар хил даражада ўзгариши қайд этилган. Навлар кесимида ўрганилган бу кўрсаткичлар қийматининг ўзгариши навларнинг биологик ва индивидуал хусусиятларига боғлиқлиги аниқланган.

Калит сўзлар: гўза, стресс омиллар, сув алмашинуви, қурғоқчилик, шўрланиш, юқори ҳарорат, боғланган сув, метаболитик сув, қолдиқ сув танқислиги.

Аннотация. В статье представлены данные исследования влияния стрессовых (засуха, засоление, высокая температура) факторов на водный обмен сортов хлопчатника. В ходе экспериментов было отмечено, что количество общей, метаболической и связанной воды в листьях, суточный и остаточный водный дефицит, водоудерживающие свойства

листьев изменяются в той или иной степени в результате воздействия стрессовых факторов. Выявлено, что изменение значения этих исследуемых показателей в разрезе сортов зависит от биологических и индивидуальных особенностей сортов.

Ключевые слова: хлопчатник, стресс факторы, водообмен, засуха, засоления, высокая температура, связанная вода, метаболическая вода, остаточный водный дефицит.

Annotation. The article presents research data on the influence of stress (drought, salinity, high temperature) factors on the water exchange of cotton varieties. During the experiments, it was noted that the amount of total, metabolic and bound water in the leaves, daily and residual water deficit, and the water-holding properties of leaves change to one degree or another as a result of exposure to stress factors. It was revealed that the change in the value of these investigated indicators in the cross section of varieties depends on the biological and individual characteristics of the varieties.

Key words: cotton, stress factors, water exchange, drought, salinization, high temperature, bound water, metabolic water, residual water deficit.

Кириш. Кўпгина қишлоқ хўжалик ўсимликлари, жумладан ғўза ҳам кўпинча тупроқда сув етишмаслиги (тупроқ курғоқчилиги), ҳаво ҳароратининг айниқса ёз ойларида юқори (40-45⁰С) ва нисбий намликнинг паст бўлиши (атмосфера курғоқчилиги), тупроғи шўрланган ҳудудларда (физиологик курғоқчилик) ва бошқа ноқулай экологик омилларнинг салбий таъсирга дуч келмоқда. Айниқса, бундай омилларнинг биргаликдаги таъсири натижасида ғўза ўсимлигида кечадиган физиологик ва биокимёвий жараёнлар, жумладан, ўсимликларнинг сув ва озик моддаларни қабул қилиши, унинг ўсимлик танаси бўйлаб ҳаракатланиши ва тақсимланиши ҳамда сув сарфи (транспирация) ўртасидаги мутаносиблик бузилади.

Маълумки, табиатда кузатилаётган глобал экологик ўзгаришлар, ноқулай стресс омилларнинг кучайиб бораётганлиги, ўта юқори ҳарорат, курғоқчилик, шўрланиш ва бошқа омиллар узоқ давом этаётганлиги қишлоқ хўжалигига, хусусан пахтачиликка жуда катта зарар келтираётганлиги ҳар бир вилоят тупроқ-иқлим шароитларига мос, ноқулай шароитларга чидамли, мослашувчан ғўза навларини танлаш ва тўғри жойлаштириш ҳозирги куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

Ҳудудларда ўсадиган ўсимликларнинг сув алмашинуви ва сув таъминоти масалалари, шунингдек курғоқчилик, шўрланиш ва юқори ҳароратнинг салбий таъсири ҳозирги вақтгача етарли даражада ўрганилмаган. Ушбу муаммони ўрганишнинг ўзига хос қийин томонлари шундан иборатки, бунда ўсимликларга бу каби стресс омиллар кўпинча биргаликда таъсир қилади. Тупроқда тўпланган тузлар тупроқ эритмасининг осмотик босимини оширади, курғоқчилик эса илдиз тизими орқали сувнинг киришини қийинлаштиради, юқори ҳарорат ва гармсел шамоллар физиологик ва биокимёвий жараёнларни ўзгартириб, ўсимликлар танасида сув танқислигини келтириб чиқаради[1].

Баъзан тупроқда тузларнинг тўпланиши физиологик курғоқчиликнинг пайдо бўлишига ҳам сабаб бўлади. Натижада тупроқда сув етарли бўлишига қарамадан ўсимликларнинг сув балансида жиддий ўзгаришлар юзага келиб, сўлиш аломатлари кузатилади ва маҳсулдорликнинг пасайишига сабаб бўлади.

Юқоридаги муаммонинг долзарблиги яна шундан иборатки, республикада пахта экиладиган ҳудудларнинг тупроқ ва иқлим шароитлари бир-биридан кескин фарқ қилади. Муайян экологик ҳудудда экилган ғўза навлари агротехник ишлов бериш даражасига боғлиқ ҳолда ҳам потенциал имкониятлари турлича намоён бўлади. Зарафшон воҳасининг ўрта ва қуйи ҳудудлари тупроқ ва иқлим шароитларида ўрта толали ғўза навларининг стресс омилларга чидамлилик даражаси ва уларнинг ҳимоявий мослашиш хусусиятларини илмий асослаш долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Дунёда кузатилаётган глобал иқлим ўзгаришлари биосферада ҳаво ҳароратининг ошиши, ёз ойларида нисбий намликнинг кескин пасайишидан вужудга келадиган иссиқ шамоллар эса атмосфера ва тупроқ курғоқчилигини келтириб чиқармоқда. Сув муаммоси

жиддий бўлган ҳозирги даврда сув тежамкор агротехнологияларни жорий қилиш, шунингдек тупроқ ва атмосфера қурғоқчилиги ҳамда юқори ҳароратга чидамли ҳамда сувдан самарали фойдаланиш коэффициенти юқори бўлган ғўза навларини етиштириш усулларини ишлаб чиқиш ўта муҳимдир [2].

Ноқулай экологик омилларнинг энг кучли салбий таъсири ғўзанинг сувга бўлган талабчан – критик даври, яъни гуллаш босқичига тўғри келади. Айни шу пайтларда тупроқда сув етишмаслиги тупроқ шўрланиши ва юқори ҳаво ҳарорати биргаликда ғўзада кечадиган физиологик ва биокимёвий жараёнларга салбий таъсир қилиши оқибатида ҳосил салмоғи ва унинг сифат кўрсаткичлари пасаяди. Шунинг учун ҳам бундай ноқулай омиллар таъсирига чидамли бўлган ғўза навларини муайян тупроқ ва иқлим шароитларидан келиб чиққан ҳолда районлаштириш муҳим аҳамиятга эга [3].

Тадқиқот объектлари ва услублари. Изланишларнинг объекти сифатида ўрта толали ғўза навлари гуруҳига мансуб бўлган Бухоро-8, Бухоро-102, Бухоро-10, Султон ва Андижон-35 навларидан фойдаланилди. Ҳозирги вақтда ушбу навлар республикамизнинг қатор вилоятларида кенг майдонларга экилмоқда. Тажрибалар давомида вилоятда кенг тарқалган ўтлоқи -аллювиал тупроқлардан фойдаланилди. Бундай тупроқлар Бухоро вилоятининг асосий майдонларини ташкил қилади. Тажрибалар учун олинган тупроқнинг намлиги ва нам сиғими аниқланди. Шу иккала кўрсаткич асосида мўътадил намлик ва қурғоқчил вариантлари ташкил этилди. Шунингдек, тажрибаларда шўрланмаган ва ўртача-кучли даражада шўрланган майдонлар белгилаб олинди. Юқори ҳарорат ва гармсел шамоллар таъсири иссиқхона шароитидаги тажрибаларда ўрганилди.

Тажрибалар жараёнида ғўзанинг сув алмашинувини белгилайдиган физиологик кўрсаткичлардан -барглардаги умумий, метаболитик ва боғланган сув миқдори [4], барглардаги кундузги ва қолдиқ сув танқислиги [5] баргларнинг сувни сақлаш даражаси аниқланди.

Тадқиқот натижалари ва унинг муҳокамаси. Илмий маълумотларга қараганда, шўрланган тупроқ муҳитида намликнинг ошиши ғўзанинг сув билан таъминланишига ижобий таъсир қилади. Суғориш натижасида тупроқдаги тузлар концентрацияси пасаяди ва бу ҳолат шўрланган тупроқлар шароитида ўсимликларнинг етарли даражада сув билан таъминлашида катта аҳамиятга эга. Тупроқнинг устки қатламида намликнинг камайиши тупроқ эритмаси билан тузларни чуқур қаватлардан капилляр ҳолда юқорига кўтаради ва натижада ўсимликлар танасига тузларнинг кириши янада фаоллашади [6].

Ўсимликлар таркибидаги умумий сув миқдорини аниқлаш уларнинг сув билан таъминлашида катта аҳамиятга эга. Бу кўрсаткич сув алмашинувини характерлайдиган бошқа жараёнлар билан параллел равишда ўрганилса, кенгроқ маълумот олиш мумкин. Ўсимликларда кечадиган физиологик ва биокимёвий жараёнларнинг жадаллик даражаси хужайра ва тўқималар таркибидаги сув миқдори ва унинг ҳолатига бевосита боғлиқ [7].

Ќўза навларининг ўрганилган назорат вариантларида ўстирилган ўсимлик баргларида вегетациянинг шоналаш босқичидан кўсаклаш босқичига умумий сув миқдорининг камайиб бориши қайд этилди. Ушбу боғлиқликни ҳар хил даражада шўрланган вариантларда ҳам кузатиш мумкин. Тупроқ шўрланиш даражасига боғлиқ ҳолда барча вариантларда метаболитик сув миқдорининг камайиши, айни пайтда эса боғланган сув миқдорининг ошиб бориши кузатилди. Тупроғи шўрланган шароитда ўстирилган барча тажриба вариантыдаги ўсимликлар баргида умумий ва метаболитик сув миқдорининг кескин камайиши, боғланган сув миқдорининг эса ошиши шўрланиш ва сув танқислиги вариантларида қайд этилди.

Ќўза навларининг гуллаш босқичида барглар таркибидаги умумий, метаболитик ва боғланган сув миқдори тупроқнинг шўрланиши ва ҳарорат даражаси ҳамда бу омилларнинг биргаликдаги таъсири натижасида ҳар хил бўлди. Тупроқ шўрланиш даражасининг ошиши билан ҳар иккала намлик шароитида барча навларда умумий сув миқдорининг ошиши аниқланди. Метаболитик сув миқдорининг камайиши ва боғланган сув миқдорининг ошиши кузатилди. Айниқса, тупроқ қурғоқчилиги ва шўрланишнинг биргаликдаги таъсири

натижасида барча навларда боғланган сув миқдори мўътадил намликдаги ўсимликлардагига қараганда анча юқорилиги аниқланди.

Шўрланган муҳитда ўстирилган навлар кесимида боғланган сув миқдори ўзгариб, айниқса тупроқ шўрланиш даражаси юқори бўлган вариантдаги навларда унинг миқдори энг юқори бўлиши қайд этилди.

Ўза навларининг ўрганилган назорат вариантларида ҳам мўътадил ҳам қурғоқчил шароитда ўстирилган ўсимлик баргларида вегетациянинг шоналаш босқичидан кўсаклаш босқичига умумий сув миқдори камайиб борди. Ушбу боғлиқликни ҳар хил даражада шўрланган вариантларда ҳам кузатиш мумкин. Тупроғи шўрланган ва қурғоқчил шароитда ўстирилган барча назорат ва тажриба вариантларидаги ўсимликлар баргида мўътадил намликдаги вариантларга қараганда умумий ва метаболитик сув миқдорининг кескин камайиши аниқланди. Айни пайтда боғланган сув миқдорининг эса ошиши кузатилди. Иккала намлик шароитида ҳам барглар таркибида боғланган сув миқдорининг шоналашдан кўсаклаш босқичигача ошиб бориши қайд этилди.

Ўсимликлар таркибидаги умумий сув, айниқса метаболитик сув миқдорининг мўътадил миқдорда бўлиши ўсимликлар танасида кечадиган барча физиологик ва биокимёвий жараёнларни фаоллаштиришга ижобий таъсир кўрсатиши қайд этилди. Боғланган сув миқдорининг ошиши ўза навларининг стресс омилларга нисбатан чидамлилигини оширишда катта аҳамиятга эга бўлди. Бунда умумий, метаболитик ва айниқса боғланган сув миқдори бўйича юқори кўрсаткичлар Бухоро-102 ва Бухоро-8 навида аниқланди. Ушбу кўрсаткичлар бўйича Бухоро-10 ва Султон навлар оралик, Андижон-35 нави эса охириги ўринни эгаллаши қайд этилди.

Маълумки, ҳаво ҳарорати юқори ва унинг нисбий намлиги паст бўлганда, айниқса тушки соатларда ўсимликлар баргида сув танқислиги кузатилади. Бу эса ўсимликларда кечадиган сув балансида салбий таъсир кўрсатади.

Ўсимликлар узоқ вақт юқори ҳарорат, тупроқ ва атмосфера қурғоқчилиги ҳамда тупроқ шўрланиши шароитида ўстирилса, кундузги сув танқислиги ошиб, кечқурунги соатларда ҳам барг ҳужайралари тургор ҳолатига қайтмайди. Натижада эрталабки соатларда барг ҳужайраларида қолдиқ сув танқислиги кузатилади. Қолдиқ сув танқислигининг кузатилиши ўсимликларнинг сув алмашинув жараёнларига жиддий таъсир кўрсатади [8].

Ўза навлари баргларида кундузги ва қолдиқ сув танқислиги бўйича олинган маълумотларга қараганда, барглардаги кундузги ва қолдиқ сув танқислиги барча вариантларда шоналашдан кўсаклаш босқичигача ошиб боради. стресс омиллар таъсир даражасининг ошиши билан мос равишда кундузги ва қолдиқ сув танқислиги қийматининг ҳам ошиши аниқланди.

Тупроқ намлик даражаси (мўътадил, қурғоқчилик) ҳамда тупроқ шўрланиши (кучсиз, ўрта, кучли), юқори 40-45°C ҳарорат муҳитида ўстирилган барча ўза навларида кундузги ва қолдиқ сув танқислиги қиймати тупроқ шўрланиши ва намлик ва ҳаво ҳарорат даражаларига ҳамда ўсимликларнинг биологик ва индивидуал хусусиятларига боғлиқ ҳолда ҳар хил бўлиши қайд этилди.

Баргларнинг сувни сақлаш хусусияти барча навларда стресс омиллар даражасининг ошиши билан юқорилашиб борди, шунингдек навларнинг шоналашдан кўсаклашгача бўлган ривожланишида ҳам бу кўрсаткич қиймати ошиб борди. Олинган маълумотларга қараганда, барглардаги кундузги ва қолдиқ сув танқислиги бўйича Андижон-35 нави охириги ўринни, қолган иккала Бухоро-10 ва Султон навлари эса оралик ҳолатни эгаллади.

Барча тажриба вариантлари навлари баргларида сув танқислиги қиймати назорат вариантларига қараганда анча юқори бўлди. Юқоридаги кўрсаткичлар бўйича ўрганилган навлар ўртасида ҳам анча фарқлар кузатилди. Кундузги ва қолдиқ сув танқислигининг қиймати кучли даражада шўрланган ҳамда қурғоқчил вариантларда энг юқори бўлиши қайд этилди. Шўрланиш ва сув тақчиллиги даражасининг пасайиши билан ушбу кўрсаткичлар қийматининг пасайиши, айниқса энг паст кўрсаткич назорат вариантларда кузатилди.

Боғланган сув ва кундузги ҳамда қолдиқ сув танқислиги, сувни сақлаш қиймати юқори ҳарорат, кучли шўрланган ва қурғоқчил вариантларда энг юқори бўлди.

Хулоса. Бухоро вилояти шароитида ноқулай экологик (қурғоқчилик, шўрланиш ва юқори ҳарорат) омилларнинг ўрганилагн барча ғўза навлари сув алмашинувига салбий таъсир кўрсатиши аниқланди. Бунда Бухоро-102 ва Бухоро-8 ғўза навларининг стресс омилларга нисбатан чидамлилиқ даражаси юқори эканлиги илмий асосланди. Шўрланган тупроқ ва қурғоқчил ҳамда юқори ҳарорат шароитларида ғўзанинг Бухоро-102 ва Бухоро-8 навларида чидамлилиқ ва мослашиш даражаси Андижон-35, Бухоро-10 ва Султон навларига қараганда юқорилиги аниқланди.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

- 1.Норбоева У.Т., Холлиев А.Э. Ғўза ва бошқа экинларга шўрланиш таъсирининг экофизиологик асослари. –Бухоро: “Бухоро” нашриёти, 2019. – 132 б. (монография).
- 2.Холлиев А.Э., Норбоева У.Т. Ғўза ва бошқа экинларга қурғоқчилик таъсирининг экофизиологик асослари. –Бухоро: “Бухоро” нашриёти, 2019. – 152 б. (монография).
- 3.Холлиев А.Э. Ўсимликларнинг ноқулай абиотик омиларга чидамлилиқ хусусиятлари.- Бухоро: “Бухоро” нашриёти, 2019. – 130 б. (монография).
- 4.Третьяков Н.Н., Карнаухова Т.В., Паничкин Л.А. Практикум по физиологии растений. -М.: Агропромиздат, 1990. -271 с.
- 5.Куширенко М.Д., Гончарова Э.Л., Курчатова Г.П. Методы сравнительного определения засухоустойчивости плодовых растений//Методы оценки устойчивости растений к неблагоприятным условиям среды: -Тр. ВАСХНИЛ. - М.: Колос, 1986.-С. 87-101.
- 6.Norboyeva U.T., Kholliyev A.E. Physiology, Productivity and Cotton Plant Adaptation under the Conditions of Soil Salinity. International Journal of Recent Technology and Engineering (IJRTE) // Volume-8, Issue-2. S3, July 2019. – P. 1611– 1613.
- 7.Norboyeva U.T., Kholliyev A.E. Salinification influence on physiology of water exchange in cotton plant varieties (*Gossypium Hirsutum*L.) //The Way of Science. International scientific journal. – Volgograd: №7(41), 2017. – С. 16-18.
- 8.Холлиев А.Э., Норбоева У.Т. Ғўза ва бошқа кишлоқ хўжалик ўсимликларининг қурғоқчиликка чидамлилигини аниқлашнинг тезкор экофизиологик усуллари. – Бухоро: «Дурдона» нашриёти, 2015. – 52 б.

УЎК 635.34

МАНЗАРАЛИ КАРАМ ҲАМ ОЗИҚ-ОВҚАТБОП ҲАМ МАНЗАРАЛИ НОАНЪАНАВИЙ САБЗАВОТ ЭКИНИ

Н.Ш.Хўжақулова, магистр, Тошкент давлат аграр университети, Тошкент
У. Акрамов, доц., Тошкент давлат аграр университети, Тошкент
С.Т.Жўраев, доц., Тошкент давлат аграр университети, Тошкент

Аннотация. Мақолада озиқ-овқат маҳсулотларини биологик фаол моддалар билан бойитишида ҳамда манзарали экин сифатида манзарали карам ўсимлигининг морфо-биологик хусусияти ва етиштириши технологияси ёритилган.

Калим сўзлар: ноанъанавий сабзавот, манзарали карам, биология, фаол моддалар, экин муддати ва схемаси, сугориши, йиғиштириши, ҳосилдорлик.

Аннотация. В статье описаны морфо-биологические свойства и технология выращивания декоративной капусты в обогащении пищевых продуктов биологически активными веществами и как декоративная культура.

Ключевые слова: нетрадиционные овощи, декоративная капуста, биология, действующие вещества, сроки и схема посадки, полив, урожай, уборка урожая.

Abstract. The article describes the morpho-biological properties and technology of growing ornamental cabbage in the enrichment of food with biologically active substances and as an ornamental crop.

Key words: non-traditional vegetables, ornamental cabbage, biology, active ingredients, planting time and scheme, watering, harvest, harvesting.

Кўзларни қамаштирар ўзбегим бозорлари, сабзавот ва мевага тўла расталари ... Ўзбекистон Республикаси жаннат

макон, серқуёи ва мунаввар заминимиз тупрогида етиштирилаётган барча сабзавот ва полиз экинларимиз қуёшимиз тафтидан баҳра олиб, мўл ҳосил беради. Шунинг учун, тўрт фасл давомида расталаримиз қишлоқ хўжалиги неъматларига тўла.

**Ўзбекистон Республикаси Президентини
Шавкат Миромонович Мирзиёев**

Инсон ўсимликлар дунёсининг олий ўсимликларнинг 350 мингга яқин турини ўз ичига олувчи бойлигининг атиги юздан бир қисмидан фойдаланади. Айтилишича, БМТ ФАО экспертларининг прогнозларига кўра Ер шарининг аҳолиси сони 2050 йилга келиб 10 миллиардга етади. Бу эса ҳозирги пайтдаги истеъмол даражаси сақланиб қоладиган бўлса, озиқ-овқат ресурсларини ишлаб чиқаришни камида 50% оширишни талаб қилади, гарчи БМТ келтираётган маълумотларга кўра, Ер шарининг аҳолиси 500 миллион одам оч қолмоқда, 2 миллиарди эса тўғри овқат емайди.

Аҳоли сонининг ортиши билан сифатли овқатланиш муаммоси янада долзарб бўлиб бормоқда. Бу муаммони ечишда нафақат юқори ҳосилдорликка, озуқавий қийматга эга бўлган, балки алоҳида биокимёвий таркибга ҳам эга бўлган, витаминлар, аминокислоталар, минерал тузлар, углеводлар ва бошқа қимматли моддаларнинг жуда муҳим манбаи бўлган сабзавотлар катта роль ўйнайди.

Дунё бўйича 78 ботаник оилага тегишли 1200 дан ортиқ турдаги ўсимликлардан сабзавот сифатида фойдаланилади. Ўзбекистонда эса 70 дан ортиқ сабзавот ўсимликлари етиштирилади. Бу эса, республика тупроқ-иқлим шароитига ноанъанавий сабзавот экинларини интродукция қилиш ҳамда унинг етиштиришнинг айрим элементларини ўрганишни тақозо қилмоқда.

Ўзбекистон тупроқ-иқлим шароитида ноанъанавий сабзавот экинни бўлган манзарали карам ўсимлиги ўсиши ёки ўсмаслиги бўйича бирон-бир манбалар йўқ. Шу сабабли, бизнинг илмий-тадқиқот ишининг асосий мақсади ноанъанавий сабзавот экинни манзарали карам ўсимлигининг интродукция қилишда унинг хорижий илмий манбаларида маълумотлари тўплаб, таҳлил қилинди.

Манзарали карам ўсимлигининг ботаник номи *Brassica oleracea var. Acephala* бўлиб, у Карамдош (бутгулдош)лар (*Brassicaceae*) оиласига мансубдир. Шунингдек, унинг географик тарқалиши АҚШ, Европа, Жанубий Америка, Япония, Корея, Хитой ва Россия ҳисобланади.

Манзарали карамининг уруғлари +3°C унинг чиқиб, ёш ниҳоллари +10°C, катта ёшдаги ўсимликлари +15+20°C ҳароратда ўсади. Шунингдек, -12°C ҳароратли, айрим ҳолларда -20°C ҳароратли совуққа бардош беради.


Манзарали карам уруғдан кўчат усулида етиштирилади. Манзарали карамининг ўсув даври 160-170 кун, юқори ҳарорат ва совуққа бардошли ўсимлик бўлиб, унинг поя ва барг баландлиги 25-30 см дан 1,5 м гача шаклланади. Барг шаклли – овал, эллип ва тухумсимон, ранги оқ, яшил ва бинафша бўлади. Уруғ етиштиришда ўсув даври 100-120 кун бўлиб, уруғлари август ойида пишади. Бир туп ўсимликдан 40-50 г уруғ олиш мумкин. 1000 дона уруғ вазни 3-5 г. Уруғлари 5-8 йил унвчанлигини сақлайди.

Оқбошли карамга нисбатан манзарали карам клетчатка, оқсил ва кул 2 марта кўпроқ, шунингдек, баргларда витамини С миқдори 38,2 дан 49,2 мг% гача, қандлар – 0,6-0,7% гача, куруқ модда – 8,3-9,2% гача бўлади. Манзарали карам баргларидан турли хил салатлар, гарнир ва шўрва тайёрлашда кенг қўлланилади.

Барги ва гулли барги истеъмол қилинадиган қисми бўлиб, озиқ-овқат саноатида – барги ва гулли барглари хомлигича, димлаб ва қовуриб истеъмол қилиш мумкин. Ободонлаштиришда соҳасида манзарали карам совуқбардош ўсимлиги бўлиб, ундан хиёбон, кўчалар ва хонадонда турли хилдаги ландшафт дизайни сифатида йил давомида фойдаланишга яроқли.

Манзарали карам нав ва дурагай биологияси биологиси боғлиқ бўлиб, 160-170 кунни ташкил этади. Ўзбекистон шароитида истеъмолга эрта баҳорда экилганда – аперл ойида, такрорий муддатда экилганда – октябр-ноябрь ойидан етилади.

Манзарали карам иссиқ ва совуқ ҳароратларда, курғоқчилик ва ёнғингарчилик, ўтлоғи-ботқоқ ва бўз турпоқли унумдор сув билан таъминланган майдонларда етиштиришга мос. Шўрланган ерларда экишга унчалик ярамайди. Картошка, бодринг, полиз экинлари ва дон-дуккакли ўсимликлар манзарали карам учун яхши ўтмишдош экин ҳисобланади. Ушбу экин экишдан олдин пиёз, кўк нўхот ва сабзиларни экса ҳам натижаси яхши бўлади. Манзарали карами карамдошлардан, салат, брюква, труп, шолғом, редис, хрен ва катрондан кейин экиб бўлмайди. У экилган ерга орадан камида 3 йил ўтгандан кейин яна манзарали карамини экиш мумкин.



1-расм. Манзарали карам

Бир гектар очик майдонга экиш учун етарлик миқдорда манзарали карами кўчатини тайёрлаш учун 500 г ҳисобида сифатли уруғ сарфланади.

Манзарали карам кўчатларини тайёрлашда уруғ 3-5 фоизлик ош тузи эритмасига 1 соат давомида солиб қўйилади. Эритма остига чўккан уруғларни тоза сув билан 2-3 маротаба ювиб, сўнгра уларни ёйиб қуритилади. Уруғлар чиринди ва тупроқ аралашмаси аоссида тайёрланган кўчатхонага сепилади. Уруғ униб чиқиш даврида тупроқ нам бўлиши лозим. Кўчатхонада майсалар чиққандан сўнг орадан 15-18 кун ўтгач сифатли ва баққуват бўлиб етилиши учун бошқа жойга озика майдонларини (4×5 ёки 5×5 см) кенгайтириб кўчириб экилади. Улар тўлиқ тутиб олгач орадан 10-12 кун ўтгач майсалар биринчи марта 10 литр сувга 13-15 г азотли; 18-25 г фосфорли ва 15-20 г калий ўғитлари солиниб эритилади ва ушбу эритма ҳар 3-3,5 м² майдондаги кўчатларни озиклантириш учун сарфланади. Иккинчи марта очик майдонга экишдан 15-18 кун олдин озиклантирилади. Тайёр бўлган карам кўчатларининг ёши 40-45 кунлик ва узунлиги ўртача 14-16 см ва барглари сони 6-7 дона бўлганда очик майдонга озик-овқат маҳсулоти сифатида 70×25-30 см ёки 70×50-70 см схемаларда экилади.

Кўчат экилиб бўлгандан кейин дала кетма-кет суғорилади. Кўчат тутгандан сўнг эгатнинг оралари культивация қилинади. Культивациядан сўнг кўчат атрофи юмшатилади ва биринчи марта ўғит берилади. Иккинчи культивация экин бир суғорилгандан сўнг ўтказилади. Кўчатлар экиб бўлингандан кейин 1-1,5 hafta ўтказиб биринчи ялпи ишлов берилади. Бунда қатор оралари КРН-4,2 культиватор билан 15-16 см чуқурликда культивация қилиниб, ўсимлик атрофи юмшатилади, минерал ўғитлар билан озиклантирилади ва сув

берилади. 20-25 кундан кейин яна бир марта ялпи ишлов берилади. Манзарали карамига бўз тупроқларда гектарига ўртача 240 кг азот, 160 кг фосфор, 100 кг соф калий бериш лозим.

Бўз тупроқли ерларда эртаги манзарали карам 8-10 марта, сизот сувлари юза жойлашган ерларда 6-8 марта сув бериш тавсия этилади. Суғориш меъёри гектарига 500-550 м³ сарфланади. Манзарали карамининг нав ва дурагайларнинг биологик хусусиятларига кўра, ҳосилдорлиги 50-100 тоннани ташкил этади.

Шундай қилиб, Ўзбекистоннинг марказий ва жанубий ҳудудлардаги ўтлоғи-ботқоқ ва бўз тупроқли унумдор сув билан таъминланган майдонларда манзарали карамни озик-овқат саноатида етиштиришга, шунингек, уни шаҳарбозликда хиёбон, кўчалар ва хонадонда турли хилдаги ландшафт дизайни сифатида фойдаланиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Бексеев Ш.Г. Овощные культуры мира. - СПб.: Диля, 1998. – 512 с.
2. Борисов В. Я. Влияние сроков и способов выращивания на урожай белокочанной капусты //Пути повышения урожайности овощных культур. - Одесса, 1973. - С. 74-79.
3. Лудилов В.А., Иванова М.И. Редкие и малораспространенные овощные культуры (биология, выращивание, семеноводство): производственно-практическое издание. –М.: ФГНУ «Росинформагротех», 2009. – 196 с.

УЎК 635.655

СУРХАНДАРЁ ВИЛОЯТИНИНГ ШИМОЛИЙ ҲУДУД ТУПРОҚ-ИҚЛИМ ШАРОИТЛАРИДА СОЯ ЕТИШТИРИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

М.К. Ҳамроева, PhD, Денов тадбиркорлик ва педагогика институти, Денов

Д.Ё. Ёрматова, к/х.ф.д., проф., ЎзДЖТУ, Тошкент

Б. Чориев, талаба, Денов тадбиркорлик ва педагогика институти, Денов

Аннотация. Экологик тоза ҳисобланган соя дони дунё мамлакатларида 100 млн.га яқин майдонга экилиб келинади. Кўпгина мамлакатларда соя экинни асосий, такрорий ва қўшиб экилади. Соя энг кўп экадиган айрим мамлакатларда кечпишар навлар ва такрорий экиш учун ҳаво ҳарорати етишмайди. Соя асосий экишга режалаштирилар экан, албатта навларни тўғри танлаш лозим. Соя дуккакли ўсимликлар сифатида ўз илдизлари орқали ҳаводан соф азотни ўзлаштириб олади ва тупроқни азот билан бойитади. Ўсимлик ўсув даврида ўзи учун ҳам, ўзидан кейинги ўсимлик учун ҳам маълум миқдорда азот қолдириб кетади.

Калит сўзлар: донли ва дуккакли экинлар, соя дони, кечпишар навлар, соя дуккаклари, соф азот, ўсимликни вегетация даври, тупроқ унумдорлиги, микро ва макро элементлар, тупроқ структураси, соя уни, соя шроти, соя твороги ва соя мойи, соя оқсили.

Аннотация. Экологически чистые соевые бобы в мире выращивают на площади около 100 миллионов гектаров. Во многих странах соя выращивается как основная, вторичная и дополнительная культура. В некоторых странах, где больше всего выращивают сою, поздние сорта и отсутствие температуры воздуха для повторных посевов. Поскольку для основной посадки планируется оттенок, необходимо правильно подбирать сорта. Как бобовые, они поглощают чистый азот из воздуха своими корнями и обогащают почву азотом. В период вегетации растение оставляет определенное количество азота как себе, так и растению после него.

Ключевые слова: зерновые и зернобобовые культуры, соя, поздние сорта, соевые бобы, чистый азот, вегетационный период растений, плодородие почвы, микро- и макроэлементы, структура почвы, соевый шрот, соевый шрот, соевый творог и соевое масло, соевый белок.

Abstract. Environmentally friendly soybeans are grown in the world on an area of about 100 million hectares. In many countries, soybeans are grown as a main, secondary and additional crop. In some countries where soybeans are most grown, late varieties and no air temperature for re-crops. Since a shade is planned for the main planting, it is necessary to select the right varieties. Like legumes, they absorb pure nitrogen from the air with their roots and enrich the soil with

nitrogen. During the growing season, the plant leaves a certain amount of nitrogen both for itself and for the plant after it.

Key words: *cereals and legumes, soybeans, late varieties, soybeans, pure nitrogen, vegetation period of plants, soil fertility, micro- and macroelements, soil structure, soybean meal, soybean meal, bean curd and soybean oil, soy protein.*

Мустақиллик йилларида Республикамизда экологик тоза бўлиб ҳисобланган донли ва дуккакли экинларни ривожлантириш ва тупроқ унумдорлигини ошириш ҳамда экологик тоза сифатли дуккакли, мойли экинлардан юқори ҳосил олиш, ҳамда сифатли экологик тоза озиқ-овқат, омихта ем маҳсулотлари ишлаб чиқариш борасида бир қатор қонун ва қарорлар қабул қилинмоқда. Кейинги йилларда Республикамиздаги суғориладиган майдонларда иккита экин асосий ҳукмрон бўлиб қолмоқда, буғдой ва пахта узлуксиз бир майдонга экилаверганидан улар тупроқдан ҳосил билан доимо бир хил микро ва макро элементларни олиб чиқиб кетади. Кейинги пайтларда тупроққа бериладиган гўнг миқдори жуда камайди, чунки фермер хўжаликларидан гўнг тўплаш ҳам қийинлашиб бормоқда [2,3].

Сурхандарё вилоятининг тупроқ-иқлим шароити ўсимлик ўстиришга оғир бўлган айрим шимолӣ ҳудудларининг тупроқлари шўрланганлиги билан деҳқончилик қилиш оғир саналади. Шунинг учун бу ҳудудларда тупроққа унумдорликни тикловчи агротехник тадбир бажарилиши лозим бўлган муҳим ишлар турига киради. Дуккакли экинлардан соя экиш орқали тупроққа табиий азотли моддалар бериш имкони бўлади. Соя экиб тупроқ унумдорлигига ижобий таъсир қилиш, аҳолини сифатли ҳамда экологик тоза ҳисобланган озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашнинг бирдан-бир йўли шу ҳисобланади.

Экологик тоза ҳисобланган соя дони дунё мамлакатларида 100 млн.га яқин майдонга экилиб келинади. Кўпгина мамлакатларда соя экини асосий, такрорий ва кўшиб экилади. Соя энг кўп экадиган айрим мамлакатларда кечпишар навлар ва такрорий экиш учун ҳаво ҳарорати етишмайди. Соя асосий экишга режалаштирилар экан, албатта навларни тўғри танлаш лозим. Эртапишар навлар учун 1200-1500 °С, ўртапишар 1800-2100 °С ва кечпишар навлар учун 2200-2400 °С ҳарорат талаб қилади [1,2,3,4].

Экологик тоза маҳсулот бўлиб ҳисобланган соя дони бугунги кун деҳқончилигида энг муҳим экин бўлиб, тупроқнинг биологик унумдорлигини оширади ёки ўзидан кейин тупроққа 55-60 кг. миқдорда соф азот қолдириб кетади. Фақатгина Сурхандарё вилоятида асосий экишда соянинг жуда кўп сонли навларидан энг маъқулини, ўсув даври қисқа, тез пишиб етиладиган, дуккаклари чатнаб (тўкилиб) кетмайдиган ҳамда юқори ҳосил берадиган навларини танлаб олиш ва фермерларга тавсия бериш асосий мақсад бўлиб ҳисобланади. Соя дуккакли ўсимликлар сифатида ўз илдизлари орқали ҳаводан соф азотни ўзлаштириб олади ва тупроқни азот билан бойитади. Ўсимлик ўсув даврида ўзи учун ҳам, ўзидан кейинги ўсимлик учун ҳам маълум миқдорда азот қолдириб кетади. Демак, соя - биологик ва экологик тоза дон бўлиб, тупроқ структурасини яхшилаши, биологик жараёнларнинг боришини янгилайдиган экин ҳисобланади.



1-расм. Соя ўсимлигининг кўриниши

Таҳлиллар шуни кўрсатдики, соя экилгунча тупроқда гумус 0,65-0,72 % бўлса, соя экилгандан кейинги натижа гумус миқдори 0,95-1,03 % га етиши олимларнинг маълумотларида исботланган.

Кўпгина олимлар ва ишлаб чиқарувчилар “Соя дони озиқ-овқат, ем-дон-хашак ва келажак” дейишади. Соя ёрдамида тўла қимматли экологик тоза ўсимлик оқсили ишлаб чиқариш муаммоси ҳал этилади. Соянинг 1 кг донида 450 кг оқсил мавжуддир. Аминокислота таркиби бўйича соя оқсили хайвон оқсиллига жуда яқиндир.

Ёғ кислоталарининг миқдорини аниқлаш учун тадқиқ қилинаётган ёғдан 0.2 мл олиб, 2 мл диэтилэфирда эритилади ва унга 0.1 мл КОН нинг метанолдаги 10% эритмасидан солинади ҳамда 100 °С ҳароратда 5 минут давомида инкубацияга қўйилади.

Сўнгра совитилиб 0.2 мл гексан ва 1 мл дистилланган сув солинади. Икки қисмга ажралгандан кейин гексанли қисмдан 20 мкл олиб “Hewlett Packard” HP 9010 хроматография усулида анализ қилинади.

1-жадвал

“Дўстлик” ва “Славия” соя навларининг ёғ кислоталари таркиби.

Ёғ кислоталари	Миристин	Пальмитин	Линолен	Стеарин	Олеин	Линол	Арахидон
Соя навлари							
“Дўстлик”	0.39	3.53	4.85	6.68	25.25	57.28	1.32
“Славия”	0.37	3.68	4.67	6.92	26.12	56.85	1.32

2-жадвал

Соя донидан олинган сифат кўрсаткичлари (2017й)

Соя навлари	Сифат кўрсаткичлари			
	Ҳажмий оғирлиги, г/л	Намлиги, %	1000 та доннинг оғирлиги, г	Кулдорлиги
Парвоз	810	12	142	4,2
Фортуна	800	11	146	4,1
Нафис	802	12	144	4,3
Дўстлик	817	10	147	4,0

Тадқиқот учун олинган соя дони навларининг физика-кимёвий кўрсаткичлари бўйича таҳлил қиладиган бўлсак, Дўстлик навининг ҳажмий оғирлиги юқори кўрсаткични беряпти ва шунга нисбатан кулдорлиги паст бу дегани экологик тоза маҳсулотдир. 1000 та доннинг оғирлиги ҳам юқори бошқа навларнинг барча кўрсаткичлари Дўстлик навига нисбатан паст кўрсаткичга эга.

Хулоса. Соя дони экологик тоза маҳсулот бўлиб, юқори каллориялилиги ва асосий озиқавий ва биологик фаол моддалар таркиби бўйича ушбу маҳсулот муқобил баланслангандир. Соядан ишлаб чиқарилувчи асосий маҳсулотлар - бу соя уни, соя шроти, соя твороги ва соя мойидир. Соя уни қандолатчилик маҳсулотлари, тўлдирувчилар, гўшт, сут, пишлоқ ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришда қўлланилади. Мойи эса озиқ-овқатда, майонез, маргарин ишлаб чиқаришда ишлатилади. Соя ёрдамида тўла қимматли экологик тоза ўсимлик оқсили ишлаб чиқариш муаммоси ҳал этилади. Соя донининг кимёвий таркиби аниқланганда “Дўстлик” навида оқсил миқдори $38.89 \pm 0.28\%$, мой миқдори $20.78 \pm 0.17\%$ ни, “Славия” навида оқсил миқдори $34.01 \pm 0.23\%$ ни, мой миқдори $20.54 \pm 0.19\%$ ни ташкил қилди. Соя уни таркибидаги сувда эрийдиган оқсиллар миқдори “Дўстлик” навида $14.21 \pm 0.28\%$ ни ва “Славия” навида $13.46 \pm 0.24\%$ ни ташкил қилади. Соя донидан таёрланган унларни унли маҳсулотларга қўшиш натижасида, бугдой уни тежалди, маълумки бугдой уни таркибида 14% оқсил бўлса соя уни қўшилиши натижасида ун ва ундан тайёрланган маҳсулотларнинг тўйимлилиги ошади. Экологик тоза маҳсулот бўлиб ҳисобланган соя уни ёш болалар бўтқаларига, печеньеларга, сосиска, колбасаларга қўйилади. Соя унидан қандли диабет касаллари учун турли хил озиқ-овқатлар тайёрланади. Ўзбекистонда соя майдонлари кенгайиши билан уни ўзбекларнинг ошхонасига керакли экологик тоза маҳсулотлар сирасига киритиш, юрак, ошқозон ичак, жигар, буйрак ва бошқа

касаликларнинг олдини олади. Экологик тоза маҳсулот бўлиб ҳисобланаган, соя донини етиштириш ва агротехникасини йўлга қўйиш бўйича, Сурхандарё вилоятининг Шимолий худудларида жуда катта изланишлар олиб борилиши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Атабаева Х.Н.-Технология возделывания сои в Узбекистане -Т. Матбуот, 1989г, с 35.
2. Гинзбург М.Е. Технология крупяного производства. М.,Колос, 1982г. 33с.
3. Ёрматова Д.Ё. – СОЯ. Самарқанд- 1991й. 153 – бет.
4. Технология пищевых производств / Л.П.Ковальская., И.С.Шуб., Г.М.Мелькина и др. Под ред. Ковальской Л.П. – М: Колос, 1997. – 752 с.
5. Химический состав пищевых продуктов: Справочник, книга-1/И.М.Скурихина., М.Н. Волгарева. – М.: Агропромиздат, 1987. – 13 с

УЎК: 591.531.15

ҒАРБИЙ ҒАРҒОНА ХУДУДИДА ШАРҚ МЕВАХЎРИ (*GRAPHOLITHA MOLESTA* BUSCK.) ВА ЎРИК ТУНЛАМИ (*CALYMNIA SUBTILIS* STGR.) НИНГ БИОЛОГИЯСИГА ОИД МАЪЛУМОТЛАР

Шерматов М.Р., б.ф.н., . докторант, Фарғона давлат университети, Фарғона
Ботиров Э.А., ўқитувчи, Фарғона давлат университети, Фарғона

Аннотация. Мақолада ғарбий Фарғона худудидида шарқ мевахўри (*Grapholitha molesta* Busck.) ва ўрик тунлами (*Calymnia subtilis* Stgr.) нинг биологиясига оид маълумотлар келтирилган. Шарқ мевахўри мавсум давомида 5-6 авлод, ўрик тунлами 1 авлод бериб ривожланади.

Калит сўзлар: капалак, тухум, қурт, авлод, тарқалиш, ривожланиш.

Аннотация. Статья посвящена биологическим особенностям *Grapholitha Molesta* Busck. и *Calymnia subtilis* Stgr. в западной части Ферганы. Установлено, что *Grapholitha Molesta* Busck. за сезон развивается в 5-6 поколениях, *Calymnia subtilis* Stgr. развивается в 1 поколениях.

Ключевые слова: бабочка, яйцо, личинка, поколения, распространения, развития.

Abstract. The article is devoted to the biological characteristics of *Grapholitha Molesta* Busck., *Calymnia subtilis* Stgr. in the western part of Fergana. It is established that the *Grapholitha Molesta* Busck. for the season develops 5-6 generation, *Calymnia subtilis* Stgr. 1 generation.

Key words: butterfly, caterpillars, generations, distribution, peculiarities.

Кириш. 1980 йилда Ўзбекистон худудидида қайд этилган [5] шарқ мевахўри Фарғона водийсида кенг тарқалиб, мевали боғларга жиддий зарар етказмоқда.

Шарқ мевахўри Краснодар ўлкасининг Сочи шаҳрида 1964 йилда биринчи марта қайд қилинган. В.Попович (1982) томонидан ушбу зараркунанданинг ривожланиши учун Қора денгиз соҳили худудларининг иқлим шароитлари қулай бўлганлиги ва мазкур худудда фойдали ҳароратлар йиғиндиси зараркунанданинг йил давомида 4-5 авлод бериб ривожланишига имкон берганлиги таъкидланган [6]. Н.Енукидзе (1981)нинг Сочидида олиб борган тадқиқотларида ҳам шарқ мевахўри йил давомида 5 та авлод бериб ривожланиши, ҳаво илиқ келган йиллари эса қисман олтинчи авлод қуртлари пайдо бўлганлиги аниқланган [1]. Э.Козичева собиқ Иттифоқ худудларида шарқ мевахўрининг тарқалиш ареалларини мевали боғларнинг жойлашган ўрни ва иқлим шароитларига боғлиқ ҳолда тадқиқ этган [2].

Ўзбекистон шароитида шарқ мевахўри олма, нок ва беҳи дарахтларининг меваларига худди олма қурти каби зарар келтириши ҳамда зараркунанданинг қуртлари данакли мевалардан шафтоли, олхўри, ўрикка ҳам жиддий зарар етказиши қайд этилган [4; 7; 8].

Ўрик раъногулдошлар оиласига мансуб бўлиб, ватани Ўрта Осиё ҳисобланади. Осиёда 10 та тури маълум, улардан Оддий ўрик (*Armeniaca vulgaris*), Манжурия ўриги (*A.mandshurica*), Сибир ўриги (*A. sibirica*), Давид ўриги (*A. davidiana*) ва Қора ўрик

(*A.dasycarpa*) турлари кенг тарқалган. Шимолий Ҳиндистон, Эрон, Туркия, Италия, Испания, Шимолий ва Жанубий Африка, Шимолий Америка мамлакатлари ва Австралия, Ўрта Осиё, Кавказ атрофи ҳамда Россиянинг Европа қисми жанубида етиштирилади. Ўрта Осиё ва Хитойда 5 минг йил, Жанубий Европада 2 минг йил олдин маданийлаштирилган. Жаҳон бўйича ялпи ҳосили 2,7 млн.тонна бўлиб, экин майдони жихатидан мевали дарахтлар орасида 4-ўринни эгаллайди. Ўзбекистонда ўрикзорларнинг асосий қисми Фарғона водийси ва Зарафшон воҳасида жойлашган. Ўрта Осиёда ўрикнинг 500 дан ортиқ навлари ва клонлари учрайди. Ўзбекистонда ўрикнинг Аҳрорий, Субҳоний, Гулунги Луччак, Мирсанжали, Хурмои, Исфарак, Жавпазак. Оқ ўрик, Навоий, Шалах, Руҳи Жуванон, Моҳтоби ва бошқа кўплаб навлари етиштирилади [10].

Ўзбекистонда шарқ мувахўрининг тарқалиши, биологияси ва экологик хусусиятларини кенг қамровли тадқиқ этиш асосида унга қарши самарали (экологик ҳавфсиз) кураш чоратadbирларини ишлаб чиқиш, зараркунадалар миқдор зичлигини камайтириш билан бирга, мевали боғлар ҳосилининг сифати ва салмоғини ортишида ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Ўрик тунламининг иқтисодий зарари ҳозирда сезиларли бўлмаса-да, бир қатор зараркунанда ҳашаротларни қулай иқлим шароитлари юзага келган айрим йилларда ареалини кенгайтириши ва миқдор кўрсаткичини ортиб кетиши натижасида сезиларли зарар келтиришини эътиборга олган ҳолда [9], мазкур зараркунандани биологияси ва экологик хусусиятларини мунтазам ўрганиб бориш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Материал ва тадқиқот услублари. Тадқиқот ишлари 2019 йил давомида ғарбий Фарғона худудининг Учкўприк туманида боғдорчилик фермер хўжаликлари ва аҳоли яшаш жойларидаги мевали боғларда олиб борилди. Тадқиқот ишларида умумий қабул қилинган энтомологик услублардан фойдаланилди [3; 7; 11]. Шунингдек, зараркунанда тангачақанотлилар капалаklarини йиғишда тадқиқотчилар (М.Шерматов, Э.Ботиров, 2019) томонидан тавсия этилган ускунадан фойдаланилди.

Мевали боғлардаги доимий кузатув нуқталарида ҳамда лаборатория шароитида шарқ мувахўрининг ривожланиш муддатлари бир вақтда кузатиб борилди ва олинган натижалар қиёсий таҳлил этилди.

Доимий кузатув нуқталаридан йиғилган материалларни аниқлашда энтомологик аниқлагичлар ва каталоглардан фойдаланилди. Тадқиқотлар ва кузатишларимиз давомида олинган натижалар мазкур соҳада тадқиқотлар ўтказган олимлар ва изланувчиларнинг хулосалари ҳамда илмий адабиётларда келтирилган маълумотлар билан ҳам қиёсий таҳлил этиб борилди.

Олинган натижалар. Шарқ мувахўри (*Grapholitha molesta* Busck.) ғарбий Фарғона шароитида асосан, олма, нок, беҳи дарахтларининг меваларига зарар етказади. Шунингдек, кечки ва ўртапишар ўрик навларига ҳам зарар келтириши мумкин. Шафтоли, гилос дарахтларининг янги ўсган новдаси учидан кириб, ўзак қисми билан озикланиб, зарар етказади. Айниқса, шафтолининг ёш новдаларни зарарлаб, қуритиб кўяди, шунингдек, меваси ичига кириб, данак атрофини еб зарарлайди.

Шарқ мувахўрининг капалаги қанотларини ёзганда узунлиги 10-15 мм ни ташкил этади. Ранги кўнғир тусли бўлиб, кўкрак қисми нисбатан қорамтирроқ. Олдинги қанотларининг чекка қисмида оқ доғчалари бор. Қанотларининг попуклари кўнғир тусли бўлади. Тухуми юмалоқ ёки овал шаклда, юқори томони буришган бўлиб, 0,7 мм катталиқда.

Қуртининг тана узунлиги 12 мм гача бўлиб, дастлаб оқ рангда, кейинчалик ривожланиб бўлгач, оч қизғиш рангга киради. Қуртини танасининг сўнги сегменти юзасида қилчалари бўлиб, шу орқали уни олма қурти ва бошқа зараркунанда капалаклар қуртларидан фарқлаш мумкин. Ғумбаги оч жигарранг, капалак чиқишига яқин тўқ жигаррангга киради.

Шарқ мувахўрининг қурти мевали дарахтларнинг эски пўстлоқлари остида ва ўсимлик қолдиқларининг орасида “пилла”га ўралган ҳолда, диапаузадаги қуртлик ҳолатида қишлайди. Эрта кўкламда дипаузадаги қуртлар ғумбакка айланади ва апрель ойининг биринчи ўн кунлигида, ҳаво ҳарорати ўртача +15°C дан ортгандан бошлаб улардан капалаклар учиб чиқади. Капалаклар тунда фаол бўлиб, ғумбакдан чиққандан 5-7 кун ўтиб

тухум қўя бошлайди. Капалаклар тухумларини учки куртлар, баргларга ва баъзан мева тугунчаларига якка-якка ҳолатда қўяди. Урғочи капалак ҳаёти давомида жами 100 тадан 150 тага қадар тухум қўяди. Қулай шароитда тухумдан 3-5 кунда личинка чиқади, лекин, баҳор мавсумида ҳарорат пасайиб кетганда тухумлардан личинкаларнинг чиқиши 15-20 кунгача чўзилиши мумкин.

Тухумдан чиққан 1-авлод куртлар новдаларда озикланиб вояга етади. Иккинчи авлод куртлар эса новдалар ва айрим ҳолларда мева билан озикланади. Мевалар пишишига яқин шарқ мевахўр куртлари новдалардан кўра мевалар билан яхши озикланади. Мевохўр куртларининг ривожланиш муддати баҳорда 17-26 кунни, ёзга томон қисқариб бориб, 7-15 кунни ташкил этади. Кузги авлодларининг куртларини ривожланиш муддати 30 кундан 40-50 кунга қадар чўзилиши мумкин.

Охирги авлоднинг куртлари озикланишдан тўхтагач, ипак толаси ёрдамида “пилла”га ўралиб, дипауза ҳолатида қишлашга кетади. Қишлаётган куртларнинг пилласи ёзги авлодлариникига нисбатан зичроқ бўлади. Ёзги авлод куртларнинг ғумбаклик даври 7-13 кун бўлиб, қишлаб чиққан куртларнинг ғумбаклари эса 15-20 кунда етилади.

Ой	март			апрел			май			Июнь			июль			август			сентябрь			октябрь			ноябрь		
Декада	1	2	3	1	2	3	1	2	3	1	2	3	1	2	3	1	2	3	1	2	3	1	2	3	1	2	3
V-VI авлод КК	○	○	○	○																							
I-авлод			◇	◇	◇	+																					
II-авлод																											
III-авлод																											
IV-авлод																											
V-авлод																											
V-авлод КК																											
VI-авлод																											
VI-авлод КК																											

1-расм. Ғарбий Фарғона худудида Шарқ мевахўрининг (*Grapholitha molesta* Busck.) ривожланиш фенологияси (2019й.). Шартли белгилар: ○ - дипаузадаги курт; ◇ - ғумбак; + - капалак; ● - тухум; — - личинка.
КК - қишлаётган куртлар.

Олмазор боғларда олиб борган тадқиқотларимиз давомида (Учкўприк тумани, 2019й.) шарқ мевахўрининг куртлари олма дарахтлари бўйлаб 50 метргача бўлган радиусда фаол кўчиши ҳамда қишлашга кетиш даврида асосан кечки нав ва озиклилик даражаси юқори бўлган боғларни танлаши қайд этилди. Капалаклари тухум қўйиш даврида боғ худудида 250-300 метргача масофага учиб бориши кузатилди. Шунингдек, шамол бўлган вақтларда капалаклар шамол йўналиши бўйлаб 2-5 км га қадар тарқалиши мумкинлиги қайд этилди. 2019 йил мавсумида Ғарбий Фарғона шароитида шарқ мевахўри 5-6 авлод бериб ривожланганлиги кузатилди (1-расм). 5-авлоднинг нисбатан кечикиб вояга етган охирги ёш куртлари ҳам қишловга кетиши қайд этилди (Учкўприк тумани, Оксуб ҚФЙ). Бунда, 2 та ёнма-ён жойлашган ўрта пишар ва кечки олма боғларнинг 4 томонидан 2 тадан ҳамда марказий қисмидан 2 та, жами 10 тупдан олма дарахти белгилаб олинди, уларнинг танасига боғланган махсус белбоғлардаги 5-авлоднинг дипауза ҳолатида қишлашга кетган куртлари йиғиб олинди ва сони қайд қилинди. Шу дарахтлардаги 6-авлоднинг қишлашга кетган куртлари ҳам йиғилиб, уларнинг нисбати ҳисобланди. Олинган натижаларга кўра, қишлаётган зараркунанданинг жами куртлари сонига нисбатан 5-авлоднинг қишлашга кетган куртлари 21,4 % (жами 24 та), 6-авлоднинг куртлари 78,6 % (жами 112 та) ташкил этди. Бешинчи авлоднинг қишлашга кетган куртларининг 75 % (18 та) ўрта пишар боғга, 25 % (6

та) кечки олма дарахтларига тўғри келди. Олтинчи авлод қишловчи қуртларнинг 13,4 % (15 та) ўрта пишар боғга, 86,6 % (97 та) кечки олма дарахтларига тўғри келди.

Юқоридагилар асосида таъкидлаш мумкинки, қишловчи авлодларнинг улуши кузги иқлим шароитлар билан боғлиқ. Жумладан, кеч куз мавсумида нисбатан совуқ об-ҳаво шароитининг юзага келиши 5-авлод катта ёш қуртларнинг асосий қисмини қишлашга кетишига сабаб бўлиши ҳамда 6-авлоднинг ривожланишини деярли чеклаб қўйиши ҳам мумкин. Бу борада боғ агробιοценозларида шарқ мевахўрининг озуқа спектридан ўрин олган мевали дарахтларнинг навлари ва уларнинг вегетация муддатлари, турли навларнинг ёнма-ён жойлашиши ёки катта майдонларда бир хил навнинг устуворлиги каби омиллар зараркунанданинг мавсумий ривожланиш хусусиятларини белгилайди.

Шунингдек, мевали боғларнинг вегетация мавсумлари давомида об-ҳавонинг турли ўзгаришлари, жумладан, булутли ва ёмғирли кунларнинг нисбатан чўзилиши ёки кўп такрорланиши каби иқлим омилларининг таъсирида, шарқ мевахўрининг турли ҳаётий босқичларидаги ривожланиш муддатларини ҳам ўзгариши табиий ҳолдир.

Ғарбий Фарғона худудида 2019 йил мавсумида олиб борган тадқиқотларимиз давомида шарқ мевахўрининг қишлаётган дивауза ҳолатидаги қуртлари март ойининг учинчи ўн кунлиги охиридан (ўртача ҳаво ҳарорати +13°C) ғумбакка айланишни бошлади. Олма дарахтлари атрофидаги қуёш нури яхши тушмайдиган ва намлик юқори бўлган жойларда қишлаб чиққан диваузадаги қуртларнинг ғумбакка айланиши апрель ойининг учинчи ўн кунлигида ҳам давом этди. Апрель ойининг биринчи ўн кунлиги охирида, ҳаво ҳарорати ўртача +15°C дан ортгандан бошлаб (08.04.2019 й.) улардан капалаклар учиб чиқа бошлади. Капалакларнинг ёппасига учиб чиқиши тунги минимал ҳарорат +12°C дан ортганда 15-17 апрель кунлари қайд этилди. Капалакларнинг учиб чиқиши апрель ойи охирига қадар давом этди. Капалакларнинг дастлабки тухумлари 17 апрелда қайд этилди. Тухумлардан чиққан 1-ёш қуртлар 26 апрель куни кузатилди. Май ойининг биринчи ўн кунлигида олинган наъмуналарда ҳам оз сондаги 1-ёш қуртлар озикланаётганлиги қайд этилди. 1-авлод мевахўр қуртларининг ривожланиши май ойининг охирига қадар давом этди. Июнь ойининг биринчи ўн кунлигидан июль ойининг биринчи ўн кунлигига қадар 2-авлод қуртлар, июль ойи давомида 3-авлод, июль ойи охиридан август ойи сўнггига қадар 4-авлод, август охиридан октябрь ойи бошларига қадар 5-авлод, октябрнинг биринчи ўн кунлигидан ноябр ойи ярмига қадар 6-авлоднинг қуртлари ривожланганлиги кузатилди. Шунини алоҳида эътиборга олиш лозимки, ғумбакларнинг жойлашган ўрни ва тухумларнинг қўйилган жойларига боғлиқ ҳолда, яъни, қуёш нури яхши тушмайдиган ва намлик юқори бўлган жойлардаги тухумлар ва ғумбакларнинг ривожланиш муддатларини бир оз чўзилиши ҳисобига шарқ мевахўри олдинги авлодининг катта ёшли қуртлари билан кейинги авлодининг кичик ёш қуртлари аралашиб кетади. Шунингдек, октябрь ойининг иккинчи ўн кунлигидан қишловга кетган 5-авлоднинг диваузадаги қуртларининг ҳам аксарияти қуёш нури яхши тушмайдиган пана жойларда қайд этилди.

Ғарбий Фарғона шароитида **ўрик тунлами** (*Calymnia subtilis* Stgr.) айрим худудларда учраб, популяцияси сийрак ва индивидлар сони нисбатан чекланганлиги қайд этилди. Жумладан, 2019 йилнинг баҳор мавсумида олиб борилган кузатишларда Учкўприк туманининг Сарикўрғон худудида жойлашган 6,5 гектарли ўрикзор боғга қўйилган маҳсус ҳашарот тутгичга (14-21 май, 2019 йил) 3 дона (жами тангачақанотлиларга нисбатан 1,2 %) тунлам капалаклари тушганлиги қайд этилди.

Ўрик тунлами капалагининг қанотлари ёзилганда кенлиги 25-30 мм ташкил этади. Капалак олдинги қанотларининг ранги сариқ-пушти, кейинги қанотлари оч малла рангда. Олдинги қанотларининг ташқи чеккасида оч қўнғир тусли кенг ҳошия ва унга параллел равишда оч яшил йўл ўтади. Олдинги қанотларининг учидаги бурчакдан кейинги чеккасининг ўртасига қараб ҳам оч яшил йўл ўтиб, дастлабки қисми узилган бу йўлдан қанотнинг олдинги чеккасига учта перпендикуляр тармоқ кетади. Капалак тухумлари шарсимон шаклда бўлиб, диаметри 1 мм атрофида[8].

Катта ёшдаги тунлам куртнинг ранги тиниқ яшил рангда, узунлиги 25-26 мм атрофида бўлади. 3-4 ёшдаги куртларни танасининг орқа қисмида ва ён томонларида узунасига кетган бешта камбар тиниқ йўллари кўзга ташланиб туради. 1-3 ёш куртларнинг танасида майда қилчалар жойлашган қора нуқталари бор. Ёш куртлар танасини биринчи сегментининг орқа қисмида кўндаланг қора қалқонсимон ўсимтаси бўлиб, кўкрак оёқлари қора рангда, сўнгги сегментнинг юқорисида қора доғлари мавжуд.

Ўрик тунламининг куртлари кўкламда барглари ёзилишидан олдин пайдо бўлиб, куртакларнинг ичини ўйиб кириб, озикланади. Ёзилган барглари тунлам куртлари ипак тола ишлаб чиқарувчи безлари ёрдами “ўргимчак иплари” билан ёпиштириб, ичида озикланади ва барглари тешиб қўяди. Ўрик тунламининг 3-4 ёшдаги куртлари ўрик барглари, ёзилаётган барг куртаклари ва гул куртаклари билан озикланиб, зарар келтиради. Кичик ёшдаги куртлари (1-2 ёш) гулнинг ички қисми билан ҳам озикланиши мумкин. Шунингдек, катта ёшдаги куртлар етилмаган мева этлари (ғўраси) билан ҳам озикланиши кузатилган[8]. Тунлам куртлари асосан, тунда озикланади, кундуз кунлари эса ипак тола билан бириктирилган барглари орасида бўлади. Тунлам куртлари ривожланиши тугаллаб, ерга тушади ва хазонлар тагида ёки тупроқ юза қаватида, тупроқдаги кессаклар орасида, боғ деворларининг ёриқларида, дарахтларнинг пўстлоқ ёриқларида ва бошқа жисмлар орасида пилла ўрайди. Пиллага ўралган куртлар жойлашган ўрни ва ҳароратнинг етарли бўлишига қараб 2-7 кундан кейин ғумбакка айланади. Ғумбакларининг узунлиги 13-15 мм атрофида, ривожланиш давомийлигига кўра ранги сарғиш-кўнғир ёки оч жигарранг бўлади. Қорин қисмининг охириги сегментида иккита узун илмоқсимон ўсимтаси ва 3 жуфт қиллари кўзга ташланиб туради. Ғумбаклардан 14-20 кун давомида вояга етган капалак ривожланиб, учиб чиқади.

Ўрик тунламининг капалаклари асосан, тунда фаол бўлиб, тунги ёритиш чироқлари атрофига учиб келади. Кундуз кунлари капалаклар дарахтларнинг пастки томонида ва танасида қимирламай ётади. Эркак ва урғочи капалаклар тунда жуфтлашади. Урғочи капалаклар ўрик дарахтини йўғон шоҳларининг пастки ва ён юзаларига ҳамда дарахт танасининг шоҳланиш асосларига 2-6 тадан ёпиштириб, тизилган ҳолда, 300-400 тага қадар тухум қўяди. Ўрик тунлами тухумлик даврида қишлайди. Тухумларининг ранги оч кул ранг туси бўлиб, юқори томондан урғочи капалак қорнининг учигаги туклари ёрдами билан ўрик пўстлоғидан йиғиб олган чанг-ғуборлар билан қопланиб туради. Ғарбий Фарғона шароитида ўрик тунлами бир йилда битта авлод бериб ривожланади (2-расм).

январь			февраль			март			апрель			май			июнь			июль			август											
1	2	3	1	2	3	1	2	3	1	2	3	1	2	3	1	2	3	1	2	3	1	2	3									
•	•	•	•	•	•	•	•	•	—	—	—	—	—	—	○	○	○	◇	◇	◇	+	+	+	•	•	•	•	•	•	•	•	•

2-расм. Ғарбий Фарғона ҳудудида ўрик тунлами (*Calymnia subtilis* Stgr.)нинг ривожланиш фенологияси (2019й.).

Шартли белгилар: ○ - диапаузадаги курт; ◇ - ғумбак; + - капалак; • - тухум; — - личинка

Хулоса. Шарқ мевахўри (*Grapholitha molesta* Busck.) ғарбий Фарғона шароитида апрель ойининг биринчи ўн кунлигида, ҳаво ҳарорати ўртача +15°C дан ортгандан бошлаб учиб чиқади. Капалакларнинг ёппасига учиб чиқиши тунги минимал ҳарорат +12°C дан ортганда (15-17 апрель кунлари) қайд этилди. Капалаклар тухум қўйиш даврида боғ ҳудудида 250-300 метргача масофага учиб бориши кузатилди. Шунингдек, шамол бўлган вақтларда капалаклар шамол йўналиши бўйлаб 2-5 км га қадар тарқалиши мумкин. 2019 йил мавсумида Ғарбий Фарғона шароитида шарқ мевахўри 5-6 авлод бериб ривожланди. Қишлоқчи авлодларнинг улуши кузги иқлим шароитлар билан боғлиқ. Боғ агробιοценозларида шарқ мевахўрининг озуқа спектридан ўрин олган мевали дарахтларнинг навлари ва уларнинг вегетация муддатлари, турли навларнинг ёнма-ён жойлашиши ёки катта майдонларда бир

хил навнинг устуворлиги каби омиллар зараркунанданинг мавсумий ривожланиш хусусиятларини белгилайди. Гумбакларнинг жойлашган ўрни ва тухумларнинг қўйилган жойларига боғлиқ ҳолда, ривожланиш муддатларини бир оз чўзилиши ҳисобига шарқ мевахўри олдинги авлодининг катта ёшли қуртлари билан кейинги авлодининг кичик ёш қуртлари аралашиб ҳаёт кечиради.

Ғарбий Фарғона шароитида ўрик тунлами (*Calymnia subtilis* Stgr.) бир йилда битта авлод бериб ривожланади, популяцияси сийрак ва индивидлар сони нисбатан чекланган. Тунлам қуртларининг ривожланиши 40-50 кунга қадар давом этади. Пиллага ўралган қуртлари жойлашган ўрни ва ҳароратнинг етарли бўлишига қараб 2-7 кундан кейин гумбакка айланади. Гумбаклардан 14-20 кун давомида вояга етган капалак ривожланиб, учиб чиқади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Енукидзе Н.Е. Биология восточной плодовой жорки в Абхазии // Защита растений. - №6. 1981. - 38 с.
2. Козичева Э.Ф. К методике определения возможного ареала восточной плодовой жорки в СССР // В кн. Восточная плодовая жорка // Сб. науч.тр., 1980. - С. 25-43.
3. Мигулин А.А. и др. Сельскохозяйственная энтомология. – М., 1983. - 416 с.
4. Очилов Р.О. ва бошқ. Мевали дарахтлар зараркунандалари ва касалликларини аниқлаш ҳамда уларга қарши кураш чоралари. – Тошкент, 2010. - 60 б.
5. Пак С. Яблонная плодовая жорка в Узбекистане и биологическое обоснование системы мероприятий о борьбе с ней. - Автореф. дис. ...канд. биол. наук. – Кишинев, 1985. -24 с.
6. Попович В.В. Восточная плодовая жорка в Краснодарском крае // Защита растений. - №11. 1982. - С. 40-41.
7. Хо'jaev Sh.T., Xolmurodov E.A. Entomologiya, qishloq xo'jalik ekinlarini himoya qilish va agrotoksikologiya asoslari. – Toshkent: Fan, 2009., – 73 b.
8. Yaxontov V.V. O'rta Osiyo qishloq xo'jaligi o'simliklari hamda mahsulotlarining zararkunandalari va ularga qarshi kurash. –Toshkent: O'rta va oliy maktab, 1962. – 696 b.
9. Шерматов М.Р. Ботиров Э.А. Фарғона водийсида анжир парвонаси (*Lepidoptera Choreutidae*)нинг тарқалиши ва ривожланиши. Ўзбекистон аграр фани хабарномаси. Тошкент, 2018. №4. Б. 44-46.
10. Мирзаев М.М. Культура абрикоса в Узбекистане, Т., 2002. – 126 с.
11. Beljaev E.A., Ponomarenko M.G. New Lepidopterological finds in South of Russian Far East / Far Eastern Entomologist. 2005. No. 155. P. 1-11.

O'ZBEKISTONDA YAYLOV YERLARI EROZIYAGA UCHRASHINING ASOSIY OMILLARI*D.A. Egamova, assistent, TIQXMMI Buxoro filiali, Buxoro**M.M. Mahmudov, talaba, TIQXMMI Buxoro filiali, Buxoro**D.E. Safoyev, talaba, TIQXMMI Buxoro filiali, Buxoro*

***Annotatsiya.** Maqolada qishloq xo'jaligining yaylov yerlarida eroziyaga uchrashining oldini olish va samarali foydalanish, uni tashkil etish borasidagi ilmiy va amaliy ishlar. Iqlim o'zgarishi sharoitida yaylov yerlaridan foydalanishni loyihaviy usullari bo'yicha ma'lumotlar va tavsiyalar keltirilgan.*

***Kalit so'zlar:** Tog' oldi va cho'l yaylovlari, pichanzorlar, degradatsiya jarayonlari, yaylovlar tadqiqoti.*

***Аннотация.** В статье представлены научно-практические работы по организации и предотвращению эрозии сельскохозяйственных пастбищ. Предоставляет информацию и рекомендации по подходам к проектированию использования пастбищ в условиях изменения климата.*

***Ключевые слова:** предгорные и пустынные пастбища, сенокосы, деградационные процессы, пастбищные исследования.*

***Abstract.** The article presents scientific and practical work on the organization and prevention of erosion of agricultural pastures. Provides information and recommendations on design approaches to pasture use in climate change.*

***Key words:** Research of foothills and desert pastures, hayfields, degradation processes, pastures*

Mavzuning dolzarbligi. Ma'lumki, dunyoda iqlim o'zgarishining qishloq xo'jaligiga ta'siri yomon oqibatlariga olib kelmoqda. O'zbekiston Respublikasi yer fondi toifalar ichida qishloq xo'jaligi yerlari respublikaning umumiy yer maydoni (ya'ni 44892,4 ming ga) ning 20761,6 ming gektarni tashkil yetadi [3]. Bu degani qishloq xo'jaligi yerlarimiz umumiy hisobda respublikaning 46,08 % ni tashkil etmoqda. Qishloq xo'jaligiga kiruvchi ekin yerlar, lalmi yerlar, bo'z yerlar, bog'lar, yaylov va pichanzorlar bilan qoplangan yerlarda hozirgi kunda eroziyaga uchrash holatlari, degradatsiyaga olib keluvchi omillar, antropogen omillar yil sayin ortib qishloq xo'jaligi yerlariga salbiy ta'sir qilmoqda. Havoning yil sayin isib borishi, yog'ingarchilikni kamligi, ba'zi ekin yerlarimizga suv yetishmovchiligi nafaqat bizda balki bu global muammolarga aylanib borayotgani dar haqiqatdir. Chorvachilikni rivojlantirish avvalambor, aholini go'sht va sut mahsulotlariga bo'layotgan talabni oshib borishi yaylov yerlardan foydalanishni yanada orttiradi [4]. Qishloq xo'jaligidagi yaylov va pichanzorlar bilan band yerlar 21102,5 ming gektarni (jami qishloq xo'jaligi yer maydonini 43% ni) tashkil yetadi. Shundan, 17 mln. 415 ming gektari cho'l hududida, 3 mln. 687 ming gektari tog' va tog' oldi hududlarida joylashgan. Yaylov va pichanzorlarning 3 mln. 282 ming gektari o'rmon xo'jaliklariga doimiy foydalanish huquqi bilan, 194 ming gektari sanoat va mudofaa maqsadlariga doimiy foydalanish huquqi bilan, 9 mln. 393 ming gektari qishloq xo'jaligi korxonlariga ijara asosida ajratib berilgan. Qolgan 8 mln. 233 ming gektari, shundan 1 mln. 635 ming gektari vaqtincha tarqatilmasdan, 6 mln. 598 ming gektari yillar davomida davlat zahirasida foydalanilmasdan turibdi.

Yaylov va pichanzorlarda hozirgi paytda chorvani ortiqcha boqish va yoppasiga chovani o'tlatish holatlari natijasida yaylov yerlarida eroziya holatlari uchrashi va yaylov yerlarida degradatsiya uchrash holatlari yil sayin kuzatilyapti. Geobotanika monitoring ishlarida kuzatuvlar olib borilib yaylov maydonlarni 16,4 million gektari (78 foizi) inqirozga uchrangani va 20 foizi hozirgi kunga kelib mamlakatdagi yaylov va pichanzor o'simliklari soni hamda turlari kamayib, mahsuldorlik 2 barobarga qisqargan (1-jadval).

Qoraqalpog'iston Respublikasi va viloyatlar bo'yicha yaylovlarning taqsimlanishi (Davergeodezkadastr. 2015-2019 yy.)

Hududlar nomi	Maydoni (ming,ga) 2015 y	Maydoni (ming,ga) 2016 y	Maydoni (ming,ga) 2017 y	Maydoni (ming,ga) 2018 y	Maydoni (ming,ga) 2019 y	Maydoni (ming,ga) 2020 y
Qoraqalpog'iston Respublikasi	5275,1	5277,5	5277,7	5278,4	5277,8	5175,6
Andijon viloyati	21,3	21,2	21,2	21,2	21,0	21,1
Buxoro viloyati	2543,2	2543,0	2541,3	2540,8	2530,4	2558,1
Jizzax viloyati	757,8	757,8	757,8	757,7	750,5	726,7
Qashqadaryo viloyati	1415,3	1408,4	1408,4	1407,3	1407,1	1406,8
Navoiy viloyati	8745,6	8745,3	8745,0	8737,7	8747,6	8762,3
Namangan viloyati	152,4	152,4	151,4	151,2	151,1	150,8
Samarqand viloyati	793,8	797,9	797,7	797,3	797,1	797,1
Surxondaryo viloyati	830,9	830,9	830,8	830,3	826,7	826,5
Sirdaryo viloyati	20,5	20,4	20,3	20,2	20,3	20,5
Toshkent viloyati	436,1	440,0	439,9	440,2	440,0	437,6
Farg'ona viloyati	23,5	23,5	23,5	23,5	23,5	23,4
Xorazm viloyati	110,1	110,1	109,4	109,4	109,4	109,3
Jami	21125,6	21128,4	21124,4	21115,5	21102,5	21015,8

Izoh:Qoraqalpog'iston Respublikasi va viloyatlar bo'yicha yaylovlar yerlarining taqsimlanishi. Davyergeodezkadastr MX 2015-20 yy chaga ma'lumotlar asosida 6-yillik yaylov yerlarining tahlil ma'lumotlari [2-3].

Tadqiqot natijalari va ularning muhokamasi .Yaylov yerlarni loyihalash mamlakatimizga chorvachilik tarmog'ini rivojlantirishga juda muhim yechim hisoblanadi. Fermerlar va yer egalari chorvachilikni va rotatsion yaylovlar yerlardan foydalanishga loyiha xaritasi yordam berish, tuproq sifatini va uni rivojlantiradigan ko'plab amaliyotlarni targ'ib qiluvchi yerdan foydalanish tarmog'ini qo'llab-quvvatlash, chorvachilikni qayta integratsiyalashuvdagi asosiy ta'limiy, siyosiy, iqtisodiy va ijtimoiy to'siqlarni to'g'ridan-to'g'ri yo'q qilishga yechim bo'ladi [5].

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2018 yil 23 apreldagi "Ma'muriy-hududiy birliklar chegaralarini belgilash, yer resurslarini xatlovdan o'tkazish hamda yaylov va pichanzorlarda geobotanik tadqiqotlarni o'tkazish tartibini yanada takomillashtirish chorva-tadbirlari to'g'risida"gi 299-son qaroriga asosan Respublikamizda yaylov va pichanzorlarda geobotanik tadqiqotlar amalga oshirilib kelinmoqda [1]. Ushbu qarorning 3-ilovasiga asosan "Yaylov va pichanzorlarda geobotanik tadqiqotlarni o'tkazish" orqali O'zbekiston Respublikasi yaylovlarning o'simliklar bilan qoplanganlik darajasi o'tkazilgan 10,8 mln gektar (jami maydonning ya'ni 51%) da geobotanik tadqiqot natijalariga olib borildi va holat bo'yicha tahlil qilinib, yaylov yerlarning degradatsiyaga uchrash holati 1990 yilda jami yaylov maydoninig 5% ni tashkil qilgan ya'ni 540 ming gektar yaylov yerlarimiz degradatsiyaga uchragan aniqlandi. 2000 yilda 11% ni 1,2 mln gektar maydonni, 2020 yilda bu ko'rsatkichlar ortib 19% ni ya'ni jami yaylovning 2,0 mln gektar yaylov yerlarida degradatsiyaga uchrab yaylov o'simliklari kamayib va yo'qolib borish holatlari aniqlandi. Taxminiy hisob- kitob qilib ko'rilsa 2030 yilga borib bu ko'rsatkich 30% ni ya'ni 3,2 mln.ga yaylovlar yerlarimiz degradatsiya uchrash holatlari prognoz qilishi mumkin. O'tkazilgan tadqiqot hududlari (Toshkent viloyati Ohangaron va Bo'stonliq tumanlari, Jizzax viloyati Forish va Zomin tumanlari, Qoraqalpog'iston Respublikasi Taxtako'pir va Mo'ynoq tumanlari, Buxoro viloyati, Navoiy viloyati Nurota tumani, Surxondaryo viloyati Boysun tumani, Qashqadaryo viloyati G'uzor va Muborak tumanlari) da yaylov yerlarning tadqiqot olib borildi. Ushbu hududlarda degradatsiyaga uchragan yaylov yer maydonlari 2,0 mln gektar (ya'ni umumiy yaylov yer maydonining 19%), yaxshi yaylov yer maydonlari 2,6 mln.ga (24%), o'rta yaylov yer maydonlari 6,2 mln.ga ni tashkil etadi. Bu yaylov yerlarida tarqalgan dorivorlar o'simliklar turlar soni 21 ta, qizil kitobga kiritilgan 8 ta, zararli va zaharli 11 ta, chorva mollar yeydigan 53 ta yaylov o'simlik turlari aniqlandi. Holati tubdan baholash, holati yomonlashgan va

degradatsiyaga uchragan maydonlarni tiklash yoki konservatsiya qilish tadbirlarini qilish tadbirlarini yo'lga qo'yish uchun muhim omil bo'ldi.

Xulosa qilib shuni aytmoqchimanki, yaylov yerlar holatini yaxshilash va degradatsiya omillari kamaytirish bo'yicha quyidagi tavsiyalarimni keltirib o'taman:

- Bioxilma-xillikni saqlash, degradatsiyani oldini olish maqsadida, har 5 yilda geobotanik tadqiqotlar, har yili monitoring o'tkazib borish va yaylov yerlaridan foydalanuvchilar uchun malaka oshirish kurslarini tashkil etish;

- Yaylovdan foydalanuvchilar o'z hisoblaridan degradatsiyaga uchragan yaylovlarini qayta tiklash;

- Amalda bo'lgan soliq undirish ya'ni faqatgina fermer xo'jaliklaridan emas balki barcha yaylov foydalanuvchilarga tabaqalashtirilgan soliq to'lash tizimini joriy qilish.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2018 yil 23 apreldagi "Ma'muriy-hududiy birliklar chegaralarini belgilash, yer resurslarini xatlovdan o'tkazish hamda yaylov va pichanzorlarda geobotanik tadqiqotlarni o'tkazish tartibini yanada takomillashtirish chorva-tadbirlari to'g'risida"gi 299-son qarori.

2. O'zbekiston Respublikasi yer resurslarining holati to'g'risida Milliy Hisobot. -Toshkent: "Yergeodezkadastr" davlat qo'mitasi, 2015. - 25-26b.

3. O'zbekiston Respublikasi yer resurslarining holati to'g'risida Milliy Hisobot. - Toshkent: Davgeodezkadastr qo'mitasi, 2020. – 26-27 b.

4. O'zbekiston Respublikasi Statistika qo'mitasining Stat.uz sayti ma'lumotlar, 2019.

5. Avezboev S., Volkov S.N. Yer tuzishni loyihalash / Darslik. - Toshkent: "Yangi asr avlodi", 2004. - 590 b.

UO'K: 631.2

YER RESURSLARIDAN OQILONA VA SAMARALI FOYDALANISHNI TAKOMILLASHTIRISH

D.A. Egamova, assistent, TIQXMMI Buxoro filiali, Buxoro

M.M. Mahmudov, talaba, TIQXMMI Buxoro filiali, Buxoro

D.E. Safoyev, talaba, TIQXMMI Buxoro filiali, Buxoro

Annotatsiya. Maqolada yer resurslaridan samarali va maqsadli foydalanish mamlakatimiz qishloq xo'jaligining asosini tashkil etuvchi yer resurslarini samarali boshqarish, boshqaruvning yangi zamonaviy mexanizmlarini joriy etish iqtisodiy barqarorlik va aholining munosib hayot kechirishini ta'minlashda fermer, dehqon xo'jaliklari va tomorqa yer egalari uchun qulay ishbilarmonlik muhitini yaratish, ularning yer maydonlaridan samarali foydalanish masalasi alohida o'rin tutadi.

Kalit so'zlar: Yer resurslari, sug'oriladigan yerlar, oqilona va samarali foydalanish, fermer xo'jaligi, dehqon xo'jaligi, klaster

Аннотация. В статье рассматривается эффективное и целевое использование земельных ресурсов, эффективное управление земельными ресурсами, составляющими основу сельского хозяйства страны, внедрение новых современных механизмов управления для создания благоприятной деловой среды для фермеров, дехканских хозяйств и приусадебный участки в обеспечении экономической стабильности и достойного проживания. Особое место занимает вопрос рационального использования земель.

Ключевые слова: Земельные ресурсы, орошаемые земли, рациональное и эффективное использование, сельское хозяйство, сельское хозяйство, кластер

Abstract. The article discusses the effective and targeted use of land resources, effective management of land resources, which form the basis of agriculture in the country, the introduction of new modern management mechanisms to create a favorable business environment for farmers, dehqan culture and household owners in ensuring economic stability and decent living. The issue of their efficient use of land has a special place

Keywords: land resources, irrigated land, rational and efficient use, farm, farming culture farm, cluster

Davlatimiz rahbari Sh.M.Mirziyoyevning bevosita tashabbusi bilan mamlakatimiz qishloq xo'jaligida amalga oshirilayotgan izchil islohotlar, xususan, ko'p tarmoqli fermer xo'jaliklarining tashkil etilishi, qishloq hududlariga sanoatning kirib borishi, zamonaviy innovatsion agrotexnologiyalarning o'zlashtirilishi sohadagi yutuqlarning salmog'ini belgilamoqda. Mamlakatning iqtisodiy barqarorligi va aholining munosib hayot kechirishini ta'minlashda fermer, dehqon xo'jaliklari va tomorqa yer egalari uchun qulay ishbilarmonlik muhitini yaratish, ularning yer maydonlaridan samarali foydalanish masalasi alohida o'rin tutadi.

Yerdan unumli foydalanish va uni talon-taroj qilishning oldini olish— eng muhim vazifalardan biri ekanligini davlatimiz rahbari bir necha marta ta'kidlab o'tmoqdalar. Mamlakatda sug'oriladigan yerlar atigi 4,3 million gektar bo'lib, ushbu yerlar respublikamizning "oltin fondi" hisoblanadi va uni ko'paytirishning hech iloji yo'q. Chunki O'zbekistonda suv resurslari cheklangan. 830 ming gektar yerni sug'orishda qiyinchiliklar yuzaga kelmoqda. Fermer xo'jaliklarida yerdan unumli foydalanish, daromad hajmini oshirish masalasiga ham alohida e'tibor berish zarur. . Bugunda nafaqat respublikamiz ehtiyoji uchun oziq-ovqat va asosiy sanoat xom-ashyosi bazasini ta'minlab kelmoqda, balki jahon bozorlarida ham katta hajmda eksport yo'lga qo'yilgan. Shu sababdan ham respublikamizdagi sug'oriladigan yerlar alohida muhofaza etiladi.

Mustaqillikning dastlabki davrlarida respublikamiz qishloq xo'jaligida iqtisodiy islohotlarni yanada chuqurlashtirish, qishloqda ishlab chiqarish munosabatlarini takomillashtirish, qishloq xo'jalik ishlab chiqarishini boshqarishning bozor tamoyillariga mos keladigan tashkiliy tuzilmasini tadbiq etish maqsadida sobiq kolxoz va sovxozlar bosqichma-bosqich tugatilib, uning bazasida yangi mulkdorlar sinfi - fermer xo'jaliklari tashkil etildi. Sug'orma dehqonchilik hamda sug'oriladigan ekin maydonlari cheklanganligi sharoitida mulkchilikning ijara shakllari va shartnomaviy munosabatlarga asoslangan xo'jalik yuritish tizimi tashkil etildi.

Keyinchalik fermer xo'jaliklari faoliyati samaradorligini yanada oshirish, yer va suv resurslaridan oqilona foydalanilishini ta'minlash, yerning ekologik holatini yaxshilashga qaratilgan zamonaviy innovatsion va resurs tejankor texnologiyalarni keng joriy etish, mahsulot ishlab chiqarish hajmlarini ko'paytirish, fermer xo'jaliklarining moliyaviy va iqtisodiy holatini mustahkamlash maqsadida fermer xo'jaliklari tasarrufidagi yer uchastkalari maydonlari maqbullashtirildi.

Sug'oriladigan yerlarning meliorativ holatini yaxshilash, ularning unumdorligini oshirish, qishloq xo'jaligi ekinlari hosildorligini ko'paytirish, shuningdek melioratsiya ishlarini tashkil qilish maqsadida 2007 yilda Sug'oriladigan yerlarning meliorativ holatini yaxshilash jamg'armasi tashkil etildi. Har yili qabul qilinadigan Davlat dasturlari asosida davlat byudjeti mablag'lari hisobiga jami 1,7 mln. gektardan ortiq sug'oriladigan maydonlarning suv ta'minoti hamda 2,5 mln. gektar maydonlarning meliorativ holatining yaxshilanishiga erishildi. Aksariyat hududlarda tuproqning ball boniteti 2-3 ballga ko'tarildi.

So'ngi ikki yilda qishloq xo'jaligida yangi tizim, klaster tizimi joriy etila boshlandi. Klaster - bitta sohaga birlashgan va bir-biri bilan uzviy aloqada bo'lgan korxonalar guruhi bo'lib, ma'lum bir turdagi qishloq xo'jaligi ekinini ekishdan boshlab, qayta ishlash, butlash, saqlash, eksport qilish, ilmiy ishlanmalarni yo'lga qo'yish, urug'chilik va boshqa muhim yo'nalishlar mujassamlashgan bo'ladi.

Bundan eng asosiy maqsad - hududlarni rivojlantirish, qo'shimcha ish o'rinlarini yaratish, mahalliy byudjet daromadlarini oshirish, tadbirkorlik tuzilmalari bilan o'zaro ta'sirlashish, kichik biznes va xususiy tadbirkorlik sub'yektlarining innovatsion faolligini hamda hududlar innovatsion jozibadorligini yuksaltirish, hududiy iqtisodiyotni diversifikatsiya qilishning yangi imkoniyatlarini yaratish.

Keyinchalik, yillar davomida irrigatsiya va melioratsiya holati yomonlashuvi natijasida foydalanishdan chiqib ketgan yerlarni bosqichma-bosqich qayta foydalanishga kiritish, yer osti suv zahiralardan samarali foydalanish, suv tejovchi texnologiyalarni joriy etish hamda ichki irrigatsiya tarmoqlarini rekonstruksiya qilish orqali suv yo'qotilishini kamaytirish, shuningdek, bu ishlarda salohiyatli investorlar ishtirokini ta'minlash maqsadida O'zbekiston Respublikasi Prezidentining

2019 yil 17 iyundagi “Qishloq xo‘jaligida yer va suv resurslaridan samarali foydalanish chora-tadbirlari to‘g‘risida” 5742-sonli Farmoni qabul qilindi.

Mazkur Farmon bilan qishloq xo‘jaligida yer va suv resurslaridan samarali foydalanish kontsepsiyasi hamda 2020-2030 yillarda qishloq xo‘jaligi yerlaridan foydalanish samaradorligini oshirish bo‘yicha amalga oshiriladigan chora-tadbirlar dasturi qabul qilindi. 2030 yilga qadar jami 1 mln. 111 ming gektar qishloq xo‘jaligi yerlaridan foydalanish samaadorligini oshirish, bunda yillar davomida foydalanishdan chiqib ketgan 298 ming gektar sug‘oriladigan yerlarni qayta o‘zlashtirish, 813 ming gektar lalmi va yaylov yerlarda foydalanish samaradorligini oshirish belgilab berildi.

Shuningdek, sug‘oriladigan qishloq xo‘jaligi yerlarini maxsus muhofaza qilish, ekin yerlarni kamayib ketishiga yo‘l qo‘ymaslik maqsadida ushbu yerlarni turli xil qurilish uchun faqat O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Qarori bilan ruxsat etilishi qattiq belgilab qo‘yildi. Ma‘lumki, shu kungacha amaldagi qonunchilikka muvofiq suvli ekin yerlarni noqishloq xo‘jalik ehtiyojlari uchun tuman va viloyat hokimlari tomonidan ajratib kelinar edi.

Shu bilan birga irrigatsiya-melioratsiya tarmoqlarini tiklash, rekonstruksiya qilish, suv tejaydigan texnologiyalarni joriy etish hamda suvsizlikka chidamli ekinlarni ekish orqali foydalanishga kiritish uchun investitsiyaviy shartnoma yoki davlat-xususiy sherikchilik asosida ijaraga foydalanish huquqi bilan berilishi belgilab berilgan.

Xulosa o‘rnida shuni ta‘kidlash lozimki, mustaqillikning ilk davridan boshlab shu kungacha qishloq xo‘jaligida amalga oshirilib kelinayotgan barcha islohotlar zamirida yer resurslaridan yanada samarali va maqsadli foydalanish, yer munosabatlarini tartibga solish, sug‘oriladigan yerlarning unumdorligini oshirish, ekin yerlarni asrab-avaylash, aholi daromadini yanada oshirish, xalqimiz hayotini yaxshilash maqsadi mujassam.

FOYDALANILADIGAN ADABIYOTLAR RO‘YXATI:

1. Prezidentning 2017 yil 7 fevraldagi “2017-2021 yillarda O‘zbekistonni rivojlantirishning beshta ustuvor yo‘nalishi bo‘yicha Harakatlar strategiyasi to‘g‘risida” gi Farmoni
2. Safarov E.Yu. Geografik axborot tizimlari. Toshkent, Universitet, 2010. 140 b
3. Babajonov A.R. Yer huquqi va yer monitoringi asoslari. Uslubiy ko‘rsatmalar. Toshkent - 2012. 28b.
4. O‘zbekiston Respublikasi Yer resurslarining holati to‘g‘risida Milliy hisobot. “Davergeodezkadastr” davlat qo‘mitasi. Toshkent 2016-2019 yillar.

UO‘K: 631.1.017.3

AGRAR SEKTORNI RIVOJLANTIRISHDA DEHQON XO‘JALIKLARI VA SHAXSIY TOMORQA YER EGALIKLARINING O‘RNI

F.R. Hamidov, o‘qituvchi, TIQXMMI Buxoro filiali, Buxoro
Sh.B. Adizov, o‘qituvchi, TIQXMMI Buxoro filiali, Buxoro
M.M. Mahmudov, talaba, TIQXMMI Buxoro filiali, Buxoro

Annotatsiya. Ushbu maqolada Raspublikadagi qishloq xo‘jalik sektorini rivojlantirish maqsadida dehqon xo‘jaliklari va tomorqa yer egaliklaridan foydalanish bo‘yicha ayrim tavsiyalar keltirilgan. Qolaversa davlatlar misolida dehqon xo‘jaliklarining huquqiy asoslari tahlil qilingan. Dehqon xo‘jaliklari va shaxsiy tomorqa maydonlaridan foydalanish bo‘yicha ayrim tavsiyalar keltirilgan.

Kalit so‘zlar: Dehqon xo‘jaligi, fermer xo‘jaligi, shaxsiy tomorqa xo‘jaligi, agrar sektor, meros, yer uchastkasi, ratsional, realizatsiya, oziq ovqat.

Аннотация. В данной статье представлены некоторые рекомендации по использованию дехканских хозяйств и приусадебных земельных участков в целях развития сельскохозяйственного сектора Республики. Кроме того, проанализированы правовые основы крестьянских хозяйств на примере государств. Приведены некоторые рекомендации по использованию КФХ и приусадебных участков.

Ключевые слова: Дехканское хозяйство, фермерское хозяйство, приусадебный участок, аграрный сектор, наследие, земельный участок, рациональный, реализация, продовольственный.

Abstract. *This article presents some recommendations on the use of dekhkan farms and household plots for the development of the agricultural sector of the Republic. In addition, the author analyzes the legal foundations of peasant farms on the example of states. Some recommendations on the use of peasant farms and personal plots are given.*

Key words: *Dehkan farm, farm, household plot, agricultural sector, heritage, land plot, rational, implementation, food.*

Kirish. Dehqon xo'jaligi oilaviy mayda tovar xo'jaligi bo'lib, oila a'zolarining shaxsiy mehnati asosida, meros qilib qoldiriladigan umrbod egalik qilish uchun oila boshlig'iga berilgan yer uchastkasida qishloq xo'jaligi mahsuloti yetishtiradi va realizatsiya qiladi.

Shaxsiy tomorqa xo'jaligi aholi tomonidan o'zlariga tegishli bo'lgan yer uchastkalarida qishloq xo'jalik mahsulotlarini erkin savdo hamda oila ehtiyojlari uchun yetishtirish bilan bog'liq mehnat faoliyatidir. Shaxsiy tomorqa xo'jaligini yuritish tadbirkorlik faoliyati hisoblanmaydi hamda shaxsiy tomorqa xo'jaligini davlat ro'yxatidan o'tkazish talab etilmaydi. Shaxsiy tomorqa xo'jaligida faoliyat yuritayotgan shaxs o'z faoliyatini o'zini-o'zi band qilish tariqasida rasmiylashtirishi mumkin. Shaxsiy tomorqa xo'jaligi egasi tomonidan unga ajratilgan yer uchastkasida yetishtirilgan va qayta tayyorlangan mahsulotlar uning xususiy mulki hisoblanadi. Oilali va qishloq joylarda kamida uch yil mobaynida yashab turgan fuqarolarga, shuningdek tuman fermer, dehqon xo'jaliklari va tomorqa yer egalari kengashining hamda O'zbekiston yoshlar ittifoqi tuman (shahar) kengashining birgalikda berilgan tavsiyasiga ega bo'lgan yosh fuqarolarga dehqon xo'jaligi yuritish uchun meros qilib qoldiriladigan umrbod egalik qilishga yer uchastkasi sug'oriladigan yerlarda 0,35 gektargacha va sug'orilmaydigan (lalmikor) yerlarda 0,5 gektargacha o'lchamda, cho'l va sahro mintaqasida esa sug'orilmaydigan yaylovlardan 1 gektargacha o'lchamda beriladi. Qishloq joylarda kamida uch yil yashab turganlik to'g'risidagi talab yangi sug'oriladigan yer massivlari uchun qo'llanilmaydi. Bunda dehqon xo'jaligi yuritish uchun beriladigan yer uchastkasining o'lchami yakka tartibda uy-joy qurish uchun meros qilib qoldiriladigan umrbod egalik qilishga ilgari berilgan yoki beriladigan yer uchastkasini hisobga olgan holda aniqlanadi[1].

Shaxsiy tomorqa xo'jaligi faoliyati quyidagi yerlarda amalga oshirilishi mumkin:

a) dala tomorqasi:mazkur Qonun qabul qilinguniga qadar aholi punktlarining yerlaridan qishloq xo'jalik mahsulotini erkin savdo hamda oila ehtiyojlari uchun yetishtirish maqsadlarida meros qilib qoldiriladigan umrbod egalik qilish huquqi asosida ajratilgan yer uchastkasi;qishloq xo'jaligiga mo'ljallangan yoki o'rmon fondi yerlaridan meros qilib qoldiriladigan umrbod egalik qilish huquqi asosida 0,06 gektargacha ajratilgan yer uchastkasi;

b) uy-joy tomorqasi – yakka tartibda uy-joy qurish va uy-joyini obodonlashtirish uchun meros qilib qoldiriladigan umrbod egalik qilish huquqi asosida ajratilgan yer uchastkasi.Meros qilib qoldiriladigan umrbod egalik qilishga berilgan shaxsiy tomorqa yer uchastkalari yoki ularning bir qismi shunday huquq saqlab qolinganda jismoniy va yuridik shaxslarga vaqtincha foydalanish uchun ijaraga berilishi mumkin. Meros qilib qoldiriladigan umrbod egalik qilishga berilgan shaxsiy tomorqa yer uchastkalari yoki ularning bir qismini vaqtincha foydalanish uchun ijaraga berish tartibi O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi tomonidan belgilanadi.

Tahlillar. Qozog'istonda dehqon yoki fermer xo'jaligi ixtiyoriy asosda tashkil etiladi va yer uchastkasiga bo'lgan huquqni davlat ro'yxatidan o'tkazgan paytdan boshlab, Qozog'iston Respublikasi qonunlari bilan belgilangan hollarda yakka tartibdagi tadbirkor sifatida ro'yxatdan o'tkazilgan hisoblanadi. Birgalikda tadbirkorlikka asoslangan dehqon yoki fermer xo'jaligini ro'yxatdan o'tkazishda davlat ro'yxatidan o'tkazish to'g'risidagi guvohnoma dehqon yoki fermer xo'jaligi boshlig'iga beriladi. Guvohlikka davlat daromad organining tegishli hududiy bo'linmasi rahbari tomonidan tasdiqlangan dehqon yoki fermer xo'jaligi a'zolari ro'yxati ilova qilinadi[2].

Rossiya dehqon xo'jaligi umumiy mulkka ega bo'lgan va birgalikda ishlab chiqarish va boshqa iqtisodiy faoliyatni (qishloq xo'jaligi mahsulotlarini ishlab chiqarish, qayta ishlash, saqlash, tashish va sotish) amalga oshiradigan qarindoshlik va mulk bilan bog'liq fuqarolarning birlashmasidir. Ularning shaxsiy mehnat ishtiroki bilan amalga oshiriladi. Rossiya qonunlariga binoan qishloq xo'jaligi mol-mulkka ega bo'lgan va ishlab chiqarish yoki boshqa iqtisodiy faoliyatni

amalga oshiradigan fuqarolarning birlashmasidir. Dehqon-fermer xo'jaligini davlat ro'yxatidan o'tkazgandan so'ng, uning boshlig'i yakka tartibdagi tadbirkor sifatida faoliyat yurita boshlaydi[3].


Qirg'izistonda dehqon xo'jaligi - maqomga ega bo'lgan mustaqil xo'jalik yurituvchi sub'ekt yuridik shaxs yoki o'z faoliyatini amalga oshirmasdan faoliyati tashkil etilgan yuridik shaxsning tashkil etilishi asosan, bir oila a'zolari, qarindoshlari va qishloq xo'jaligi mahsulotlarini ishlab chiqaruvchi boshqa shaxslarning shaxsiy ishlarida yer uchastkasiga va boshqalarga asoslangan mahsulotlar qishloq xo'jaligi a'zolariga tegishli bo'lgan mol-mulk mulk yoki foydalanish uchun olingan ijara yer uchastkasidir[4].

Tojikiston Respublikasining qonunlariga muvofiq 18 yoshga to'lgan muomalaga layoqatli fuqarolari dehqon xo'jaligini tashkil etish huquqiga egadirlar. Dehqon xo'jaligiga egalik qilish quyidagi talablarni hisobga olgan holda belgilanadi:

- yuridik shaxs tashkil etmagan holda dehqon xo'jaligiga nisbatan-har bir xo'jalik a'zosining umumiy foydalanuvdagi yer uchastkasida yer uchastkasini davlat ro'yxatidan o'tkazish to'g'risidagi hujjatlarda aks ettirish va bir guruh jismoniy shaxslar tomonidan ularning a'zolarining birgalikdagi faoliyati, huquqlari va majburiyatlari to'g'risida tuzilgan shartnomada ko'rsatilgan[5]. Tahillardan ko'rinib turibdiki dehqon xo'jaligi qaysi davlatda bo'masin yagona maqsad, yani qishloq xo'jalik va oziq ovqat mahsulotlarini yetishtirishga ixtisoslashtiriladi. Bundan ko'zlangan asosiy maqsad esa aholining oziq-ovqatga bo'lgan ehtiyojini qondirish va agrar sektorda aholini ish bilan band qilishdir.



1-Rasm Ishlab chiqarilgan qishloq xo'jaligi mahsulotlarining xo'jaliklar toifalari bo'yicha taqsimlanishi



2-Rasm. Ishlab chiqarilgan qishloq xo'jaligi mahsulotlarining hududlar bo'yicha xo'jaliklar toifalari kesimida taqsimlanishi (%) da

Natijalar. Xo'jalik toifalari bo'yicha tahlillar shuni ko'rsatadiki O'zbekiston Respublikasida 2020 yilda, qishloq xo'jaligi mahsulotlari umumiy hajmining 88,2%i – dehqon (shaxsiy tomorqa) xo'jaliklariga, 7,6%i – fermer xo'jaliklariga, 4,2%i – qishloq xo'jaligi

faoliyatini amalga oshiruvchi tashkilotlarga to'g'ri kelishini ko'rsatmoqda. Qishloq xo'jaligi mahsuloti ulushining hududlar bo'yicha xo'jaliklar toifalari kesimida taqsimlanishi tahlil qilinganda, eng yuqori ko'rsatkichlar barcha hududlarda dehqon (shaxsiy yordamchi) xo'jaliklariga to'g'ri kelishi kuzatildi.

2020 yilning yanvar-mart oylari yakunlariga ko'ra ishlab chiqarilgan qishloq xo'jaligi mahsulotlari tarkibidagi fermer xo'jaliklarining ulushi bo'yicha eng yuqori ko'rsatkich Qoraqalpog'iston Respublikasida (12,1 %), dehqon (shaxsiy yordamchi) xo'jaliklarining eng yuqori ulushi Xorazm viloyatida (93,5 %), qishloq xo'jaligi faoliyatini amalga oshiruvchi tashkilotlarning eng yuqori ulushi Toshkent viloyatida (11,7 %) qayd etildi.

Fermer xo'jaliklarining qishloq xo'jaligi mahsuloti tarkibidagi ulushi bo'yicha eng kam ko'rsatkich Xorazm viloyatida (4,5 %), dehqon (shaxsiy yordamchi) xo'jaliklarining eng kam ulushi Toshkent viloyatida (82,6 %), qishloq xo'jaligi faoliyatini amalga oshiruvchi tashkilotlarning eng kam ulushi Andijon va Jizzax viloyatlarida (1,6 %) qayd etildi[6].

Xulosa. Iqtisodiyotning muhim tarmog'i bo'lgan qishloq xo'jaligi yerlaridan foydalanish aholining oshib borish jarayonida alohida yondoshishni talab qiladi. Chunki aholining oziq-ovqatga bo'lgan talabi yildan yilga oshib bormoqda. Yer maydonlari esa bir xil maydonda o'zgarishsiz qoladi. Bulardan oqilona va ratsional foydalanish uchun aholi o'zida mavjud bo'lgan yer maydonidan dehqonchilik madaniyati asosida o'ziga kerakli bo'gan qishloq xo'jalik mahsulotlarini yetishtirishi kerakligini bugun barchamiz anglab boryapmiz. Dehqon xo'jaligi shartlariga asosan fuqarolar o'z tomorqa yerlarida yetishtirgan mahsulotlarini ehtiyojdan tashqarisini ichki bozorda bemalol realizatsiya qilishlari mumkin hisoblanadi. Bu esa bir vaqtning o'zida qishloq joylarida yashaydigan fuqarolarning xo'jalikni yuritish bilan birgalikda ish bilan ta'minlash muammosini ham hal etishi hech birimizga sir emas.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. O'zbekiston Respublikasining dehqon xo'jaligi to'g'risidagi qonuni
2. Qozog'iston Respublikasining fermer va dehqon xo'jaliklari to'g'risidagi qonuni
3. Rossiya federatsiyasining fermer va dehqon xo'jaliklari to'g'risidagi qonuni
4. Qirg'iziston Respublikasining fermer va dehqon xo'jaliklari to'g'risidagi qonuni
5. Tojikiston Respublikasining fermer va dehqon xo'jaliklari to'g'risidagi qonuni
6. O'zbekiston Respublikasi davlat statistika qo'mitasining axborotnomalari 2020 y
7. Analysis of crops grown for the efficient use of land dehqan farms and homestead lands of Bukhara region. Agroprogressing jurnali 2020 yil maxsus son. Adizov Sh. Muzafarov R.

UO'K 621.3. 004.424

AVTOMATLASHTIRILGAN SUG'ORISH TIZIMIDA ZAXIRA SUVLARINING SATXINI ROSTLASH

H.Sh. Sharifov, o'qituvchi, TIQXMMI Buxoro filiali, Buxoro

O. Ramazonov, talaba, TIQXMMI Buxoro filiali, Buxoro

Annotatsiya. Maqolada avtomatlashtirilgan sug'orish tizimining zaxira suvlarining sarxini nazorat ostida saqlash keltirilgan. Qishloq xo'jaligida sug'orishda optimal usuldan foydalanish muhimdir. Bu rostlash usuli orqali suvning satxi doimiy nazorat ostida buladi. Loyihada satx dachiklarari hamdaijrochi mexanizimlardan foydalaniladi.

Kalit so'zlar: sug'orish tizimi, datchik sxemasi, mikrokontroller

Аннотация. В статье рассказывается, как управлять потоком резервной воды из автоматизированной системы полива. В сельском хозяйстве важно использовать оптимальный метод полива, благодаря которому уровень воды постоянно контролируется. В проекте используются как уровневые, так и исполнительные механизмы.

Ключевые слова: ирригационная система, сенсорная схема, микроконтроллер

Abstract. The article describes how to control the flow of backup water from an automated irrigation system. It is important to use the optimal method of irrigation in agriculture. Through this method of adjustment, the water level is constantly monitored. The project uses both level and executive mechanisms.

Key words: irrigation system, sensor circuit, microcontroller


Boshqarishning hamma jarayonlari, shu jumladan, rostdash ham, aniq ob'yeht va maqsadlarga bog'liq bo'lmagan umumiy qonuniyatlarga ega. Suyuqlik iste'molining ixtiyoriy o'zgarishida, sig'imda suvning oqish sathini sozlash jarayonini bu umumiy tamoyillarni tushuntiruvchi birinchi misol sifatida, ko'ramiz. Sathning berilgan qiymatdan farqlanishiga bog'liq ravishda, suyuqlikning sig'imga oqishini o'zgartirish bilan, berilgan qiymatda sathni turg'unlashtirishni amalga oshirish mumkin.

Faraz qilamiz, boshida sig'im sathi doimiy va berilgan qiymatga teng. Suv oqishining tasodifiy kamayishi sathning berilganidan baland bo'lishiga olib kelsin. Bu holda klapan bilan suvning oqib kelish yo'lini yopish kerak. Sath darajasi berilgan qiymatdan pasaysa, aksincha klapani ochib qo'yish kerak.

Shunday qilib, rostdash jarayoni beshta ishdan iborat. *Birinchi*dan, sathning berilgan darajasi haqida axborot olish (bizning holda bu topshiriq oldindan ma'lum). *Ikkinchi*dan, sathning haqiqiy darajasi, ya'ni uning o'lchami to'g'risidagi axborotga ega bo'lish. *Uchinchi*dan, sathning berilgan darajasidan farqlanish qiymatini va uning ishorasini aniqlash. *To'rtinchi*dan, suv oqishining talab qilingan qiymatini, uning farqlanish miqdori va ishorasiga bog'liq ravishda, o'rnatish. *Beshinchi*dan, suv oqishini klapani ochish yoki yopish bilan, o'zgartirish.

Keltirilgan misolda boshqarish jarayoni avtomatik emas, chunki unda inson ishtirok etayapti. Bunday boshqarish *qo'lda boshqarish* deyiladi. ART da boshqarish jarayoni avtomatik tarzda amalga oshiriladi. Sig'imdagi suyuqlik darajasini 1.1-rasmda ko'rsatilgan ART yordamida rostdash mumkin. Bu tizimda datchik sath bilan birga joyini o'zgartiradi, ijrochi mexanizm esa suyuqlikning oqib kelishdagi sarflanishini o'zgartiradi. Bunday ART da sathning berilgan qiymatdan har qanday farqlanishi, suyuqlik oqib chiqishining tebranishlari sababli sodir bo'ladi, bu datchik va u bilan bog'liq bo'lgan tatvorning siljishiga olib keladi.

Sath, berilgan qiymatdan yuqorida bo'lganida, klapan yopila boshlaydi, berilgan qiymatdan pastda bo'lganida esa, aksincha, ochila boshlaydi. Shunday qilib, bu tizimda rostdash jarayonining hamma aytilgan ishlari avtomatik tarzda bajariladi: sath berilgan qiymatdan farqlanganida po'kak richagni itaradi, shtokning o'z joyini o'zgartirishi esa, klapaning ochiqlik darajasini o'zgartiradi va bu suyuqlikning talab qilinganday oqishini tashkil qiladi.



1.1-rasm. Suyuqlik oqib kelishi va oqib chiqishiga ega bo'lgan sig'im sathini avtomatik tarzda rostdash: 1 – satx datchigi ; 2 – ijrochi mexanizm; 3 – sig'im; 4 – zatvor.

Boshqa ARTlar ham xuddi shu beshta ishni bajaradi, masalan metantenkda haroratni boshqarish tizimi ko'rsatilgan. Keltirilgan misollardan shu narsa ko'rinib turibdiki, har qanday STOSTni boshqarish uchun uning berilgan va haqiqiy holati haqida axborotni olish zarur, haqiqiy holatning berilgan holatdan farqi aniqlanishi va buning asosida ob'yehtga nisbatan maqsadga qaratilgan ta'sirni ishlab chiqish va uni amalga oshirish kerak.

STOSTda uchraydigan ob'yehtlarning ko'p sonli turli-tumanligiga qaramasdan, boshqarish jarayonining belgilangan umumiy tavsifi ob'yeht va boshqarishning texnik vositalari tabiatga bog'liq emas. Uning asosiy iboralari va tushunchalarini ko'rib o'tamiz.

Aytib o'tilganidek, har qanday boshqarish jarayoni, ARTda texnik qurilmalar bajaradigan, beshta asosiy harakatdan tashkil topadi. Boshqarish ob'yektining holati to'g'risidagi axborotni qabul qiluvchi qurilma *o'lchagich* yoki *parametr qiymatlari datchigi* deb aytiladi. Parametrning o'lchangan qiymatining berilgan qiymatidan farqini aniqlovchi qurilma *summator* deb aytiladi. U algebraik qo'shishni bajaradi – o'lchangan qiymatni berilgan qiymatdan ayiradi. Ob'yektga nisbatan ta'sirni ishlab chiquvchi qurilma *rostlagich* deb aytiladi. Bu ta'sirni ob'yektga uzatishga *rostlovchi organ* xizmat qiladi, uni joyidan siljitish uchun alohida qurilma – *bajaruvchi mexanizm* qo'llaniladi. Bu qurilmalarning hammasi, shuningdek boshqarish ob'yekti ART elementlari bo'ladi (ba'zi bir tizimlarda qurilmalardan ba'zi birlari birgalikda ishlatilishi mumkin, masalan, summator rostlagichning bir qismi bo'lishi, bajaruvchi mexanizm esa rostlovchi organ bilan birlashtirilishi mumkin). Masalan, keltirilgan misolda suyuqlikning oqib kirishi va oqib chiqishiga ega bo'lgan sig'im *sathni rostlovchi ob'yekt*, po'kak – *o'lchash qurilmasi* bo'ladi, richag esa *summator va rostlagich* rollarini, klapan esa *rostlovchi organ* vazifasini bajaradi.

ARTning bu tuzilmali sxemasidan uning hamma elementlari bir-birlari bilan bog'liq ekanligi va ularning bir-birlariga ta'sir qilishlari ko'rinib turibdi: o'lchash qurilmasi summator orqali rostlagichga, rostlagich esa – rostlovchi organga, rostlovchi organ rostlash ob'yektlariga ta'sir qiladi.

Ta'sirlar bir elementdan boshqasiga, jismoniy tabiati har xil bo'lgan (mexanik, pnevmatik, elektrik) signallar vositasida uzatiladi. Masalan, sathni ARTida rostlagichning - o'lchash qurilmasi va rostlovchi organ bilan bo'lgan mexanik aloqasidan foydalanilgan. Hamma signallarning umumiy xossasi – ta'sirni bir elementdan boshqasiga uzatish. Masalan, sathni ARTida rostlovchi organ ob'yektga oqib kelishni o'zgartirish bilan ta'sir o'tkazadi, bunda oqib kelishda suyuqlikning sarflanishi signal bo'lib xizmat qiladi. Bunda ta'sirni o'tkazish hamma vaqt bitta yo'nalishda – oldingi elementdan keyingisiga uzatish bilan amalga oshiriladi. Bu yo'nalish hisobga olinib, ARTning har bir elementida kirish va chiqish signallari ajratiladi. *Chiqish signali* – bu elementning kirish signaliga bergan javobidir, ya'ni element chiqishi hamma vaqt uning kirishiga bog'liq.

ART elementi bir nechta kirish va chiqish signallariga ega bo'lishi mumkin. Masalan, sathni rostlash avtomatlashtirilgan tizimning rostlovchi organi uchun *kirish signali* – klapaning ochiqlik darajasi, suyuqlikning u orqali bo'ladigan sarflari esa *chiqish signali* bo'ladi. Sig'im (rostlash ob'yekti) uchun *kirish signallari* – suyuqlikning oqib kirishi va oqib chiqishidagi sarflanishlar, chiqish signali esa suyuqlik sathidir. ART elementlari ichida rostlash ob'yekti alohida o'rin egallaydi, chunki undagi signallarning o'zgarish tavsifi ob'yektning qo'llanilishiga qarab oldindan aniqlangan, shuning uchun signallarning o'zgartirilishi mumkin emas. Masalan, suyuqlik kirishi va chiqishiga ega bo'lgan sig'imning qo'llanilishi – suyuqlik zahirasi hosil qilinishidir, shuning uchun sathni tartibga solishning avtomatlashtirilgan tizimida ob'yekt xossalari oldindan berilgan element sifatida ko'riladi. Tizimning boshqa elementlarining xossalari va ularning o'zaro birlashish usullarini esa o'zgartirish mumkin.

Ob'yektni boshqarish – uning chiqish signallarini boshqarish, xususiyl holda ularni turg'unlashtirish, demakdir. Ob'yektning turg'unlashtiriladigan parametrlari *boshqariladigan (rostlanadigan) parametrlar* deyiladi. STOSTda sathni, bosimni, sarflanishni, haroratni, zichlikni, konsentratsiyani *tipik boshqariluvchi parametrlar* deb atash mumkin. Parametrning, uning turg'unlashtirilgandagi berilgan qiymati oddiy qilib *topshiriq* deb, turg'unlik sifatini tavsiflovchi, berilgan va o'lchangan qiymatlar o'rtasidagi farq esa *signallar farqi* deyiladi.

Chiqish signallariga ta'sir qilish uchun, *boshqaruvchi (rostlovchi) parametrlar* deb ataluvchi kirish signallari yo'naltirilgan tarzda o'zgartiriladi, ularning maqsadga yo'naltirilgan o'zgarishi esa *boshqaruvchi (rostlovchi) ta'sir* deb ataladi. *Suyuqlik sathi* sig'imning rostlovchi parametrlari deb, suyuqlik oqib kelishidagi *sarflanishlar* esa *rostlovchi* deb ataladi. STOSTda moddalarning (suyuqliklar, bug'lar, suspenziyalar, cho'kmalar) va energiyaning (issiqlik, elektr va h.k.) sarflanishlari eng *keng tarqalgan boshqaruvchi parametrlar* deb hisoblanadi.

Real ob'yektlar hamma vaqt, STOSTdagi normal texnologik rejimni buzuvchi g'alayonlar ta'siriga duchor bo'lishadi. Masalan, suyuqlik sathini rostlashda, sathning berilgan qiymatdan farqlanishiga olib keluvchi oqish tebranishlari asosiy g'alayonlar bo'ladi. Boshqa misol: bug'ning

uzatilishi bilan harorati turg'unlashtiriladigan metantenk uchun, tashqi havo, bug' va h.k.larning harorat tebranishlari g'alayonlar bo'ladi. Har qanday ob'yekning umumiy xossasi - boshqarish ob'yektiga, boshqariluvchi parametrlarning tasodifiy o'zgarishlarini chaqiruvchi ta'sir bo'ladi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. R.T.Gazieva, O.Pirimov va boshk. Avtomatika asoslari va vositalari. T., O'kituvchi, 2003 y.
2. Yusupbekov N.R. va boshqalar, «Texnologik jarayonlarni boshqarish sistemalari», Toshkent, O'qituvchi, 2011.
3. Мартыненко И.И. Проектирование систем автоматизации. М., 2011.
4. Ubaydullayeva D.R, Xayitov A.N, Abdullayev H.H, Sharifov H.Sh. "Suv ta'minoti va oqava suvlari tizimlarini avtomatlashtirish." 2021 Buxoro

УЎК: 633.511:631.526.32:631.527

ЎРТА ТОЛАЛИ ҒЎЗА ПОПУЛЯЦИЯЛАРИ АЙРИМ МОРФОХЎЖАЛИК БЕЛГИЛАРИ КЎРСАТКИЧЛАРИНИНГ ФЕНОТИПИК НАМОЁН БЎЛИШИ

Э.О. Алиқулов, О.Р. Эргашев

Аннотация. Мақолада ғўзанинг *G.hirsutum L.* турига мансуб ЎзФА-710 ва Л-245 тизмаси популяцияларида биринчи ҳосил шохининг пайдо бўлиши баландлиги, ўсув ва ҳосил шохлари, умумий ва очилган кўсаклари сони ҳамда бош пояси баландлиги белгиларининг ўртача кўрсаткичларини 2020 йилда фенотипик намоён бўлиши ва андоза навига нисбатан фарқланиши бўйича маълумотларнинг таҳлиллари натижалари келтирилган.

Калит сўзлар: Ғўза ўсимлиги, нав, тизма, морфоҳўжалик белгилари, фарқланиши, фенотип.

Аннотация: В статье приведены результаты данных по фенотипическому проявлению в 2020 году и сравнительному отличию от стандартного сорта средних показателей признаков высоты закладки первой плодовой ветви, количества ростовых и плодовых ветвей, общего количества коробочек, количества раскрытых коробочек и высоты главного стебля у популяций сорта ЎзФА-710 и линии Л-245 вида хлопчатника *G.hirsutum L.*

Ключевые слова: хлопчатник, сорт, линия, морфохозяйственные признаки, отличия, фенотип.

Abstract. The article presents results of the research of phenotypic expression in 2020 field season and analysis of differences in average trait indicators of the height of the first fruiting branch, the number of monopodial vegetative and sympodial fruiting branches, the total number of cotton bolls, the number of open cotton bolls and the main stem length in the populations of YzFA-710 variety and L-245 line of cotton (*Gossypium hirsutum L.*) in comparison with the standard variety.

Key words: cotton, variety, line, morpho-economic traits, differences, phenotype.

Ғўзанинг янги навларини яратиш бўйича олиб бориладиган генетик-селекцион тадқиқотларда дурагай ўсимликлар ниҳолларидаги биринчи ҳосил шохининг пайдо бўлиши баландлиги, ўсув ва ҳосил шохлари, умумий ҳосил элементлари ва эрта муддатларда очилган кўсакларнинг сони ҳамда бош пояси баландлигининг ўртача кўрсаткичларини ўрганиш муҳим жиҳатлардан биридир. Таҳлилдаги адабиётларда ҳам юқорида келтириб ўтилган морфоҳўжалик кўрсаткичларининг янги дурагай ўсимликларда ирсийланиши, ўзгарувчанлиги ва авлодлар давомида шаклланиб бориши ҳамда фенотипик намоён бўлишига алоҳида аҳамият берилади[1-5].

Тадқиқот мақсади: Ғўзанинг ЎзФА-710 нави ва Л-245 тизмасининг ниҳолларида айрим морфоҳўжалик белгиларининг ўртача кўрсаткичларини 2020 йилда фенотипик намоён бўлиши ҳамда андоза навига нисбатан фарқланишини аниқлаш ва қиёсий таҳлил этишдан иборат.

Тадқиқот ашёси: Ўрта толали ғўзанинг ЎзФА-710 нави ва Л-245 тизмасидаги биринчи ҳосил шохининг пайдо бўлиши баландлиги, ўсув ва ҳосил шохлари, умумий ва очилган кўсақлари сони ҳамда бош пояси баландлиги белгиларининг ўртача кўрсаткичларини 2020 йилда фенотипик намоён бўлиши ҳамда андоза навига нисбатан фарқланиши бўйича жамланган маълумотлар мазкур тадқиқотларимизнинг ашёси ҳисобланади.

Тадқиқотни ўтказиш услублари: Мазкур тадқиқотларни олиб боришда генетиканинг популяцион таҳлил услубидан фойдаланилди. Маълумотларга математик статистик ишлов бериш Б.А.Доспехов услуби бўйича (М. 1985) амалга оширилди.

Натижалар: Таҳлилдаги ЎзФА-710 нави ўсимликларида биринчи ҳосил шохининг пайдо бўлиши баландлиги жорий 2020 йилда андозадаги навнинг ушбу белгисига нисбатан 0,67 донага ортгани кузатилиб. Популяциянинг ушбу белгиси кўрсаткичларининг фенотипда намоён бўлишида ўзгарувчанлик кўлами андоза навига таққослаганда 0,22% га фарқланган(1-жадвал).

1-жадвал

П/п №	Нав ва тизмалар	Бир ўсимликдаги кўрсаткичлар					
		Биринчи ҳосил шохининг пайдо бўлиш баландлиги, (hs)		Ўсув шохлари сони, дона.		Ҳосил шохлари сони, дона.	
		X ± Sx	σ	X ± Sx	σ	X ± Sx	σ
St	Наманган-77	5,3±0,10	0,5	1.11±0.06	0.45	14,7±0,4	3,2
1	ЎзФА-710	5.97±0,11	0.72	1.29±0,07	0.47	18.77±0.38	2.49
8	Л-245	4.62±0.16	0.68	1.02±0.17	1.30	17.2±0.32	2.90

Ўсув шохлари андоза навига нисбатан 0,18, белгининг ўзгарувчанлик кўлами эса 0,02% га юқори ҳолатда кузатилган.

Ҳосил шохлари ўрганилаётган нав популяциясида андозадаги навга нисбатан 4,07 донага кўплиги аниқланиб ушбу навнинг ниҳолларида ҳосилдорлик кўрсаткичлари юқори кўринишда намоён бўлган дейиш мумкин. Мазкур белги кўрсаткичлари бўйича популяциянинг ўзгарувчанлик кўламида ҳам андоза навининг ушбу белги кўрсаткичларига қиёслаганда 0,71% яни ижобий оғиш аниқланган.

Ўрганилган Л-245 тизмаси ўсимликларида биринчи ҳосил шохининг пайдо бўлиши баландлиги жорий 2020 йилда андозага нисбатан 0,68 донага ижобий ҳолатда кузатилиб, ўзгарувчанлик кўлами 0,18% юқори кўринишда маълум бўлган.

Ўсув шохлари тизма ўсимликларида андоза навига нисбатан 0,09 дона, белгининг ўзгарувчанлик кўлами эса 0,85% га фарқланиб, ушбу белги кўрсаткичлари бўйича мазкур тизмада шакллантириш жараёнларини давом эттириш зарурлигини билдиради.

Ҳосил шохлари ўрганилаётган тизма популяциясида 17,2 донада акс этиб, андозадаги навга нисбатан 2,5 донага кўплиги аниқланган. Ҳосил шохларининг кўплиги ушбу тизманинг ниҳолларида андозадаги навга нисбатан ҳосилдорлик кўрсаткичлари юқори кўринишда намоён бўлган дейиш мумкин. Мазкур белги кўрсаткичлари бўйича популяциянинг ўзгарувчанлик кўламида ҳам андоза навига нисбатан 0,3 яни ижобий кўринишда намоён бўлган.

ЎзФА710 нави ва Л-245 тизмасининг бир ўсимликдаги умумий кўсақлари, очилган кўсақлари сони ва бош поя баландлигининг жорий 2020 йилда фенотипик намоён бўлиши таҳлил қилинганида қуйидагича маълумотлар қўлга киритилди(2-жадвал);

2-жадвал

П/п №	Нав ва тизмалар	Бир ўсимликдаги кўсақлар сони, дона				Бош поя баландлиги, см	
		Умумий кўсақлар сони, дона		Очилган кўсақлар сони, дона			
		X ± Sx	σ	X ± Sx	σ	X ± Sx	σ
St	Наманган-77	19.46±1,03	6.81	11.82±0,83	6.02	110,3±4,1	17,4
1	ЎзФА-710	19.96±1,01	6.69	7.54±0,78	5.18	103.9±3.04	20.1
2	Л-245	20.73±1.34	9.18	14.10±1.32	8.04	115.3±2.54	10.47

ЎзФА-710 навининг умумий кўсақлари сони андозадаги навнинг мазкур кўрсаткичларига таққосланганида 0,5 дона ва популяциянинг ўзгарувчанлик кўламида 0,12%,

яни ижобий, очилган кўсақлар сони бўйича эса фенологик кузатувлар ўтказилган пайтда 4,28 донага салбий, ўзгарувчанлик кўламида эса андозага нисбатан 0,84% га ижобий силжиш аниқланган. Ўсимлик ниҳолларининг бош пояси баландлиги бўйича ЎзФА710 навида андозага нисбатан 6,4 см пастга ва ўзгарувчанлик кўлами 2,7 см.га юқорига тебраниш кузатилган.

Ушбу белгилар кўрсаткичлари бўйича Л-245 тизмаси кўсақлари сони андозага таққосланганида 1,27 ва популяциянинг ўзгарувчанлик кўламида 2,37% га, очилган кўсақлар 2,28 донага ижобий, ўзгарувчанлик кўламида эса 2,02 донага салбий, тизма ниҳолларининг бош пояси баландлиги бўйича андозага нисбатан 5 см ва ўзгарувчанлик кўлами 6,93% га фарқланган.

ЎзФА-710 нави андозадаги Наманган-77 навида нисбатан биринчи ҳосил шохининг пайдо бўлиши баландлиги (hs), ўсув шохлари сони ва эрта муддатларда кўсақларнинг очилиши бўйича салбий, ҳосил шохларининг сонининг намоён бўлиши бўйича ижобий ҳолатда акс этган.

Л-245 тизмаси биринчи ҳосил шохининг пайдо бўлиши баландлиги (hs) ва ўсув шохларининг сони бўйича ҳам ҳар иккала ашёга нисбатан ижобий ҳолатда акс этиб, ҳосил шохларининг сонига кўра ЎзФА-710 навида нисбатан салбий ва андозадаги навга таққослаганда ижобий, умумий ва эрта муддатларда очилган кўсақлар сони бўйича ҳам ижобий ҳолатда намоён бўлган.

Юқорида келтириб ўтилган маълумотлардан келиб чиқиб шундай хулоса қилишимиз мумкинки, тадқиқот ашёларининг таҳлил этилган морфоҳўжалик белгилари кўрсаткичларига кўра, Л-245 тизмаси ЎзФА-710 ва Наманган-77 навларига нисбатан бир қанча ижобий хусусиятларни ўзида мужассам этган ҳолда намоён бўлган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ж.Р. Дадажонов, О.Р. Эргашев, Б.М. Гаппаров “Айрим хўжалик белгилари кўрсаткичларининг ЎзФА-715 ғўза навида акс этиши” Агро Илм журнали. Тошкент, 2019. 1 (57) сон, 7 бет.
2. Мамарузиев А.А., Ахмеджанов А.Н., Аккужин Д.А., Абдумавлонов О.А. “Доработка и размножение новых адаптивных сортов хлопчатника по комплексу хозяйственно-ценных признаков, с приоритетом на урожайность, скороспелость и качество волокна” – Фундаментал фан ва амалиёт интеграцияси: муаммолар ва истиқболлар мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани материаллари тўплами. 2018-й, 230-231 б.
3. Норкулов И., Муҳитдинов Т.И., Чориев А.Х., Жумаев С.К. “Тур доирасида ота-она нусхалари ва F₁, F₂, дурагайларида ўсимликлар бўйининг баландликларига нисбатан ўзаро генетик ҳолатларини ўрганиш” Фундаментал фан ва амалиёт интеграцияси: муаммолар ва истиқболлар мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани материаллари тўплами. 2018-й, 242-244 б.
4. Чориев А.Х., Муҳитдинов Т.И., Рахматуллаев Ж. “*G.hirsutum* L. турига мансуб ғўзанинг F₁, F₂, дурагайларида ҳосил шохларига нисбатан генетик боғланиш” Фундаментал фан ва амалиёт интеграцияси: муаммолар ва истиқболлар мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани материаллари тўплами. 2018-й, 249-251 б.
5. Я.Бабаев, Г.Оразбаева, М.Мираҳмедов, Р.Бардиева “Ўрта толали ғўза тизмаларида қимматли хўжалик белгиларининг кўрсаткичлари” – Агро Илм – Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали 2019 йил, 3 сон, 12-13 б.

УДК:631.671.1:631.811:633.31:631.445090.56(282.255.12)

ВЛИЯНИЕ РЕЖИМОВ ОРОШЕНИЯ И МИНЕРАЛЬНОГО ПИТАНИЯ НА УРОЖАЙ ЛЮЦЕРНЫ ПЕРВОГО ГОДА СТОЯНИЯ В УСЛОВИЯХ ПОЧВЫ ТЕМНОГО СЕРОЗЕМА ОБИ КИИКСКОЙ ДОЛИНЫ

И. Исломов, д.с/х.н., проф., Бухарский филиал Ташкентского института инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства, Бухара

Annotatsiya. Maqolada Buxoro viloyatining o'tloqi-allyuvial tuproqlari sharoitida turgan birinchi yili sug'orish rejimlari va mineral oziqlanishning beda hosiliga ta'siri ta'siri yoritilgan. N100P400K200 oziqlantirish rejimi fonida sug'orish rejimida dala namligining maksimal hajmidan 80% sug'orish rejimi bilan 84 kg / ga beda pichanidan yuqori hosil olindi, bu variant bo'yicha 9 ta o'simlik sug'orish o'tkazildi, sug'orish sxemasi 3 -3-3, o'rta sug'orish darajasi 480 m³ / ga, sug'orish darajasi 4303 m³ / ga.

Kalit so'zlar: beda, azot, fosfor, kaliy, sug'orish tezligi, sug'orish darajasi, qorong'i, bo'z tuproq.

Аннотация. В статье освещено влияние режимов орошения и минерального питания на урожай люцерны первого года стояния в условиях лугово-аллювиальных почв Бухарской области. Высокий урожай сено люцерны 84 ц/га получено при режиме орошения 80 % от предельно полевая влагоемкость на фоне режима питания $N_{100}P_{400}K_{200}$. На этом варианте проведено 9 вегетационных поливов, схема полива 3-3-3, средняя поливная норма 480 м³/га, оросительная норма составляло 4303 м³/га.

Ключевые слова: Люцерна, азот, фосфор, калий, поливная норма, оросительная, норма, темный, серозем.

Abstract. The article highlights the impact of irrigation and mineral feeding regimes on the second year's frosts of the Obi Kiik branch in gray soil conditions, with the $N_{100} P_{400} K_{200}$ power regime, where the moisture content of the ecosystem is 80% The highest yields are 84 cents per hectare. 9 irrigation of plant water, 3-3-3 hectares of irrigation scheme, irrigation of average irrigation facilities at 480 m³ / ha, irrigation rate of 4303 m³ / ha.

Key words: Serum, nitrogen, phosphorus, potassium, irrigation rate, irrigation rate.

Академиком В.Р. Вильямсом (1951) был вскрыт закон незаменимости факторов жизни растений для создания непрерывного нарастающих урожаев сельскохозяйственных культуры должны быть обеспеченным одновременным и полным притоком всех необходимых одновременный им факторов развития: воды, пищи, тепла, света и азрации. Он писал; Мы можем управлять двумя факторами жизни растений: Пищей и водой, особенно важно, чтобы приток их был непрерывным. Если они будут протекает в разное время, если у растения будет иногда больше количество воды ,то растение будет работать холостим ходом. В связи с этим ставятся главная задача: Получения высоких урожаев является одновременное снабжение растений водой и питательными веществами в необходимом количестве в течении всего вегетационного периоде. Люцерна, возделываемая на фураж, отличается от других сельскохозяйственных культур более продолжительным вегетационным периодом в 190-210 дней. Начиная от ранней весной (начало отрастания) и заканчивается поздней осенью. Кроме того, люцерна даёт обильную вегетативную массу и обладает большой листовой поверхностью. Она значительно уменьшает испарение из поверхности почвы.

Высокий и устойчивый урожай этой культуры может быть получен только при оптимальных режимах орошения и нормах внесения минеральных удобрений. Разработка поливных режимов должна решаться конкретно для каждой природно - хозяйственной зоны. Наши опыты проводились в Бухарскую область.

Почва опытного участка- староорошаемая сероземы типичные грунтовые воды залегает ниже 5 метров. Средний объемный все метрового слоя почвы 1,44 г\см³, удельного веса 2,66 г\м³, скважность 54 %.Запасы воды при ППВ в метровом слое 2400 м³/га. Исходное содержание в слое 0-50см гумуса 1,21 %, азота 0,094 %, фосфора 19,4 %. По данным климата наш исследуемый объект является резкой континентальностью. Абсолютная максимальная температура составляет 44-46°С.

Продолжительность периода с температурой воздуха больше 0°С составляет 320-325 суток в году. Во время наших исследований выпавших количество осадков составила 110 мм, а в перед вегетации она составила 66 мм. Наш опыт находится в аридной зоне. В схему опыта были включены три варианта режима орошения люцерны в процентах от ППВ (предельная полевая влагоемкость) 60,70 и 80 и четыре варианта норм внесения минеральных удобрений в кг/га: 1 - $NoPoKo$ (контроль):2- $N_{100} P_{200} K_{100}$: 3- $N_{100} P_{300} K_{150}$: 4- $N_{100} P_{400} K_{200}$. В первый год стояния люцерны были внесены все нормы азота (N) и по 50% от нормы фосфора (P) и калия (K). Во второй и третий годы планировалось внесение равными порциями (по 25% в год) остальные 50 % от нормы фосфора и калия. Повторность опыта 4-х кратная.

Поливные нормы определялись по формуле: $M=100 * H (ППВ - B)$

Где: М - поливная норма ($\text{м}^3/\text{га}$)

Н - активный слой почвы

ППВ-предельная полевая влагоемкость (в объемные %)

В - влажность почвы перед поливом (в объемных % который выдает прибор (НИВ-1)

По методике Союз НИХИ (1973-1985), потери воды на испарение в процессе полива, в размере 10 % от поливной нормы $\text{м}^3/\text{га}$.

Для изучения режимов орошения на всех вариантах опыта нами определялось предельная полевая влагоемкость и предполивная влажность почвы с помощью прибора НИВ-1 было изучено и проверено Чаповской Е.В., Дрожжиной Т.М и Ислотовым И (1973), Ислотов И(1978). Учет поливной воды водосливами Томсона с порогом 90° . На опыте проводилась вызивной полив нормой $400 \text{ м}^3/\text{га}$ люцерны для получения дружных всходов.

Таблица №1

Сроки поливов, предполивная влажность почвы (в % от ППВ) поливные и оросительные нормы (нетто в $\text{м}^3/\text{га}$) в зависимости от поливных режимов

Поливы	60% от ППВ			70% от ППВ			80% от ППВ		
	Дата полива	Предполивная влажность от ППВ	Поливная норма $\text{м}^3/\text{га}$	Дата полива	Предполивная влажность от ППВ	Поливная норма $\text{м}^3/\text{га}$	Дата полива	Предполивная влажность от ППВ	Поливная норма $\text{м}^3/\text{га}$
Вызвн полив	4.03	-	400	4.03	-	400	4.03	-	400
1	21.05	60	529	18.04	70	409	15.04	82	244
2	19.07	61	869	16.05	71	370	12.05	80	284
3	15.08	58	935	23.06	72	357	12.06	81	271
4	24.9	61	869	10.07	71	660	2.07	80	495
5				2.08	70	682	16.07	78	583
6				22.08	70	682	1.08	79	539
7				28.09	72	594	21.08	80	495
8							10.09	80	495
9							2.10	81	432
Схема поливов	1-2-1			3-2-2			3-3-3		
Оросительная норма $\text{м}^3/\text{га}$	3602			4154			4303		

Таблица № 2

Урожайность люцерны, ц/га

Режимы орошения от ППВ	Минерального питания	Урожай ц/га	Отклонение от контр	
			ц/га	НСР05
60% (контроль)	$\text{N}_0 \text{P}_0 \text{K}_0$	26±4	-	5
	$\text{N}_{100} \text{P}_{200} \text{K}_{100}$	31±4	4	
	$\text{N}_{100} \text{P}_{300} \text{K}_{150}$	28±3	2	
	$\text{N}_{100} \text{P}_{400} \text{K}_{200}$	30±5	4	
70%	$\text{N}_0 \text{P}_0 \text{K}_0$	39±2	-	7
	$\text{N}_{100} \text{P}_{200} \text{K}_{100}$	38±5	-1	
	$\text{N}_{100} \text{P}_{300} \text{K}_{150}$	44±6	5	
	$\text{N}_{100} \text{P}_{400} \text{K}_{200}$	48±6	9	
80 %	$\text{N}_0 \text{P}_0 \text{K}_0$	62±7	-	6
	$\text{N}_{100} \text{P}_{200} \text{K}_{100}$	65±5	3	
	$\text{N}_{100} \text{P}_{300} \text{K}_{150}$	74±5	12	
	$\text{N}_{100} \text{P}_{400} \text{K}_{200}$	84±6	22	

Результаты исследования по нормам и срокам полива люцерны в зависимости от заданных уровней предполивной влажности сведены в таблице № 1. На варианте 60% от ППВ было проведено полива, оросительная норма нетто в среднем (для 4-х повторность) составила $3602 \text{ м}^3/\text{га}$, с поливной нормой $900 \text{ м}^3/\text{га}$. На варианте 70% от ППВ количество поливов 7, оросительная норма нетто равна $4154 \text{ м}^3/\text{га}$ средняя поливная норма $600 \text{ м}^3/\text{га}$. На

варианте 80% от ППВ дано 9 вегетационных, поливная норма в среднем составила 480 м³/га, оросительная норма нетто равна 4303 м³/га. На всех вариантах опыта проводились по одному вызывных поливов с нормой 400 м³/га. Влияние уровня минерального питания на урожай люцерны (сено) на фоне определенного режима орошения можно видеть из таблицы 2 как видно из нее, при жестком режиме орошения (60 % от ППВ) различные уровни минерального питания статистически доказанной разницы в урожайности не дали.

При двух остальных режимах наблюдается целый спектр влияния уровня минерального питания на повышение урожая люцерны. Причем в зависимости от режима орошения действие минерального питания проявляется по разному. Так максимальный эффект получен при сочетании режима орошения 70% от ППВ на фоне удобрений N₁₀₀P₄₀₀K₂₀₀ и составил урожай 48 ц/га.

Результаты исследований выявили, что по мере улучшения сочетания уровней режимов орошения и минерального питания обеспечивается получение возрастающего урожая сена люцерны.

Высокий урожай сено люцерны 84 ц/га получен также при режиме орошения 80% от ППВ на фоне N₁₀₀ P₄₀₀ K₂₀₀.

Таким образом, для получения высоких урожаев сено люцерны в условиях аллювиальные луговые почвы Бухарской области, необходимо использовать эффект, получаемый от сочетания режима орошения с уровнем минерального питания люцерны.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Вильямс В.Р. Собранные сочинения, том VII.Травопольная система земледелия. Изд. с\х литературы, Москва,1951.
2. Чаповская Е.В. Дрожжина Т.М. Исламов И. «Экономия времени и труда». Ж. с\х Таджикистана,8,1973
3. Исламов И. Влияния режимов орошения и минерального питания люцерны на динамику и баланс элементов плодородия серо-бурых каменистых почв. Журнал. Агрехимический вестник МСХ, России. Москва, №5.2019,-С.37-41
4. Исламов И. Влияния режимов орошения и минерального питания на урожай люцерны первого года стояния в условиях аллювиальные луговые почвы Бухарской области. Журнал «Путь науки», №11 (81), 2020. Россия, Волгоград. Стр.35-38.

УЎТ: 631.4;630.114.442.5/445(575.1)

ЧЎЛ ХУДУДИ ТУПРОҚЛАРНИНГ ШЎРЛАНИШИ, СИЗОТ СУВЛАРИ ВА СИФАТ ТАРКИБИ

Д.Ю. Махкамова, Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент
О.Х. Абдужалилова, Гулистон давлат университети, Гулистон

Аннотация. Ушбу мақолада ўрганилган худуд тупроқларнинг шўрланиши, сизот сувлари ва сифат таркиби келтирилган. Сизот сувларининг таҳлили шуни кўрсатдики, тузларнинг профил бўйлаб тақсимланиши ва тўпланиши умумий қонуниятларга бўйсунди, уларнинг минерализацияси кенг оралиқда ўзгариб туради. Шўрланиш даражаси сизот сувларида кучсиз минераллашишдан намोकбгача, тупроқларда кучсиз шўрланишдан шўрҳокларгача бўлган оралиқда кузатилди.

Калит сўзлар: Тупроқ, шўрланиш, гипсланиш, сизот суви, сувда осон эрувчи тузлар, унумдорлик.

Аннотация. В этой статье описывается засоленность, грунтовые воды и качество почв, изученных в этом районе. Анализ подземных вод показывает, что распределение и накопление солей по профилю подчиняется общим законам, минерализация которых широко варьируется. Засоление колеблется от слабой минерализации в соленых водах до заболоченных земель, от слабого засоления до засоленных почв.

Ключевые слова: Почва, засоление, гипс, грунтовые воды, водорастворимые соли, плодородие.

Abstract. This article describes the salinity, groundwater and soil quality studied in the area. The analysis of groundwater shows that the distribution and accumulation of salts along the profile

obeys general laws, the salinity of which varies widely. Salinization ranges from low salinity in saline waters to wetlands, from low salinity to saline soils.

Keywords: *Soil, salinization, gypsum, groundwater, water-soluble salts, fertility.*

Кириш. Тупроқ мелиоратив ҳолатининг ёмонлашувига ва унумдорлигининг пасайишига сабаб бўлувчи асосий омиллардан бири тупроқларнинг шўрланиш ва гипсланишидир. Тадқиқот олиб борилган ердаги иқлимнинг қуруқлиги, ёгингарчиликнинг камлиги ва буғланишнинг юқорилиги сабабли тупроқларнинг устки қатламида сувда тез эрувчан тузлар йиғилиб қолади. 2019 йилнинг 1 октябрь ҳолатига республикамізда суғориладиган ерларнинг қарийб 47,5 фоизи турли даражада шўрланган бўлиб, шундан кам шўрланган ерлар 31,5 фоизни, ўртача шўрланган ерлар 12,1 фоизни ва кучли даражада шўрланган майдонлар эса 2,1 фоизни ташкил этади. Республикамізнинг чўл минтақасидаги суғориладиган ер майдонларининг асосий қисми шўрланишга мойил бўлиб, турли даражада шўрланган майдонлар Қорақалпоғистон Республикасида 70,1 фоиз, Хоразм вилоятида 100 фоиз, Бухоро вилоятида 85,8 фоиз, Сирдарё вилоятида 97 фоиз, Навоий вилоятида 81,7 фоиз ва Жиззах вилоятида 76,9 фоизни ташкил этади.

Ҳозирги вақтда чўли тупроқларининг табиий шўрланиши ҳақида кўп сондаги маълумотлар тўпланган. Бу маълумотларнинг кўпчилигида шўрланиш жараёни иқлим ўзгаришлари, шунингдек ер майдонларини қишлоқ хўжалиги экинларини экиш мақсадларида ўзлаштиришда муҳим ўрин тутувчи - сизот сувларининг сатҳи кўтарилиши билан боғлиқлиги аниқланган. Бу тупроқларнинг шўрланиши тузларнинг йиғилишини ифодалаб берувчи мелиоратив жараёнлар, маҳаллий геохимёвий оқимлар билан боғлиқ ҳолатда сизот сувларининг минералланиши билан белгиланади. Худуднинг гидрогеологик шароитлари қарор топишида ер ости сувлари ва суғориш мақсадларида фойдаланилувчи кўп миқдордаги ер усти сувлари етарлича даражадаги оқимга эга эмас. Бу сувлар асосан, буғланиш ва транспирацияга сарфланади ва ўз навбатида, тупроқларнинг шўрланишини келтириб чиқаради [1,2,3,4,5,7].

Тадқиқот объекти ва қўлланилган методлар. Турли даражада гипсли бўз, ўтлоқи–бўз, бўз–ўтлоқи, ўтлоқи, ўтлоқи–ботқоқ тупроқлар ва шўрхоқлар танланган.

Тупроқларнинг шўрланиш даражаси бўйича бўлиниши ва таркибида мавжуд бўлган заҳарли тузлар миқдорини ёки тузлар қуруқ қолдиғининг кальцийсиз ҳолатдаги қисмини ҳисоблаб чиқиш Панкова Е.И., Егоров В.В. [8] томонидан ишлаб чиқилган услуб ёрдамида, тупроқ кесимидаги ер ости сувларининг туз заҳирасини ҳисоблаш эса -Минашина Н.Г., Молодцов В.А. [6] томонидан ишлаб чиқилган номограмма ёрдамида амалга оширилди. Тупроқлар таркибида сувда эрувчан тузларнинг миқдорини таҳлил қилиш, тупроқ намуналарини тирқишининг диаметр ўлчами 1 мм га тенг бўлган элак тирқиши орқали ўтказиш ва қаттиқ ҳамда суюқ фазанинг (тупроқ:сув) нисбати 1:5 бўлган шароитда, I типдаги сувли сўрим стандарт услубида бажарилди.

Олинган натижалар ва уларнинг таҳлили. Ўрганилган худудда тузларнинг тупроқ кесимида ва сизот сувлари таркибида тақсимланишида тупроқларнинг шўрланиши ва ер юзасига яқин жойлашган, минераллашган сизот сувлари таркибидан тузларнинг ажратиб чиқиши ўртасида ўзаро боғлиқлик мавжудлиги аниқланди. Тупроқларнинг шўрланиш типи ва даражасини аниқлашда унинг таркибидаги осон эрувчан тузларнинг миқдорини ҳисобга олинди. Тупроқ кесими бўйича тузларнинг миқдори ва тақсимланиши асосида тупроқлар куйидаги ҳолатда ажратилиб чиқилди. Жумладан, ўрганилган кўриқ ва суғориладиган тупроқларнинг шўрланиш даражаси бўйича ажратиб чиқилиши уларнинг таркибидаги кўрук қолдиқ ва СГ ионининг фоиз миқдори бўйича аниқланди. Сульфатлар ва хлоридлар таркибида ўзаро нисбатга боғлиқ ҳолатда (мг/экв ҳисобида), ўрганилган тупроқларнинг шўрланишининг кимёвий типлари ўзаро фарқланди.

Бўз–ўтлоқи тупроқлар (11 кесма) ва ўтлоқи–шўрхоқ тупроқлар (10 кесма) кимёвий жиҳатдан хлоридли-сульфатли шўрланиш типига киритилди. Тупроқларнинг шўрланиш даражаси бўйича ажратиб чиқилиши ва тупроқлар таркибида мавжуд бўлган заҳарли

(токсик) тузларнинг миқдорини ҳисоблаш ишлаб чиқилган услуб бўйича амалга оширилди, тузларнинг тупроқ ва сизот сувлари кесимидаги захирасини ҳисоблаш эса номограмма ёрдамида амалга оширилди [8].

Типик ва оч тусли бўз тупроқлар мустасно қилинган ҳолатда, асосан барча ўрганилган тадқиқот объектлари тупроқлари таркибида Na^+ миқдорини юқорилиги ва бу тупроқларнинг кучли ҳамда жуда кучли даражада шўрланган тупроқлар ҳисобланади.

Ўрганилган ҳудуднинг юқори (нишаблик) минтақасида тарқалган бўз тупроқлар (3–кесма) бутун кесим бўйлаб (118 см гача) шўрланмаган, фақат пастки 118–150 см ва 150–200 см чуқурликдаги горизонтларда унча кўп бўлмаган миқдорда Na^+ тўпланиши ва кучсиз ҳамда ўртача даражада шўрланиш кузатилди. Ер майдонларидан фойдаланилувчи таянч пункти ҳудуднинг асосий майдонларини эгалловчи бўз тупроқлар юза қаватидан 120–150 см чуқурлик қатламигача шўрланмаган, бироқ алоҳида нисбатан чуқур горизонтларда кучсиз, айрим жойларда ўртача даражада шўрланиш мавжудлиги аниқланди (3–кесма).

Ёнбағирлар ва пастки шлейф қисмида тарқалган тупроқларда ер юзасидан бошлаб, тупроқларнинг турли хил даражада шўрланганлиги ва турли хил даражада гипслашиши кузатилади, сойларнинг туб қисми тупроқлари маълум даражада кучли шўрланишга эгаллиги ва гипс миқдори ҳам юқорилиги билан тавсифланади. Сизот сувлари таркибида тузларнинг йиғилиши ва қайта тақсимланиши тузлар тўпланишининг умумий қонуниятлари бўйича амалга ошади, бу ҳолат ҳозирги вақтда ва ўтмишда ландшафтнинг турли хил таркибий қисмларининг ўзаро геокимёвий жиҳатдан алоқадорликлари билан изоҳланади. Қараб чиқилаётган ҳудуднинг гидрогеологик шароитлари фавқулотда даражада мураккабдир. Бу ҳолат энг аввало, ҳудуднинг географик жиҳатдан жойлашиш ўрни, литологик- ва геоморфологик тузилиши ва ер майдонларидан хўжалик мақсадларида фойдаланишнинг ўзига хос жиҳатлари билан боғлиқ ҳолатда изоҳланилади. Агар, тадқиқот объекти сифатидаги тупроқларнинг шўрланиш даражасини мг-экв қийматидаги Na^+ орқали баҳолаш амалга оширилса, у ҳолда захарли таъсирга эга бўлган тузларнинг умумий қиймати аниқ даражада корреляцияланади ва шўрланишнинг қуйидаги манзараси ҳосил бўлади.

Тадқиқот олиб борилаётган тупроқларининг барча кесимларида юзадан бошлаб, пастки горизонтларигача турли даражада шўрланиш аниқланди. Алоҳида кесмаларда (к.12, 1, 2, 3) қатлам қалинлиги маълум даражада катта кўрсаткичларга эгаллиги (34 дан 74 см гача) ва таркибида Na^+ миқдори <1 мг-эквдан кичик, айрим ҳолатларда >1 мг-экв дан биров катта миқдори ташкил қилиши аниқланди. Шунингдек, айрим чуқур жойлашган горизонтларда (к.11, 100–185 см, к.10, 150–180 см) Na^+ бўйича ўртача даражада шўрланиш аниқланди.

Сизот сувларининг умумий шаклланиш шароитлари ва уларнинг деярли турғун ҳолатдалиги қараб чиқилаётган ҳудудда туз балансининг йўналиши тупроқ таркибида, сизот сувларида тузларнинг сезиларли даражада тўпланиб бориши томонга амалга ошишини белгилаб беради. Ҳудудда ер ости сувларининг жойлашиш чуқурлиги шўрҳокланиш жараёнининг жадаллигини белгилаб беради. Тупроқ қатлами кесимида ва сизот сувлари таркибида шўрланишнинг хилма -хиллик тавсифга эгаллиги шўрланмаган, кучсиз даражада шўрланган ва ўртача-, айрим ҳолатларда кучли даражада шўрланган участкаларнинг кетма-кетликда жойлашиши билан боғлиқ. Қараб чиқилаётган тупроқлар орасида шўрланиш типи ва даражаси, шунингдек тузли горизонтнинг тупроқ профилида жойлашиш ҳолати бўйича барча эҳтимоллиги мавжуд кўп тупроқларда ажратиб кўрсатиш мумкин. Ўрганилаётган тупроқларнинг устки қатламида сувда осон эрувчан тузларнинг миқдори 1,400–2,605%ни ташкил қилувчи шўрҳок ва юқори даражада шўрҳоклашган ва айрим горизонтларда (7–кесма) шўрҳоклар даражасигача шўрланиш кузатилди.

Тупроқлар таркибида хлор миқдори сезиларсиз қийматга эга бўлиб, 0,003–0,056%ни ташкил қилади, кучли даражада шўрланган горизонтларда унинг миқдори 0,203–0,262%гача етади. Кўпгина ҳолатларда шўрланиш типи (кимёвий таркибига кўра) сульфатли бўлиб, баъзан хлоридли-сульфатли типдаги шўрланиш ҳам аниқланди. Тупроқлар таркибидаги гипсни $\text{CaSO}_4 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$ асосида қайта ҳисоблаш бўйича, SO_4 гипс миқдори 10–17 дан 37–

41%гача ораликда тебраниб туриши аниқланган. Нишабликларнинг шлейф қисми тупроқлари мос равишда, ўртача ва кучли даражада шўрланишга эга тупроқлар ҳисобланади.

Олинган тупроқлар намуналари бўйича амалга оширилган ҳисоблашларда тупроқнинг устки 0-1метрлик қатламида куруқ қолдиқ, Cl^- , SO_4 бўйича тузлар заҳиралари жуда кенг диапазонда тебраниб, ёнбағирларда 15,2 т/га дан, пастки шлейф қисмларда 271,0–337,6 т/га гача ортиб бориши аниқланди ва бунда, мос равишда хлорнинг улуши - 0,44–22,8, сульфатлар улуши - 6,6–177,6 т/га га тенглиги аниқланди. Тузларнинг сифат таркиби бўйича $CaSO_4$ устунлик қилади, кейинги ўринни эса - Na_2SO_4 эгаллайди. $MgSO_4$ миқдори 0,050–0,344%, $MgCl_2$ миқдори 0,004 дан 0,221% гачани кенг ораликда тебранишга эга ва ташкил қилади. Заҳарли таъсирга эга бўлган тузларнинг умумий қиймати осон эрувчан тузларнинг умумий миқдорига нисбатан 44–55%ни ташкил қилди. Барча сизот сувлари синов намуналари таркибида магний ионининг миқдори кальций миқдорига нисбатан 2–6 мартагача ортиқ бўлиб, сувда эрувчан натрий миқдори 0,88–5,28 г/л га тенг.

Шўрланиш типи хлоридли - сульфатли химизмга (кимёвий таркибига) эга бўлиб, катион қисми - натрийли - магнийли ва магнийли - кальцийли шўрланиш тавсифига эга.

Тузларнинг сифат таркибида миқдорига кўра Na_2SO_4 ва $MgSO_4$ устунлик қилади, иккинчи ўринда эса $MgCl_2$ эгаллайди. Минераллашиш даражаси паст бўлган сизот сувларининг таркибида етакчи ўринни Na_2SO_4 эгаллайди, яъни унинг концентрацияси $MgSO_4$ га нисбатан юқори ҳисобланади. Натрийнинг миқдори хлор миқдори билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, сизот сувларининг шўрланиш даражаси ортиши билан доимий равишда ва бир текисда натрий концентрациясининг ҳам ортиб бориши аниқланди.

Ушбу сизот сувлари синов намуналари таркибини таҳлил қилиш натижаларини кўрсатишича, сизот сувлари ҳудуднинг рельеф шароитларига ва ҳудуд тупроқларининг суъний дренаж тармоқларига боғлиқ ҳолда, ер устига яқин жойлашган, уларнинг шўрланиш даражаси эса - кучсиз даражада маъданлашишдан шўрланишгача кенг ораликда тебранишга эга.

8–кесма бундан мустасно бўлиб, сизот сувлари турли даражада минераллашган бўлиб, куруқ қолдиқ бўйича тузларнинг миқдори 7,9-8,7 дан 56,9 г/л гача ўзгариши (12–кесма) минерализация қайд қилинади, бунда хлор миқдори 0,7–15,8; сульфатлар миқдори - 3,8–25,9 г/л ни ташкил қилади. Магний миқдорининг юқори бўлиши, шунингдек бунда натрий миқдорининг устунлиги сизот сувларининг юқори даражада токсик шўрланишга эгалитдан далолат беради. Заҳарли (токсик) тузларнинг умумий йиғиндиси миқдори 71–79 дан 92–94%гачани ташкил қилиши аниқланди.

Хулоса. Ўрганилган ҳудуд тупроқлар тарқалган ярим чўл минтақасига мансуб бўлиб, ўзига хос геоморфологик, иқлим ва ўсимликлар қопламига эгалити билан тавсифланади. Рельефнинг кучли бузулганлиги ва бўлинганлиги, ер юзасига чиқиб қолган жинсларнинг ўзига хос литологик хоссалари, гидрогеологик шароитларнинг мураккаблиги ва бошқа табиий омиллар, бу ерда зонал бўз типга мансуб тупроқлардан ташқари, шўрланиш даражаси ва таркибидаги гипс миқдори, карбонатлар ва бошқа мелиоратив кўрсаткичларга кўра сезиларли даражада ўзаро фарқланувчи ўтлоқи-бўз, ўтлоқи ва ботқоқ-ўтлоқи тупроқлар ва шўрҳокларнинг шакллангантирилган. Ёнбағирларнинг пастки шлейф қисмларида сизот сувлари барқарор ҳолатда ер юзасига яқин жойлашаган ва бунда доғсимон кўринишда кучсиз ифодаланганлиги, шунингдек минералланиш даражасининг турли туман кўринишда бўлиши аниқланди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ахмедов А.У., Камиллов О.К., Рузметов М.И. – Актуальные проблемы мелиорации засоленных почв аридной зоны. В кн.: Проблемы генезиса, плодородия, мелиорации, экологии почв, оценка земельных ресурсов. Алма-Ата, Казакстан, 2002. С. 94-102.
2. Ахмедов А.У., Намозов Х.К. – Засоленные, гипсоносные почвы Джизакской степи. Сб. материалов «Проблемы экологии Узбекистана». г. Карши, 1994. С.74-81.
3. Ахмедов А.У., Парпиев Г.Т., Абдуллаев С.А. Почвенно –мелиоративный мониторинг. Монография (на узб. яз.). Ташкент, 2012. 46 с.
4. Гафурова Л., Ахмедов А., Ямнова И., Рамазанов А. – Особенности засоления гипсированных почв подгорной равнины Голодной степи. Ж.: «Вестник аграрной науки Узбекистан», №1-2, Т., 2007. С. 24-29.

5. Кузиев Р., Ахмедов А., Гафурова Л, Ямнова И., Турапов И., Баиров А. – Современное состояние орошаемых почв Голодной степи и их мелиоративная оценка. Ж.: «Вестник аграрной науки Узбекистан», №4, Т., 2006. С. 35-44.

6. Минашина Н.Г., Молодцов В.А. – Содержание нитратов в почвах, грунтовых и дренажных водах Голодной степи. Сб.: «Изменение плодородия почв при орошении вновь осваиваемых земель». Науч. Тр. инс-та Почвоведения им В.В.Докучаева, М., 1976. 251 с.

7. Махкамова Д.Ю. Жиззах чўли гипсли тупроклари ва уларнинг биологик фаоллиги. Диссертация. Тошкент 2018. -184 б.

8. Панкова Е.И., Егоров В.В. – Методические рекомендации по мелиорации солонцов и учету засоления почв. Тр. инс-та Почвоведения им В.В.Докучаева, М., 1970. 112с.

УЎК:635:633.15:575.172

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ШАРОИТИДА ШИРИН МАККАЖЎХОРИ ЎСТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

И.А. Сапарниязов, Нукус давлат педагогика институти, Нукус

Аннотация. Ушбу мақолада ширин маккажўхори нав ва дурагайлари эртаги муддатда ўсиши, ривожланиши, сабзавот сўтаси ҳосилдорлиги ҳамда иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари бўйича маълумотлар берилган.

Калит сўзлар: Ширин маккажўхори, нав, дурагай, сут-мум пишиши, ўсув даври, ўсимлик бўйи, сўта сони, сўта вазни, ҳосилдорлик.

Аннотация. В данной статье приведены данные по росту, развитию, урожайности, а также экономической эффективности овощных початков сортов и гибридов сахарной кукурузы при выращивании в ранних сроках посева.

Ключевые слова. Сахарная кукуруза, сорт, гибрид, молочная спелость, вегетационный период, высота растения, количество початков, масса початка, урожайность.

Abstract. The article provides data on the growth, development, productivity, as well as the yield of ears and grain of varieties and hybrids of vegetable (sweet) corn when grown as the main, secondary crop.

Keywords. sweet corn, variety, hybrid, period of milk ripeness, growing season, plant height, number of ears on one plant, ear mass, yield.

КИРИШ. Дунёда озиқ-овқат экинларини янги тур, хилларини кўпайтириш янги навларини яратиш, сифатли юқори ҳосилли нав ва дурагайлари иқлимлаштириш, тарқалиш географиясини кенгайтириш ҳисобига озиқ-овқат ҳавфсизлигини бартараф этиш борасида бир қатор илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Шу жумладан ширин маккажўхори ер юзининг кўплаб давлатларида ўстирилиб унинг сўтаси сабзавот сифатида истеъмол қилиниб, унга бўлган эҳтиёж кун сайин ортиб бормоқда.

Россия олимларининг таъкидлашича ширин маккажўхорини сабзавот экини деб ҳисоблаш тўғри талқиндир, чунки озиқ-овқат экинлари гуруҳида аъло даражадаги ўрин тутмоқда. Сабзавот (ширин) маккажўхори бугунга келиб, сабзавот экинлари орасида аҳамияти жиҳатидан лидерликка эришмоқда. Сабзавот (ширин) маккажўхори сўтаси сут-мум пишиш даврида 31,2 % куруқ модда, 24 % углеводлар, 10 % декстрин, 3,7 % протеин сақлайди. Оксиллар таркибида инсон организми учун алмашинмайдиган лизин ва триптофан мавжуд.

Бундан ташқари дон таркибида В₆, РР, В₁, В₃, С, К витаминларини, пантотен ва никотин кислоталари, биотин ҳамда холин моддалари мавжуд. Ширин маккажўхорининг озиқ-овқатлик қиймати фасол ва кўк нўхатдан қолишмайди, чунки унинг таркибида 4 % оқсил, 12-14 % крахмал, 5-8 % қанд, 1,2 % мой мавжуд. Ширин маккажўхори кўп даромадли экин, унинг дони (сўтаси) биринчи даражада аҳамиятга эга бўлиб, ҳосилни бозорга чиқариш муддати унинг нархини белгилайди. Тажрибалари ва ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, ширин маккажўхорини эртапишар навларини эртаги муддатда етиштириш ва кечки муддатларда етиштиришга нисбатан даромадли экан. Бугунги кунда ишлаб чиқаришда яъни

кайта ишлашда ширин маккажўхори нав ва дурагайлар орасида чет эл дурагайлари муҳим аҳамият касб этмоқда.

МАВЗУНИНГ ДОЛЗАРБЛИГИ ВА ҲОЗИРГИ ХОЛАТИ. Ўзбекистонда ҳозирги кунгача илмий тадқиқотчилар ва олимлар томонидан ширин маккажўхори нав ва дурагайлари биологик хусусиятлари, маҳаллий шароитга мослиги, янги навларини яратиш, уруғчилиги, экиш усули ва муддатлари, экиш схемалари, озикланиш майдони ҳамда юқори ва сифатли ҳосил олиш технологиялари борасида илмий ишлар олиб борилган ва тавсиялар берилган. Лекин ширин маккажўхорининг нав ва дурагайлари Қорақалпоғистон республикасининг тупроқ иқлим шароитида ўстиришга мослигини баҳолашга, нав ва дурагайлари танлаш ва етиштириш технологияси асосий элементларини ишлаб чиқишга эътибор қаратилмаган.

Шунинг учун Ўзбекистоннинг барча минтақаларида қишлоқ хўжалик экинларини бир текис тарқалиб ўсишини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Қорақалпоғистон тупроқлари шароитида ширин маккажўхорининг нав ва дурагайлари сабзавот экини сифатида кенг майдонларда ўстириб, юқори, сифатли ҳосил етиштириш технологиясининг муҳим элементларини ишлаб чиқиш ва тавсиялар тайёрлаш ҳамда ишлаб чиқаришга жорий этиш мақсадга мувофиқ саналади.

ТАЖРИБА ҚИСМИ. Тадқиқотнинг мақсади: Қорақалпоғистон республикаси шароитида ширин маккажўхорини нав ва дурагайлари эртаги муддатда етиштириш технологияси ишлаб чиқилиб, тупроқ-иқлим шароити учун мос нав ва дурагайлари танлаш, уларни мақбул экиш муддатларини аниқлаш ва ишлаб чиқаришга тавсиялар беришдан иборат. Шунинг билан бир қаторда ширин маккажўхори нав, дурагайлари ўсиши, ривожланиши, сабзавот сифатида сўта ҳосилдорлиги ўрганилди ва таҳлил қилинди.

Тадқиқот объекти ва услублари. Тадқиқот объекти қилиб ширин маккажўхорининг Эврика, Замин, SPV 1022, Can. Pedro 2inta, Bergys, Leonard's Early, Основа 209, Clx3349ys clause, Хоней Бонтам F₁, Свит стар F₁, Спирит F₁, Мегатон F₁, Sentinel F₁, Барон F₁, Соян F₁, Hybrid F₁ нав ва дурагайлари уруғлари, ўсимликлари, барг, поя ва сўталари хизмат қилди. Ширин маккажўхорининг нав дурагайлари уруғлик донлари асосий экин сифатида апрел ойининг учинчи ўн кунлигида 70x25 см схемада экилиб, униб чиқиш, 7-барг ҳосил бўлиши, рўваклаш, рўвакни гуллаши, сўталаш, сут пишиш, мум пишиш бошланиши (10 %) ва тўла (75 %) рўй бериш муддатлари аниқланди. Олинган натижалар Excel дастури ёрдамида қайта ишланди. Ширин маккажўхор нав ва дурагайлари ўстиришнинг иқтисодий самарадорлиги аниқланди.

ОЛИНГАН НАТИЖАЛАР ТАҲЛИЛИ. Қорақалпоғистон Республикаси Амударё тумани тупроқ иқлими шароитида олиб борилган тажрибаларда ширин маккажўхорининг навлар тўплами ҳамда дурагайлари модул ўсимликларида фенологик кузатувлар ва биометрик ўлчовлар ўтказилди.

Ширин маккажўхори нав ва дурагайлари экиш асосан апрел ойининг 28-29 санасида амалга оширилди. Ўрганилган нав ва дурагайларда униб чиқиши асосан 19-23 май санасига яъни экилганнинг 7-9 чи кунига тўғри келди. Нав ва дурагайларда нисбатан тез униб чиқиш (05.05) Замин, Can.Pedro 2inta, Bergys, навлари ҳамда Свит стар F₁, Sentinel F₁, дурагайларида қайд этилди. Энг кеч униб чиқиш (07.05), Эврика Основа 209, Clx3349ys clause, навларида кузатилди. Бундан ташқари ширин маккажўхори нав ва дурагайларида дастлаб 7-барг чиқариш асосан Замин, Основа 209, Can.Pedro 2inta, Свит стар F₁, Sentinel F₁, Спирит F₁, кузатилиб, униб чиқандан 13-15 кундан сўнг қайд этилди. Ўрганилган нав ва дурагайлар ичида рўваклаш асосан 11-24 июл оралиғида кузатилди. Сўталаш эса барча нав ва дурагайларда кузатилиб, сўтасиз ўсимликлар қайд этилмади.

Ширин маккажўхори навларининг биометрик кўрсаткичлари тажрибада ўрганилиб, ўсимлик бўйи 124,8 см дан 217,5 см гача қайд этилди. Энг баланд бўйли ўсимликлар SPV 1022, Can. Pedro 2inta, Leonard's Early, Свит стар F₁, Барон F₁, Hybrid F₁ (178,5 - 217,5 см), каби нав ва дурагайларида қайд этилди. Энг паст бўйли ўсимликлар Spirit F₁ (124,8 см), дурагайида кўзатилди. Ўсимликда биринчи сўтанинг жойлашиш баландлиги нав ва

дурагайлараро 16,4 - 60,0 см бўлганлиги, тупланганлик эса 2,8 донагача бўлганлиги қайд этилди. Ўрганилган нав ва дурагайлардаа бош поядаги баргларнинг сони 9,1 донадан 13,4 донагача ўзгарди. Ўсимликларда бир тупда сўталарнинг ҳосил бўлиши бўйича кўрсаткичи 1,7-3,2 донани ташкил этди. Основа 209 нави SoyаnF₁, Spirit F₁ дурагайлари нисбатан кам сўтали бўлди. Ўрганилган нав ва дурагайларда сўтасиз ўсимликлар кузатилмади.

Маҳсулдорлик. Тажрибаларимизда ширин маккажўхори нав ва дурагайларининг маҳсулдорлик кўрсаткичлари ўрганилиб, бунда товар сўталар чиқими, битта сўтанинг ўртача вазни, сўтадаги дон қаторлар сони, бир қатордаги донлар сони, биринчи ва иккинчи сўта ўзунлиги, диаметри бўйича бир биридан фарқланди.

Ўрганилган ширин маккажўхори нав ва дурагайларида бир дона сўтанинг ўртача вазни 123,8 - 243,0 граммгача қайд этилди. Сўталарнинг ўртача вазни бўйича энг юқори кўрсаткич Замин, Can.Pedro 2inta, SPV 1022, Sentinel F₁, Megaton F₁ (237,2-243,0 грамм) навида кузатилди. Сўтадаги дон қаторлар сони ўрганилганда нав ва дурагайлараро 13,2 - 16,9 қаторгача ўзгарди. Сўтадаги энг кўп дон қаторлар сони Эврика, Замин, Can.Pedro 2inta, Sentinel F₁, Megaton F₁ кабиларда қайд этилди. Нав ва дурагайлараро сўтанинг бир қаторидаги донлар сони 23,6 - 42,4 донагача бўлди. Ширин маккажўхори сўтасининг товарлик кўрсаткичларидан бири саналган сўта ўзунлиги таҳлил қилинганда биринчи сўта ўзунлиги нав ва дурагайлараро 19,8 – 25,5 см гача, иккинчи сўтада ўртача 16,5 – 23,4 см гача етганлиги қайд этилди. Ушбу кўрсаткич бўйича Замин, SPV 1022, Can.Pedro 2inta, Sentinel F₁, Megaton F₁ Hybrid F₁ кабилар устунлик қилди. Тажрибада ўрганилган нав ва дурагайлар ичида энг юқори маҳсулдорлик кўрсаткичлари Замин, Can.Pedro 2inta, Sentinel F₁, Megaton F₁ нав дурагайида қайд этилди.

Тажрибада ширин маккажўхоридан гектаридан олинган силос масса ҳосилдорлиги ҳам ўрганилди, бунда нав ва дурагайлар аро кук поя ҳосилдорлиги - гектаридан 28,1 - 30,7 тоннани ташкил этди. Ширин маккажўхори нав ва дурагайларини экиб ўстиришнинг асосий мақсади сабзаот сўталари етиштириш бўлганлиги боис, бир гектардан сабзаот сўтаси чиқими 4,1 - 10,6 тоннагача ўзгарди. Ўрганилган нав ва дурагайлар ичида энг юқори ҳосилдорлик (8,6-10,6т/га) кўрсаткичлари Эврика, Замин, SPV 1022, Can.Pedro 2inta, Sentinel F₁, Megaton F₁ Хоней Бонтам F₁, кабиларда қайд этилди.

ХУЛОСА.Тажрибаларимиз натижалари таҳлили шуни кўрсатдики ширин маккажўхори нав ва дурагайларини сабзаот экини сифатида эртаги муддатда ўстириб, гектаридан 8,6-10,6 тонна сабзаот сўтаси ҳамда шу билан бир қаторда чорва моллари учун гектаридан 28,1 - 30,7 тонна ва зиёд ширинли озуқа яъни кўк поя ҳосили олиш мумкин экан. Бу эса ширин маккажўхори нав ва дурагайларини эртаги муддатда сабзаот сифатида ўстириб 28,0 -36, млн сўм даромадни, 100,0-122,6 % дан ортиқ рентабеллик даражасини таъминлар экан.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Отабоева Ҳ ва бошқалар. Ўсимликшунослик.Т., 2000, 90-97 бетлар
2. Санаев С.Т., Остонакулов Т.Э. Сабзаот (ширин) маккажўхори нав ва дурагайлар коллекциясини ўрганиш ҳамда бойитиш. ПСУЕАИТИ Халқаро илмий-амалий конференция, Т., 2018, 18-20 бетлар.
3. Sanaev S.T., Saparniyazov I.A. - The influence of mulching methods on the cultivation, development of productivity of varieties and hybrids of vegetable(sweet) corn in the conditions of Karakalpakistan. Қорақалпоғистонда фан ва таълим. 100-108 бетлар. №3(11) Нукус 2019 й
4. Санаев С.Т., Сапарниязов. И.А - Рост, развитие и урожайность овощной (сахарной) кукурузы в условиях республики Каракалпакстан при выращивании в разные сроки The way of science. International scientific journal. – Russia - 2019. № 8 (66). P. 51-52. (Global Impact Factor, IF – 0,543).
5. Sanaev S.T., Rakhmatov I.I. Results of evaluation after growing sorts of vegetable (sweet) corn as re-sowing. Abstracts of IX International Scientific and Practical Conference P. 231-234 Liverpool, United Kingdom 28-30 April 2020.

**УРУҒЛИ ПАХТАНИ ПАХТА ПУНКТИ ВА ПАХТА ЗАВОДИДА САҚЛАШ ДАВРИДА
ПАХТА ТОЛАСИГА ХАРОРАТ ВА НАМЛИКНИНГ ТАЪСИРИ****А.А. Сафаров, доц., Тошкент давлат аграр университети, Тошкент****А. Эргашев, магистр, Тошкент давлат аграр университети, Тошкент****Ш. Хайитова, магистр, Тошкент давлат аграр университети, Тошкент****Ш. Маликов, магистр, Тошкент давлат аграр университети, Тошкент**

Аннотация. Ушбу мақолада уруғлик пахтани пахта пункти ва пахта заводида сақлаш тартиби, сақлаш даврида пахтанинг намлиги ва пахтани гарамда сақлаш жараёнида хароратнинг ўзгариши тўғрисида амалий маълумотлар келтирилган.

Калим сўзлар: Пахта заводи, пахта, Андижон-35, Бухоро-102, сорт, намлик, харорат, уруғ сифати, сақлаш даври.

Аннотация. В этой статье представлена практическая информация о порядке хранения хлопка-сырца на хлопковом заводе и хлопчатобумажной фабрике, влажности хлопка во время хранения и изменении температуры во время хранения хлопка в тюке.

Ключевые слова: хлопчатник, хлопок, Андижан-35, Бухара-102, сорт, влажность, температура, качество семян, срок хранения.

Abstract. This article provides practical information on the order of storage of seed cotton in the cotton plant and cotton mill, the humidity of the cotton during storage and changes in temperature during storage of cotton in the bale.

Keywords: Cotton plant, cotton, Andijan-35, Bukhara-102, sort, humidity, temperature, seed quality, storage period.

Кириш. Маълумки, Ўзбекистонда пахтачилик халқ хўжалигида жуда катта аҳамиятга эга. Шундай экан, мустақил республикамиз аҳолисининг турмуш тарзини янада яхшилаш учун нафақат қишлоқ хўжалиги, халқ хўжалигининг бошқа тармоқларини ҳам комплекс ривожлантириш керак бўлади.

Жумладан, Республикамиз Президенти Ш.М.Мирзиёев ва Вазирлар Маҳкамаси пахтачиликни ривожлантириш ва унинг рақобатбардошлилигини оширишга катта эътибор бериб келмоқда. Бунинг учун пахта заводлари билан етиштирувчиларнинг ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, фан билан ишлаб чиқаришни боғлиқ ҳолда олиб бориш барча соҳаларда режаларни бажаришда муҳим омил ҳисобланади. Айниқса пахтачиликда етиштирилган хом ашёни қайта ишлаш жараёнлари ўта мураккаб бўлиб, бажариладиган ишларни тезлаштириш ва махсулот сифатини ошириш асосан янги технологияларни излаб топиш ва уларни кенг қўламда қўллашга боғлиқ. Қабул қилиб олинган пахта махсулоти сифатини оширишда стандарт талабларига риоя қилиш бош омил саналади.

Пахта заводларида топширилаётган пахтани стандарт талаби бўйича қабул қилмаслик, уни сақлаш жараёнида ҳам йўл қўйилган хатоликлар пахта тозалаш саноатида ортиқча харажат қилишга олиб келади. Шу боисдан бундай жараённи илмий асосда ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

Пахтани сақлаш усули, унинг намлиги, ифлослиги ва ғарам зичлигида бир-бирига боғлиқлик жиҳатлари яхши ўрганилмаган. Ишлаб чиқариш шароитида бу масалада маълум қонуниятга асосланган шарт-шароитлар жорий қилинган.

Шунинг учун ҳам ғарам (бунт) да ёки омборда сақланаётган пахталар учун яратилган шароит ва ундаги уруғларнинг турғунлик даври жараёнларининг қай даражада бўлиши илмий ва амалий жиҳатдан катта аҳамиятга эга.

Мавзунинг долзарблиги. Пахта қабул қилиш пунктларида пахтани тўғри ва ва узоқ вақт сақлашни ташкил қилиш ва ундан олинадиган чигит, тола ҳамда бошқа хом ашёларнинг сифатини яхшилаш шароитларидан бири уни омборларга жойлаштиришда намлигининг Давлат стандарт кўрсаткичлари талаби даражасида бўлишидир. Пахтани жойлаштириш ва

сақлашда унинг саноат сорти, териш усули ва намлиги ҳисобга олинишини муҳум аҳамиятга эга (1).

Намлиги 20 % дан юқори бўлган пахта қуритиш-тозалаш цехига яқин жойга вақтинчалик қуйиб қўйилади ва тезда қуритилиб пахта тозалаш заводига қайта ишлашга жўнатилади. Қуритиш-тозалаш цехининг иш унумини ошириш мақсадида одатда пахта тайёрлаш пунктида намлиги 14 % гача бўлган хом ашё тозалаш цехи жойлашган ерга, 14 % дан юқори намликка эга бўлган хом ашё эса қуритиш-тозалаш цехи жойлашган ерга жойлаштирилади.

Тадқиқотни бажариш шароити.

Пахта заводлари ва пунктларида хўжаликлардан қабул қилиб олинган пахталар турли усулларда ҳамда шароитларда сақланади. Пахталар бунтларда, омборларда ва усти ёпиқ навеслар остида қишнинг турли намгарчилик шароитларида сақланишида маълум даражада намни ўзига тортиб олади. Бунда нам муҳит пахта толасига ва чигитига қўп бўлмасида салбий таъсир кўрсатади. Бундай ҳолат ўз навбатида маҳсулот сифатининг ёмонлашувига олиб келади. Намликнинг ошиб, ҳароратнинг ўта тушиб ёки кўтарилиб кетиши чигитнинг сифатини, унинг унувчанлиги, мойдорлигига, шунингдек, тола сифатининг ёмонлашувига сабаб бўлади.

Биз тажриба учун фермер хўжаликларидан келтирилган Андижон-35 ва Бухоро-102 навли уруғли пахталарни қабул қилиши, жамлаши ва сақлаш шароитларини ўргандик.

Тадқиқот услуби

Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган қонуний ва меъёрий ҳужжатлар, стандартлар асосида пахтани сақлаш ва қайта ишлаш жараёнларининг бажарилиши илмий асосланган услубиятлар бўйича назорат қилиб борилади ва шу бўйича ишлар олиб борилади.

Тадқиқотнинг мақсади, вазифалари ва объектлари

Уруғлик пахтани очиқ майдонларда сақлаш учун пахта тайёрлаш пункти худудида ер юзасидан 40 см кўтарилган махсус ғарамлаш майдончаларига жойланади. Пахтани ғарамларга жойлаш қуйидаги тартибда бажарилади. Бунда уруғлик пахталар алоҳида ажратилган жойларга селекцион нави, етиштирган жойи, саноат нави, терим турга қараб қуйидагича жойланади (2).

1-жадвал

Стандарт талаби бўйича саноат сортга, терим усулига ҳамда намлигига қараб жойлаштириш ва сақлаш (Андижон-35 нави).

Саноат сорти	Терим усули	Пахтани комплектлаш ва сақлашда намлик градацияси, %
I	қўлда	9 гача
	машинада	11 гача, 11 дан юқори
II	қўлда	10 гача
	машинада	11 гача, 11 дан юқори
III	қўлда	11 гача
	машинада	11-18, 18 дан юқори
IV	қўлда	13 гача
	машинада ва тўқилган пахта	13-20, 20 дан юқори

Уруғлик пахтани фақат қулай об-ҳавода қуруқ майдонларда ғарам қилинади. Пахтанинг намлиги юқори бўлган ерларда, айниқса ер ости сувлари яқин жойлашган жойларда ва жуда нам бўлган пахталарни ғарам қилиш унинг сифатининг тез бузилишига олиб келади. Чигитли пахтани ёпиқ омборларда сақлаш вақтида, намлиги 11 % гача бўлган 1 ва 2 сорт пахта учун унинг ўртача зичлиги -150-190 кг/м³ ва намлиги 14 % гача бўлган 3 ва 4 сорт пахта учун 130-160 кг/м³ бўлиши кераклигини билган ҳолда пахталар ғарамлади (3).

Пахтани сақлайдиган майдончалар 50 мм қалинликда асфальт қилинади ёки 150 мм қалинликда йирик тош териб ораси майда шағал билан тўлдирилади. Ғарамлаш майдончаларининг ўлчами 25x14 м бўлади. Унинг ўртаси ёмғир сувларининг оқиб кетиши учун 7-10 см кўтарилган бўлиши лозим. Майдончадан 0,7 м узоқликда оқова каналлари қилиб қўйилади.

Олиб борган тажрибалар натижасига кўра, қабул қилинган пахталарнинг сақланиш даврида қизиш ҳолатларининг қандай кечишини билиш тўғрисида синов ўтказилди.

2-жадвал

Тажриба ғарамларидаги пахтанинг намлиги (Андижон-35 нави).

Ғарамнинг чуқурлиги бўйича		Ғарамнинг баландлиги бўйича	
Пахта намунаси олинди, (метр) ёнига чуқурликдан	Намлиги,%	Пахта намунаси олинди	Намлиги,%
№5 партия. Жамлаш давридаги намлиги 8 %			
Четидан	8,7	Пастдан 0,15 м дан	9,4
0,5 м четдан	7,2	1 м	6,6
1 м четдан	6,7	4 м	6,9
2 м четдан	6,7	6 м	7,2
3 м четдан	6,6	8 м	7,3
5 м четдан	6,6	Ғарам устидан	7,9
7 м четдан	6,6		
№7 партия. Жамлаш давридаги намлиги 8,2 %			
Четидан	8,0	Пастдан 0,15 м дан	9,8
0,5 м четдан	7,0	1 м	7,0
1 м четдан	7,0	4 м	7,0
2 м четдан	7,0	6 м	7,3
3 м четдан	7,0	8 м	7,5
5 м четдан	6,7	Ғарам устидан	8,3
7 м четдан	6,3		

Бунда тажриба тариқасида иккита партиядagi ғарамларни олинди. Бу ғарамларда синов ўтказилганда 5-партияда умумий намлиги 8,0 % ни ва 7-партияда 8,2 % кўрсатди. Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, ҳар иккала вариантда ҳам ғарамнинг чуқурлигига қараб намлик камайиб боради. Бунга сабаб, пахта маҳсулоти гигроскопик маҳсулот ҳисобланади. Шунинг ҳисобига ташқи муҳит шароитига қараб ғарамнинг ташқи қисмидаги пахталар намлиги ўзгариб туради. Агар ташқи томондаги пахта намлиги 5-партияда 8,7 % бўлган бўлса, 7 метр чуқурликдаги пахта намлиги 6,6 % ни кўрсатди. 7-партиядаги пахта ҳам худди шунга ўхшаш 8,0 ва 6,3 % бўлиши кузатилди.

Ғарамнинг баландлиги бўйича тажриба синови ўтказилганда ҳам шунга ўхшиш ҳолат аниқланди. Бунда 5-партияда энг пастда (0,15 м да) 9,4 % бўлган бўлса, 8 м баландлигида 7,9 %. 7-партияда ҳам шунга ўхшаш 9,8-8,3 бўлиши аниқланди.

Тажриба ўтказган ғарамлар асосан қўл терими пахтаси бўлиб, улар қабул қилишда 1-сорт пахталар намлиги стандарт талаби мос келиши аниқланиб қабул қилинган.

Машинада терилган пахталарда эса бу кўрсаткич бўйича маълумотлар бирмунча юқори бўлиши кузатилди қўл теримида пахтанинг ички қисмига қараб пахта намлиги 2,0-2,5 % фарқ қилган бўлса, машинада терилган пахта партиясарида 3,5-4,0 % гача фарқ борлиги кузатилди.

Ғарамларни шакллантиришда пахтани, айниқса машинада терилганини ғарамнинг ҳамма жойига бир хил жойлаштириш ва шиббалаш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Майдончага пахта транспортёр ёрдамида ташланди ва қўлда унинг юзаси маълум қалинликда текисланиб турилди. Ғарамнинг қийшайиб кетмаслиги, деформацияланмаслиги ва ёриқлар ҳосил бўлмаслиги учун пахтани шиббалашга унинг қалинлиги 0,8-1,0 м бўлганда киришилди.

Пахта ғарамининг ёнидан 0,5 м дан 2,5-3,0 м гача шиббаланди, ғарамнинг ўртаси шиббаланган қисмдан юқори бўлиб, пахтанинг ва бунтда ишловчиларнинг оғирлиги билан зичланди. Ғарамнинг ён деворлари текис бўлиши муҳимдир. Бунинг учун ғарамнинг ён деворлари узун чўплар билан таралиб турилди. Ғарамлаш майдончасининг атрофлари тўкилган пахтанинг ифлосланмаслиги учун асфальт қилинди ёки эни 1,5-2,0 м брезент тўшаб қўйилди. Ғарамлаш майдончаларига пахтани жойлаштиришда уларни қабул қилиш шароитига ҳам риоя қилиниши керак. Бир кунда бита ғарамга 50-60 т пахтани шиббалаш ва битта ғарамга пахта жойлаштиришни 10 кунда амалга оширилди.

Ғарамга пахта жойлаштириб бўлингандан сўнг унинг учки шапкаси 2,0-2,5 м баландликда конуссимион қилиб қўйилади. Бу эса уларни брезент билан ёпганда ёмғир сувларининг тўпланиб қолишидан сақлайди.

Пахтани узоқ вақт сақлашда ғарамларни брезент билан тўғри ёпиш муҳим аҳамиятга эга. Очiq майдонлардаги ғарамларни ёпишда ўлчами 8,5x7,0 м бўлган брезентдан фойдаланилади. Брезентлар иплар ёрдамида тортилади. Маълум вақт ўтиши билан ҳар 2-3 кунда иплар яна таранг қилиб тортилади.

Ғарам қилингандан 10-12 кундан сўнг керак бўлганда унинг ўртасидан узунасига баландлиги 1,8-2,0 м ва эни 0,8-1,0 м ли туннел қовланади. Ёпиқ омборларда сақланадиган пахта учун ҳар бир бўлим ўртасида битта қудуқ қовланади ва ораси очиб қўйилади (4).

Ҳаво ҳарорати 25-30⁰С дан юқори бўлган кунларда ҳавони тортиш кечаси ёки эрталаб ўтказилган маъқул. Ҳавонинг нисбий намлиги 85 % дан юқори бўлганда профилактик тадбирлар (ҳавони тортиш) ўтказилмаслиги мақул (4).

Нам пахтани ғарамларга жойлаштириш ва ўз вақтида ҳавони тортмаслик оқибатида пахта ўз-ўзидан қизий бошлайди. Натижада толанинг ранги ўзгаради, сорти пасаяди, уруғнинг сифати ҳам кескин пасайиб кетиши мумкин. Шунинг учун сақланаётган 1 ва 2 сорт пахтани ҳар 10 кунда, 3 ва 4 сорт пахтани ҳар 5 кунда текшириб туриш керак.

Сақланаётган пахтанинг ҳароратини аниқлаш учун термошчупдан фойдаланиб, ғарамнинг 8 нуқтасида 3 м чуқурликда, ёпиқ омбор шийпонларда эса 4 нуқтада пахта баландлигининг ярмигача киритилиб ўлчанади. Агарда пахта ҳарорати иссиқ кунларда (сентябр-октябр ойларида) 25⁰С гача ва бошқа ойларида 20⁰С гача бўлса, нормал ҳисобланади. Пахтанинг ҳарорати келтирилган чегарадан юқори бўлса ёки иккинчи марта ўлчанганда олдинги ўлчовга қараганда 2-3⁰С ортиқ бўлса, уни албатта совитиш чораларини кўриш кераклиги тўғрисида раҳбариятга хабар қилинади.

КТ-2 кўчма қурилма эса ҳароратни аниқлашни анча енгиллаштиради ва ғарамда бўладиган иссиқлик жараёнларини назорат қилишнинг аниқ ўтказилишини таъминлайди.

Пахта саноати илмий-текшириш институти чигитли пахтанинг намлиги, сорти ва терим усулига қараб уч гуруҳга бўлиш дастлабки ишлашни тавсия этади. Тажрибада биринчи гуруҳга намлиги 14% дан юқори, машинада терилган II ва IV сорт ҳамда қўлда терилган III ва IV сорт пахталар, иккинчи гуруҳга намлиги 14% дан кам бўлган машина ва қўлда терилган пахталар, учинчи гуруҳга қўлда терилган I ва II сорт пахта киритилди. Пахта тозалаш заводларида гуруҳлар бўйича пахтани дастлабки ишлаш жараёни алоҳида ўтказилди. Бунинг натижасида маълум технологик жараёнларнинг иш сифати ва самарадорлиги кескин ошиши кузатилди.

Пахтанинг ғарамда сақланишига кўра ҳароратнинг ўзгариши.

Пахтани ғарамда сақлаш даврида уни жамлаш жараёнида максимал ҳароратни кўрсатиши мумкин. Сентябрнинг дастлабки кунларида қабул қилинган пахталарнинг ҳарорати максимал даражадан 1-2⁰С га ортиқ бўлиши мумкинлиги кузатилди. Кейинги, яъни октябр ойидаги пахталарда эса аксинча 1-2⁰С га камайиши кузатилди.

3-Жадвал

Сақлашнинг дастлабки даврида ғарамдаги пахтанинг ҳарорати.

Йиллар	Навлар	Пахта партияси	Ғарамлаш даври, кун, ой		Ғарамлаш даврида ҳарорат		Ҳароратни ўлчаш вақти	3 м чуқурликдаги ҳарорат, С ⁰
			дан:	гача:	ўртача	максимал		
2020	Андижон-35	2	06.09	30.09	23,7	37,0	01.10	38,5
.....	5	20.09	10.10	19,9	31,8	08.10	32,1
2020	Бухоро-102	8	31.08	27.09	29,4	35,7	24.10	36,5
.....	9	06.09	28.09	25,3	34,7	23.10	33,6
.....	11	13.09	29.09	26,0	34,2	25.10	33,4
.....	12	25.09	30.09	27,3	33,1	23.10	30,7
2020	6	08.10	29.09	25,9	35,4	21.10	35,2
.....	7	15.10	19.10	23,8	33,2	20.10	33,3

Бизнинг кузатувларимиз шуни кўрсатадики, ғарам чуқурлигида ғарамлаш давридаги максимал ҳароратдан бирмунча юқори бўлиши кузатилди. Бунда уларнинг фарқи 5 °С гача бўлиши аниқланди.

4-Жадвал

**Ғарамнинг турли чуқурлигидаги пахта ҳарорати
(Андижон-35 нави бўйича)**

Ғарам чуқурлиги, м	Пахтанинг ҳарорати				
	20.10.2020	10.11.2020	15.12.2020	10.01.2021	25.01.2021
Партия № 3. (Андижон 35 нави). 2021 йил.					
0,5	22	16	14	13	13
1,0	30	24	21	19	18
2,0	33	30	26	22	20
3,0	36	30	26	25	24
5,0	-	-	-	-	28
7,0	-	-	-	-	31
Партия № 9					
0,5	20	15	13	13	12
1,0	29	24	17	17	15
2,0	30	26	20	20	18
3,0	32	29	24	24	22
5,0	-	-	-	-	25
7,0	-	-	-	-	29

Пахтани 4-5 ой мобайнида сақлаш даврида унинг ҳарорати 3-5 °С гача пасайганлиги кузатилди. Шундай бўлсада пахтанинг асосий қисмида ҳарорат юқорилиги сақланиб қолди, айниқса марказий қисмида бу кўрсаткич ўта сезилди. Бундай ҳолат ғарамнинг ўрта қисмида ҳаво алмашинувининг мутлақо бўлмаслигидан деб қараш мумкин.

Одатда элита ва биринчи авлод уруғликлари ёпиқ омборларда сақланади. Ана шундай ёпиқ омборларнинг ҳароратини текшириш мақсадида тажриба ўтказилди. Ҳар бир партиядоги дастлабки пахта намуналари назорат варианты сифатида олинди.

Ғарамдаги пахтанинг чуқурлашиб бориши билан унинг ҳарорати ҳам кўтарилиб боришини жадвал маълумотларидан кўриш мумкин. Шунинг учун стандарт талаблари бўйича пахтани ғарамлашда унинг намлиги, сорти, терилган даври алҳида эътиборга олинishi муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади (5) .

Хулоса. Юқоридаги маълумотлардан ҳам кўриниб турибдики, уруғлик пахтани сақлаш усули, унинг намлиги, ифлослиги ва ғарам зичлигида бир-бирига боғлиқлик жиҳатлари яхши ўрганилмаган. Бизнинг асосий мақсадимиз пахтани сақлаш усулининг, ундаги ҳароратнинг маҳсулот сифатига таъсирини ўрганган олимларнинг маълумотларини таҳлил қилиб, илмий ишимда тўлиқ ўрганилмаган муаммоларни янада чуқурроқ ўрганиш режалаштирилган. Олинган илмий маълумотлар келгусида пахтани сақлаш ва қайта ишлаш соҳасида фойдаланиш учун муҳим манба бўлиб хизмат қилади, деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. “Стандартлаштириш тўғрисида” ги конун 1993
2. Азизхўжаев У.Х. Пахтани сақлаш жараёнида уруғ сифатининг ўзгариши, Ўзбекистон к/х журнали, 2002, №2.
3. Рахимов К. Ғарамдаги пахтани сақлаш сифати, Ўзбекистон к/х ж. 2004, №7.
4. Раҳмонов З. Сақланаётган уруғлик сифатини яхшилаш омиллари. 1997. Ўзб. к/х журнали, № 6.
5. Халимов Б. Уруғлик пахтани сақлаш ва сифатини яхшилаш. 2003, №8, Ўзб к/х журнали.
6. www.Cotton.md
7. www.ieguzexpo.com/dokuments/-
8. www.library.ziyonet.uz
9. www.paxtasanoat.uz

**АМУДАРЁ СУВ САТҲИНИ ГИДРОЛОГИК ТЕНДЕНЦИЯ УСУЛИДА
ҚИСКА МУДДАТЛИ ПРОГНОЗЛАШ****(Саманбай гидропости мисолида)**

О.Г. Султашова, Қорақалпоқ давлат университети, Нукус
М.О. Алламурастов, Қорақалпоқ давлат университети, Нукус
С.Б. Калабаев, Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент
Р.Г. Султашов, Қорақалпоқ давлат университети, Нукус

Аннотация. Мазкур мақолада сув сатҳини қисқа муддатли башоратлаш ишларининг натижалари келтирилган. Башоратлаш тендесия усули ёрдамида амалга оширилди. Бу усулдаги башорат Амударёнинг кўп йиллик сув сатҳи маълумотлари таҳлил қилинган. Сўнг ҳар икки ўзгарувчи орасидаги $H_2 = f(X_0)$ боғланиш графиги чизилди. Шу график асосида башорат қилинди. Башоратлаш услубининг самаралилиги мезони ёрдамида башоратлаш усулининг сифати баҳолади. Таъминланиш 78% га тенг, башоратлаш усулининг сифати 0,51 га тенг. Бундан хулоса қилишимиз мумкин мазкур усулни амалётда фойдаланиб бўлади.

Калит сўзлар: сув сатҳи, башоратлаш, график, Амударё, таъминланиш

Аннотация. В статье представлены результаты краткосрочного прогнозирования развития уровня воды. Прогнозы были сделаны с использованием метода тенденции. Прогноз этого метода основан на анализе многолетних данных об уровне воды Амударьи. Построен график двустороннего действия $H_2 = f(X_0)$. Прогнозы были сделаны на основе этой таблицы. Эффективность метода прогноза оценивается по качеству метода, контролируемого критерии. Покрытие составляет 78%, а качество метода прогнозирования - 0,51.

Из этого можно сделать вывод, что этот метод можно использовать на практике.

Ключевые слова: уровень воды, прогноз, график, Амударья, водоснабжение.

Abstract. The article presents the results of short-term forecasting of water level development. The predictions were made using the tendency method. The forecast of this method is based on the analysis of long-term data on the water level of the Amu Darya. A two-way billing schedule was built $H_2 = f(X_0)$. The predictions have been made based on this table. The effectiveness of the prediction method is estimated by the quality of the meson-controlled method. The coverage is 78% and the quality of the prediction method is 0.51. From this it can be concluded that this method used in practice.

Keywords: water level, forecast, graph, Amudarya, supply

Дарёларнинг сув сатҳи ёки сув сарфини қисқа муддатли башоратлашнинг амалий аҳамияти жуда катта. Бу турдаги башоратлар турли табиий ёки техноген келиб чиқадиган фалокатлар натижасида дарёнинг қуйи оқимида сув сатҳи ёки сув сарфининг кескин ортиши ҳақида огоҳлантиришга имкон беради. Бундан ташқари халқ хўжалигининг турли тармоқлари учун дарёдаги ҳар кунлик сув сатҳи ва сарфи ҳақидаги маълумот зарур ҳисобланади.

Ишни амалга ошириш методлари. Гидрологик башоратлар билан боғлиқ бўлган масалаларни илмий асосда ҳал этишга бўлган дастлабки уринишлар XIX асрнинг 1990-йилларидан бошланган.

Шу йилларда В.Г. Клейбер, Д.Д. Гнусин, А.Н. Квитсинский каби тадқиқотчилар Россиянинг кемалар қатнайдиган дарёларида сув сатҳи ўзгаришини қисқа муддатли башоратлашнинг дастлабки оддий усуллари ишлаб чиққанлар [3]. Ҳозирги кунда дарёлар сув сатҳини гидрологик тендесия усули ва мослашган сув сатҳилари усули ёрдамида қисқа муддатли башоратлаш амалиётда кенг қўлланилади.

Мақоланинг асосий мақсади дарёлар сув сатҳини қисқа муддатли башоратлашни тендесия усули ёрдамида амалга ошириш.

Бошаротлаш Амударёнинг Саманбай гидрологик постида 2008-йил июл ойида кузатилган кундалик сув сатҳлари жадвали маълумотлари асосида амалга оширилди (1.1-жадвал).

Кўзланган мақсадни амалга ошириш учун ишда қуйидаги вазифаларни бажариш режалаштирилди:

1. Кундалик сув сатҳларининг берилган H_0 қатори асосида уни икки кунлик силжитиш йўли билан янги H_2 қатор ҳосил қилиш;

2. Ҳар икки ўзгарувчи орасидаги $H_2 = f(X_0)$ боғланиш графги чизиш. Бу йерда H_0 – дарёда биринчи куни ўлчанган ўртача кунлик сув сатҳи, см да; X_2 – учинчи куни ўлчанган ўртача сув сатҳи, см да;

3. Ушбу графикдан фойдаланиб H_0 нинг берилган қийматлари асосида X_2 икки кунлик муддат билан башорат қилиш;

4. Башоратлаш усулининг самаралилиги ва сифатини баҳолаш:

а) башорат қилинаётган H_2 қаторнинг ўртача квадратли фарқи (σ) ҳисоблаш;

б) башоратлаш усулининг йўл қўйилиши мумкин бўлган хатолиги (δ_m) ҳисоблаш;

д) башоратлаш усулининг абсолют хатоликлари (δ) ҳисоблаш;


е) башоратлаш усули абсолют хатоликлари (δ)нинг ўртача квадратли фарқи (C) ҳисоблаш;

ф) башоратлаш усулининг самаралилиги мезони (C/σ) аниқлаш;

г) башоратлаш усулининг сифати баҳолаш;

х) башоратлаш усулининг таъминланиши (P) ҳисоблаш.

Юқорида белгиланган вазифаларга мос ҳолда, дастлаб, Амударё дарёсининг Саманбай постида кузатилган сув сатҳлари таҳлил асосида, 2008 йил июл ойидаги кузатилган сув сатҳлари танлаб олинди. Кундалик сув сатҳларининг берилган H_0 қатор асосида уни икки кун олдинга силжитиш натижасида янги H_2 қатор ҳосил қилинди. Ушбу икки кун башоратлаш муддатини ифодалайди. Кейинги босқичда ўзгарувчилар орасидаги $H_2=f(X_0)$ боғланиш графги чизилди [1,2]. Ушбу графкни чизишда H_0 ва X_2 қаторларни 1.1-жадвалда келтирилган қийматларидан фойдаландик (графк 1.1-расм).



1.1-расм. $X_2=f(X_0)$ боғланиш графги.

Графкдан фойдаланиб, H_0 нинг қийматлари асосида X_2 нинг қийматлари башорат қилинди. Башоратлаш натижалари X_2^n кўринишида ҳисоблаш жадвалидаги X_2^n устунига ёзилди(1.1-жадвал).

Охирги босқичда, башоратлаш усулининг самаралилиги ва сифатини баҳолаш ва унинг қийматига қараб прогноз усулини амалётда қўллаш ёки қўлламаслик бўйича хулосага келамиз.

а) башорат қилинаётган қаторнинг ўртача квадратли фарқини ҳисоблаганда қуйидагига тенг бўлди:

$$\sigma = \sqrt{\frac{\sum (H_2 - H_2^-)^2}{n}} = \sqrt{\frac{1075}{29}} = 6,08 \text{ см};$$

1.1-жадвал

Сув сатхларининг берилган қийматлари ва ёрдамчи ҳисоблашлар жадвали

T/p	X ₀	X ₂	X ₂ ^{II}	X ₂ -X ₂ ^I	(X ₂ -X ₂ ^I) ²	X ₂ -X ₂ ^{II}	(X ₂ -X ₂ ^{II}) ²
1	362	362	364	7	49	2	4
2	362	362	364	7	49	2	4
3	362	362	364	7	49	2	4
4	362	362	364	7	49	2	4
5	362	362	364	7	49	2	4
6	362	362	364	7	49	2	4
7	362	362	364	7	49	2	4
8	362	362	364	7	49	2	4
9	362	362	364	7	49	2	4
10	362	374	364	5	25	10	100
11	362	377	364	8	64	7	49
12	374	377	373	8	64	4	16
13	377	376	375	7	49	1	1
14	377	376	375	7	49	1	1
15	376	376	374	7	49	2	4
16	376	376	374	7	49	2	4
17	376	376	374	7	49	2	4
18	376	376	374	7	49	2	4
19	376	376	374	7	49	2	4
20	376	376	374	7	49	2	4
21	376	374	374	5	25	0	0
22	376	371	374	2	4	3	9
23	374	369	373	0	0	4	16
24	371	368	371	1	1	3	9
25	369	366	369	3	9	3	9
26	362	366	365	3	9	1	1
27	362	366	365	3	9	1	1
28	362	365	365	4	16	0	0
29	362	365	365	4	16	0	0
Σ		10704			1075		272
X ₀ , см ўртача		369			37,0		9,4

б) башоратлаш усулининг йўл қўйилиши мумкин бўлган хатолиги ҳисобланди:

$$\delta_M = 0,674 * \sigma = 0,674 * 6,08 = 4,1 \text{ см};$$

д) башоратлаш усулининг абсолют хатоликлари қуйидаги ифода билан ҳисобланди (1.1-жадвалда қайд этилган).

$$\delta = H_2 - H_2^P ;$$

е) башоратлаш усули абсолют хатоликларининг ўртача квадратли фарқи қуйидагига тенг бўлди:

$$S = \sqrt{\frac{\sum (H_2 - H_2^P)^2}{n - m}} = \sqrt{\frac{272}{28}} = 3,1 \text{ см};$$

ф) башоратлаш услубининг самаралилиги мезонини қуйидагича аниқланди:

$$\frac{S}{\sigma} = \frac{3,1}{6,08} = 0,51;$$

Башоратлаш услубининг самаралилиги мезони ёрдамида башоратлаш усулининг сифатини баҳоладик. Унга кўра, башоратлаш усулининг сифати $\frac{S}{\sigma} = 0,51 - 0,80$ қонқарли баҳоланади.

ж) башоратлаш усулининг таъминланишини ҳисолаганда тўғри чиққан башоратлар сони $m=22$ га тенг бўлди.

$$P = \frac{m}{n} * 100\% = \frac{22}{28} * 100\% = 78\% ;$$

Демак таъминланиш 78% га тенг, башоратлаш усулининг сифати 0,51 га тенг. Бундан хулоса қилишимиз мумкин мазкур усулни амалётда фойдаланиб бўлади. Мазкур усулни Амударё дарёсининг Саманбай гидропостида кам сувли йилларда қисқа муддатли башоратлашда фойдаланиб халқ хўжалигининг тармоқларининг сув сатҳи маълумотига бўлган кўплаб эҳтиёжларини бир, икки ва уч кунлик сув сатҳи башоратларин амалга оширса бўлади. Сув сарфини қисқа муддатли башоратлашда ҳам худди шу усулдан фойдаланса бўлади. Лекин бунда сув сатҳлари эмас сув сарфлари маълумотлари асосида боғланиш графиги чизилади. Кейинги тадқиқотларда асосий эътибор башоратнинг аниқлигин янада орттиришга қаратишни мақул кўрдик.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Бешани Н.Ф., Калинин Г.П. Упражнения и методические разработки по гидрологическим прогнозам. Ленинград, Гидрометеоздат-1983, 7-8 с.
2. Георгиевский Ю.М., Шаночкин С.В., Гидрологические прогнозы, Санкт-Петербург 2007 -20-24 с.
3. Ҳикматов Ф.Х., Юнусов Ф. Х., Рахмонов К.Р. Гидрологик башорат, Тошкент-2013, 33-34 б.

УЎК: 633.511:631.526.32:631.527

БОШЛАНҒИЧ АШЁ ҒЎЗА НАВЛАРИ АВЛОДЛАРИ ФЕНОТИПИДА ХЎЖАЛИК БЕЛГИЛАРИ КЎРСАТКИЧЛАРИНИНГ НАМОЁН БЎЛИШИ

О.Р. Эргашев, ЎзР ФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти, Қибрай

Аннотация. Мақолада ғўзанинг *G.hirsutum L.* турига мансуб баъзи навлардаги муҳим хўжалик белгиларидан бир кўсакдаги пахта вазни, тола чиқими ва тола узунлигининг олти авлод ўсимликларида фенотипик намоён бўлиши бўйича олинган маълумотлар ва уларнинг таҳлили келтирилган. Бир кўсакдаги пахта вазни белгисининг ўртача кўрсаткичлари бўйича Келажак нави, толасининг чиқими бўйича УзФА-710 нави ва узун толалик хусусияти бўйича эса яна Келажак навида бошқа навларга нисбатан устунлик кузатишган. УзФА-703 нави ҳам ўрта толали навлар учун ижобий ҳисобланган кўрсаткичларни барча тадқиқот йилларида фенотипик намоён этган. Таҳлилларга кўра, Келажак навининг кўсаклари оғирлигини 8,0-8,5 гр.гача УзФА-710 навининг толаси чиқимини 44-45 % гача ва таҳлилдаги барча навларнинг толаси узунлигини 36 мм.гача узайтириш мумкин ҳамда келгусида хўжалик белгилари кўрсаткичлари янада юқори бўлган ғўза навларини яратишда ушбу ғўза навларидан бошланғич ашё сифатида фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади деб хулоса қилинган.

Калит сўзлар: Хўжалик белгилари, бир кўсакдаги пахта вазни, тола чиқими, тола узунлиги, генотип, фенотип, шаклланиш, барқарорлашув.

Аннотация. В статье приведены данные по таким хозяйственно значимым признакам некоторых сортов хлопчатника вида *G. hirsutum L* как вес хлопка в одной коробочке, фенотипическое проявление выхода волокна и длины волокна в шести поколениях растений и приведен их анализ. По средним показателям признака массы хлопка в одной коробочке сорт Келажак, по выходу волокна сорт УзФА-710 и по признаку длины волокна опять сорт Келажак показали преимущества по отношению других сортов. Также сорт УзФА-703 в течение всех годов исследований фенотипически проявил показатели, считающиеся положительными для средневолокнистых сортов. Согласно проведенным анализам, показано, что массу коробок можно увеличить до 8,0-8,5 г, а выход волокна сорта УзФА-

710 на 44-45% и выход волокон всех анализированных сортов можно увеличить до 36 мм, также резюмировано, что данные сорта хлопчатника могут служить первичным сырьем при создании новых сортов еще с более высокими ценными хозяйственными показателями.

Ключевые слова: Хозяйственные признаки, все хлопка-сырца одной коробочки, выход волокна, длина волокна, генотип, фенотип, формирование, стабилизация.

Abstract. The article presents data on such economically significant traits of some varieties of cotton species *G. hirsutum* L as the weight of cotton in one box, phenotypic manifestation of fiber yield and fiber length in six generations of plants and their analysis. According to the average indicators of the mass of cotton in one box, the Kelajak variety, according to the fiber yield, the O'zFA-710 variety and the fiber length, the Kelajak variety again showed advantages over other varieties. The O'zFA-703 variety also phenotypically showed indicators that are considered positive for medium-fiber varieties during all years of research. According to the analysis, it was shown that the mass of boxes can be increased to 8.0-8.5 g, and the yield of fiber of O'zFA-710 variety by 44-45% and the yield of fibers of all analyzed varieties can be increased to 36 mm, it is also summarized that the data cotton varieties can serve as primary raw materials at creation of new varieties with even higher valuable economic indicators.

Key words: Varieties of cotton plant, farm traits, cotton weight in one boll, fiber yield, fiber length, genotype, phenotype, formation, stability.

Кириш: Ғўза ўсимлиги бўйича ўтказиладиган тадқиқотларни бошлашда тадқиқотчи учун бошланғич ашё сифатида танлаб олинган навларнинг қимматли хўжалик белгилари кўрсаткичлари тўғрисидаги аниқ маълумотлар муҳим аҳамиятга эгадир. Таҳлил қилинган адабиётларда ҳам изланувчилар бошланғич ашёларнинг хўжалик белгилари кўрсаткичларининг фенотипик намоён бўлишига алоҳида аҳамият қаратганлар[1-5]. Шундан келиб чиқиб, ўрта толали ғўзанинг *G.hirsutum* L. турига мансуб навларнинг бир неча авлод ўсимликларида қимматли хўжалик кўрсаткичларининг фенотипик намоён бўлишини ўрганиш аниқ маълумотларга эга бўлишни таъминлайди.

Тадқиқот мақсади: Янги тадқиқотлар учун бошланғич ашёларни танлаб олиш учун ўрта толали ғўза навлари популяциясидаги бир кўсакдаги пахта вазни, тола чиқими ва узунлиги кўрсаткичларининг бир неча авлод ўсимликларида (олти йил) ташқи муҳит омиллари ва генотипнинг ўзаро таъсири остида фенотипда намоён бўлишини аниқлаш ва қиёсий таҳлил этишдан иборатдир.

Тадқиқот ашёси: Ўрта толали ғўзанинг Келажак, ЎзФА-703, ЎзФА-707 ва ЎзФА-710 навларининг олти авлод ўсимликларида акс этган муҳим хўжалик белгиларининг ўртача кўрсаткичлари мазкур тадқиқотларимизнинг ашёси ҳисобланади.

Тадқиқотни ўтказиш услублари: Мазкур тадқиқотларни олиб боришда генетиканинг популяцияцион таҳлил ва селекциянинг танлаш услубларидан фойдаланилди. Маълумотларга математик статистик ишлов бериш Б.А.Доспехов услуги бўйича (М. 1985) амалга оширилди.

Натижалар: қуйидаги жадвалларда таҳлил этилаётган шаклларнинг олти авлод ўсимликларида хўжалик белгилари кўрсаткичларининг фенотипик намоён бўлиши бўйича маълумотлар келтирилади;

1-жадвал

Таҳлилдаги ғўза навларининг муҳим хўжалик белгилари бўйича 2010 йилги маълумотлар

№	Хўжалик белгилари									
	Навлар	Бир кўсакдаги пахта вазни, гр			Тола чиқими, %			Тола узунлиги, мм		
2010 йил										
		$\bar{X} \pm m$	σ	v	$\bar{X} \pm m$	σ	v	$\bar{X} \pm m$	Σ	v
1	ЎзФА-707	6.12±0.12	0.89	14.61	38.5±0,41	2.73	7.08	33.3±0.23	1.56	4.67
2	Келажак	7.18±0.14	0.90	12.55	39.5±0,26	1.71	4.31	33.7±0.22	1.48	4.40
3	ЎзФА-703	6.31±0.13	0.83	13.21	38.9±0,27	1.77	4.54	34.3±0.19	1.29	3.76
4	ЎзФА-710	5.54±0.1	0.68	12.19	43.4±0,27	1.78	4.11	33.0±0.2	1.3	3.93

Ғўза навларининг гуруҳида бир кўсакдаги пахта вазни, тола чиқими ва узунлиги белгисининг ўртача кўрсаткичлари бўйича 2010 йилда Келажак нави бир кўсакдаги пахта

вазни, ЎзФА-710 нави тола чиқими, ЎзФА-703 нави эса тола узунлиги бўйича устунликка эга бўлган (1-жадвал).

2-жадвал

Таҳлилдаги ғўза навларининг муҳим хўжалик белгилари бўйича 2011 йилги маълумотлар

№	Хўжалик белгилари									
	Навлар	Бир кўсақдаги пахта вазни, гр			Тола чиқими, %			Тола узунлиги, мм		
	2011 йил									
	$X \pm m$	σ	v	$X \pm m$	σ	v	$X \pm m$	σ	v	
1	ЎзФА-707	5.27±0.09	0.62	11.84	37.7±0,67	4.47	11.8	34.2±0.17	1.11	3.23
2	Келажак	6.68±0.1	0.66	9.83	40.9±0,26	1.7	4.15	35.3±0.09	0.62	1.75
3	ЎзФА-703	5.91±0.12	0.8	13.62	41.2±0,22	1.47	3.56	34.4±0.11	0.75	2.17
4	ЎзФА-710	4.98±0.09	0.63	12.59	40.6±0,34	2.27	5.59	34.5±0.23	1.51	4.37

3-жадвал

Таҳлилдаги ғўза навларининг муҳим хўжалик белгилари бўйича 2012 йилги маълумотлар

№	Хўжалик белгилари									
	Навлар	Бир кўсақдаги пахта вазни, гр			Тола чиқими, %			Тола узунлиги, мм		
	2012 йил									
	$X \pm m$	σ	v	$X \pm m$	σ	v	$X \pm m$	σ	v	
1	ЎзФА-707	6.16±0.11	0.7	11.42	34.9±0,42	2.8	8.01	33.1±0.21	1.42	4.3
2	Келажак	7.16±0.11	0.72	10.07	40.1±0,27	1.81	4.50	34.7±0.12	0.82	2.35
3	ЎзФА-703	6.12±0.12	0.78	12.76	39.1±0,3	1.99	5.08	34.2±0.16	1.07	3.14
4	ЎзФА-710	5.34±0.09	0.62	11.65	42.5±0,35	2.34	5.50	33.0±0.16	1.09	3.21

4-жадвал

Таҳлилдаги ғўза навларининг муҳим хўжалик белгилари бўйича 2013 йилги маълумотлар

№	Хўжалик белгилари									
	Навлар	Бир кўсақдаги пахта вазни, гр			Тола чиқими, %			Тола узунлиги, мм		
	2013 йил									
	$X \pm m$	σ	v	$X \pm m$	σ	v	$X \pm m$	σ	v	
1	ЎзФА-707	6.17±0.12	0.76	12.37	35.5±0,43	2.87	8.06	33.0±0.13	0.85	2.56
2	Келажак	6.78±0.14	0.92	13.53	40.9±0,42	2.75	6.73	34.3±0.12	0.83	2.42
3	ЎзФА-703	6.42±0.11	0.75	11.73	37.5±0,29	1.9	5.05	33.8±0.1	0.67	1.98
4	ЎзФА-710	5.94±0.12	0.79	13.22	41.0±0,29	1.79	4.75	33.33±0.10	0.66	1.98

2011 йилда Келажак нави бир кўсақдаги пахта вазни ва тола узунлиги белгилари бўйича энг юқори натижани акс эттиргани ҳолда тола чиқими бўйича эса ЎзФА-703 нави устунликни намоён этган. Ушбу жиҳатдан Келажак ва ЎзФА-710 навлари статистик фарқланмаган. Ўрганилган учта белги кўрсаткичларига кўра, умумий устунлик Келажак навида кузатилди (2-жадвал).

2012 йилда ҳам Келажак нави бир кўсақдаги пахта вазни ва тола узунлиги белгилари бўйича энг юқори натижани намоён этгани ҳолда толасининг чиқими бўйича эса ЎзФА-710 навида бошқа навларга нисбатан ижобий фарқланиш кузатилган (3-жадвал).

2013 йилда ҳам ўтган йиллардагидек, Келажак нави бир кўсақдаги пахта вазни ва тола узунлиги белгилари кўрсаткичларига кўра, бошқа навлардан нисбатан устунлик қилиб, толасининг чиқими бўйича эса ЎзФА-710 навидан статистик фарқланмаган (4-жадвал).

5-жадвал

Таҳлилдаги ғўза навларининг муҳим хўжалик белгилари бўйича 2014 йилги маълумотлар

№	Хўжалик белгилари									
	Навлар	Бир кўсақдаги пахта вазни, гр			Тола чиқими, %			Тола узунлиги, мм		
	2014 йил									
	$X \pm m$	σ	v	$X \pm m$	σ	v	$X \pm m$	σ	v	
1	ЎзФА-707	6.25±0.12	0.8	12.82	37.1±0,42	2.78	7.47	34.8±0.14	0.92	2.65
2	Келажак	6.62±0.14	0.91	13.75	37.9±0,45	2.98	7.86	34.1±0.11	0.71	2.09
3	ЎзФА-703	6.74±0.12	0.82	12.1	38.0±0,4	2.62	6.90	33.8±0.11	0.72	2.13
4	ЎзФА-710	6.01±0.1	0.63	10.57	41.8±0,36	2.41	5.77	34.6±0.11	0.75	2.15

2014 йилда ЎзФА-703 нави бир кўсақдаги пахта вазни бўйича, ЎзФА-710 нави тола чиқими, ЎзФА-707 ва УзФА-710 навлари тола узунлиги белгилари кўрсаткичларига кўра бошқа навларга нисбатан устунлик қилдилар (5-жадвал).

6-жадвал

Таҳлилдаги ғўза навларининг муҳим хўжалик белгилари бўйича 2015 йилдаги маълумотлар

№	Хўжалик белгилари									
	Навлар	Бир кўсақдаги пахта вазни, гр			Тола чиқими, %			Тола узунлиги, мм		
	2015 йил									
		X ± m	σ	v	X ± m	σ	v	X ± m	σ	v
1	ЎзФА-707	6.27±0.11	0.73	11.64	36.7±0,44	2.91	7.94	34.9±0.11	0.75	2.14
2	Келажак	6.85±0.14	0.94	13.66	39.3±0,31	2.05	5.20	34.2±0.11	0.72	2.1
3	ЎзФА-703	6.43±0.13	0.87	13.48	40.2±0,35	2.29	5.70	35.2±0.12	0.83	2.34
4	ЎзФА-710	5.43±0.12	0.8	14.72	41.7±0,46	3.03	7.27	35.04±0.10	0.67	1.90

2015 йилда Келажак нави бир кўсақдаги пахта вазни кўрсаткичларига кўра, ЎзФА-710 нави эса тола чиқими, ЎзФА-703 ва ЎзФА-710 навлари узунлиги бўйича устунликни намоён этдилар (6-жадвал).

7-жадвал

Таҳлилдаги ғўза навларининг муҳим хўжалик белгилари бўйича 2010-2015 йиллардаги умумий ўртача маълумотлар

№	Хўжалик белгилари									
	Навлар	Бир кўсақдаги пахта вазни, гр			Тола чиқими, %			Тола узунлиги, мм		
	2010-2015 йиллар бўйича умумий ўртача									
		X ± m	σ	v	X ± m	σ	v	X ± m	σ	v
1	ЎзФА-707	6.04±0.11	0.75	12.45	36.7±0,46	3.09	8.39	33.8±0.16	1.10	3.25
2	Келажак	6.87±0.10	0.84	12.23	39.7±0,32	2.16	5.45	34.3±0.12	0.86	2.51
3	ЎзФА-703	6.32±0.12	0.80	12.81	39.1±0,30	2.00	5.13	34.2±0.13	0.88	2.58
4	ЎзФА-710	5.54±0.10	0.69	12.49	41.8±0,34	2.27	5.49	33.95±0.15	0.99	2.92

Таҳлил этилган ғўза навлари бўйича олти авлод ўсимликларининг умумий ўртача маълумотлари аниқланганда, Келажак нави бир кўсақдаги пахта вазни, ЎзФА-710 нави тола чиқими, ЎзФА-703 навлари тола узунлиги белгиси кўрсаткичлари бўйича бошқа навларга нисбатан устунлик қилдилар (7-жадвал).

Тадқиқи этилаётган ғўза навларининг олти авлод ўсимликларида фенотипик намоён бўлган қимматли хўжалик белгилари кўрсаткичлари бўйича популяцияларнинг ҳар юзта ўсимлигидан олинган намуналарни синфларга ажратиб, ҳар бир белгини энг юқори кўрсаткичларнинг фоиздаги ўрни ўрганилганда қуйидагича маълумотлар олинди:

8-жадвал

Бир кўсақдаги пахта вазни белгисининг 5.1-8.0 гр. кўрсаткичларни фенотипик намоён этган ўсимликларнинг фоиздаги улуши

№	Йил-лар	Келажак			ЎзФА-703			ЎзФА-707			ЎзФА-710		
		5-6	6-7	7-8	5-6	6-7	7-8	5-6	6-7	7-8	5-6	6-7	7-8
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14
2	2010	10	30	45	28	45	18	48	38	8	60	15	2
3	2011	12	59	25	42	34	8	56	12	0	37	5	1
4	2012	4	38	49	31	47	10	39	41	13	48	14	1
5	2013	21	42	28	47	35	4	46	37	13	47	33	8
6	2014	24	37	30	24	39	33	28	51	14	45	45	6
7	2015	14	34	39	32	33	27	35	45	16	40	19	3
8	Олти йиллик ўртача	14.1	40.0	36.0	34.0	38.8	16.6	42.0	37.3	10.6	46.1	21.8	3.5

Бир кўсақдаги пахта вазни навлар бўйича олти авлод ўсимликларида қиёсий таҳлил қилинганда энг юқори кўрсаткичлар Келажак нави ниҳолларида таҳлилдаги бошқа ашёларга нисбатан кўплиги аниқланган (8-жадвал).

Тола чиқимининг энг юқори кўриниши ўрганилган олти авлод ўсимликларида ЎзФА-710 нави популяцияларида тадқиқ этилаётган бошқа шаклларга нисбатан кўплиги кузатилган (9-жадвал).

Тола чиқими белгисининг 42-44 % кўрсаткичларни фенотипик намоён этган ўсимликларнинг фойздаги

№	Йиллар	улуши											
		Келажак			ЎзФА-703			ЎзФА-707			ЎзФА-710		
		42	43	44	42	43	44	42	43	44	42	43	44
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14
2	2010	4	1	0	5	0	0	3	4	0	25	24	19
3	2011	12	5	1	20	13	2	1	5	3	12	9	6
4	2012	7	1	0	3	0	1	0	1	0	14	30	13
5	2013	11	9	4	4	1	0	0	0	1	17	10	2
6	2014	4	5	0	2	0	0	4	1	0	22	9	10
7	2015	5	2	1	7	0	5	0	2	0	15	16	10
8	Олти йиллик ўртача	7.16	4.16	1.0	41	3.5	1.33	1.33	2.16	0.66	17.5	16.3	10.0

10-жадвал

Тола узунлиги белгисининг 34-36 мм. кўрсаткичларни фенотипик намоён этган ўсимликларнинг фойздаги улуши

№	Йиллар	улуши											
		Келажак			ЎзФА-703			ЎзФА-707			ЎзФА-710		
		34	35	36	34	35	36	34	35	36	34	35	36
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14
2	2010	29	18	2	30	40	0	17	13	5	15	6	2
3	2011	15	62	21	51	29	2	44	27	3	26	33	10
4	2012	49	30	9	35	18	5	14	9	4	29	9	7
5	2013	41	26	2	39	6	0	18	0	0	19	0	0
6	2014	53	12	0	46	5	0	30	43	8	45	34	3
7	2015	48	21	0	29	47	17	43	39	8	36	54	5
8	Олти йиллик ўртача	39.1	28.1	5.66	38.3	24.1	4.0	27.6	21.8	4.66	28.3	22.6	4.5

Тола узунлиги бўйича 34 мм.ли намуналар Келажак, 35 мм.лилар ЎзФА-703 ва 36 мм.ли намуналарнинг энг кўп сони эса яна Келажак навида кузатилди (10-жадвал).

Хулоса ва тавсиялар: Юқорида келтирилган маълумотларга кўра, таҳлил этилган ғўза навларининг бир-биридан бир кўсақдаги пахта вазни белгисининг ўртача кўрсаткичлари бўйича Келажак, толасининг чиқими бўйича ЎзФА-710 ва узун толалик хусусияти бўйича эса яна Келажак навида бошқа ашёларга нисбатан устунлик кузатилди. ЎзФА-703 нави ҳам ўрта толали навлари учун ижобий ҳисобланган кўрсаткичларни барча тадқиқот йилларида фенотипик намоён этгани аниқланди.

Маълум бўлишича, агар белгилар кўрсаткичларни янада ошириш учун генетик селекцион тадқиқотлар давом эттириладиган бўлса, Келажак навининг кўсақлари оғирлигини 8,0-8,5 гр.гача ЎзФА-710 навининг толаси чиқимини 44-45 % гача ва таҳлилдаги барча навларнинг толаси узунлигини 36 мм.гача узайтириш ҳамда келгусида хўжалик белгилари кўрсаткичлари янада юқори бўлган ғўза дурагайларини яратишда таҳлил этилган ғўза навларидан бошланғич шакллар сифатида фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади деб хулоса қилишимиз мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. М. Йигиталиев, С. Муҳаммадхонов “Дала экинлари селекцияси ва уруғчилиги” китоби, 220-230 б. Тошкент – 1981.
2. О.Р. Эргашев “Ўзанинг янги ЎзФА-710 нави популяциясида бир кўсақдаги пахта вазни белгиси кўрсаткичлари таҳлили” – Агро Илм – Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали 2017 йил, 5 сон, 20-21 б.
tarixiga doir”, Ochilov M “O‘zbekiston komsomolining umumiy- majburiy ta‘lim uchun kurashi”, Oripov F “O‘zbekistonda savodsizlikni tugatilishi”, Inayatov N “ O‘zbekistonda oliy ta‘lim hamda fanning rivojlanishi”, Azamova R “Sovet O‘zbekistonida xalq maorifining ravnaqi”, Sodiqov S” O‘zbekistonda oliy talimning rivojlanishi”, Q.Ergashev “O‘zbekiston xalq ta‘limining rivojlanish tarixi” nomli asarlar yozilgan. Shu tadqiqotlar natijasida xalqimiz tarixi va sovet hokimiyatning asl yuzi ochiq, xolis, tarixiylik nuqtayi nazaridan o‘rganildi hamda hozirgi yosh avlodga yetkazishda dastur ul amal bo‘lib xizmat qilmoqda.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO‘YXATI:

1. Mirziyoyev Sh. M. “Buyuk kelajagimizni mard va oliyjanob xalqimiz bilan birga quramiz”. T.: “O‘zbekiston”. 2017. 488b.
2. Mirziyoyev Sh. M. “Milliy taraqqiyot yo‘limizni qat’iyat bilan davom ettirib, yangi bosqichga ko‘taramiz”.T.: “O‘zbekiston”. 2017. 592b.
3. Mirziyoyev Sh. M. “Niyati ulug‘ xalqning – ishi ham ulug‘, hayoti yorug‘ va kelajagi farovon bo‘ladi” .T.: “O‘zbekiston”. 2019.
4. Narzulla Jo‘rayev “Tarix falsafasining nazariy asoslari” – T.: “Ma‘naviyat”.2008.459b.
5. Ergashev Q. O‘zbekiston xalq ta‘limining rivojlanish tarixi.. T. “O‘qituvchi” 1998.80b.
6. Ergashev F, Obidov D. Milliy ta‘lim tarixidan. T.: “Akademiya”, 1998.65b.

UO‘K 93/94

O‘RXUN-ENASOY BITIKLARIDA AYRIM HAYVON NOMLARINING ISHLATILISHI

M.R. Allambergenova, o‘qituvchi, QODU, Nukus

Annotatsiya. Maqolada qadimgi turkiylarning totemistik qarashlari aks etgan. Hayvon nomlarining qanday mifologik tushunchaga ega bo‘lganligi tahlil qilinadi. Maqolada har bir totemga alohida to‘xtalgan. Qiyosiy jihatdan yondashilgan holda fikrlar bayon qilinadi.

Kalit so‘zlar: Totem, ot, bo‘ri, diniy qarashlar, urug‘, qabila, kiyik, buqa, mifologiya, Totemizm

Аннотация. В статье отражены тотемистические взгляды древних тюрков. Анализируется мифологическое значение названий животных. В статье рассматривается каждый тотем. Идеи изложены в сравнительном подходе

Ключевые слова: Тотем, лошадь, волк, религиозные верования, семья, племя, олень, бык, мифология, Тотемизм

Abstract. The article reflects the totemistic views of the ancient Turks. The mythological meaning of animal names is analyzed. The article focuses on each totem. The ideas are stated in a comparative approach.

Keywords: Totem, horse, wolf, religious beliefs, seed, tribe, deer, bull, mythology, Totemism

O‘zbek xalqining kundalik hayotida jonivorlar juda katta ahamiyatga ega. Qadimgi turkiy xalqlarda ham jonivorlarni muqaddas bilishgan, ularga e‘tiqod qilishgan. Aynan shu sababdan bo‘lsa kerak, tilimizda hayvon nomlari bilan bog‘liq bo‘lgan iboralar, so‘zlar ko‘pchilikni tashkil qiladi. Hayvonlarga bo‘lgan e‘tiqod “totemizm” deyiladi. Totemizm (Shimoliy Amerika hindularining “ojibve” qabilasi tilidagi “totem” -“uning urug‘i” so‘zidan olingan) dinning insoniyat tarixida bundan 30-40 ming yil, balki bundan ham avvalroq yuzaga kelgan ilk shaklidir. Totemizmgga sig‘inuvchi xalqlar o‘zlarini biror-bir hayvon, o‘simlik yoki jonsiz narsadan paydo bo‘lgan deb tushinadilar. Turkiy xalqlar o‘zlarining ota-bobolari: ho‘kiz, ot, ilon, bo‘ri, it, bug‘u kabi hayvonlardan kelib chiqqan deb tushinishgan va ularga e‘tiqod qo‘yishgan. Geradotning “tarix” kitobida skiflarning birinchi ajdodlari dunyoga kelishi bilan bog‘langan afsonalar totemizmning yorqin namunasidir. O‘z ajdodlarini hayvonlardan kelib chiqqan deb hisoblash yoki pahlavonlarini bolaligida kuchli hayvonlar tarbiyasiga olib, onalik qilishini tasvirlash skiflar mifologiyasiga xos bo‘lgan xususiyatlardan hisoblanadi. Bunday mifologik-tushuncha qadimshunoslikda skif-hayvonot uslubi deb e‘tirof etilgan. Skiflar hayotiga tegishli qadimiy obidalarda ham hayvonlar tasviri kuzatilgan. Turkiy qabila va urug‘lar tarixiga nazar tashlanadigan bo‘lsa, tibetlar ota-bobolarimiz erkak maymundan va ayol o‘rmon ruhidan, mo‘g‘ullar kulrang bo‘ri

va xun amaldorlarining qizidan, ashin urug'i xun shahzodasi va bo'ridan kelib chiqqanmiz, deya ma'lumot berganlar. Enasoy afsonalarida esa yosh bolalarga bug'u onalik qilgan. [5]

Qadimgi xalqlarda hayvonlarning turiga qarab, xalqning ijtimoiy ahvoli belgilangan. Turkiy xalqlarning eng qadimgi yozma obidalarida sifatida qaraladigan O'rxun-Enasoy obidalarida hayvon nomlarining ishlatilishi shu jihatdan katta ahamiyatga ega. Mazkur bitiktoshlarda zoonimlar hajman ko'pchilikni tashkil etmasada, ular orqali anglashilayotgan ma'nolar o'sha davr xalqi hayoti, ijtimoiy ahvolini yoritishda muhim hisoblanadi. Ba'zi o'rinlarda bitiktoshlarda jonivorlar nomlari bugungi ma'nosiga aynan o'xshamaydi. Masalan, Kultegin va Bilgahoqon bitiktoshlarida "To'g'u baliq" degan iboralar ko'p qo'llangan. Ammo bu o'rinlarda baliq so'zi jonzot nomi sifatida emas, balki *shahar*, *qal'a* ma'nolarida ishlatilgan. To'nyuquq bitigtoshida ham bunday holatlar uchraydi, biroq To'nyuquq bitigtoshida hayvon nomlari nisbatan xalqning ijtimoiy ahvoli, aholining ma'rifiy holatini ifodalash uchun qo'llanilgan. Quyida shular haqida fikr yuritamiz.

Buqa. *Bilsar, samiz buqa, turuq buqa tayin bilmaz armis. Tayin anca saqintim.* (To'nyuquq 6) (Birov turuq buqa bilan semiz buqani tezigidan ilsa, birov bu semiz buqa bu turuq buqa deya bilmas emish) (Bitiktoshlarda matn transkripsiyalari tushinishga qulay bo'lishi uchun raqamlar bilan belgilangan). Parcha To'nyuquq tilidan aytilgan, unda har yerga tarqagan turk xalqidan 700 kishi birlashgani, ular orasida aqliy yuksaklari va ko'p narsani ajrata olmaydiganlari ham bor degan mazmun oydinlashadi. Yani parchada to'g'ridan to'g'ri semiz buqa yoki turuq buqani farqlash ma'nosidan tashqari o'xshatish ma'nosi ham qo'llanilgan.

Kiyik. *Kayak yayu, tabisqan yayu olurur artimiz, bodun bog'zi toq arti.* (To'nyuquq 8). (Kiyik yeb, tovushqan yeb kun kechirar edik, xalqning bo'g'zi to'q edi.) To'nyuquq sharofati bilan xalq yana to'planadi. Ko'plab yerlarga yurish qiladi, g'alaba qozonadi. Xalq yana to'kin hayot kechira boshlaydi. Bu o'rinda kiyik va tovushqon so'zlari xalqning ijtimoiy ahvolini ifodalash uchun ishlatilgan. Bizga ma'lumki, kiyik go'shti qimmatbaho hisolanadi. Demak, o'sha davrlarda ham kiyik go'shti noyob hisoblangan va uni yuqori tabaqa vakillari yoki siyosiy kuch-qudratga ega bo'lgan aholi iste'mol qilgan. Kiyik –"ohu" qadimgi turkiy tilda shunday ma'noni anglatgan ot asli *kadik* tarzida talaffuz qilingan, keyinchalik **a**: unlisi **e** unlisiga, **d** undoshi **z** undoshiga va bu undosh **y** undoshiga, oxiri **e** unlisi **i** unlisiga almashgan: *ka:dik>ka:zik>kezik>keyik>kiyik*[3]. Qadimgi turkiy tilda "ohu" ma'nosini anglatuvchi *keyik* so'zidan tashqari yovvoyi ma'nosini anglatuvchi *ka:yik* so'zi ham mavjud bo'lgan va bu so'z ham keyinchalik kiyik tarzida talaffuz qilinib ketgan. *Tovushqon* so'zi esa o'zbek tilining izohli lug'atida quyon deb izoh berilgan.

Ot. Turkiy xalqlar og'zaki ijodida ot totemiga ham alohida ahamiyat berilgan. Arxeologik qazishmalar davrida yarmi ot va yarmi odam shaklidagi tasviriy asarlarning topilishi ham otga e'tiqodning qadimiy ramzidir. "Go'ro'g'li" turkumidagi dostonlarga G'iro't, "Alpomish"da Boychibor, qirg'iz eposi "Manas"da Oqula, oltoy rukiylarining eposi "Maaday qora"da Karish Quloq kabiotlar obraziga katta e'tibor berilishi totemistik qarashlar natijasidir. Turkiy xalqlar qadimdan otlarga mehr qo'ygan. Otlarni aqli jonivor sifatida e'zozlashgan. Bu kabi qarashlarni zardushtiylik dinining muqaddas kitobi "Avesto"da ham uchratish mumkin. Unda qayd etilishicha, o'sha davrda ot bilan bog'liq bo'lgan rasm-rusmlar ko'pchilikni tashkil etgan. Bu jihat er-yigitlarning kuch-g'ayratini sinovdan o'tkazishida ham ahamiyatli bo'lgan. Masalan:

Lagamzadan- otga suulik solish, **zin zadan-**otni egarlash kabi dasturlar aynan ot bilan bog'liq bo'lgan. O'g'il bolalar 17 yoshida mana shu kabi hunarlarni qanchalik o'zlashtirishgani yuzasidan sinovdan o'tishgan. Bu esa er-yigitlarning hayotida muhim bosqich sanalgan. *O'tu'ndim, su: yoritdim, atlat, ta:dim. Aq ta'rma'l ka'ca ograqlatdim, at u'za bintura qarig' so:kdim, yoqaru at ya:ta yadag'in, ig'ac tutuni agturdim, ongcaki a:r.* (To'nyuquq 25) o'tindim, lashkarni yo'lga soldim, ot sol dedim.aq tarmalni kechib ildam yo'lladim, otga mindirib qorni kechdim. *Ol sub qodi bardimiz, sanag'ali tusurtimiz. Atig' iqa bayur a'rtimiz, ku:n ya:ma ya:lu bardimiz.* (To'nyuquq 27) O'sha suvning quyi tomoniga bordik, lashkarni sanagali tushirdik, otni butalarga boyladik.

Ot – "yirik ish -ulov hayvoni"

Qadimgi turkiy tilda ham shunday ma'noni anglatgan bu so'z at tarzida talaffuz qilingan. Mahmud Qashg'ariy bu so'zni "qattiq talaffuz qilinadigan alif bilan" deb alohida ta'kidlaydi.(Devon I. 70) o'zbek tilida **a** unlisi **a**: unlisiga almashgan: at>a:t

Ot ko'plab turkiy yodnomalarda qayd qilinganini uchramiz. Masalan, «Alpomish», «Manas», «Qo'rqut ota kitobi»da ot yaxshilik belgisi, qahramonning eng yaqin safdoshi va do'sti sifatida shakllangan. O'rxun yodnomasidagi Kulteginning Bo'z oti ham shunday belgilardan hisoblanadi. *Nan' yilsi:g' bodunqa olurmadi...* (Qultegin 26) Mol yilqili xalqqa (xoqon) bo'lmadi. Bu o'rinda ham yilqi so'zi orqali xalqning ahvoli, ijtimoiy holati aks etgan. Yilqilari ko'p xalq o'ziga to'q bo'lgan, parchada Bilga xoqonning mol-mulki bor xalqqa xoqon bo'lmagani, aksincha, hech vaqosi yo'q xalqqa xoqon bo'lgani, ularni oyoqqa qo'ygani aytiladi.

Ayg'ir. O'rxun Enasoy obidalarida ayg'ir zoonimini ham uchramiz. *“Binip oplayu ta:gdi, bir arig oqun urti, a:ki irig udushuru sanchdi, ol tagdukta Bayirquning aq adg'irig' udluqin siyu urti. Qirqiz qag'anin ulurtimez, alin altimiz, ol yilqa tu...”* .. minib otilib hujum qildi. Bir yerni o'q bilan urdi, ikki yerni uyushtirib ketma-ket qilib) sanchdi. O'sha hujumda Bayirquning oq ayg'irini kuragini sindirib urdi. Qirg'iz xoqonini o'ldirdik, davlatini oldik. O'sha yili tu..

Ayg'ir voyaga yetgan ot hisoblanadi. Bu haqida O'zbekiston milliy ensklopediyasi 2000-2005-yillardagi nashrda shunday deyilgan: **Ayg'ir** – voyaga yetgan ot. Ayg'ir biyadan ko'ra sekinroq o'sib, kechroq voyaga yetadi. Ayg'irning qarchig'ayi biyanikiga nisbatan 2–3 sm baland, vazni og'ir, oyoqlari uzun va

pishiq, kallasi katta, gavdasi ixchamroq. Nasldor Ayg'irlar yilqining sifatini yaxshilashda katta ahamiyatga ega. Demak, yurt hokimlari, davlat rahbarlari aynan zotdor ayg'irlarni minganligi bitiktoshlar matnidan anglashilmoqda. Bu leksema bugungi kundagi tilimizda ham faol qo'llaniladi.

Ayg'ir-yetik, erkak ot. “Xo'jaligimizda hozir zotli ayg'irlar boqilmoqda. Bu so'z qadimgi turkiy tildagi betoqat bo'l –ma'nosini anglatgan ay- fe'lidan -g'ir qo'shimchasi bilan yasalgan sifat bo'lib, asli, betoqat, gijing, o'ynoqi, qiziqqon, degan ma'nolarni anglatgan. Keyinchalik bu sifat otga ko'chib, shunday xususiyatli erkak otni bildira boshlagan. O'zbek tilida a unlisi a: unlisiga almashgan, **ы** unlisining qattqlik belgisi yo'qolgan: **ay-g'ir+ayg'ir>ayg'ir.** [25-bet]

Yilqi-otlar podasi. Bu ot qadimgi turkiy tildagi “bir joyga to'pla” ma'nosini anglatgan yil-fe'lidan qi qo'shimchasi bilan yasalgan. O'zbek tilida **ы** unlisining qattqlik belgisi yo'qolgan. Yilqi-yilqь. Bu ot asli, keng o'tloqda erkin harakatlanib yuruvchi hayvonlar ma'nosini anglatgan; ma'noda torayish voqe' bo'lib, “otlar podasi” ma'nosini anglatga boshlagan.

Bo'ri. Bitiktoshlarda bo'ri totemi ham ishlatilgan. Bo'ri qadimdan barcha turkiy xalqlarning totemidir. Ashin urug'i o'zlarini bo'ridan tarqalgan deb hisoblashlari to'g'risida afsonalar mavjud. «Alpomish»da Boybo'ri, «Qo'rqut ota kitobi»da Boybo'rak obrazlarining yaratilishi, «O'g'uznoma»da bo'ri turkiy qavmlarni boshlovchi asosiy qahramon darajasiga ko'tarilishi qadimiy e'tiqodlar ifodasidir. Enasoy yodnomalaridagi “Chuchuk Bo'ri”- Sangun ismi ham totemlik belgisi bo'lib, u qadimgi turkiy dostonlar bilan yodnomalar o'rtasidagi yaqinlikni ko'rsatadi. Bo'ri totemi turkiy xalqlar og'zaki ijodida urug' boshi, balo-ofatlardan saqlovchi madadkor kuch sifatida ulug'langan. Masalan, “O'g'uznoma”da bo'ri asar sujetini rivojlantiruvchi asosiy obraz. U qabilaga madadkor, g'amxo'r, ularni o'z panohida asrovchi kuch sifatida ko'ringan. Bunday tasvir o'zlarini bo'ridan kelib chiqqan deb hisoblovchi “ashin” urug'i bilan bog'lanadi. Hozirgacha xalqimiz o'rtasida aytilib kelingan “Cho'loq bo'ri”, “Bo'ri iz”, “Bo'ri” kabi afsonalar va ertaklarda ezgulik g'oyalari ifodalangan. Qadimgi turkiylarning mifologik qarashlari xususidagi manbalarda quyidagi afsonaga duch kelamiz:

Bo'ri ulug' Mari afsonasi. G'arbiy dengiz qirg'og'ida yashagan turkiylarning ota-bobolari qo'shni qabilalar tomonidan qirib tashlandi. Faqat o'n yoshli bola yashirilib tirik qoldi. O'sha yerlarda yashaydigan urg'ochi bo'ri unga g'amxo'rlik qildi. Ochlikdan qutqarish, dushmanlardan yashirinish maqsadida bo'ri o'sha bolani olib Turfon tog'lariga qochib ketadi. Tog'da bir g'or bor edi. U yerda urg'ochi bo'ri o'nta bola tug'adi. Har bir boladan bir urug' kelib chiqadi. O'g'illarning birining ismi Ashin edi. Uning nomi hamma qabila nomini anglatadigan bo'ldi. Ashin boshqa aka-ukalariga qaraganda qobiliyatliroq, ham aqlliroq edi. Shu sababli Ashin yangi qabilaning dohiysi bo'lib qoldi. Urug' soni asta-sekin bir necha yuz kishiga yetdi. Ashinning merosxo'rlaridan biri, qabila dohiysi Asya shad bo'ri avlodlarini Turfondan Oltoy yerlariga olib keldi. Bo'ri avlodlari bu yerda jujanlarning fuqarosiga aylanib, ularga temir qazib berar edilar. Oltoyda ular turk nomini oldilar.

Ko'rinib turganidek, qadimiy turk xalqlari totem hayvonlarni ulug'lashgan, ularga sig'inishgan. Yuqoridagi kabi afsonalarni yana ko'plab manbalarda uchratish mumkin. Ajdodlarimizning diniy ishonchlari, e'tiqod tushunchalari ularning hayot tarzi, saqlangan manbalar, hattoki, yozuvlarida aks etgan. Masalan, O'rxun-Enasoy obidalari yozuvi bo'lgan run alifbosining har bir harfi biror tushuncha ifodalab, tabiat hodisalari, diniy e'tiqodlari bilan bog'liq bo'lgan. Shu orqali ham ajdodlarimizning totemistik qarashlari xususida xulosa qilishimiz mumkin bo'ladi. Totemistik qarashlarning bugungi kungacha saqlanib qolganligi, turkiy qavmlarning ibtidoiy jamoa davridan buyon kelayotgan an'anaviy tushunchalari bilan bog'langan deb hisoblaymiz. Umuman olganda, qadimgi turkiy yodgorliklarning barchasida hayvon nomlariga duch kelamiz. Bu holat birinchidan, qadimgi xalqlarning totemistik qarashlari bilan bog'liq bo'lsa, ikkinchidan hayvonlar tabiatidagi qo'rqmaslik, dadillik xalqning ma'naviy hayotiga ta'sir qilgan, ularga o'xshashga harakat qilingan. Shu sababdan ham turkiy bitiklardagi hayvonlar nomlari bilan tanishish turkiy xalqlarning hali ochilmagan e'tiqodlari, rasm-rusmlarini anglab olishimizda katta ahamiyatga egadir.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. O'zbek tilining izohli lug'ati. 4-jild
2. O'zbek tilining etimologik lug'ati. Sh. Rahmatullayev Toshkent-2000
3. Q. Sodiqov. Eski turkiy bitiglar. Toshkent-2009. 17-30 betlar
4. N. Rahmonov, Q. Sodiqov. O'zbek tili tarixi, Toshkent-2009
5. Abdurahmonov A. Turkiy adabiyotning qadimgi davri. -Toshkent.: "Yangi asr avlodi", 2005

УДК 93/94

ГОРОД КОКАНД – ЦЕНТР ТОРГОВО-ЭКОНОМИЧЕСКОЙ ЖИЗНИ ТУРКЕСТАНСКОГО ГЕНЕРАЛ-ГУБЕРНАТОРСТВА (КОНЕЦ XIX - НАЧАЛО XX В.В.)

Ш.Т.Бахранов, преподаватель, Специализированный Учебный центр Национальной гвардии Республики Узбекистан, Ташкент

Аннотация. *Статья посвящена торгово-экономическим отношениям Туркестанского края с Россией в конце XIX - начале XX веков. Одной из целей, поставленных администрацией Туркестана, было развитие внешнеторговых и внутренних торговых связей страны.*

Ключевые слова: *Россия, Коканд, Туркестанского края, торговля, экономика, Средняя Азия, ханства, товарооборот, Туркестанского генерал-губернаторства, административный центр, Ферганская область, отношения, товар, шелк, хлопок, кожа, общий объем, промышленность, фирмы, товарищества, страховые, компании, банк.*

Аннотация. *Ушбу мақола XIX-аср охири - XX-аср бошларида Туркистон ўлкасининг Россия билан савдо-иқтисодий алоқаларига бағишланган.*

Бу ерда Туркистон маъмурияти ўз олдига қўйган мақсадлардан бири ўлка ташқи ва ички савдо муносабатларини ривожлантириш эди.

Калит сузлар: *Россия, Қўқон, Туркистон ўлкаси, савдо, иқтисодиёт, Ўрта Осиё, хонликлар, товар айланмаси, Туркистон генерал-губернаторлиги, маъмурий марказ, Фарғона вилояти, муносабатлар, товар, ипак, пахта, чарм, умумий ҳажми, саноат, фирмалар, суғурта, компаниялар, банк.*

Abstract. *The article is devoted to the trade and economic relations of the Turkestan Territory with Russia in the late XIX th - early XX th centuries. One of the goals set by the administration of Turkestan was the development of foreign trade and internal trade relations of the country.*

Keywords: *Russia, Kokand, Turkestan Territory, trade, economy, Central Asia, khanates, commodity circulation, Turkestan Governorate-General, administrative center, Fergana region, relations, goods, silk, cotton, leather, total volume, industry, firms, partnerships, insurance, companies, bank.*

1. Актуальность

Развитие торгово-экономических отношений в Средней Азии имеет давнюю историю. Ханства Средней Азии имели торгово-экономические отношения с такими государствами как Китай, Индия, Афганистан, Иран, Турция и другие. Товарооборот приносил выгоду обеим сторонам.

Конец XIX и начало XX в.в. для Туркестанского края характеризуется новым этапом в развитии торгово-экономических отношений с сопредельными странами, в особенности с Россией.

2. Методы исследования:

При освещении темы использован комплекс исторических методов, таких как объективность, историчность, историческая последовательность, основанный на систематическом анализе архивных материалов.

3. Результаты исследования:

В 1873-1876 г.г. Кокандское ханство было охвачено народным восстанием. Воспользовавшись этим обстоятельством, царское правительство ликвидировало Кокандское ханство. Территория ханства была присоединена к Туркестанскому генерал-губернаторству.

19 февраля 1876 г. была образована Ферганская область с уездами Андижанский, Наманганский, Маргеланский, Ошский, Кокандский и Чустский. Кокандский уезд располагался в северо-западной части Ферганской области. Территория Кокандского уезда составляла 13213 кв. верст, а население города согласно первой всеобщей российской переписи населения январь 1897 года составляло 82064 человека [1], а всего уезда – 302814 человек [2].

Вся Ферганская область и ее города до 1886 г. управлялись на основе проекта положения 1873 г., разработанного Кауфманом [3], но официально не утвержденного правительством России [4]. Управление города Коканда отличалось от других городов области. По штату, утвержденному приказом г. Коканд получил самостоятельное от уезда управление. В г. Коканде насчитывалось 6810 дворов, 33 990 жителей [5].

Со стороны царских властей управление городом было распределено таким образом: начальник города, старший помощник, младший помощник, два письмоводителя, журналист и переводчик [6].

К управлению городом были допущены и лица из числа местного населения. Так, царские власти "в виде опыта" разделили город на четыре участка, так называемые "Аминства", которыми заведовали амины, при которых для сбора общественных и городских податей находились 20 джигитов.

В городе была организована исполнительная полиция из представителей местного населения - "Шавгаров": один надзиратель полиции, семь старших и сорок два младших его помощника. Кроме них были назначены два арык аксакала, для распределения воды населению города, а для упорядочения торговли города был назначен караван-баши [7].

Самоуправление города просуществовало недолго. С 19 июня 1877 г. по приказу Военно-народного управления Туркестанского генерал-губернаторства административный центр Ферганской области переводится из Коканда в Маргелан. Причиной этому явилось то, что годовой доход города не покрывал расходов, идущих на содержание его управления. С этого времени управление Кокандом переходит в ведение уездного начальника, которое просуществовало до 1917 года.

К периоду присоединения Кокандского ханства к России город Коканд являлся одним из крупнейших ремесленных и торговых центров Средней Азии. В 1876 г. в городе был один кирпичный завод и мастерские, 276 шелковых, 428 бумажных станков, 23 кисейных (прядильных), 67 кожевенных мастерских, 1859 лавок и 5 мельниц [8].

Теперь рассмотрим, какие же социально-экономические изменения произошли в городе Коканде после присоединения ханства к России.

После завоевания царизмом Туркестанского края он вошел в сферу влияния хозяйства России, а в дальнейшем был втянут и в мировое товарное обращение. Русские военные, промышленники и торговцы, приехавшие из России в поисках легкого заработка, прис-

тупили к строительству в Коканде частных торгово-промышленных заведений. В Коканде начинают появляться фабрики и заводы, банки, крупные торговые товарищества и фирмы. Массовое переселение торговцев и промышленников из России и других областей в Коканд привело к строительству новых домов, улиц и административных зданий. В 1876 г. в городе насчитывалось 6814 домов, в 1907 г. - 15793, а в 1916 г. – 18400 [9]. Вместе с этим соответственно увеличивается и население города. Так, накануне Октябрьской революции число населения Коканда достигает около 150 тыс. человек [10].

Такие факторы не могли не отразиться на жизни коренного населения города. Местные трудящиеся, ранее занимающиеся земледелием и ремеслом, постепенно стали втягиваться в промышленность и транспорт.

Так, если в 1900 г. на фабриках, заводах и ремесленных предприятиях Коканда работало 7668 человек, то в 1913 г. только на промышленных предприятиях было занято 2495 человек, а в ремесленных - 6833. К началу Великой Октябрьской социалистической революции количество рабочих промышленных предприятий и железной дороги составило 5350 человек.

Увеличение числа фабрик и заводов, естественно, сказалось на деятельности кустарных заведений. Так, если в 1892 г. в городе насчитывалось 66 кожевенных предприятий, на которых работали 134 человека, а годовой доход составлял 22 400 руб., то в 1895 г. количество предприятий сократилось до 30, рабочих - до 54 человек, соответственно годовой доход - до 18 000 руб [11].

Сокращению подвергались и шелкомотальные предприятия. Так, если в 1892 г. их было 212 с 620 рабочими и продукцией на 170 000 руб., то к 1895 г. количество шелкомотальных предприятий сократилось до 184, рабочих - до 436 человек, годовой доход - до 32 500 руб [12].

Продукция, изготовленная ремесленным способом, не смогла конкурировать с фабрично-заводскими изделиями: и, поступающими в огромном количестве из России. Российские фабрично-заводские товары не только отличались качеством от местной продукции, но также продавались на местном рынке по более дешевой цене.

По данным Статистического обзора Ферганской области в 1905 году в Коканде с уездом было 8042 кустарных заведения [13], а в 1908 г. их число сократилось до 4151.

По данным 1908 г., ремесленные заведения в Коканде сократились более, чем в городах Андижане, Старом Маргелане, Намангане (таб.1) [14].

Это объяснилось увеличением в Коканде фабрик и заводов.

Следует отметить, что изделия ремесленников в этот период отличались добротностью и качеством. Конкурируя с фабрично-заводскими товарами, ремесленники старались лучше изготовить свои изделия.

Русские предприниматели, военные, торговцы, приехавшие в Ферганскую область за большими прибылями, стали строить в Коканде и других городах области частные предприятия - хлопкоочистительные, винокурные, гренажные, маслобойные, мыловаренные и другие заводы. Особенно резко увеличивается число заводов и фабрик после завершения строительства в 1898 г. железной дороги Самарканд-Андижан и вступления в действие ветки Коканд-Наманган.

Первое место по количеству занимали хлопкоочистительные заводы. Их насчитывалось к 1914 г. в Коканде и уезде 37, с общей годовой продукцией на 20 185 057 руб., т.е. 78,6 % от суммы стоимости продукции, производимой всеми предприятиями города и уезда.

К началу XX в. Общее количество крупных предприятий в Коканде с уездом достигает 59.

С увеличением числа заводов и фабрик, частных фирм и банков увеличивается и число торговцев в городе. Так, если в 1863 г. было выдано 2207 торговых свидетельства для внутреннего и внешнего торга, то в 1913 г.- 10 282 [15].

Ни один из других городов Ферганской области не смог соперничать с Кокандом в вопросе торговли. Так, в начале XX в. в Ферганской области на долю г. Коканда

приходилось 41,3 % всех торговых оборотов области, тогда как на долю г.Скобелева и Старого Маргелана - 10,8 %, г. Андижана - 11,2 % и Намангана - 10,2%.

В начале XX в., кроме хлопкоочистительных заводов, в Коканде находилось еще и такие предприятия [16] (таб. 2).

Обращаясь к данным о числе и размерах оборотов торговых предприятий по области можно привести следующую таблицу, показывающую распределение их по уездам и главным городам [16].

Согласно источникам (таб. 3), среди городов Ферганской области по числу торговых предприятий, по их обороту и прибыли первое место занимает Коканд, обороты которого составили 22532,3 руб., тогда как обороты торговых предприятий г. Андижана, занимающего второе место вслед за Кокандом, равнялись 6121,4 руб., а г.г. Скобелева и Ст. Маргелана, вместе взятых, - 5888,1 руб.

Начиная с последней четверти XIX в. торгово-экономические отношения города Коканда с Россией усиливаются. Так, в первый, год после образования Ферганской области из Коканда в Россию был отправлен товар на 9043 верблюдах, весом 14 5288 пудов, в основном шелк, хлопок, кожа и другие товары. Увеличение торговли с Россией стало влиять на общий объем торгового оборота города в целом. За короткий срок торговый оборот города Коканда достигает 10 млн. руб. в год. До объема торговли в этот период Коканд занимает второе место среди городов Туркестанского генерал-губернаторства, уступая лишь Ташкенту. Так, в 1879 г. торговые обороты Коканда достигали 9 783 227 руб., тогда как Маргелана – 1 407 851 руб., Намангана – 1 325 722 руб., и Андижана - 639592 руб. [17]. С развитием торговли и промышленности в городе начинают появляться разные русские фирмы и товарищества, страховые и транспортные компании. Начинают открывать свои отделения в Коканде крупные российские банки. В течение 1890-1914 гг. в Коканде были открыты отделения 8 банков:

"Русско-азиатский объединенный банк", "Псковский учетный банк", "Международный Московский банк", "Азовско-Донской банк", "Банк русской внешней торговли", "Волжско-Камский коммерческий банк", "Отделение Государственного банка", "Сибирский торговый банк". Общий торговый оборот перечисленных выше банков в 1912 г. достиг 428 млн. руб [18].

4.Заключение:

Таким образом, завоевание Кокандского ханства Россией имело ряд экономических последствий. Во-первых, зарождается фабрично-заводская промышленность. Русские промышленники и торговцы стали открывать в Коканде и других городах Ферганской области промышленные предприятия по первичной переработке сырьевых ресурсов, хлопкоочистительные, маслобойные, мыловаренные и другие заводы. Во-вторых, более бурное развитие получает торговая жизнь области. Рост промышленных предприятий потребовал не только увеличения числа базаров и караван-сараяв, но и более интенсивного характера торговли. В-третьих, в Коканде стали открываться отделения крупных государственных и частных банков, торговых фирм и товариществ, как одно из следствий появления и роста промышленности и торговли города. Все это способствовало развитию производительных сил города. Однако, общее благосостояние народа оставалось плохим. Рынок края, являясь поставщиком для текстильной промышленности России, отвечал интересам только метрополии.

Таблица 1.

Наименование городов и уездов.	Число заведений	Годовая производительность (руб.)	Число рабочих (чел)
г. Андижан	691	390530	1752
Андижанский уезд	2641	682894	3751
Всего в уезде	3332	1073424	5503
г. Коканд	466	280700	995
Кокандский уезд	3685	656100	4945
Всего в уезде	4151	936800	5940
г. Скобелев	130	186790	325

Ст. Маргелан	1760	2210150	4213
Маргеланский уезд	2587	987221	3978
Всего в уезде	4477	3384161	8516
г. Наманган	1982	424637	4258
г. Чуст	183	13500	341
Наманганский уезд	2903	332728	3473
Всего в уезде	5068	770865	8072
г. Ош	446	41360	616
Ошский уезд	701	178175	813
Всего в уезде	1147	219535	1429
Всего в городах	5658	3547667	12500
Всего в уездах	12517	2837118	16960
По области	18175	6384785	29460

Таблица 2.

Наименование	Городские	Уездные	Число рабочих	Выработанная продукция в руб.
Мыловаренные	2	1	83	333400
Коконосушильные	7	4	785	1238988
Гренизаводы	2	-	41	99100
Кожевенные	1	-	36	19000
Консервные	1	-	35	39000
Минеральных вод	2	-	15	24343
Машинизированные мастерские	2	-	37	96500
Табачные и папиросные фабрики	1	-	31	135100
Типография	4	-	82	96835

Таблица 3

Название местности	Предприятий 1 разряда			Предприятий 2 разряда			Предприятий 3 разряда			Предприятий 4 разряда			Число предприятий 5 разряда		Всех предприятий, кроме предп.развоп. и разносн. торга		
	Число	Обор.	Приб.	Число	Обор.	Приб.	Число	Обор.	Приб.	Число	Обор.	Приб.			Число	Обор.	Приб.
г. Коканд	41	12000	600	220	6.500	650	848	2.544	381,6	2592	1.488,3	297,66	-	-	3.701	22.532,3	1.929,26
Коканд уезд	-	-	-	23	690	69	550	1.100	165	2.917	1.538,4	307,68	-	-	3.490	3.328,4	541,68
г. Скобелев и ст. Маргелан	2	300	15	146	2.920	292	650	1.625	242,5	1.821	1.043,1	208,62	-	8	2.619	5.888,1	758,12
Маргеланский уезд	-	-	-	30	600	60	650	1.300	200	3.777	1.865,7	373,14	-	-	4.457	3.765,7	633,14
г. Наманган	1	300	15	86	2.580	258	670	2.000	600	1.440	814,5	162,9	5	6	2.197	5.694,5	735,9
Наманганский уезд	-	-	-	15	300	30	530	800	120	2.297	1.206	241,2	-	-	2.842	2.306	391,2
г. Андижан	2	200	10	115	3.450	345	575	1.725	250	1.291	746,4	149,28	-	-	1.983	6.121,4	754,28
Андижанский уезд	-	-	-	2	40	4	500	1.500	225	2.095	1.096,5	219,3	-	-	2.597	2.636,5	448,3
Ошский уезд	-	-	-	36	900	90	370	814	122,1	888	486,3	97,26	-	1	1.294	2.200,3	309,36
Итого:	46	12800	640	673	17980	1798	5343	13408	2006,2	19.118	10.285,2	2057,04	5	14	25.180	54.473,2	6.501,24

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Ўз МДА. И-19, оп.1, д. 4612, л.39.
2. Материалы к характеристике народного хозяйства в Туркестане. Отд.1. - СПб.: 1911. - С.48.;
3. Ўз МДА. И-1, оп.20, д. 10673, л.1.
4. Мухамедов Ш.Б. Россия и Средняя Азия страницы истории, личности, мнения. Ташкент, 2020. с. 22.
5. Ўз МДА. И-1, оп.20, д. 10673, л.2.
6. Ўз МДА. И-19, оп.1, д. 10472, л.1 (об).
7. Ўз МДА. И-19, оп.1, д. 10472, л.1 (об).
8. Ўз МДА. И-276, оп.1, д. 123, л.26.
9. Конопка С.Р. Туркестанский край. Ташкент, 1912 г. с.145.
10. Конопка С.Р. Туркестанский край. Ташкент, 1912 г. с.148.
11. История Коканда. - с.12.
12. Там же. с-13
13. Статистический обзор Ферганской области за 1905 г. - Скобелев, 1908. - С. 65.
14. Материалы к характеристике народного хозяйства в Туркестане. - С.383; таб.1
15. История Коканда с. 37
16. Там же с. 55
17. Материалы к характеристике народного хозяйства в Туркестане. С -380.
18. Конопка С.Р. Туркестанский край. Ташкент, 1912 г. с.148.

ДИНИЙ ТОЛЕРАНТЛИК ТУРИЗМИ ВА ЖАХОН ТАЖРИБАСИ

А.А. Мирзаев, катта ўқитувчи, Фарғона политехника институти, Фарғона

Аннотация. Мақолада диний туризм, диний туризмни тарихи европа мисолида, диний туризм шакллари, дини толерантлик туризми ва диний ва диний толерантлик туризмнинг ўртасида фарқлар ҳақида фикрлар билдирилган.

Калим сўзлар: Диний туризм, диний толерантлик, диний толерантлик туризми, муқаддас қадамжолар.

Аннотация. В статье были высказаны мнения о религиозном туризме, об истории религиозного туризма на примере Европы, о форме религиозного туризма, религиозно-толерантного туризма и о различиях между религиозным и религиозно-толерантным туризмом.

Ключевые слова: Религиозный туризм, религиозная толерантность, религиозно-толерантный туризм, священные места

Abstract. The article discusses the religious tourism, the history of religious tourism in the European example, forms of religious tourism, religious tolerance tourism and differences between religious and religious tolerance tourism.

Keywords: Religious tourism, religious tolerance, religious tolerance tourism, sacred places.

Диний толерантлик туризмни мохиятини очиш учун диний туризм ва унинг тарихи ҳақида маълум тушунчага эга бўлиш зарур. Қадимги юнон сайёхлари турли давлатларга саёхат қилишлари натижасида бошқа халқларнинг диний қарашлари ва муқаддас қадамжолари ҳақида қизиқарли маълумотлар келтириб ўтишган. Қадимги юнонлар ва римликлар учун энг муқаддас шаҳарлар Эллада ва Делфи шаҳарлари ҳисобланган.[1] Грециянинг энг машҳур диний маркази Делфи шаҳри эди. Бу ерга юнонлар ва римликлар диний зиёратни амалга ошириш мақсадида ташриф буюришган. Ўрта асрлардан бошлаб Европада муқаддас хаж маросимларни амалга ошириш мақсадида муқаддас шаҳарни “озод қилиш” баҳонаси билан салиб юришлари натижасида, илк диний туризм жамоавийлик тусини олди. Салибчиларнинг асосий мақсади гўёки муқаддас Исо қабри жойлашган шаҳар Қуддусни озод қилиш ғояси остида бутун христиан оламини бирлаштиришга интилишган.[2] Қуддус нафақат христиан динининг муқаддас шаҳри, шу билан бир қаторда мусулмонлар ва яҳудийлар учун ҳам бирдек муқаддас бўлган бағрикенглик тамойиллари устувор бўлган шаҳар ҳисобланади.

XIV-XV асрларда Англия аҳолиси асосан зиёрат мақсадида Рим, Қуддусга сафар қилганлар. 1388 йилдан бошлаб, қирол Ричард II буйруғига биноан инглиз зиёратчилари учун бугунги паспорт тизимига ўхшаш махсус рухсатнома бериш тартибини жорий этилган. Бу ўз навбатида зиёратчиларни турли давлатларда ортиқча муаммоларсиз хаж маросимларини эмин эркин амалга ошириш имконини берган.[3]

XIX асрдан бошлаб муқаддас зиёратгоҳларга уюшган ҳолда саёхатга чиқиш алоҳида аҳамият касб эта бошлади. 1861 йилдан Францияда ҳар йили черков тавба қилиш мақсадида хаж сафарларига чиқишни анъанага айлантирди. Сафарга чиқувчи ҳар бир жамоа таркибига 300-400 кишидан иборат зиёратчилар уюшган. 1870 йилдан французлар Вена ва Мюнхен шаҳарларидаги муқаддас қадамжоларга ҳам сафарлар уюштира бошлади.[4]

Диний туризмдан кўзланган мақсад Худога шукроналик, муҳим қарорлар қабул қилиш олдидан мадад сўраш, шифо тилаш мақсадида амалга оширилади. Кўпинча зиёратчи сайёхлар диний бурч билан бир қаторда диний эътиқодларини мустаҳкамлаш, янги зиёратгоҳлар билан танишиш мақсадида ҳам зиёратларини амалга оширишади.

Диний мақсадларда саёхатга чиқиш узоқ тарихий илдизларга эга туризмнинг энг қадимги шаклларида биридир. Биринчи сайёхлар шубҳасиз, ўрта аср зиёратчилар эди. Якка тартибда ёки жамоа бўлиб, бутун дунёдан Муқаддас юртларга жумладан Ватикан, Макка, Қуддус ва бошқа шаҳарларга саёхатга чиқишган. Зиёратчилар ўз гуноҳларини ювиш учун

муқаддас шаҳарлар зиёрат қилишган. Зиёрат мақсадида саёхатга чиқишни ҳар бир динда махсус қоидалари мавжуд.[5].

Диний туризм сайёҳларнинг муқаддас жойлар ёки диний марказларга зиёрат қилиш учун одатий муҳитдан ташқарида амалга ошириладиган саёхат назарда тутилади. Одатий муҳитдан ташқарида жойлашган муқаддас жойлар ва диний марказларда сайёҳлар ўзларининг маънавий эҳтиёжларини қондиришади.

Диний туризмнинг уч шакли мавжуд:

- а) ҳаж мақсадида амалга ошириладиган саёхатлар;
- б) диний билимларини ошириш мақсадида амалга ошириладиган саёхатлар;
- с) турли диний зиёратгоҳлар, авлиёлар макбараларига уюштириладиган саёхат.

Диний сафарларга кўпроқ яқка тартибда, 1-5 киши иштирокидаги гуруҳ бўлиб, 6 ёки ундан кўп гуруҳ бўлиб саёхатга чиқишади. Диний ва диний толерантлик туризми мавсум танламайдиган сайёҳнинг хоҳишига қараб ҳатто бир неча ойга чўзилиши мумкин бўлган кенг қамровли туризм тури ҳисобланади. Диний ва диний толерантлик туризми сайёҳлар хоҳиш истақларига қараб бир зиёратгоҳ учун саёхат давомийлиги камида 3 соат, 3-5 соат, 6-8 соат, 9-11 соат, 12 соатдан кўпроқ вақт ажратилади. Сайёҳларнинг ташрифи кунлари давомийлигига қараб бир неча экскурсия дастурлари ишлаб чиқилган. Жумладан 1-3, 4-7, 8-28, 29-91, 92-365 кеча давом этадиган экскурсия дастурлари ҳозирги кунда кўплаб туристик фирмалар томонидан ишлаб чиқилган.[6]

Ҳаж мақсадида амалга оширилган саёхатдан, диний ва диний толерантлик туризмнинг ўртасида куйидаги фарқлар мавжуд:

- Сервис хизматлари даражасидаги талаблардаги фарқда;
- Экскурсия йўналишларида;
- Сафарларнинг чекланган саналарида;
- Ёш ва мижозларнинг ижтимоий категориясида.

Диний ва диний толерантлик туризми давомида сайёҳ ўзи учун зарур бўлган кўплаб маълумотларга эга бўлади. Жумладан, тарихий, маданий маълумотларга эга бўлади. Қизиқарли монументал ёдгорликлар ва зиёратгоҳлардан эстетик завқ олади. Ноёб санъат ва архетиктура ёдгорликлари билан танишиш имконияти пайдо бўлади. Ҳаж сафарларида инсонларнинг асосий мақсади белгиланган йўналиш бўйлаб махсус қоидалар асосидагина зиёратни амалга оширишади. Диний ва диний толерантлик туризмнинг ҳаж маросимларидан яна бир фарқи шундан иборатки, диний толерантлик туризми давомида сайёҳлар ортиқча диний зиёратгоҳлар ҳақидаги гид таржимон берган маълумотлардан ташқари диний ахборотга эҳтиёж сезмайди. Яна шуни таъкидлаш зарурки, ҳаж асосан маълум ёш доирасидаги ва маълум қатлам вакилларигина амалга оширишса, диний ва диний толерантлик туризми давомида ҳатто болалар ҳам иштирок этиши мумкин.[7].

Диний ва диний толерантлик туризмни ривожлантиришни куйидаги учта сегментларини ажратиш мумкин:

- ихтисослашган турар жой масканлари (меҳмонхоналар, лагер, ётоқхона, ибодатхона хужайралари) мажмуи;
- умумий овқатланиш - махсус овқатланиш йиғиндиси;
- транспорт компаниялари;

Диний ва диний толерантлик туризмни ривожлантиришда аввало туристларда олдиндан дин ва диний зиёратгоҳлар ҳақида маълум ахборотларга эга бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Бундан ташқари мамлакатга келганда туристлар мамлакат қонунлари ва ахлоқий қарашлари билан ҳам таниш бўлишлари шарт. Бугунги кунда, кўплаб давлатларда диний туризм билан шуғулланувчи махсус туроператорлар ҳам шаклланган бўлиб, бу туризмнинг бугунги кунда энг сердаромад соҳаси бўлганлиги билан изоҳланади.

Бугунги кунда христиан динида муқаддас зиёратгоҳ сифатида унутилиб бораётган манзиллар умумий христиан зиёратгоҳларининг 57 % ташкил этади. Асосий унутилиб бораётган муқаддас зиёратгоҳлар собиқ Византия империяси ҳудудларида ташкил топган ҳозирги Болқон ярим оролида жойлашган давлатлар, Кичик Осиё давлатлари ва Шимолий

Ғарбий Европа давлатлари худудига тўғри келмоқда.[8] Бундан ташқари собиқ социалистик давлатлар худудида динга бўлган салбий муносабат натижасида диний зиёратгоҳлар сони ҳам кескин қисқариб кетган. Хозирги кунда маънавий эҳтиёжларнинг ортиши натижасида зиёратгоҳларга бўлган муносабатни кескин ўзгартирди. Зиёраатчи сайёҳларнинг диний обидаларга бўлган қизиқиши ҳам ортиб бормоқда.

Диний толерантлик туризми ҳам бошқа туризм турлари сингари ўз мотивларига эга. Диний толерантлик туризмнинг энг асосий мотиви турли диний қарашлар унинг ўзига хос жозибаси, инсонларнинг ишонч ва эътиқоди ҳисобланади.

Диний толерантлик туризми ривожланиши сайёҳларда бошқа халқларнинг ахлоқ нормалари билан ҳам бевосита танишиш ва уни хурматлаш кўникмалари ривожланишида катта аҳамиятга эга. Бу маънавий юксак ахлоқий қарашлар ва қадриятлар тизимида дин, илм-фан ва санъатни яхши томонларини уйғунлаштириш жараёнида муҳим аҳамиятга эга.[9].

Диний толерантлик туризмни ривожлантиришда зиёратчилар учун янги муқаддас жойларни қайтадан кашф этиш ёки уни туризм бозорига олиб кириш бугунги куннинг долзарб масаларидан бири ҳисобланади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси худудида Самарқанд, Термиз, Хева, Қува, Тошкент каби узоқ диний бағрикенглик тарихига кўхна ва ҳамиша навқирон шаҳарларда мавжуд буддавийлик, зардуштийлик, христиан, ислом дини билан боғлиқ кўплаб ёдгорликларни зиёратчилар учун қайта кашф этиш ва бу худудда туристик инфратузилмани шакллантириш зарур. Бу борада халқаро тажрибалардан фойдаланиш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. The Christensen fund. Информационный бюллетень. Вып. 5. Май-июнь 2012. - 6 с.
2. Virgil Nicula, Simona Spânu, Roxana Elena Neagu, Regional Tourism De-velopment in Romania – Consistency with Policies and Strategies Developed at EU Level, Procedia Economics and Finance, Volume 6, 2013, Pages 530-541.
3. World Development Indicators (WDI), June 2016. Электронный источник <http://knoema.ru/WBWDIGDF2016May/world-development-indicators-wdi-june-2016>
4. Blake, A., and Gillhalm, J. (2001). A Multi-Regional CGE Model of Tourism in Spain. Paper prepared for the European Trade Study Group annual conference, Brussels, September 2001.
5. Laffargue J. P. (2009). The economic and social effects of tourism activities and tourism policies. A survey of computable general equilibrium (CGE) models approach, CEPREMAP, Version September 2009, Docweb no 0905
6. Stynes, D. J. (1997). Economic Impacts of Tourism, A Handbook for Tourism Professionals, Illinois Bureau of Tourism, Illinois Department of Commerce and Community Affairs, Prepared by the Tourism Research Laboratory at the University of Illinois at Urbana-Champaign, Fall, 1997: [Электронный ресурс] Available
7. Project “Community based tourism in the Zerafshan valley”. Электронный источник: http://www.ztda-tourism.tj/public/userfiles/TJK%201051_summary_report%20%2708_to%20WHH_ASDP%20NAU.pdf
8. Holden A. The Environment and Tourism / A. Holden. London : Routledge, 2000. - 225 p.
9. Jorge M. Andraz, Nélia M. Norte, Hugo S. Gonçalves, Effects of tourism on re-gional asymmetries: Empirical evidence for Portugal, Tourism Management, Volume 50, October 2015, Pages 257-267

УЎК 93/94

1917-1920 ЙИЛЛАР ТАРИХИЙ ВОҚЕАЛАРИ ЗАМОНДОШЛАРИНИНГ БАҲОЛАШИДА

З.Б. Каллибекова, т.и.н., ТашМАУ Нукус филиали, Нукус

Т.О. Пирниязова, ўқитувчи, Қорақалпоғистон Тиббиёт институти, Нукус

Аннотация. Мақолада 1917-1920 йиллардаги Қорақалпоғистон тарихини тасвирлашда мемуарларнинг ролини бўрттиришига йўл қўйиб бўлмаслиги кўрсатилган. Дунё тарихи "шахсият тарихи, тарихдаги шахс" ибораси асосида таҳлил қилинади. Муаллиф мақола мазмунини очиб беришда жамиятдаги рўй бераётган туб ўзгаришларни муносиб баҳолаш учун биз кечаги ўтмишимизга назар ташлашимиз ва унга муносабатимизни белгилашимиз керак деб таъкидлайди. Ҳамда тарихнинг ижтимоий роли, унинг тарбиявий функциялари ватанпарвар инсон, ўз ватанининг фуқаросини шаклланиши билан чамбарчас боғлиқлигини очиб беради.

Калит сўзлар: «Советлар» даври. Мемуар адабиёти. Амударё бўлимидаги 1917

йилнинг охиридаги тарихий воқеалар. Муваққат ҳукуматнинг Петро-Александровск Туркистон ўлкаси. «Шулен Қозон Йили» Аскар бай оқ қопларда ун олиб келди.

Аннотация. В статье показана роль мемуаров в описании истории Каракалпакстана 1917-1920 годов. Всемирная история анализируется на основе словосочетания «история личности, личность в истории». Раскрывая содержание статьи, автор утверждает, что для правильной оценки радикальных изменений, происходящих в обществе, необходимо взглянуть на свое прошлое и определить свое отношение к нему. А социальная роль истории, ее воспитательные функции показывают, что патриотическая личность тесно связана с формированием гражданина своей Родины.

Ключевые слова: Время «Советов», мемуарная литература, исторические события конца 1917 года в Амударьинском отделе, Петро-Александровск область Временного правительства в Туркестане, в «Год Шулен-Казани» Аскар бай привёз муку в белых мешках.

Abstract. In this article author shows the role of memoirs in describing the history of Karakalpakstan in 1917-1920. World history is analyzed on the basis of the phrase "history of a personality, personality in history". Expanding the content of the article, the author claims that in order to correctly assess the radical changes taking place in society, it is necessary to look at your past and determine your attitude towards it. And the social role of history, its educational functions show that the patriotic personality is closely connected with the formation of a citizen of his homeland.

Key words: Time of "Soviets", memoirs, historical events of the end of 1917 in the Amudarya department, Petro-Aleksandrovsk region of the Provisional Government in Turkestan, in the "Year of Shulen-Kazan" Askar Bai brought flour in white sacks.

Кириш: «Тарихга мурожа атэтсак, - деб таъкидлайди Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримов, - бу халқнинг хотираси эканлигидан келиб чиқиш керак. Хотирасиз тўлақонли инсон бўла олмагани каби, ўз тарихидан маҳрум бўлган халқ учун келажак ҳам бўлмайди» [1]. Хотира ижтимоий онгнинг шакли, ижтимоий мафкура ва психологиянинг кўзгусидир. Тарих ўзининг асосий функциясини - жамиятнинг ижтимоий хотираси ролини юксак даражада бажариши лозим. Унда жамият ўзи учун зарур бўлган ижтимоий мўлжалларни, маънавий кадриятларни, урф-одатларни, хулқ-атвор нормаларини ва бошқаларни қидиради.

«Советлар» даврида республикамизнинг етмиш уч йиллик тарихи бундан мустасно эмас. Ушбу тарихнинг ўзига хос хусусияти шундаки, у замонамизнинг иссиқ нафаси билан куйдирилган, турли хил фикрлар тўқнашувининг чорраҳасига қуйилган. Ҳамюртларимиз ё Гамлетнинг хафсаласи пир бўлган дунё ва вақтнинг узлуксиз боғлиқлиги ҳақидаги фикрларига қўшилишди, кейин у бутун умри давомида насрни гапирганлигини билган Мольер қахрамонига ўхшаб, 70 йилдан ошиқ вақт давомида улар «нотўғри йўлдан кетганликларини» билиб қолишди.

Уйғониш даврида аллақачон янги мавзулар хотираларни камраб олади, атрофдаги оламга, инсонга қизиқиш ортиб боради. З.М.Васифийнинг хотиралари, темурийлар саройи амалдори Бадай ал-Вакайнинг, буюк Бобурийлар салтанати ҳукмдори Бобурнинг «Бобурнома» асарлари XV-XVI асрлардаги Шарқ мемуарларига мисол бўлади. XVII-XVIII асрлар мемуаристиканинг гуллаб-яшнаган давридир.

XIX-XX аср бошларида жадал ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, таълимнинг ўсиши муносабати билан хотиралардаги шахсий мулоҳазалар тобора кўпроқ фонга айланиб қолди ёки ижтимоий жиҳатлар билан боғлиқ бўлиб борди. Хотиралар тобора сиёсий характерга эга бўлиб боради. Шарқда М.К.Гандининг «Менинг ҳаётим» ва Ж.Нерунинг «Автобиография» хотиралари пайдо бўлади. Хотираларни давлат арбоблари ҳам ёзган: У.Черчилль «Жаҳон инкирози», Р.Пуанкаре «Франция хизматида», Г. Гувер «Хотиралар».

Ўрта Осиё сиёсий раҳбарларидан, Динмухамед Қўнаев ва Нуриддин Мухитдинов, мемуар сатрлар ёзиб, келажак авлодлар учун катта мерос қолдирди.

Асосий қисм: Мемуар адабиёти – бу маданий-тарихий нуқтаи назардан

Қорақалпоғистон тарихшунослигида жуда янги ҳодиса. Мамлакат раҳбарлари, ёзувчилар, ҳарбий қўмондонларнинг ҳаёт йўллари, тарихий воқеалардаги иштироки тўғрисида хотиралар ёзиши одатий ҳолга айланди.

Шундай қилиб, «Совет даври» давридаги Қорақалпоғистон тарихи тўғрисидаги мемуарларни ўрганиш бир қатор сабабларга кўра юзага келди - бизнинг яқин ўтмишдаги кўплаб муаммоларнинг, хатоларнинг ва қийинчиликларнинг илдизларини тарихнавислик, манбашунослик, мафкуравий кидиришдир.

Мавзунинг долзарблиги, авваламбор, ватан тарихшунослигида кўплаб мемуарлардан кўпинча профессионал таҳлилларсиз, тарихимизнинг энг муҳим саҳифаларини тасвирлаш учун фойдаланилганлиги билан боғлиқ. Дарвоқе, «Тарихимизнинг у ёки бу даври бўйича хотиралар қандай мақсадда пайдо бўлди, муаллиф расмий тарихдаги бўшлиқни қандай тўлдирмоқчи?» деган савол қўйиш зарур.

Шу сабабли, биз улкамизда «Октябрь инқилоби»нинг ўрнатилиши тўғрисида ушбу даврнинг шоҳидлари ва гувоҳларининг ахборий материалларига асосланган, тарихчининг ижодий лабораториясида ишлов берилмаган ва таҳлил қилинмаган версиясига эга бўлдик.

Амударё бўлимидаги 1917 йилнинг охиридаги тарихий воқеаларнинг у ёки бу даражадаги реалистик тасвири Қорақалпоғистоннинг замонавий тарихшунослиги да яратилди [2]. Б.А.Кощановнинг фикрича, большевиклар ва чап эсеркоалиция ситомонидан тузилган Туркистон ўлкаси халқкомиссарлари кенгаши (1917 йил 15-22 ноябрь) аслида «Марказий Совет ҳокимиятининг агентлари» сифатида фаолият юритиб, минтақада ёттузилма бўлиб қолди [3]. Шунинг учун Советларнинг учинчи съездининг «Жойларда совет ҳокимиятини ташкил қилиш тўғрисида»ги резолюциясини Амударё бўлими маъмурияти фақат 1917 йил 10 декабрьда олди.

А.У.Кожажелдиевнинг таъкидлашича, «Петро-Александровск шаҳридаги ҳокимиятни солдат ва ишчилар депутатлари Кенгаши фақат 1918 йил кузида тўлиқ ўз қўлларига олди». Унгача шаҳарда солдат депутатлари Кенгаши ва Петро-Александровск шаҳар думаси тинчгина қатор мавжуд бўлган ва ўз мажбуриятларини бажарган. Шаҳарда иккала ҳокимият ўша пайтда кескинлашган озик-овқат кризисини енгиш, ишсизликни бартараф қилиш, Жунаид-хоннинг кўп сонли, яхши қуролланган отрядларидан шаҳарни ҳимоя қилиш учун кўп ҳаракатлар қилди» [4].

«Қорақалпоғистон миллий зиёлилари, мусулмон руҳонийлари ва савдогарлар Россия маркази ва Туркистонда содир бўлаётган воқеалар ҳақида хабардор эдилар», - деб кўрсатади М.С.Сейтназаров, - ва Шарқ кишиларига хос бўлган хотиржамлик билан жўшқин сиёсий эҳтирослар кечишиникузатдилар» [5].

Н.Востриков, А.Пискунов, Ж.Аташев, Н.Мауленовнинг эсдаликларини, К.Адинаев, А.Христофоров, А.Досназаров, М.Балжанов, Н.Шайдаковнинг баёнот ёзувларини таҳлил қилиш асосида муаллиф шундай хулосага келади: «1917 йил охири - 1918 йилнинг биринчи ярмида Амударё бўлимининг сиёсий ҳолати тўрт ҳокимиятга эгалик билан тавсифланади: Амударё бўлими комиссариати, Жамият хавфсизлиги қўмитаси, Солдат-деҳқонлар депутатлари кенгаши ва шаҳар думаси» [6].

«Ўзбекистоннинг янги тарихи»да Б.А.Кощанов замонавий тарихшуносликнинг «Амударё бўлимида совет ҳокимиятининг ўрнатилиши» хусусидаги охириги ютуқларини кўйидагича умумлаштирди: «Россиядаги Октябрь тўнтариши Қорақалпоғистонда эксцессларсиз қабул қилинди, чунки ҳокимият бошида собиқ колонизаторлар ва чоризм амалдорлари ўтирган эди. Петро-Александровскшаҳар думаси большевиклар ҳаракатини қўллаб-қувватламади. Шунга қарамасдан, Муваққат ҳукуматнинг ушбу органи 1918 йилнинг охиригача мавжуд бўлди. 1917 йилнинг 31 октябридан 1918 йилнинг октябригача Амударё бўлими комиссари вазифасини гидротехник В.Н.Памшев бажариб келди. Ушбу даврда ҳокимият структурасида кескин ўзгаришлар рўй бермади: Амударё бўлими комиссари, Чимбой ва Шўрохон уездлари комиссарлари, Петро-Александровск шаҳар думаси, Жамият хавфсизлиги комитети ўз вазифаларини бажаришни давом эттирди. Совдеп шаҳардан ташқарида ҳокимият тузулмаларини ташкил эта олмади. Овул ва кишлоқ аҳолиси ҳеч қандай

ёрдам олмаганларидан сўнг ўз-ўзини ҳимоя қилиш отрядларини ташкил қилди ва уларнинг бошларида обрўли уруғ бошлиқлари Убайдулла Бауатдинов, Бала бий ва бошқалар турди. Халқ узларининг уруғ бошлиқлари атрофида бирлашди. Вазият 1918 йилнинг иккинчи ярмида тиш-тирноғигача қуролланган қизилгвардия бўлинмаларининг кириб келиши билан ўзгарди» [7].

Шундай қилиб, замонавий тарихшунослик, мемуарларга асосланган «1917 йил 11-12 декабрда Амударё бўлимида Совет ҳокимиятининг ўрнатилиши» тезисини рад этди.

Ҳақиқатан ҳам, мемуарларни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, большевиклар ҳокимиятини ўрнатиш тўғрисида афсонаси 50-йилларда ва мафкуравий тузилмаларнинг алоҳида буюртмаси асосида пайдо бўлган. Адолат билан таъкидлаш керакки, афсонанинг бундай узоқ мавжуд бўлишида айбларнинг салмоқли қисми эсдаликлардаги номувофиқликни таҳлил қилмаган манбашунос мутахассисларининг ўзларига тўғри келади.

Аслида, 1917 йил 10 декабрда Петро-Александровск Туркистон ўлкаси Халқ Комиссарлари Кенгашидан жойларда Совет ҳокимиятининг ўрнатилиши тўғрисида телеграмма олди. Петро-Александровский Совдепи Муваққат ҳукуматнинг маҳаллий кучсиз маъмуриятдан осонликча воз кечди. Унинг ўрнини эгаллаш, собиқ Россия империясининг улкан ҳудудида ҳукм сурган тартибсизликларни самарали бошқариш, большевикларни ўзларининг қутқарувчиси ва озод қилувчиси сифатида кўрган ишчилар ва деҳқонларнинг интилишларига жавоб берадиган янги ижтимоий тизимни барпо этиш анча катта ва мураккаб вазифа эди. Н.Шербаковнинг сўзларига кўра, Петро-Александровск Совдепининг ҳокимиятишаҳар чизигидан бир километрга чўзилмаган.

Петро-Александровск шаҳар думаси большевикларнинг ҳаракатларини қўллаб-қувватламади.

1918 йил 28 мартда шаҳар думаси қуйидаги характердаги қарор қабул қилади: сайловларни ўтказиш учун Таъсис қурултойга сайловлар ўтказиш учун тузулган сайловчилар рўйхатидан фойдаланилиш зарур; сайловларни ўтказиш учун сайлов комиссияси тузилади, унинг таркибига Шаҳар управаси тўлиқ таркибда ва 3 ошкора Дума киради [8].

Ушбу қарор Петро-Александровскда учлик ҳокимиятнинг бўлганлигидан гувоҳлик беради. Петро-Александровск шаҳар думаси фақатгина 1918 йил 13 октябрда тарқатиб юборилди [9].

Большевиклар қиёфасидаги янги ҳокимият маҳаллий аҳоли манфаатларини эътиборга олмади ва улар билан ҳисоблашмади, шунинг учун большевиклар ҳокимияти ерлик аҳоли орасида обрўга эга эмас эди. Шундан келиб чиқиб, большевикларнинг асосий вазифаси ҳар қандай баҳо эвазига ҳокимиятни қўлда ушлаб туриш бўлди.

Овул ва қишлоқ аҳолиси ҳеч қандай ёрдам олмаганликларидан сўнг ўзларининг ўз-ўзини ҳимоялаш отрядларини ташкил қилди. Халқ ўзларининг уруғ бошлиқлари атрофида бирлашиб бошлади. Смағул Жумағалиевнинг хотираларига кўра, Амударё бўлимининг Чимбой участкасида маҳаллий ҳокимият 1917 йил октябрь – 1918 йил сентябрь оралиғида халқнинг ўз-ўзини ҳимоялашнинг қуйидаги отрядлари қўлларида бўлди: атаман Михаил Фильчевнинг раҳбарлигидаги Петро-Александровск, Нукус, Заирнинг урал казаклари; Нукус волости ҳудудида волость бошқарувчиси Иният Ниязовнинг йигитлари; Чимбой волостида волость раҳбари Ибрагим Адиллов йигитлари; Чимбой шаҳрида савдогар Халмурат Курбановнинг йигитлари; Қўнғиротда Балабий (Кутлымурат бий Таджимуратов) йигитлари; Кегейли волости ҳудудида волост раҳбари Сейтназар Ерназаров (Ерназар оталик ўғли) йигитлари; Ишан қалъада азалий руҳоний Хан Мақсум (Убайдулла Бауеддинов) йигитлари [10].

Шундай қилиб, 1917 йилнинг 31 октябридан 1918 йилнинг октябригача Амударё бўлими комиссари вазифасини В.Н.Памшев бажариб келди. Ушбу даврда ҳокимият структурасида кескин ўзгаришлар рўй бермади: Амударё бўлими комиссари, Чимбой ва Шўрохон уездлари комиссарлари, Петро-Александровск шаҳар думаси, Жамият хавфсизлиги комитети ўз вазифаларини бажаришни давом эттирди. Совдеп шаҳардан ташқарида ҳокимият тузулмаларини ташкил эта олмади.

Туркистон жадидлари, ёш хиваликлар ва ёш бухороликларнинг Амударё бўлимидаги сиёсий ҳаётга таъсири тўғрисида аниқ айтиш қийин, чунки бизнинг тасарруфимизда Палваниёз Юсуповнинг мемуарларидан ташқари архив материаллари мавжуд эмас. Шунга қарамасдан, айтиш мумкинки, ушбу янги услубий ҳаракатининг Амударё бўлимидаги вакиллари ёш хиваликлар Суфизада, С.Мажитов, Ю.Ахмедов, Заки Шакиров ва бошқалар бўлган [11].

Амударё бўлимининг сиёсий ҳаёти ижтимоий билан чамбарчас боғлиқ эди. 1917 йил охиридаги қурғоқчилик натижасида бўлган очарчиликка қарши курашиш учун жамоат ташкилотлари ва номдор кишилар Петро-Александровск, Шўрахон, Нукус, Чимбойда бепул овқатланиш пунктларини очдилар. Петро-Александровск Совдепи, шаҳар Думаси, комиссариатлар бева ва кам таъминланганларнинг оилаларига ун, гуруч ва бошқа маҳсулотларни тарқатдилар. Шу сабабли маҳаллий аҳоли 1917 йилни «Шулен Қозон Йили» деб аташди. Калли Аимбетовнинг хотираларига кўра, Чимбой участкасининг йирик савдогарлари Холмурат Бой ва Асқар Бой ўз маблағлари эвазига Оренбургга карвон юбориб, ун сотиб олишган ва очлар учун бўтқа тайёрлаганлар.

*Асқар байлар алып келди қапшықты,
Хар ким тапқан малын сатып жеп шықты,
Жармасынан ылай суўлар көп шықты,
Шықпас жанга себеп болган Асқар бай [12].*

(Асқар бай оқ қопларда ун олиб келди, хар ким мулкени сотиб еди, бўтқага кўп дарё суви кўйилди, Асқар бай бизнинг ҳаётимизни сақлаб қолди - *сўзма-сўз таржима – Т.П.*)

Петро-Александровск Совдепи нон монополиясини ўрнатди ва хар бир кишига нонни истеъмол меъёрини йилига 10 фунт деб белгилади. Нонни сотишда деҳқонлар очликка ўчраган аҳоли фойдасига ўтказмалар қилишлари керак эди. Совдепнинг Озиқ-овқат бўлими бозорларда дон ишлаб чиқарувчилар нон маҳсулотларини фақат камбағал одамлар фойдасига мажбурий ўтказмалар қилганлиги тўғрисида квитанцияни тақдим қилгандан кейингина сотиши мумкинлигини белгиладилар - десятинадан 10-14 фунтдан.

Бошқа томондан, бу йил Амударёнинг чап қирғоғидан ўнг қирғоқдаги барча аҳоли пунктларига қилинган қароқчилар ҳужумларига тўлабўлди.

Хулоса: Жамиятда рўйбераётган туб ўзгаришларни муносиб баҳолаш учун бизкечаги ўтмишимизга назарташлашимиз ва унга муносабатимизни белгилашимиз керак. Ўтмишни асосиз ёмонломақ, ўткан кунлардан норозилик, унга илтифотсизлик халқимизнинг табиатига чуқур бегонадир.

Хотираларни ўрганиш нафақат бошқа манбалардаги тарихшуносликдаги бўшлиқларни тўлдириш учун муҳимдир: муҳимроқ нарса уларнинг мазмунидаги ўзига хосликдир, уни «тарихдаги шахс, шахсдаги тарих» формуласи билан ифодалаш мумкин, ва натижада инсоннинг тарихий ўзини ўзи англаши.

Тарихнинг ижтимоий роли, унинг тарбиявий функциялари ватанпарвар инсон, ўз ватанининг фуқаросини шаклланиши билан чамбарчас боғлиқдир. Шундай экан, тарих содда, тушунарли бўлиши, кенг аудиторияга таъсир қилишнинг турли усулларидан фойдаланиши керак, соф адабий, беллетристика усулларини истисно қилмаган ҳолда. Вазиятдан чиқишнинг идеал усули, шубҳасиз, тарихий асарларда ҳам фан, ҳам мемуарларни бирлашиш бўларди.

Тарихийлик принципи даврга кўникиш, воқеаларга ички томондан, ўтган авлодларнинг охи билан қараш қобилятини англатади. Бунисиз тарихни тушунишга эришиш мумкин эмас.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Узбекистан: свой путь обновления и прогресса // Каримов И.А. Узбекистан: национальная независимость, экономика, политика, идеология. -Т.1. -Ташкент: Узбекистан, 1996. -С.77.
2. Кошанов Б.А. Большевики в Туркестане. 1917-1922 гг. доктрина и реальность: Автореф. дисс. ... д.ист.н. Москва, 1994.
3. Кожажелдиев А.У. История города Турткуля: 1873-1941 гг.: Автореф. дисс. ... к.ист.н. Нукус, 1996.
4. Кошанов Б.А., Сейтназаров М.С. Революция? Вторжение? События в Хивинском ханстве (1919-1920

гг.). -Нукус: Билим, 1997.

5. Сейтназаров М.С. История национально-освободительного движения в Каракалпакстане (1917-1920 гг.): Автореф. дисс. ... к.ист.н. Нукус, 1999.

6. Кошанов Б.А. Қорақалпоғистон шиддатли узғаришлар даврида (1917-1924 йиллар) // Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. -Тошкент: Шарқ, 2000. С.302-310.

7. Кошанов Б.А. Қорақалпоғистон 1917-1924 йилларда // Ўзбекистон тарихи. 1917-1991. 1-китоб. 1917-1939 йиллар. -Тошкент: Ўзбекистон, 2019. -С.364-392.

8. Кошанов Б.А. Большевики в Туркестане. 1917-1922 гг.: доктрина и реальность ... С.28.

9. Кожажелдиев А.У. История города Турткуля: 1873-1941 гг. С.16.

10. Сейтназаров М.С. История национально-освободительного движения в Каракалпакстане (1917-1920 гг.) ... С.12.

11. Сейтназаров М.С. История национально-освободительного движения в Каракалпакстане (1917-1920 гг.) ... С.16.

12. Кошанов Б.А. Қорақалпоғистон шиддатли узғаришлар даврида (1917-1924 йиллар) // Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. -Тошкент: Шарқ, 2000. -С.302-303.

13.ЦГА РК, ф.16, оп.1, д.18, л.2.

14.ЦГА РК, ф.16, оп.1, д.17, л.46.

15.Базарбаев Р.Дж. История кадровой политики советской власти в Каракалпакстане (1917-1941 гг.). -Нукус: Билим, 2012. С.16.

16. Карлыбаев М. Медресе в Каракалпакии XIX - начала XX веков. -Нукус, 2002. -С. 66-68.

17.Аимбетов К. Ўткен кунларден елеслер. -Нөкис: Қарақалпақстан, 2008. -С.34.

УЎК:627(5-194.2)(091)

КЕМАЧИЛИКНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ ТАРИХИДАН Я.А. Каримов, PhD, Урганч давлат университети, Урганч

Аннотация. Мақолада сув йўлларининг ўзлаштирилиши, кемачиликнинг пайдо бўлиши ва ривожланиб бориши, кема ва унинг турлари ҳақидаги маълумотлар тарихий манбалар асосида таҳлил этилган.

Калим сўзлар: Кемачилик, Мезолит, Неолит, эшак, Ўрта ер денгизи, Дон, Дажла, Нил, "денгиз халқлари", Месопотамия, Миср, Кичик Осиё.

Аннотация. В статье на основе исторических источников анализируются данные об освоении водных путей, возникновении и развитии судоходства, о кораблях и их видах.

Ключевые слова: Судоходство, мезолит, неолит, весло, Средиземное море, Дон, Тигр, Нил, "морские народы", Месопотамия, Малая Азия

Abstract. The article analyzes the development of waterways, the emergence and development of shipping, information about the ship and its types on the basis of historical sources.

Keywords: Sailing, Mesolithic, Neolithic, oar, Mediterranean, Don, Tigris, Nile, "sea peoples", Mesopotamia, Egypt, Asia Minor

Кемачиликнинг пайдо бўлиши масаласига дунё миқёсида назар солинса денгиз ва йирик дарё хавзаларида яшовчи халқларга нисбатан қуруқлик орқали ўтган қарвон йўлларининг аҳамияти бирмунча юқори бўлган Марказий Осиёда кемачилик даврий жиҳатдан бирмунча кеч пайдо бўлганлигини кўрамиз. Бу минтақамизнинг табиий иқлим шароитларидан, қуруқлик орқали ўтувчи коммуникация йўлларида фойдаланиш изчил ривожланганлигинидан келиб чиқсак, мантикий асосга эгадек туюлади. Лекин шу билан бирга, сув йўлларини ва уларнинг минтақа коммуникация тизимида тутган ўрни ва аҳамиятини ўрганиш бўйича олиб борган тадқиқотларимиз бу масалада бир қанча асосли илмий ҳулосаларга олиб келди.

Антропоген ландшафтларнинг, яъни инсонлар томонидан эгалланган ҳудудларнинг кенгайиб бориши табиий равишда йирик ва кичик дарёлар, кўллар ва бошқа мавсумий сув хавзаларининг ҳам ўзлаштирилишига олиб келди. Бу жараён дастлаб ичимлик сувига бўлган табиий эҳтиёж сабабли келиб чиққан бўлса, кейинчалик янги ҳудудларнинг ўзлаштирилиши ҳамда балиқчиликнинг ривожланиши дарё ва кўлларда ҳаракатланишга ихтисослашган илк транспорт воситаларининг пайдо бўлишини тақозо қилди[7.214]. Бундай транспорт воситаларининг пайдо бўлиши ва ривожланиши сув йўлларини босқичма-босқич ўзлаштириб боришга имкон берган муҳим ютуқ эди. Мезолит даврида яшаган овчи ва балиқчи қабилалар

сув транспорти воситаларининг илк ихтирочилари бўлишган. Шу тариқа, сув йўлларининг ўзлаштирилиши бевосита сувда ҳаракатланишга ихтисослашган транспорт воситаларининг пайдо бўлиши ва босқичма-босқич ривожланиб бориши билан узвий боғлиқликда кечди. Мутахассислар фикрича, сувда ҳаракатланишга мўлжалланган илк воситалар кичик сол кўринишида бўлиб, мезолит даври одамлари бир неча узун новдаларни бир-бирига текис боғлаб, устига қамиш ёки ўтлар боғламини тўшаб, сувда сузганлар. Бу транспорт воситасининг имкониятлари анча чекланган эди. Чунки сол билан узун ходалар ёрдамида унча чуқур бўлмаган сувда ёки сув оқими бўйлабгина сузиш мумкин бўлган[9.261].

Сувда ҳаракатланишга ихтисослашган илк транспорт воситалари ичида улкан дарахтлар пўстлоқларидан тайёрланган енгил қайиқлар ҳам бўлган. Бундай қайиқлар чидамсиз бўлиб, тез ярқисиз ҳолга келиб қолган. Сув транспорти соҳасидаги кейинги муҳим ихтиро – маълум катталиқдаги дарахтлардан ўйиб ясалган ва эшкак билан бошқариладиган қайиқларнинг пайдо бўлишидир. Эшкаклар ёрдамида бошқариладиган бу қайиқлар чуқур сувларда ҳам узоқ муддат сузиш имконини берарди [9.261]. Бундай қайиқларга Россия давлат тарих музейида сақланаётган, бронза даврига оид улкан дуб дарахтини ўйиб ясалган қайиқ яхши мисол бўла олади. Дон дарёсининг қуйи оқимида жойлашган Щучье қишлоғи (Воронеж области) яқинидан топилган бу қайиқнинг узунлиги 7,5 м. бўлиб, ички ён қисмида 6 та кўндаланг ёғоч ўриндиқ мустаҳкамланган махсус жой мавжуд бўлган (Бу қайиқни Москва шаҳридаги Россия давлат тарих музейи. 5-зал, марказий витринада кўриш мумкин). Фикримизча, бундай қайиқларни яшашда ва улар учун хом ашё топишда маълум қийинчиликлар бўлгани ҳамда улар вазни оғирлиги туфайли юк билан сузиш имконияти чеклангани боис, бундай қайиқлар унчалик кенг тарқалмаган. Шунга қарамасдан, сўнгги ўрта асрларда ҳам айрим туркман қабилалари Каспий денгизида қирғоқларида бундай қайиқлардан фойдалангани манбаларда акс этган (катта дарахтлар танасини ўйиб ясалган бундай кичик қайиқларни туркманлар Теймиль деб аташган.)[3.40].

Сув йўлларини ўзлаштириш ва сувда ҳаракатланувчи транспорт воситаларининг такомиллаша бориши мезолит даври охири ва неолит давридаёқ эшкаклар ёрдамида бошқариладиган турли шакл ва ҳажмдаги енгил қайиқларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Буни ер шарининг турли жойларидан топилган моддий топилмалар ва тасвирий санъат намуналари ҳам тасдиқлайди[1.224].

Шу тариқа, мезолит даври охири ва неолит даврида сув йўллари ўзлаштирилиб, сувда ҳаракатланувчи транспорт воситалари – енгил қайиқлар ва елканли кемалар ихтиро қилинган. Мезолит ва неолит даврларида йирик денгизлар ороллари ҳам яшаш учун ўзлаштирилгани (масалан, Ўрта Ер денгизи ва унга туташ денгизлардаги ороллар) сув транспорти ривожига соҳасида қўлга киритилган ютуқлардан далолат беради.

Янги тош даврида шакллана бошлаган кемачилик кейинги тарихий даврларда босқичма-босқич такомиллашиб борди. Қадимги Шарқда давлатчиликнинг ривожига, ички ва ташқи иқтисодий алоқаларнинг кенгайиб бориши сув транспорти тараққиётида янги босқични бошлаб берди. Сўнгги бронза ва илк темир даврига келиб, кемачиликнинг пайдо бўлиши ва ривожланишига Ўрта Ер денгизи бўйида яшовчи халқлар (мисрликлар, финикияликлар, эллилар ва бошқалар) катта ҳисса қўшганлар. Мил. авв. I мингйилликдан бошлаб сув йўлларини ўзлаштириш ва сув транспортдан фойдаланиш ўзининг янги босқичига кирди. Бу даврда ер шарининг турли ҳудудлари, хусусан, йирик денгизлардаги оролларнинг ўзлаштирилиши озиқ-овқат захиралари ва кўп сонли кишилар билан сувда узоқ вақт ҳаракатланишга мослаштирилган йирик транспорт воситалари – эшкакли ва елканли кемалар пайдо бўлиши натижаси эди. Ўрта Ер денгизи ва унга туташ йирик денгизлар орқали ўтувчи сув йўллари ўзлаштирилиши йирик кемалар пайдо бўлишида катта ўрин туган. Денгиз сув йўлларининг жадал ўзлаштирилиши, кемачиликнинг ривожига уларни ҳаракатга келтиришда нафақат эшкаклардан, шу билан бирга шамол кучидан ҳам фойдаланишга, яъни елканли кемалар пайдо бўлишига туртки берди.

Қадимги Шарқда фойдаланилган сув транспорти турларининг айримлари ҳақида ёзма манбаларда қизиқарли маълумотлар мавжуд. Юнон тарихчиси Геродотнинг далолат

беришича, Дажла дарёсининг юқори оқимидан, Арман тоғларидан турли маҳсулотлар (асосан, сопол идишларда Финикия винолари)ни олиб келишда бобиллик савдогарлар мажнунтол дарахти новдаларига терини маҳкам тортиб боғлаб ясалган ва похол тўшалган айлана шаклдаги қайиқлардан фойдаланганлар (Бундай қайиқлар турли катталиқда (катталарига қайиқчи ва юк билан бирга эшак ҳам жойлашган) бўлиб, иккита эшак ёрдамида бошқарилган. Бобилда савдогарлар қайиқларини бузишиб (бундай айлана қайиқларда оқимга қарши сузиб бўлмаганлиги учун), мажнунтол дарахти новдалари ва похолни ҳам маҳсулотлари қаторида сотишган. Териларни (улардан яна қайиқлар ясашда фойдаланилган) эшакларга юклаб, қуруқлик йўллари орқали яна маҳсулот олиб келиш учун кетишган.) [4.88-89]. Фикримизча, бундай қайиқлар анча олдинги даврларда пайдо бўлган ва ўзининг амалий аҳамиятини қадимги давр ва ўрта асрларда ҳам сақлаб қолган.

Умуман олганда, мил. авв. II минг йилликда мисрликларнинг, мил. авв. I минг йиллик бошларида эса финикиялик денгизчиларнинг елканли кемалари Ўрта Ер денгизи ва Арабистон денгизи бўйлаб сузиб, савдо алоқаларида ва янги ерларнинг ўзлаштирилишида катта ўрин тутганлиги, “Денгиз халқлари”нинг Месопотамия ва Кичик Осиёдаги қадимги давлатлар ҳудудига қилган босқинчилик юришлари, қадимги юнонларнинг Ўрта Ер денгизи ороллари, Иония, Эгей ва Қора денгиз соҳилларини ўзлаштириши ва бошқа тегишли маълумотлар бу даврда йирик денгизлар инсоният йўлида катта тўсиқ бўла олмаганлигини кўрсатади.

Маълумки, Ўрта Ер денгизининг шимолида яшовчи финикияликлар сув йўллариининг ўзлаштирилишида ва сув транспорти ривожидида катта ўрин тутганлар. Қадимги Миср фиръавни Нехо бўйруғи билан финикияликлар мил. авв. 596–594 йилларда ўз кемаларида инсоният тарихида биринчи йирик сув саёҳатини амалга оширганликлари, Ўрта Ер денгизидан Ҳинд ва Атлантика океанига чиқиб, Африка қитъасини айланиб ўтганликлари ҳақида маълумотлар мавжуд[4.224-225][5.44]. Финикияликлар кейинги даврларда ҳам кемачилик ва денгизчиликда етакчи ўринни сақлаб қолганликлари маълум. Хусусан, Юнон-Форс урушлари даврида форсларнинг таркибидаги асосий ҳарбий кемаларни айнан финикиялик денгизчилар бошқарган (Финикияликларга мисрликлар билан бирга кўприклар қуриш, қўшин ва улов воситалари учун озиқ-овқат омборлари қуриб, уларга кемалар ва паромларда ун захиралари етказиш каби маҳсус топшириқлар берилган. Финикияликлар форсларнинг юнонлар билан бўлган денгиз жангларида асосий куч бўлган. Шу билан бирга Саламин денгиз жангида (бу жанг мил. авв. 480 йилда бўлиб ўтган) форс флотининг мағлубиятига ҳам айнан финикиялик денгизчилар айбдор деб топилганлигини айтиб ўтиш керак.)[4. 314, 321, 363-364, 448-450].

Қадимги давр ва ўрта асрларда араб халқлари, асосан, саҳройи халқ сифатида қаралган бўлса-да, араб денгизчилари Ўрта Ер денгизи ҳамда Ҳинд океани ва Тинч океанининг катта қисмидаги сув йўллариини ўзлаштирганлар. Хусусан X асрда араб денгизчилари бутун Ўрта Ер денгизидида ҳукмронлик қилишгани маълум[8.458]. Ҳиндларнинг савдо кемалари Шарқий Африка ва Қизил денгиз бухталарига, хитойликлар эса Жанубий Арабистон, Могадиш ва Малиндига кемаларда келиб савдо қилган[6.44]. Буюк географик кашфиётлар даврида европаликлар ҳам денгиз йўллариини ўзлаштиришда катта ютуқларга эришдилар. Бу даврда кашф қилинган сув йўллари йўналишларидан (XV аср охири – XVI аср бошларидаги Буюк географик кашфиётлар даврида европаликлар араб-мусулмон денгизчиларининг асарларидан, сув йўллари аск этган хариталаридан ва мусулмон денгизчилари хизматидан кенг фойдаланганлар) [6.44] келиб чиқсак, ўрта асрларда сув йўллариининг минтақалар ва китъалараро алоқаларда тутган аҳамиятини яққол англаш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Алексеев В.П., Першиц А.И. История первобытного общества. – М.: Высшая школа, 1990.
2. Бизли Ч.Р. Генрих мореплавателъ / Пер. с английского Г.И. Головнева и Г.А. Барабтарло. –М.: Наука, 1979.
3. Вамбери А. Путешествіе по Средней Азии изъ Тегерана черезъ Туркменскую пустыню по восточному берегу Каспійского моря въ Хиву, Бухару и Самаркандь, предпріятое въ 1863 году съ научною целью, по порученію Венгерской Академіи въ Пешть, членомъ ея А. Вамбери. – М.: Изд-во А.М. Мамонтова, 1867.

4. Геродот. История. В девяти книгах / Пер. с греческого и коммент. Г.А. Стратановского. – М.: ОЛМА-ПРЕСС Инвест, 2004.
5. Гуляев В.И. Доколумбовы плавания в Америку: мифы и реальность. – М., 1991.
6. Камолитдин Ш.С. Новые данные о раннем походе арабов в Китай // Мозийдан садо. –Тошкент, 2005. – № 4 (28)
7. Мавлонов Ў.М. Марказий осиенинг қадимги йўллари. – Тошкент: Akademiya, 2008.
8. Мец А. Мусульманский Ренессанс / Перевод с немецкого, предисловие и указатель Д.Е. Бертельса. – М.: Изд-во ВиМ, 1996.
9. Семенов С.А. Развитие техники в каменном веке. – Л.: Наука, 1963.

УДК 93/94

ВКЛАД ШАРАФА РАШИДОВА В РАЗВИТИЕ МЕЖДУНАРОДНЫХ И КУЛЬТУРНЫХ СВЯЗЕЙ УЗБЕКИСТАНА

*Ш.Дж. Курбанова, докторант, Координационно-методический центр по вопросам
новейшей истории Узбекистана АН РУз, Ташкент*

Аннотация. Мақолада Ш.Рашидовнинг кўп қиррали фаолиятининг томонларидан бири, шунингдек унинг хорижий давлатлар билан халқаро маданий алоқаларни ривожлантиришида Ўзбекистоннинг этакчиси сифатидаги ўрни кўриб чиқилган. Совет Иттифоқида хорижий давлатлар билан сиёсий алоқалар КПСС Марказий Қўмитаси Сиёсий бюроси ва Иттифоқ ҳукуматининг ваколати эди. Ш.Рашидов этакчи республикалардан бирининг раҳбари сифатида чет эл раҳбарлари билан кўплаб музокараларда СССР вакили бўлган. Айнан Ш.Рашидов республикани бошқарган даврда Ўзбекистон пойтахти Тошкент шаҳри Шарқ мамлакатларининг маданий марказларидан бирига айланди.

Калит сўзлар: Ш.Рашидов, маданият, санъат, фан, халқаро алоқалар, Тошкент.

Аннотация. В статье рассматривается одна из сторон многогранной деятельности Ш. Рашидова, а также, его роль как лидера Узбекистана в развитии международных культурных связей с зарубежными странами. В Советском Союзе политические связи с зарубежными странами была прерогативой политбюро ЦК КПСС и союзного правительства. Ш. Рашидов как руководитель одной из ведущих республик во многих переговорах с иностранными лидерами представлял СССР. Именно в период руководства Ш.Рашидова республикой столица Узбекистана город Ташкент стал одной из культурных центров стран Востока.

Ключевые слова: Ш. Рашидов, культура, искусства, наука, международные связи, Ташкент.

Abstract. The article examines one of the sides of the multifaceted activities of Sh. Rashidov, as well as his role as the leader of Uzbekistan in the development of international cultural relations with foreign countries. In the Soviet Union, political ties with foreign countries were the prerogative of the Politburo of the Central Committee of the CPSU and the Union government. Sh. Rashidov, as the leader of one of the leading republics, represented the USSR in many negotiations with foreign leaders. It was during the period of Sh.Rashidov's leadership of the republic that the capital of Uzbekistan, the city of Tashkent, became one of the cultural centers of the countries of the East.

Key words: Sh. Rashidov, culture, arts, science, international relations, Tashkent.

Период правления Шарафа Рашидова вызывает неподдельный интерес у представителей широких слоев народа и, вместе с тем, является одним из самых противоречивых отрезков в истории Узбекистана. Отношение людей к этому времени весьма сложное, насыщенное светлыми и тяжёлыми впечатлениями.

Это неудивительно, так как история «периода Ш. Рашидова» – в целом, это очень важный период в советской истории Узбекистана. Эта история – история борьбы традиционализма с модернизацией, национального с большевистским интернационализмом, исламских традиций с коммунистическим атеизмом. Изучение этой истории, раскрытие его

общих закономерностей, роли Шарафа Рашидова в этом процессе, даст возможность понять его в качестве политика и руководителя.

Ш. Рашидов, будучи писателем, уделял огромное внимание на развитие науки, образования и культуры в республике. В эти годы Ташкент стал одним из культурных столиц Азии. Данная статья посвящена одной из сторон многогранной деятельности Ш. Рашидова – его роли в развитие международных культурных связей Узбекистана.

Шараф Рашидов почти четверть века, с 1959 по 1983 годы руководил Узбекистаном. Был первым секретарем ЦК Компартии республики. До этого, с августа 1950 года был председателем Президиума Верховного Совета Узбекской ССР.

Ш. Рашидов пришел к власти в республике как выдвигенец Москвы, тогда и не могло быть по-другому. Он как ветеран войны, известный журналист и писатель по праву считался одним из самых образованных людей среди местной партийной элиты. В Москве сделали ставку на Ш. Рашидова, посчитав, что высокий уровень образования выделяет его среди участников традиционных клановых разборок – в итоге уже в 33 года он становится председателем президиума Верховного Совета республики [2]. В бывшем Советском Союзе никто в столь раннем возрасте не занимал такого высокого поста в структурах власти.

Если таланты Ш. Рашидова в искусстве и журналистике привели его в элиту советской интеллигенции и политическую жизнь, то пропагандистские усилия вывели его в центр внимания со стороны центральных лидеров и, в конечном счете, значительной части внешнеполитического сообщества развивающихся стран. Ш. Рашидов в составе советской партийно-правительственной делегаций регулярно посещал страны Восточной Европы, Ближнего Востока, Кубы, Африки, Латинской Америки, Индии и Индонезии, выступая за «модель развития Центральной Азии» [1].

При Шарафе Рашидове Ташкент стал символом мира и дружбы. Здесь в 1958 году, во время конференции, солидарности писателей стран Азии и Африки, зародился «дух Ташкента». Эта первая встреча дала хорошие всходы. С каждым годом крепили и развивались связи узбекских писателей с их зарубежными коллегами. Только в 1983 году республику посетило более 150 литераторов из 78 стран мира.

Большим событием в культурной жизни республики явилась VII конференция писателей Азии и Африки, проходившая в Ташкенте в сентябре 1983 г. В ее работе приняли участие 129 делегатов и гостей из 70 стран Азии, Африки, Америки и Европы, а также представители ряда международных организаций [3, С. 83].

В 60-е годы XX века превращая Узбекистан в главного проводника советской политики на Востоке, Ш. Рашидов преуспел и в налаживании деловых и культурных контактов с Индией. Ташкент стал одним из культурных и политических центров региона. Так, в 1965 году в Ташкенте состоялись переговоры между Премьер-министром Индии Л.Б.Шастри и Президентом Пакистана М.Аюбханом при посредничестве Председателя Совета Министров СССР А.Н.Косыгина. В подготовке этих переговоров принимал активное участие и Ш.Рашидов. Здесь была подписана знаменитая «Ташкентская декларация», поставившая точку кровопролитной войне между Индией и Пакистаном.

В это время вырос международный авторитет Узбекистана, Ташкент стал одним из культурных и политических центров региона. Это дает Ташкенту возможность организации культурных мероприятий. Так, при активном участии Ш. Рашидова в 1968 году открылся Ташкентский Международный кинофестиваль стран Азии, Африки и Латинской Америки. Проводился кинофестиваль раз в два года под девизом «За мир, социальный прогресс и свободу народов», без установления конкурса и присвоения призовых мест.

Цель фестиваля: выявление лучших произведений киноискусства, развитие сотрудничества и укрепление дружбы между народами. Фестиваль не был конкурсным, по результатам просмотров присуждались премии, призы, памятные медали различных общественных организаций, которые вручались в торжественной обстановке на сцене Ташкентского театра оперы и балета имени А. Навои.

Задуманный вначале как смотр кинодостижений афро-азиатских стран, фестиваль в 1984 году расширил свою географию за счет участия в нем представителей Латинской Америки. И если в 1968 году участниками I Международного кинофестиваля в Ташкенте были кинодеятели 49 стран и международных организаций, то на VIII кинофестивале, в 1984 году, их количество достигло 100. Притягательная сила этого праздника мирового кино, его популярность и представительность объясняются прежде всего актуальностью и благородством целей кинофестиваля, четко выраженных в его девизе — «За мир, социальный прогресс и свободу народов!». Фестиваль проводился до 1988 года [3, С. 83].

Ташкентские международные кинофестивали и творческие встречи в рамках этого мероприятия оказали огромное влияние на узбекскую творческую интеллигенцию. Кинематографию этих лет характеризуют многообразие тематики, обилие жанров и направлений. Фильмы, снятые в эти годы, такие как «Белые, белые аисты», «Нежность», «Влюблённые», «Звезда Улугбека», «Минувшие дни», «Буря над Азией», «Ташкент – город хлебный» и другие вошли в золотой фонд советского кино. Фильм Э. Ишмухамедова и Р. Агишева «Молодость гения», удостоился Государственной премии СССР, а фильм «Человек идет за птицами» режиссера А. Хамраева получил премию «Серебряный павлин» на Делийском международном кинофестивале в 1976 году [4. С. 561-564].

При Ш. Рашидове быстрыми темпами развивались наука и образования. Узбекистан стал одним из центров подготовки национальных кадров для развивающихся стран. Специальный факультет при Ташкентском государственном университете (ныне УзНУ им. М. Улугбека) за двадцать лет подготовил для учебы в советских институтах более 3 тыс. человек. Многие из них закончили высшие учебные заведения республики. Только в 1982 году в вузах Узбекистана обучалось свыше 3 тыс. студентов, аспирантов и стажеров из 73 государств мира. Кроме того, в ТашГУ вели педагогическую работу ученые и преподаватели из США, Франции, Германии, Индии, Ирака, Афганистана и других стран. В свою очередь, по 10-15 студентов и аспирантов университета ежегодно направлялись для обучения и прохождения языковой практики в страны зарубежного Востока.

В общем, еще предстоит изучить советский опыт развития культурных связей с зарубежными странами. Впервые годы после распада СССР на волне всеобщей эйфории в научной литературе Узбекистана появилось множество рассуждений, таких ярлыков, как – «красная империя», «деспотическая система», «тоталитарный режим» различного рода скороспелых выводов, которые не дали возможности объективно изучить проблему по существу. В особенности, рассчитанные только на внешний эффект беспрестанные разоблачения, с описанием ужасов того времени, преступлений коммунистической эпохи, попытки дать оценку того времени без надлежащего научного анализа, стремление некоторых политических руководителей оценить нашу вчерашнюю историю исходя исключительно из собственных интересов, интересов сегодняшнего дня, ещё более усложнило процесс осознания советского периода. Это в полной мере касается и историю культурных связей с зарубежными странами.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Блогов П. Демиург Советского Узбекистана. К столетию Ш. Рашидова. <https://www.fergananews.com/>
2. Кара-Мурза С.Г. «Советская цивилизация» (том II) От великой победы до наших дней. http://www.karamurza.ru/books/sc_b/sc_b_content.htm
3. Касымов А.М. Советский Узбекистан на международной арене //Общественные науки в Узбекистане. 1984. № 10. С. 83.
4. Меликузиев И.М., Юлдашев Э. С. История и развитие узбекского искусства кино // Молодой ученый. – 2016. - № 19. С. 561 – 564.
5. Рашидова Г.Ш., Камиллов Д.А. Шараф Рашидов: портрет человека в эпохе и эпохи – в человеке. – Ташкент: ТАСВИР, 2017.
6. Очерки истории Коммунистической партии Узбекистана. – Т.: Издательство «Узбекистан», 1974.
7. Gregory Gleason, Sharaf Rashidov and the dilemmas of national leadership, Central Asian Survey Vol. 5, Iss. 3-4, 1986. (Шараф Рашидов и дилеммы национального лидерства. Сокр. перевод статьи) <http://www.centrasia.ru/newsA.php?st=1491382080>

**СОҲИБҚИРОН АМИР ТЕМУРНИНГ ИЖТИМОЙ АДОЛАТ ҲАҚИДАГИ
ТАЪЛИМОТЛАРИ**

*А.Саитқосимов, ф.ф.д., Жиззах давлат педагогика институти, Жиззах
Ж.Исахонов, магистрант, Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент*

Аннотация. Ушбу мақолада соҳибқирон Амир Темурнинг ижтимоий адолат ҳақидаги таълимотлари, уларга хос бўлган муҳим тамойиллар ва хусусиятларнинг бизнинг давлатчилик асосларимизни қуришида муҳим назарий манба бўлиб хизмат қилиши ёритилган.

Калим сўзлар: соҳибқирон, Амир Темур, Темур тузуклари, кенгаш, ижтимоий адолат, инсонпарварлик, давлат, давлатчилик, фуқаролик жамияти, қонун, қоида.

Аннотация. В данной статье описывается учение Амира Темура о социальной справедливости, важные принципы и присущие им особенности, которые служат важным теоретическим источником при построении основ нашей государственности.

Ключевые слова: саҳибқирон, Амир Темур, Уложение Темура, кенгаш, социальная справедливость, человечность, государство, государственность, гражданское общество, закон, правила.

Abstract. This article describes the teachings of Amir Temur on social justice, the important principles and features inherent in them that serve as an important theoretical source in building the foundations of our statehood.

Keywords: sahibkiran, Amir Temur, Temur's charters, council, social justice, humanity, state, statehood, civil society, law, rule.

Ижтимоий адолат инсонлар фаровонлиги таъминлаш, ҳуқуқлари ва кадр-қимматини улуғлаш, инсонни ҳар томонлама юксалтириш билан боғлиқ муҳим социал воқелик ҳисобланади. Мазкур ижтимоий ҳодисани илмий, назарий ва методологик жиҳатдан таҳлил этиш бугунги кунда ижтимоий-гуманитар фанларнинг муҳим вазифаси бўлиб қолмоқда. Ижтимоий адолат асрлар давомида ривожланиб ва такомиллашиб келаётган, инсоният учун энг муҳим қадриятларни мужассамлаштирган ғоя ҳисобланади. Бугунги кунга келиб, фуқаролик жамияти қурилишида ижтимоий адолат феномени ўзининг мукамал кўринишига эга бўлди.

Дарҳақиқат, фуқаролик жамияти ва ижтимоий адолат ғоялари ўрганиш тамойиллари, ижтимоий-тарихий воқеликка ёндашув хусусиятлари доимий равишда ўзгариб, такомиллашиб боради. У.Фозиловнинг фикрича, “Фуқаролик жамияти ҳақидаги сиёсий-ҳуқуқий таълимотлар шартли равишда икки йўналишга тақсимланади. Биринчиси, Ғарб мутафаккирларининг фуқаролик жамияти ва у билан боғлиқ масалалар ҳақидаги таълимотлари, иккинчиси Шарқ мутафаккирларининг “адолатли жамият” ва у билан боғлиқ масалалар ҳақидаги таълимотларидир” [1].

Давлатчилик тарихи бизнинг минтақамизда жуда узоқ даврларга бориб тақалиб, давлат тузилишининг тизимли равишда ташкил топиши ва такомиллашуви илмий далилланган. Шу маънода адабиётларда таъкидланишича, “Минтақамиз буюк давлатчилик ва ижтимоий-сиёсий анъаналарга эга бўлиб, юртимиз тупроғида яшаган ҳукмдорлар, сиёсий арбоблар, мутафаккирлар, донишмандларнинг жамият ва инсон муносабатлари ҳақидаги қарашлари салмоқли бўлган. Алломаларининг ижтимоий-сиёсий қарашлари ҳозирги кунда бизнинг давлатчилик асосларимизни қуришда муҳим назарий манба бўлиб хизмат қилмоқда” [2].

Марказий Осиё мутафаккирларининг сиёсат ва сиёсий муносабатларга доир қарашлари улар яшаган давр ва муҳит билан бевосита боғлиқ бўлиши билан биргаликда, жамиятнинг узоқ келажакдаги истиқболини ҳам ўзига хос тарзда ёритишга ҳаракат қилинган эди. Ўша даврдаги сиёсий тартиблар, идора қилиш усуллари, давлат тузилиши, инсон камолоти, аҳоли билан мулоқот алломалар ижтимоий-сиёсий қарашларида ўз аксини топган. Мутафаккирларнинг ижтимоий-сиёсий қарашлари ҳар бир макон ва замонда жамият ҳамда инсон маънавий такомиллигининг муҳим омилларидан бири бўлиб хизмат қилмоқда.

Бу борада Амир Темурнинг инсонпарварлик фаолияти билан боғлиқ ғояларини мисол қилиб олсак бўлади. Соҳибқирон ўзи барпо этган бепоён мамлакатнинг ижтимоий адолат ва қонунчилик асосида бошқарилишини йўлга қўйган буюк давлат арбоби ҳисобланади. Улкан салтанат соҳиби “Куч – адолатдадир” деган шиорига қатъий амал қилиб, тарихда камдан кам учрайдиган лавозим – “Адолат Амири” лавозимини таъсис этган. Амир Темур давлат ишларида тўртта тамойилга амал қилганини таъкидлайди. Булар:

1. Дунёвий ва диний қоидаларни уйғун тутиш.
2. Муроса-ю мадора (компромисс).
3. Ўч олишга интилмаслик.
4. Адолатлилик [3].

Бу қоидаларни Темурбек шарҳлаб кўрсатган. Биринчи тамойил ҳақида у куйидагича айтади: «Салтанатим мартабасини қонун-қоидалар билан шундай сақладимки, унинг ишларига аралашिशга ҳеч бир кимсанинг қурби етмасди». Иккинчи тамойил ҳақида: “Дўст-у душмандан кимки менга илтижо қилиб келса, дўстларга шундай муомала қилдимки, дўстлиги янада ортди, душманларга шундай муносабатда бўлдимки, уларнинг душманлиги дўстликка айланди”, деб таъкидлайди. Учинчи тамойил ҳақида: “Тузимни тотиб, менга ёмонлик қилганларни Парвардигори оламга топширдим”, дейди. Тўртинчи тамойил ҳақида: “Очиқ юзлик, раҳм-шафқат билан халқни ўзимга ром қилдим ва жабр-зулмдан узоқроқда бўлишга интилдим”, деб уқтиради.

Соҳибқирон Темур мамлакатда тартиб-интизом ўрнатишни, жамиятда салбий иллатлар, ўзбошимчалик, зўравонлик, жабр-зулм, адолатсизликнинг ҳар қандай кўринишига барҳам беришни шариат қозиларисиз тасаввур қилмаган, унинг салтанати даврида ҳар бир шаҳар, вилоят ва туманларга қозилар тайинланган. Ўша даврдаги тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, Амир Темур мусулмон мамлакатларини забт қилиш асносида қозилар билан тез-тез учрашиб турган, улар билан суҳбат қурган, диний билимлар, шариат қонунлари бўйича баҳслар олиб борган.

Хусусан, Ибн Арабшоҳнинг хабар беришича, Темур Ҳалаб шаҳрини забт этгандан сўнг, шаҳар олимлари, фақиҳлар ва адолат қозиларини хузурига чақиртиради ва уларга турли саволлар билан мурожаат қилади. Темур Мавлоно Абдулжаббор ва Мусо ал-Ансорий аш-Шофъийнинг жавобларидан беҳад хурсанд бўлади ва биринчисини “бу жуда ажойиб олим”, иккинчисини эса “бу фасих киши” деб мақтайди, амирларни чақириб: “Бу икки одам Ҳалабда сизларнинг меҳмонингиздир. Уларга, уларнинг хизматкорлари, дўстлари ва уларга қўшилган кишиларга яхши муомала қилинг. Ҳеч бирор кишининг уларга азият беришига йўл қўйманг, улар учун егулик озиқ-овқат ажратинг ва уларни қалъада қолдира кўрманг, балки уларнинг яшаш жойи қилиб мадрасани, яъни қалъа рўпарасидаги Султония (мадрасаси)ни белгиланг” [4], – деб буйруқ беради.

Умуман олганда, Амир Темур билимдон, ақли, доно ва адолатли қозиларни юксак кадрлаган ва ҳурматини жойига қўйган. Соҳибқирон салтанат ишларини доимий кенгашиб, маслаҳатлашиб, керакли фикр-мулоҳазаларни эшитиб, салтанат ишларини олиб борган, давлатнинг энг муҳим ишларини ижро этган. “Салтанатим ишларини муроса-ю мадора, мурувват ва сабр-тоқат билан юргаздим... Давлат ишларини салтанат қонун-қоидаларига асосланган ҳолда бошқардим. Тўра ва тузукка таяниб, салтанатда ўз мартаба ва мақомини мустаҳкам сақлаб турдим. Амирлар, вазирлар, сипоҳ, раият – ҳар бири ўз лавозим ва мартабасидан мамнун ҳолда хизматимда бўлиб, ундан ортиғига даъвогарлик қила олмади”, – дейди Соҳибқирон “Темур тузуқлари”да.

Соҳибқирон давлат ишида тўрт нарсага амал қилган: 1) кенгаш; 2) маслаҳат; 3) хушёрлик; 4) эҳтиёткорлик. Амир Темур айтади: “Кенгаш аҳли йиғилганда олдимиздаги ишларнинг яхши-ёмон, фойда-ю зиён томонлари, уларни қилиш-қилмаслик ҳақида сўз очиб, фикр сўрар эдим. Уларнинг сўзларини эшитгач, ишнинг ҳар икки томонини мулоҳаза қилиб, фойда-зиёнларини кўнглимдан кечирар эдим; унинг хатарли томонларига кўпроқ эътибор-назар билан қарадим. Қайси бир ишда икки хатар мавжуд бўлса, ундан воз кечар эдим ва бир хатарли ишни ихтиёр этардим” [5]. Демак, Соҳибқирон муомала ва муросада

мўтадил йўл – муносабатнинг учдан бир қисми фойда келтирадиган йўлни тутган. Бошқача айтганда, кўпчилик тавсия қилган йўл мулоҳаза воситасида таҳлил қилиб кўрилган ва кўпроқ фойда (яхшилиқ) келтирадиган иш танлаб олинган.

Амир Темурнинг эътироф этишича, салтанат юритиш ишларида юқоридаги тўрт усулга амал қилиш лозимлигини унга устозларидан бири, тасаввуф шайхи Зайниддин Абубакр Тоёбодий маслаҳат тарзида ёзиб юборган ва Темурбек уни лутфан қабул қилади. Темурбек Шайх Тоёбодий мактубидаги қатъийлик ва шижоат кўрсатиш ишорасини яхши англаган, мулоҳаза воситасида муомала ва муросада мақбул усулни ўзи топиши лозимлигини тўғри тушуниб етган. Амир Темурнинг бу ўриндаги муваффақияти шундаки, фойда ва зиёни аниқ фарқлай олган. Шу сабабли Амир Темур мақбул ва мўтадил йўлни танлашда мулоҳаза кучи етмаганда таваккал қилганлар.

Масалан, баъзан Қуръони Каримдан фол очтириб, ундаги ҳукмларга асосан йўл тутган. “Бирон ишни қилмоқчи бўлиб кенгаш ўтказгач ҳам йўл мураккаб бўлиб қолса, – дейди у, – кейин Қуръондан фол очардим ва Қуръон ҳукми билан иш қилур эдим. Туғлуқ Темурхон олдига боришдан аввал (1360-йили Мўғилистон хони Туғлуқ Темурхон бостириб келганида, Темурбек уни музокара йўли билан қайтарган) Қуръонни очсам, “Юсуф” сураси чикди ва ундаги ҳукмга амал қилдим” [6].

Чунки Қуръоннинг “Юсуф” сурасида Пайғамбар Юсуфнинг ўз туғишганлари берган азоб-уқубатларга сабр-тоқат қилиб, охир-оқибатда пайғамбар ва подшолик даражасига етганлиги нозил қилинган. Ва бу воқеа Қуръонда “қиссаларнинг энг гўзали” (12-сура, 3-оят) [7], деб аталган. Амир Темур бу ўринда ана шу маънога диққат қилади ва иши ўнгидан келишига сидқидилдан ишониб, Туғлуқ Темурхон ҳузурига музокара учун йўл олади. Йигирма тўрт ёшли Амир Темур муомала ва муроса билан юртни навбатдаги ғоратдан сақлаб қолади. Туғлуқ Темурхон жанг-у жадалсиз Мўғулистонга қайтади [8].

Амир Темурнинг таъкидлашича, давлат хизматидаги шахс ўн икки сифат-фазилатга эга бўлиши керак. Булар: эътиқод; муомалалиқ; ҳушёрлик; қонунга итоаткорлик; меҳрибонлик; адолатлилик; мурувватлилик; шижоатлилик; раиятпарварлик (халқпарварлик); кадр-қимматлик; дўстлик; муросалилик. Амир Темурнинг муомала ва муроса принципида оқилона тадбир қўллаши ҳам муҳим ўрин тутди. Бу борада Темурбек шундай дейди: “Мен тажрибамдан шуни билдимки, юз минг отлиқ аскар қилолмаган ишни бир тўғри тадбир билан амалга ошириш мумкин” [9].

Унинг “Ҳар мамлакатда адолат эшигини очдим, зулм-у ситам йўлини тўсдим”, “Адоват эмас, адолат енгади”, “Адл-у эҳсон билан жаҳон гулшани обод бўлади”, “Бошсиз мамлакат жонсиз танага ўхшайди”, “Бир кунлик адолат юз кунлик тоат ибодатдан афзал”, “Ҳар неки деган бўлсам, унга амал қилдим”, “Ҳар бир диёр аҳолисининг аҳволдан огоҳ бўлиб турдим”, “Яхшиларга яхшилиқ қилдим, ёмонларни ўз ёмонликларига топширдим”, “Ўз салтанатимни шариат билан безадим”, “Адолат билан иш юритиб, жабр-зулмдан узоқроқ бўлишга интилдим” каби доно сўзлари шарқона маънавият ва маърифат ҳақидаги таълимотлар ривожланишига қўшилган буюк ҳиссадир.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Фозилов У. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг назарий ва ҳуқуқий асослари. Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2016.- Б.16.
2. Саитқосимов А. Марказий Осиё алломалари илмий қарашларида инсон ва жамият муносабатлари таҳлили. //Хоразм маъмун академияси ахборотномаси. № 9, 2020 й. –Б.143.
3. Амир Темур. Темур тузуклари. – Т.: Ғафур Ғулом, 1996. – Б.80–81
4. Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. –Тошкент, Меҳнат, 1991. – Б.207.
5. Амир Темур. Темур тузуклари. – Т.: Ғафур Ғулом, 1996. – Б.26
6. Амир Темур. Темур Тузуклари. – Т.: Ғафур Ғулом, 1996. – Б. 27–28.
7. Қуръони Карим. /Алоуддин Мансурнинг ўзбекча изоҳли тажримаси. – Т.: Чўлпон, 1992. –Б.157
8. Кароматов Ҳ. Қуръон ва ўзбек адабиёти. – Т.: Фан, 1993. – Б. 16.
9. Аҳмедов Б., Аминов А. Амир Темур ўғитлари. – Т.: Наврўз, 1992. – Б.13.

ЖАДИД МАЪРИФАТПАРВАРЛАРИ ДАВРИ МАТБУОТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

Л.Сувонов, мустақил изланувчи, Самарқанд Давлат Университети, Самарқанд

Аннотация. Марказий Осиёда ислохотчиларнинг бирлашувининг самарали шаклларида бири XX аср охирида шакллана бошлаган миллий даврий матбуот эди. Подшолик режимининг чексиз назорати ва тақиқларига қарамай, маърифатпарварлар матбуоти жадал ривожланди.

Матбуот – кенг жамоатчилик онгига мафкуравий таъсир кўрсатишининг энг муҳим воситаси ҳисобланади. Туркистон тараққийпарварлари ёзганидек, “миллий муҳрсиз миллатнинг ўзи бўлмайди”. Улар учун матбуот ўзига хос минбар бўлиб, у орқали жамиятни янгилаш гояларини оммага етказишда муҳим роль уйнади. Мазкур мақолада жадиид маърифатпарварлари даври матбуотини юзага келиш сабаблари, тарихи ва илк миллий матбуот нашрларининг ижтимоий-сиёсий ҳаётда тутган ўрни, туркистонлик жадиидларнинг публицистик мақолаларидаги шакл ва мазмун уйғунлиги илмий нуқтаи назардан очиб берилди.

Калит сўзлар: “Миллий уйғониш”, “Жадиид матбуоти”, “Таржимон”, “Тараққий”, “Садои Фарғона”, “Садои Туркистон”.

Аннотация. Одной из эффективных форм объединения реформаторов в Центральной Азии стала национальная периодическая печать, которая начала формироваться в конце XX века. Несмотря на бесконечный контроль и запреты царского режима печать просветителей интенсивно развивалась.

Печать — является важнейшим средством оказания идеологического влияния на сознание широких масс. Как писали передовые люди Туркестана, «без национальной печати нет и самой нации». Для них печать стала своеобразной трибуной, и сыграла важную роль в доведении до масс идеи об обновлении общества. В этой статье с научной точки зрения раскрываются причины возникновения печати периода просветителей-джадидов, ее история и роль первых периодических изданий в общественно-политической жизни, гармоничность формы и содержания публицистических статей туркестанских джадидов.

Ключевые слова: “Миллий уйғониш”, “Джадидская печать”, “Таржимон”, “Тараққий”, “Садои Фарғона”, “Садои Туркистон”.

Abstract. The National Press, which began to take shape at the end of the twentieth century was one of the effective forms of the unification of reformers in Central Asia. The enlighteners' press has developed rapidly despite the endless control and prohibitions of the royal regime.

The press is the most important means of ideological influence on the consciousness of the general public. As it was noted by Turkestan progressives, “without a national seal, the nation will not develop itself”. The press was a specific pulpit, which played an important role in bringing the ideas of updating society to the public.

The article explains the reasons for emerging the period of the press of Jadid enlightenment, the history and the role of the first national press publications in socio-political life, the combination of form and content in the publicity articles of Turkestan jadids.

Keywords: National awakening, Jadid press, translator, progress, Sadoi Fergana, Sadoi Turkistan.

Ўтмишда бўлиб ўтган воқеа-ҳодисаларни атрофлича тадқиқ этиш бугунги кунда содир бўлаётган жараёнларга баҳо бериш, келгуси ҳолатларни олдиндан кўриб, унга ҳозирланиш учун лозим бўлган муҳим бир заруратдир. Юртимизнинг узоқ ва яқин тарихида содир бўлган фалокат ва ҳалокатларнинг сабабларини излаш, узоқ муддат асорат ва мазлумликда бўлганлигимиз сабабларини текшириш, турли замонларда содир бўлган ижтимоий-сиёсий ва маданий жараёнлардан хабардор бўлиш, Ватанимизнинг ҳаққоний тарихини ёритишда Туркистон вақтли матбуоти ёки, “жадиид матбуоти”нинг ўрни бекиёсдир. Албатта, миллий

матбуот нашрлари саҳифаларида муҳрланиб қолган тарихий маълумотлардан фойдаланиш билан бирга айнан ўша газета-журналларнинг вужудга келиши тарихини ҳам ўрганиш, билиш ҳамда кенг оммага билдириш муҳимдир.

Абдулла Авлонийнинг (1878-1934) “Бурунги ўзбек вақтли матбуотининг тарихи” (1) номли мақоласи ўзбек миллий матбуоти тарихини яратишдаги илк қадамлардан бири бўлган. Ушбу мақола Бегали Қосимовнинг “Миллий уйғониш” (2) китобида ҳам эслатиб ўтилган. Бойбўта Дўстқораевнинг “Ўзбекистон журналистикаси тарихи” (3) дарслигида унинг айрим қисмлари келтирилган. Назира Абдуазизова ҳам ўзининг “Туркистон матбуоти тарихи (1870-1917)” (4) номли монографиясида мазкур мақоладаги маълумотлардан ўринли фойдаланган, бироқ унинг номидаги “Бурунги” сўзи “Бугунги” тарзида берилган.

Авлонийга қадар ҳам, ундан кейин ҳам турли муаллифлар томонидан Туркистон вақтли матбуотига оид мақолалар эълон қилинган. Масалан, Чўлпон Бокуда чиққан “Фуқаро фуюзоти” журналининг 1920 йил 1-сонида “Туркистон матбуоти” мақоласини эълон қилган. Мақолада 1917 йилгача бўлган даврда Туркистонда нашр этилган газета ва журналлар ҳақида умумий маълумотлар берилган бўлса-да, уларнинг чиққан саналари кўрсатилмаган. Ҳожи Муиннинг “Қизил ўзбек матбуоти” (5) мақоласида совет ҳокимияти ўрнатилгандан кейин Самарқандда нашр қилинган газета ва журналлар тўғрисида, Саид Аҳрорийнинг “Бухоронинг қизил матбуот тарихчаси” (6) мақоласида ёш бухороликлар ва коммунистлар партиясини нашри бўлган газета ва журналлар тарихи ҳақида қисқача маълумотлар берилган. 1927 йилда эса Зиё Саиднинг “Ўзбек вақтли матбуоти тарихига материаллар” китоби нашр этилган.

Авлоний ўз мақоласида Туркистонда совет матбуоти юзага келгунга қадар бўлган вақтли матбуотнинг қисқача тарихини баён қилган. Унда газета-журналларнинг чиққан саналари, муҳаррирлари, мақсад ва маслаги тўғрисида маълумотлар келтирилган. Табиийки, унда берилган маълумотлар хато ва камчиликлардан холи эмас. Буни муаллифнинг ўзи ҳам эътироф этиб, вақт зиклиги туфайли газета-журналларнинг барчасини синчиклаб кўролмаганини, мақоласини уларнинг ўзида бор нусхалари ҳамда давлат архивларида мавжуд сонлари асосида ёзганлигини қайд қилиб ўтган. У ўзи кўздан кечиролмаган газета-журналлар бор бўлса, улар ҳақида ёзишни, йўл қўйган хатоларини тузатишни илтимос қилган. Шу аснода келажакда ўзбек матбуоти тарихига бир мустақкам асос қолдириш зарурлигини таъкидлаган. Мазкур мақолани тузилиш жиҳатидан уч қисмга ажратиш мумкин. Унда даставвал Авлоний Туркистонда совет матбуоти юзага келгунга қадар чиқарилган “Туркистон вилоятининг газети”, “Туркистон вилоятининг умр гузоронлиги - Тараққий газетаси”, “Тараққий”, “Хуршид”, “Шуҳрат”, “Озиё”, “Тужжор”, “Самарқанд”, “Садои Туркистон”, “Садои Фарғона”, “Эл байроғи”, “Нажот”, “Кенгаш”, “Турон”, “Улуғ Туркистон”, “Турк эли”, “Шўрои ислом”, “Тирик сўз”, “Халқ ғайрати”, “Халқ дорулфунуни”, “Меҳнаткашлар довуши”, “Меҳнаткашлар ўқи”, “Турк сўзи” сингари газеталар, кейинги галда эса “Ал-Ислоҳ”, “Ойна”, “Дехқон”, “Юрт”, “Ишчилар дунёси”, “Ал-Изоҳ”, “Изҳор ул-ҳақ”, “Чаён” журналлари тўғрисида мухтасар маълумотлар беради. Бевосита ўзи муҳаррирлик қилган “Шуҳрат”, “Турон” газеталари тўғрисида нисбатан тўлиқроқ маълумотлар берилган.

Келтирилган маълумотлар айрим тарихий воқеаларга ҳам ойдинлик киритишда ёрдам беради. Хусусан, “Турон” газетасига оид маълумотлар берилганда унинг 1917 йил 2-сонида Мирмуҳсиннинг эски мадрасалардаги ўқитув ишларини танқид этиб, уламоларнинг ижтимоий тараққиётдан орқада қолаётганликлари ҳақида ёзган мақоласи эълон қилинади. Ушбу мақола, Авлонийнинг ёзишича, “Уламо жамияти” ва “Шўрои ислом” аъзоларининг баъзиларини ғазабга келтирган. “Шўрои ислом”нинг умумий йиғинида “Турон” газетасига ҳужум бўлиб, Мирмуҳсин билан Абдулла Авлоний танқид остида қолади. Ҳатто уларни тошбўрон қилмоқчи бўлишади. Мажлисда Авлоний чиқиб, тавба-тазарруъ қилгандан кейин аранг жонини қутқариб қолган. Лекин улар газетага бойкот эълон қилиб қарор чиқарган. “Уламо жамияти” вакиллари “Турон” жамияти идорасига келиб газета чиқармаслик учун Авлонийдан ёзма тилхат ҳам олган. Мирмуҳсин бир неча кун яшириниб юргач, қўлга

олиниб, қози томонидан тергов қилинади(7). Ўртага ҳукумат аралашгач у оғир жазодан қутилиб қолади. Таъкидлаш жоизки, тарихда “Мирмуҳсин масаласи” номи билан машҳур бўлиб кетган воқеага оид ушбу маълумотлар бошқа манбаларда учрамайди. Мустафо Чўқаев хотираларида қайд этишича, “Мирмуҳсин ҳодисаси шу йўл билан Туркистонни сиёсатан қутқармоқчи бўлиб юрганларнинг сиёсий жаҳолати даражасини кўрсатаётган қайғули манзараларнинг бири эди”(8).

Маълумки, 1917 йилдан кейин ҳокимият тепасига большевиклар келгач, жаид маърифатпарварлари ўз ғояларини матбуотда 1924 йилларгача гоҳо очик, гоҳо пинҳон тарзда баён қилиб борган. Ўз мақолаларида иложи борича келажак авлодлар учун ҳаққоний маълумотларни қолдиришга ҳаракат қилганлар. Авлоний ҳам “Бурунги ўзбек вақтли матбуотининг тарихи” мақоласининг хулоса қисмида XIX аср охири - XX аср бошларида Туркистонда тараққийпарвар ёшлар ҳамда руҳонийлар ва бойлардан иборат икки оқим мавжуд бўлганлиги, ушбу оқимларнинг маслаги, мақсади ҳақида ўзининг қимматли фикрларини баён этган. Жумладан, тараққийпарварлар хусусида фикр билдириб, уларнинг асосий мақсади Россия империясида содир бўлаётган ўзгаришлар давридан фойдаланган ҳолда “халқнинг кўзини очиб, турли илмий, маданий йўллар билан келгуси учун кишилар тайёрламоқ эди. Ва амалий чораларга қурол қилиб мактаб, матбуот ва санъи нафиса¹ ишларини олгон эди. Албатта, тараққий йўлида бу уч нарса ғоят буюк амаллардандир”, дея хулоса чиқаради. Албатта, мақоладаги маълумотларни истифода қилишда унинг советлар мафқураси руҳида, мустабид тузум манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ёзилганини инобатга олиш зарур. Авлонийнинг ушбу мақоласи тарихшунос, тилшунос, журналистика ҳамда миллий матбуот тарихи билан шуғулланувчи тадқиқотчилар учун қимматли манба бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистонда миллий матбуотнинг туғилиш, шаклланиш ва ривожланиш тарихи юз йилдан зиёдроқ вақтни ўз ичига олади. XX аср бошларида, аниқроқ айтганда, 1906 йилда дунё юзини кўрган “Тараққий” миллий ўзбек матбуотининг қалдирғоч газетаси бўлган бўлса, ундан кейин 1917 йилга қадар 10 дан ортиқ газета ва журнал нашр этилди. Афсуски, бу вақтли нашрлар Подшоҳ Россияси манфаатларига хизмат қилмаганлиги, аксинча, ўзбек халқи миллий онги, ижтимоий, иқтисодий ва маданий даражасининг ошиши йўлида фаолият олиб борганлиги учун Подшоҳ Россияси цензурасининг сиқуви, айрим ҳолларда эса иқтисодий қийинчиликка дуч келганлиги сабаб узоқ яшамади. Аммо шунга қарамай, бу нашрларнинг ҳар бири махсус ўрганишни, ҳатто уларда эълон қилинган ва халқимизнинг ижтимоий онгининг ошишига қаратилган хабар ва мақолалар ҳанузгача ўз кадр-қимматини йўқотмагани билан аҳамиятлидир.

XX асрнинг биринчи ўн йилликларида Марказий Осиёда маърифатпарвар боболаримизнинг бевосита иштирокида “Тариққий”, “Хуршид” (1906), “Осиё”, “Тужжор”, “Шухрат” (1907), “Турон”, “Бухоройи Шариф” (1912), “Оина”, “Самарқанд” (1913), “Садои Фарғона”, “Садои Туркистон” (1914-1915) каби газета ва журналлар ташкил этилди. 1917 йилда “Хуррият”, “Нажот”, “Кенгаш”, “Турон”, “Улуғ Туркистон” каби босмаҳоналар ташкил этилди.

Энг муҳими, миллий матбуот минтақада прогрессив фикрлайдиган, миллат фаровонлиги учун ғамхўрлик қиладиган ва турғунлик, қолоқлик ва жаҳолат билан курашадиган янги типдаги шахслар мавжудлигини аниқ намоён этди.

Марказий Осиё матбуоти тарихига назар солсак, 1870 йилдан Тошкентда чиқа бошлаган илк газеталар – “Туркестанские ведомости” (“Туркистон ведомостлари”) ва “Туркистон вилоятининг газети”дир. Туркистон генерал-губернаторлиги томонидан ташкил этилган мазкур нашрлардан кўзланган асосий мақсад мустамлакачиларнинг ерли халқларга ўзларининг сиёсатларини тарғиб ва ташвиқ этиш бўлган. Мазкур газета ҳарбий округ штаби ҳузуридаги босмаҳонада нашр этилган. Уларнинг ҳар иккиси ҳам 1917 йилгача чоп

¹Санъи нафиса - маданият, санъат, масалан театр.

этирилгани боис Туркистон матбуоти тарихида узок муддат давомида узлуксиз фаолият кўрсатган даврий нашрлар саналади.

Мазкур газета ўлкадаги даврий матбуотнинг шаклланиши ва ривожланиши учун туртки бергани билан ҳам аҳамиятлидир.

“Туркистон вилоятининг газети” ўзбек публицистикасининг шаклланишига йўл очди. Зокиржон Фурқат, Сатторхон Абдуғаффоров, Исҳоқхон Ибрат, Маҳмудхўжа Бехбудий ва бошқа зиёлиларнинг бу газетадаги чиқишлари натижасида Туркистон ўлкасида жаҳолатга қарши кураш, оммани, айниқса, ёш авлодни ҳар томонлама илм-маърифатли қилиб тарбиялашга интилиш ҳаракатининг кучайишини таъминлади. Бошқача айтганда, мазкур нашр маърифатпарварларнинг фикр ва сўз айтиши учун илк минбар вазифасини ўтади.

XIX-асрнинг 90-йиллари Туркистонда матбуот соҳасида ўзига хос янгилашиш жараёнлари кузатилди. Ана шу даврдан эътиборан ўлкада рус тилидаги дастлабки хусусий газета ўз фаолиятини бошлади. Тошкентда нашр қилинган “Окраина” (1890–1907), “Русский Туркестан” (1898–1907) газеталари дастлабки хусусий нашрлардир. Бу газеталар либерал-буржуа йўналишига эга бўлиб, ўлкадаги рус тadbиркорларининг манфаатларини ўзида акс эттирган. Бу каби газеталар генерал-губернаторликнинг расмий нашрларидан фарқли равишда, кишиларни сиёсий, иқтисодий ва адабий ҳаётга алоқадор ахборот билан таъминлаш баробарида жамиятдаги ижтимоий муносабатларни танқид қилиш орқали мавжуд муаммолар ечимини излагани билан ҳам аҳамиятлидир.

XX-асрнинг бошида Тошкент рус сиёсий матбуоти тармоғида ишчилар ҳаракатининг пайдо бўлиши заминида туғилган социал-демократик нашрлар ҳам жой ола бошлайди.

Чор Россияси маҳаллий халқлар онги ва билим савиясининг юксалишидан манфаатдор бўлмаган. Шу боис ҳукмрон сиёсат миллий онгнинг юксалишига хизмат қиладиган воситаларнинг, жумладан, миллий тилдаги даврий нашрларнинг юзага келишига иложи борича йўл қўймади. 1906 йилга қадар бутун ўлкада ягона “Туркистон вилоятининг газети”дан бўлак маҳаллий тилда биронта газета нашр қилинмагани ҳам бунинг ёрқин далилидир.

Тошкентда ўзбек тилидаги дастлабки мустақил даврий нашрларнинг пайдо бўлиши 1905–1907 йиллардаги биринчи рус инқилоби даврига тўғри келади. Бу, шубҳасиз, ўлка ижтимоий ҳаётида тарихий аҳамиятга эга муҳим воқеа эди. Инқилобий ҳаракатлардан саросимага тушган чоризм турли ислохотлар соясида матбуот соҳасида ҳам ён беришга, сўз эркинлигини қисман бўлса-да таъминлашга мажбур бўлди. Ўлканинг зиёлилари бундан фойдаланиб, даврий нашрлар чиқариш тўғрисида чор маъмуриятдан руҳсатномалар олишга эришди. Тошкентда дастлабки ижтимоий-сиёсий ва адабий мазмундаги ўзбекча даврий нашрлар ташкил топди. Уларнинг ташкилотчилари, муҳаррирлари ва етакчи муаллифлари, асосан, XX-аср бошида Туркистонда юзага келган жадидчилик ҳаракатининг ғоявий йўлбошчилари, маҳаллий саноатчи бойлар бўлган. Хусусан, тошкентлик Сайидкарим Сайидазимбой 1907 йилда тижоратчиларнинг махсус “Тужжор” газетасига асос солди. Бир йилдан сўнг рус тилида шундай газета (“Туркестанская торгово-промышленная газета”) чиқарилди. Жадидлар истилочилар ва уларнинг маҳаллий малайлари томонидан топталган Туркистон ўлкасини обод ва тараққий этган юртга айлантириш, халқни жаҳолат, илмсизлик ва хурофот ботқоғидан кутқариб, илм-маърифатли этиш орзусида кенг фаолият олиб бордилар. Зеро, улар бундай эзгу ниятларга эришишда матбуот қудратли таъсир воситаларидан бири эканини яхши англаган.

Ўзбекистонда чинакам миллий матбуотнинг юзага келиши 1906 йил 27 июнда Исмоил Обидов бошчилигидаги тошкентлик тараққийпарварлар ўзбек тилида “Тариққий” (“Прогресс”) номли биринчи газеталарни чиқара бошлаганларидан бошланди.

Бироқ бу газетанинг фаолияти машаққатли кечди. Чор Россияси цензураси уларни қаттиқ исканжага олди. Тошкентда чиққан “Тараққий”, “Хуршид” (1906), “Шухрат” (1907), “Осиё” (1908) газеталари йўналиши ўша пайтдаги сиёсат учун хавфли бўлгани сабаб Туркистондаги чор маъмурияти томонидан ёпиб қўйилди. Бошқа нашрларнинг тез-тез молиявий тангликка гирифтор бўлиши ҳам улар фаолиятининг тўхташига сабаб бўлди.

Тошкентда маърифатчилар томонидан асос солинган ўзбек матбуоти ўз йўлидаги жиддий тўсиқ ва ғовларга қарамай миллий онг, тил, адабиёт ва журналистикани шакллантиришга муайян таъсир кўрсатди.

1917 йил Февраль инқилоби Туркистондаги ижтимоий муносабатлар, шу жумладан, матбуот ривожига ҳам таъсир кўрсатмай қолмади. Миллий бирлик ҳаракатини авж олдиришга, ўзбек халқининг истиқлолга эришиш йўлидаги ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга 1917 йилда ташкил этилган “Нажот”, “Турк эли”, “Турон”, “Улуғ Туркистон” газетаси ўзига хос ҳисса қўшди. Янгиланиш ва ислоҳотлар талаби билан майдонга келган мазкур нашрлар ўлкада совет ҳокимияти ўрнатилган даврда бир муддат чиқишда давом этган бўлса ҳам, бироқ кўп ўтмай, янги ҳукмрон мафкура етакчилари томонидан “аксилинқилобчи”ликда айбланиб, фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлди.

Тошкентда ташкил этилган даврий нашрлар фаолиятини йўлга қўйишда маҳаллий рус матбуоти ҳамда Россиянинг турли ҳудудларида татар тилида нашр қилинган газетанинг, хусусан, маърифатчи Исмоилбек Гаспринский муҳаррирлигида чиққан “Таржумон” газетанинг иш тажрибасига таянилган. Гаспиралининг “Таржимон” газетаси бош муҳаррири ва миллий матбаа ишларини ривожлантириш ғоясининг фаол тарғиботчиси сифатидаги фаолияти Марказий Осиёдаги кўплаб ўқимшли кишилар ва жадидларни илк газеталарни чоп этиришга ундади. Улар тез орада атрофига анъанавий жамиятни ислоҳ этиш ва мусулмон Шарқ халқларини интеграция қилишга бел боғлаган кишиларни жипслаштира билди.

Ислоҳотчилик ҳаракати қамраб олган Россия империясининг мусулмонлар яшайдиган ҳудудларидан ва Шарқнинг айрим чегарадош мамлакатларидан ўлкага – расмий ҳокимият турли хил тўсиқлар қўяётганига қарамай – кириб келган янги озодлик ғояларидан илҳомланган Марказий Осиё жадидлари ва тараққийпарварлари (Абдулла Авлоний, Ақобир Шомансурзода, Носирхон тўра, Исҳоқхон Иброт, Мунаввар қори, Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдурауф Фитрат, Ашуралӣ Зоҳирий, Убайдулла Хўжа, Обиджон Маҳмуд, А. Букейхонов, А. Бойтурсунов, М. Дулатов, С. Асфандиёров, М. Тинишпаев, Мустафо Чўкай ва в.) анъанавий жамиятни янгилаш ва уни XX аср шароитига мослаштиришга қаратилган лойиҳаларини амалга ошириш йўлида саъй-ҳаракатларини аямади.

Жадидлар ва уларга ҳамдард бўлган зиёлилар маҳаллий аҳоли ва ҳукуматларнинг заифлиги ва тарқоқлигини, ҳукуматларнинг пировардида Россия босқинига айтарлик қаршилиқ кўрсата олмайдиган даражага тушиб қолгани сабабини анъанавий жамият, унинг бошқарув институтлари, мафкураси ва маҳаллий аҳолининг ҳаёт тарзи қоқоқлигида кўрди. Яна бир сабаб ижтимоий низолар, доимий урушлар, давлатлараро ва уруғ-аймоқлар ўртасидаги душманлик эди.

Маҳмудхўжа Бехбудий шу муносабат билан мана бундай деб ёзган эди: “Агар бизни мустамлакачилик қонунлари билан бошқараётган бўлишса, бунга келишмовчиликларимиз сабабдир”(9). Тараққийпарвар кишиларнинг фикрича, Россия истилоси Туркистон жамиятини “узоқ қарахтлик”дан уйғонишга мажбур қилди, шу билан бирга маълум маънода миллий ўзликни англаш, нафақат империянинг улкан ҳудудларида, балки бошқа жойларда ҳам интеграция жараёнлари фаоллашуви ва унга маҳаллий мусулмонларни жалб этишга хизмат қилди.

Жадидлар минтақага янги техник ютуқлар, замонавий илмий тафаккур, жаҳон адабиёти ва маданияти асарлари кириб келишига шоҳид бўлди. Улар даврида Туркистонда ёритилган равон кўчалар, истироҳат боғлари, хиёбонлар, дорихоналари ва телеграфи бор “руслар” шаҳарлари қурилиши бошланди. Янги улов турлари, хусусан, трамвай пайдо бўлди ҳамда илк темирйўл излари ётқизилди.

Бироқ Россия ўлкани мустамлака қилиб олишининг кўзга ташланиб турган объектив ва ижобий натижаларини эътироф этиш баробарида миллий зиёлилар туркистонликларнинг сиёсий ва иқтисодий қарамликда ушлаб турилган шароитда бу ерда яшовчи халқларнинг ижтимоий онгида миллий тушқунлик ва ўзини тўлақонли одам деб ҳис қилмаслик ҳоллари ортиб боришини ҳамда бу Марказий Осиё халқларининг замонавий ва фаровон миллатлар

сифатидаги ривожланиш суръати ва истиқболига ҳалокатли таъсир кўрсатишини яхши тушунар эди. Умуман олганда, ўзининг миллий жиҳатдан тўлақонли эмаслигини англаш жамиятнинг маънавий ҳаётида пайдо бўлаётган эди.

Жадидлар вужудга келган вазиятдан чиқиш йўлини, яъни миллатнинг маънавий ҳолатини белгилайдиган энг муҳим омил, жамиятнинг тарихий онги даражасини кўтариш, деб ҳисоблар эди. Миллий ҳаракат етакчилари инсоният тарихи билан жиддий қизиқиб қолган ва бир замонлар ушбу заминда қудратли давлатлар ҳукм сургани, уларда жаҳон тамаддуни тараққиётига бебаҳо ҳисса қўшган буюк олимлар ва мутафаккирлар яшаб ўтганидан яхши хабардор эди. Тараққийпарварлар фикрича, ушбу ҳолатни тушуниш, ватандошларга ёрдам беришнинг ягона йўли уларнинг тафаккури ва онгини юксалтириш ва буни фақатгина маҳаллий матбуот, яъни газета ва журналлар орқали амалга оширишда кўришди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. “Туркистон” газетаси. 1924 йил 24 июн 295-сон.
2. Бегали Қосимов “Миллий уйғониш” Тошкент, “Маънавият”, 2002 й.
3. Бойбўта Дўстқорасев. “Ўзбекистон журналистикаси тарихи” Тошкент, Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2009 й.
4. Назира Абдуазизова. “Туркистон матбуоти тарихи (1870-1917)” Тошкент, “Академия”, 2000 й.
5. “Зарафшон” газетаси, 1924 йил 21 июнь.
6. “Озод Бухоро” газетаси, 1924 йил 21, 29 июнь.
7. Мирмуҳсин “Тарихий икки воқеа” мақоласидаги “...маориф душмани судрама чопон, жонли тегирмонлар”, “қози калон, қушбеги, офтобачи - тагин нима балолар исми ила шухратланган Бухорони микроблари” деган сўзлари учун жазоланган. “Турон”нинг 3-сонида Авлоний “Эътироз” мақоласи билан авф сўраган.
8. Мустафо Чўқай ўғли. Истиқлол жаллодлари: (1917 йил хотиралари). -Т.: Фафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси. 1992. -Б. 57.
9. Бехбудий М., Баёни ҳақиқат // Улуғ Туркистон, 1917 йил 12 июнь.

УЎК: 7.072.2

ЎЗБЕК МИЛЛИЙ МУСИҚА САНЪАТИНИНГ РИВОЖИДА БУХОРО ШАРҚ МУСИҚА МАКТАБИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

Қ.Ф. Тўраев, ўқитувчи, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти, Тошкент

Аннотация. Мақолада XX асрнинг бошида ташкил этилган Бухоро шарқ мусиқа мактабининг ўзбек миллий мусиқа санъати ривожидеги ўрни тарихий аспектда таҳлил қилинган. Шаймақом санъатини ўрганиши, уни ноталаштириши, келажак авлодга асл ҳолатида етказиши йўлида қилинган ҳаракатлар тўғрисида илмий хулосалар берилган.

Калит сўзлар: мусиқа, мактаб, шаймақом, созанда, хонанда, тарбия.

Аннотация. В статье анализируется роль Бухарской восточной музыкальной школы в развитии узбекского национального музыкального искусства в историческом аспекте. Сделаны научные выводы о действиях изучения искусства шаймаком, его нотирования и передачи будущему поколению в оригинале.

Ключевые слова: музыка, школа, шаймаком, музыкант, певец, воспитание.

Abstract. The article analyzes the role of the Bukhara Eastern Music School in the development of Uzbek national musical art in the historical aspect. Scientific conclusions were made about the actions of studying the art of checkmack, its notation and transmission to the future generation in the original.

Key words: music, school, drafts, musician, singer, upbringing.

IX асрнинг охири ва X асрнинг бошида Бухорода туғилиб, яшаб ўтган йирик хонанда, созанда ва мусиқийдон Абулаббос Бахтиёр томонидан Бухорода илк мусиқа мактаби очилади. Абулаббос Бахтиёр мактаб ўқувчиларига мусиқа назарияси ва амалиётидан сабоқ беради. Шунингдек, у мактаб ўқувчилари учун мусиқа назариясидан қатор дарсликлар яратади. Шу билан бирга юнон олимлари Птолемей ва Евклидларнинг “Ритмика”, “Мусиқа

конунлари” каби йирик асарларини таржима қилиб мактаб дастурига киритади. Абулаббос Мутриб ўз фаолияти давомида кўп шогирдлар тайёрлайди. Жумладан, улуг шоир ва созанда Абу Абдуллох Рўдакий ҳам унинг энг моҳир шогирдларидан бўлган. Кейинчалик бу анъана (мактабдорлик анъанаси) Самарқанд, Хирот, Исфаҳон, Шероз, Дехли ва бошқа шаҳарларда ҳам давом этиб, ушбу масканларда ҳам мусиқий мактаблар таъсис этилиб, истеъдодли ёшларга мусиқий таълим бериш йўлга қўйилади. Ташкил этилган мазкур мусиқий мактабларга Амир Хусрав, Абдуқодир Мароғий, Носириддин Қаввол, Маҳмуд Хусайн, Уста Шоди, Гулом Шоди, Мирак Мажруҳ Бухорий, Хожа Жаъфар Қонуний, Хожа Алиакбар Қонуний, Нажмиддин Кавкабий, Бухорий, Мирзаолий Чангий, Дарвешали Чангий ва бошқалар сардорлик ҳамда устозлик қилганлар. Демак ёшларга мусиқий тарбия бериш, уларни маълум дастурлар асосида ўқитиш мақсадида очилган мусиқа мактаблари тарихининг ҳам узоқ илдизлари борлигини кўриш мумкин.

XX аср бошида Файзулла Хўжаев ва Абдурауф Фитратлар ташаббуси билан Бухорода ташкил этилган Шарқ мусиқаси мактаби эса, Ўрта Осиё ҳудудида ягона мусиқа мактаби ҳисобланиб, у юқорида айтиб ўтилган мусиқа мактабларини ташкил этиш анъанасининг мантиқий давоми бўлган. Бухоро Шарқ мусиқаси мактабида икки йўналишда: хонандалик ва созандалик – мақом ижрочилиги бўйича ёш истеъдодларга сабоқ берилган. Хонандалик бўлимига Ота Жалол, созандалик шўъбасига Ота Ғиёс раҳбарлик қилганлар. Мактабнинг илк ўқитувчилари ота Жалол, ота Ғиёс, домла Ҳалим, уста Шоди, Ҳожи Абдурахмон, Ҳайдаркул қоровулбеги, Тоҳиржон Давлатзода, Леви Бобохонов, Маъруфжон Тошпўлатов, Мирзаотагон Танбурий каби мақомдон устозлар бўлган. Шарқ мусиқа мактабининг дастлабки ўқувчилари эса Нажмиддин Насриддинов, Бобокул Файзуллаев, Шохназар Соҳибов, Муҳтор Ашрафий, Моше Бобохонов, Боруҳ Зиркиев, Олимжон Ҳалимов, Аминжон Исмаатов, Ҳомидий, Маъруф Носиров, Жаббор Жалилов сингари истеъдодли ёшлар бўлган. Мусиқа мактабида ёшларга ўзбек ва тожик халқининг бой мусиқий мероси – Шашмақомнинг мушқилот ва наср шўъбаларидан сабоқ бериш билан бирга араб тили фани ҳам ўқитилган. Мактабга дастлаб Абдурауф Фитрат, кейинчалик эса Ражабзода Ниёзийлар раҳбарлик қилганлар.

Гап шундаки, ўша даврда Шарқ мусиқа мактабига ёшларни ўқишга жалб этиш осон кечмаган, чунки у пайтда, мусиқа машғулоти халқ орасида касб ҳисобланмаган ва ҳатто созандалик айрим кишилар нигоҳида айб саналган машғулот сифатида кўринган. Ушбу қийинчилик ва мушқилотларга қарамай маҳаллий ҳукумат бу муҳим ишга катта эътибор қаратиб, бепул ўқув тизимини жорий қилган ва мактабнинг барча сарфу харажатлари ҳамда ўқитувчиларнинг моддий таъминоти Бухоро халқ Республикаси маориф ножири Абдурауф Фитрат зиммасига юклатилган (баъзи манбаларга қараганда мактаб муаллимларининг ойлик маошини А.Фитрат ўз шахсий маблағи ҳисобидан тўлаган).

Шарқ мусиқа мактаби Бухоро шаҳрининг Равғангарон гузарида БХШЖ ҳукумати томонидан А.Фитратга инъом этилган ҳовлида (ҳозирда хусусийлаштирилган 8-уй) фаолият кўрсатган. Унда таълим жараёни Шарқона услуб устоз - шогирд сабоқлари асосида олиб борилган. БХШЖ ҳукуматининг 1921 йил 10 августдаги фармойиши билан мактабга Абдурауф Фитрат директор, Домла Ҳалим Ибодов ўқув бўлими мудирини этиб тайинланган эди [1]. Мактабда дарслар режа асосида олиб борилган. Хонандалик (бўлим раҳбари Ота Жалол) ва созандалик (бўлим раҳбари Ота Ғиёс) бўлимларида таҳсил оладиган ўқувчилар нафақат куйлаш ёки соз чалиш ҳунарларини ўрганганлар, балки иккала йўналишдан ҳам дарс олиб, анча мукамал мутахассис сифатида ўқишни битириб чиққанлар.

Шарқ мусиқа мактабининг биринчи гуруҳ хонанда ва созандалари 1923 йилда уни тамомлаганлар. Битирувчиларнинг аксарияти мактаб хатмидан сўнг мазкур даргоҳда устоз – муаллим сифатида фаолият кўрсата бошлаганлар. Мактабда талабаларга А.Фитрат томонидан тузилган ўқув режаси ва дастури асосида сабоқ берилган. Уларга мақом шўъбаларини куйлаш билан бир қаторда халқ чолғуларидан дойра, танбур, дутор, афғон рубоби, қобуз, ғижжак, най каби созларни чалиш ўргатилган. Хусусан, дойра, танбур, дутор каби қадимий созлар шогирдларга мукамал ўргатилган.

Кейинчалик Шарқ мусиқа мактабини ўзбек мусиқасининг келажакдаги йирик арбоблари машҳур бастакорлар ҳамда номдор созандалар: Мухтор Ашрафий, Мутал Бурҳонов, Фазлиддин Шамсиддинов, Товур Жумаев, Раҳимжон Қомилжонов, Аюб Қодиров, Эргаш Шукруллаев, Самеҳжон Воҳидов, Тўра Жўраев, Ёқуб Давидов, Ари Бобохонов, Сулаймон Тахалов, Амин Каримов, Миша Гулқаров каби истеъдодли санъаткорлар битириб чиқадилар. Абдурауф Фитрат жонкуярлиги ва фидойилиги эвазига Шарқ мусиқа мактабида мусиқа таълими анча ривожланади ва 1934 йилдан бошлаб мазкур ўқув маскани замирида Бухоро мусиқа билим юрти ташкил этилади (Шарқ мусиқа мактаби эса, мустақил тарзда ўз фаолиятини болалар мусиқа мактаби номи билан ханузгача давом эттириб келмоқда).

Мусиқа билим юртига истеъдодли ташкилотчи Темур Бақоев директор этиб тайинланади. Бу даврга келиб мусиқа билим юртининг ўқув режаси ва дастурлари такомиллашиб, мусиқанинг турли соҳалари бўйича мутахассисларни тайёрлайдиган янги бўлимлар очилади ва билим юрти мусиқа педагоглари сафи моҳир ташкилотчи ва истеъдодли мураббий Аҳмад Ихтиёров, Нусрат Иноқов каби қобилиятли мутахассислар билан тўлдирилади.

Шундай қилиб, мусиқа билим юртида ўқиш жараёни қизғин кетаётган пайтда Иккинчи жаҳон уруши бошланиб билим юрти фаолияти бир муддат ўз ишини тўхтатади ва у 1944 йилдан бошлаб яна ўз фаолиятини давом эттира бошлайди. Уруш йилларида Ленинград, Киев, Белоруссия ва Болтиқ бўйи Республикаларидан Бухорога эвакуация қилинган йирик мусиқа мутахассислари Ф.Мюллер, Б.О.Бутузов, Ф.Е.Маргелас, А.М.Давиденко, Ш.Г.Алимов, В.С. Власенко (моҳир педагог В.С.Власенко Бухорога урушдан анча олдин келиб қолган эди) Л.Г.Плегина, Л.Г.Иванова, О.Рагозин, В.А.Коросталева сингари тажрибали педагоглар билим юртида ишлаб бошлайдилар. 1947 йилдан бошлаб мусиқа билим юрти Бухоро давлат мусиқа билим юрти деб атала бошлайди. Шу йилдан бошлаб билим юртига узоқ йиллардан бери директор ўринбосари вазифасида ишлаб келаётган моҳир ташкилотчи, қобилиятли педагог Аҳмад Ихтиёров раҳбарликка тайинланади. Устоз А.Ихтиёров бу лавозимда қарийб 30 йилга яқин муддатда фаолият юритиб, билим юртида ўқув ишлари сифатини кўтариш, унинг моддий – техник базасини мустаҳкамлаш, энг муҳими таълим сифатини яхшилаб, малакавий мутахассис кадрларни тайёрлашда фидойилик қилиб, билим юртининг Республикада катта мавқега эга бўлиши учун жасорат кўрсатди.

Дарҳақиқат, устоз А.Ихтиёровнинг жонкуярлиги туфайли билим юртида кейинги йилларда кадрлар тайёрлаш бўйича ихтисослик турлари кенгайди, ўқув дастурлари янгиланиб, ўқув сифати сезиларли даражада такомиллашди. Бу даврда билим юртини А.Бобохонов, С.Тахалов, А.Каримов, М.Муҳаммедов, С.Шодмонов, У.Наимов, М.Саъдуллаев, Т.Турсунов, О.Атоев, Ф.Тўраев, С.Дўстов, Ж.Ҳотамов, Р.Иноятов, Ҳ.Раҳматов, Ҳ.Абдуллаев, М.Ҳожиев, М.Раҳматов, Ў.Расулов, Ж.Шуқуров, М.Бафоев, О.Матёқубов сингари ўзбек мусиқа санъати ривожига муносиб ҳисса қўшган ва қўшиб келаётган соз устозлари ҳамда мусиқа тадқиқотчилари битириб чиқдилар.

1976 йилда Бухоро давлат мусиқа билим юртига атоқли композитор М.Ашрафий номи берилди. Билим юртида 1983 йилда қўғирчоқ театри ва рассомчилик бўлимлари очилиши муносабати билан у Бухоро санъат билим юртига айлантирилди. Билим юрти хусусан, Мустақиллик йилларида ўз салоҳияти ва мавқеини янада кенгайтди. У бу жараёнда янги ўқув йўналишлари ва ихтисосликларга эга бўлди. Анъанавий чолғу ижрочилиги, анъанавий хонандалик, халқ рақси, эстрада чолғучилиги, эстрада хонандалиги, мусиқа назарияси ва бастакорлик, овоз операторлиги, бадиий безаш, сахна маҳорати сингари ўнлаб янги бўлимлар очилиб, унинг кадрлар тайёрлаш салоҳияти янада кенгайтирилди.

Бу даврда фортепиано, хор дирижёрлиги, торли чолғулар, дамли созлар, хусусан, миллий мусиқага эътибор кучайиб, анъанавий ижро ва ҳофизлик бўлимлари талаба ҳамда ўқитувчилари Республика миқёсида ўтказилаётган кўрик – танловларда иштирок этиб ғолибликни қўлга кирита бошладилар. Булар сафида Ўзбекистон халқ артисти Ўлмас Расулов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, “Эл-юрт хурмати” ордени соҳиби Ориф Атоев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Юнус Тўраев, Баҳром Мавлонов,

Республикада хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Раҳматулла Иноятлов, собиқ талабалардан Ўзбекистон халқ ҳофизи Соҳиб Ниёзов, Республикада хизмат кўрсатган артистлар Рустам Абдуллаев, Юлдуз Турдиева, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Саломат Раҳмонова, “Ниҳол” мукофоти соҳиби Жўрабой Ҳафизов, Зулфия мукофоти совриндори Мохичехра Шомуродова, Гулзода Худойназарова, Илём Арабов, Сайёд Жўраев, Дилфуза ва Маржона Қобиловалар, Гулчиroy Бахшуллаева, Москвада ўтказилган “Янги номлар” халқаро анжуманида фортепиано бўйича синф устаси Мунира Хўжаева, Маржона Икромова ва Сабоҳат Ашурова, шунингдек истеъдодли хонанда ва созандалар Ўлмас Оллоберганов, Бобур Кенжаев, Муҳаббат Мирзаева ва Ҳилола Самиева номларини айтиш мумкин.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Бухорода ташкил этилган шарқ мусиқа мактаби ўзбек миллий мусиқа санъати ривожига катта аҳамиятга эга бўлиб, ҳозирги кунга қадар ўз самарасини кўрсатиб келаётганини юқорида таъкидланган ютуқлар мисолида яққол кўриш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Матёкубов О. Мақомот. – Тошкент, Мусиқа. – 2004. – 216 б.
2. Сафаров О. Шашмақом ватани оҳанглари. – Тошкент, Фан. – 2009.
3. Тўраев Ф. Бухоро шашмақоми тарихидан... - Тошкент, Мусиқа. - 2011.- 180 б.
4. Тўраев Ф. Мутрибот қалбидан учган наволар. – Тошкент, Наврўз. - 2018. - 320 б.
5. Тўраев Ф. Бухоро муғаннийлари. – Тошкент: Фан. - 2008. – 323 б.
6. Фитрат А. Ўзбек классик мусиқаси унинг тарихи. –Тошкент: Фан. 1993.

УЎК 94

АРАБ ХАЛИФАЛИГИГА МУНОСИБ ҚАРШИЛИК КЎРСАТГАН САРҚАРДА

А.А. Унгалов, таянч докторант, Самарқанд давлат университети, Самарқанд

Аннотация. *Араб халифалиги томонидан Мовароуннаҳрда олиб борилган ҳарбий юришлар, Гуракнинг сиёсий фаолияти ва Сугддаги вазият, Деваштичнинг сиёсий кураш майдонига чиқиши ва арабларга қарши ҳарбий ҳаракатлари, Саид ал-Хараший фаолияти.*

Калит сўзлар: *Мовароуннаҳр, Қутайба ибн Муслим, Тархун, Гурак, Муг архивлари, Қутайба ибн Муслим, Деваштич, Афарун, Фатуфарин, Турк хоқонлиги, Туркаш, Қапагон, Қум жанги*

Аннотация. *Военные походы проведенные Арабским халифатом в Мовароуннахре, политическая деятельность Гурака и ситуация в Согде, выход Деваштича на арену политической борьбы и его военные действия против арабов, деятельность Саида аль-Харашии.*

Ключевые слова: *Мовароуннахр, Қутайба ибн Муслим, Тархун, Гурак, Архивы Муг, Қутайба ибн Муслим, Деваштич, Афарун, Фатуфарин, Турецкое ханство, Туркашлар, Қапаган, Песчаная битва*

Abstract. *The military marches carried out by the Arab Caliphate in Movarounnahr, the political activities of Gurak and the situation in Sughd, Devashtich's entry into the arena of political struggle and his military actions against the Arabs, the activities of Said al-Harashi.*

Keywords: *Movarounnahr, Qutayba ibn Muslim, Tarhun, Gurak, Mug archives, Qutayba ibn Muslim, Devashtich, Afarun, Fatufarin, Turkish Khanate, Turkashs, Kapaghan, Sand battle*

Тарихий манбалар орқали тарих янгиланишда давом этади. Ҳали бизга маълум бўлмаган воқеа-ҳодиса ва шахслар ҳақидаги маълумотлар секин-асталик билан тилга киради. Юртимизнинг Араб халифалиги босқини давридаги тарихида ҳам мана шундай жумбоқли ўринлар бисёрки, улар ҳамон мукамал ўрганишга муҳтож. Тарихда шундай шахслар бўладик, улар ўз жонидан кечиб бўлса-да, ватани, халқи учун ҳамма нарсага тайёр туради. Ватанпарварлик ва халқпарварлик туйғулари олдида у учун наф келтириши мумкин бўлган ўзга туйғулар аҳамиятсиз кўринади. Ана шундай юртпарварлардан бири Панжикент ҳокими, Сугд ҳукмдори, Самарқанд подшоси - Деваштич эди.

Деваштич ҳақидаги маълумотлар XX асргача деярли мавҳумлигича қолган. Айнан унинг Деваштич номи билан тарихда қайта тикланиши ҳозирги Тожикистоннинг Панжикентга яқин Хайдаробод қишлоғидаги чўпон Жўрали Маҳмудалининг фаройиб хат топиб олиши ва Заҳматобод тумани партия котиби Абдулҳамид Пўлодий ҳамда СССР ФА нинг муҳбир аъзоси профессор Фрейман, машҳур арабшунос, академик И. Ю. Крачковскийларнинг сай-ҳаракатлари билан тилга кирган Муғ архиви орқали эришилди [Б. Ғойибов. *Деваштич. Тошкент – 2013 й. 6-8 б.*]. И. Ю. Крачковский томонидан Деваштич номи бунгача *Девасти* ҳолида келтирилганлиги Табарий асарларини тадқиқ қилиш орқали аниқланди [Крачковская В. И. *И. Ю. Крачковский И. Ю. Древнейший арабский документ из Средней Азии // Согдийский сборник. – Л., 1934. – С. 53-54 (кейинги ўринларда СС деб келтирилади)*]. Хўш, Деваштич ўзи ким эди, унинг сиёсий фаолияти қандай кечган каби саволларга жавоб бериш учун акад. Крачковскийдан кейин И.О.Симирнова, В.А. Лившиц, М. Исҳоқов, Х.М. Матбобоев, Б. Ғойибов, А. Отахўджаев сингари тарихчи олимлар ўз тадқиқотларида тўхталиб ўтганлар.

Маълумки, VII асрнинг дастлабки чорагида Арабистон яримороли ва унга туташ худудларда ташкил топган Араб халифалиги давлати жаҳоннинг кўплаб ўрта аср давлатлари худудларини босиб ола бошладилар. 651 йилда Хуросон пойтахти Марв шаҳри ҳам эгаллангач, навбат Амударёдан шимолдаги ўлкалар – Мовароуннаҳр (араб. *Дарёнинг нариги томони*)га ҳам келди. Араб халифалигининг Мовароуннаҳрни босиб олиш учун амалга оширган ҳарбий юришларини шартли равишда уч босқичга бўлиш мумкин: 1) 705-йилгача; 2) 705-715 йй.; 3) 715-751 йй..

Бу давр Мовароуннаҳрдаги вазиятга келадиган бўлсак, V-VII асрларда у бир қанча ҳокимликларга бўлиниб кетади. Бу ҳокимликлар вилоят ва унинг йирик шаҳарларидан иборат бўлиб, уларнинг сони 15 дан ортиқ эди. Бу вилоят ҳокимликлари аввал эфталлар, сўнгра Турк хоқонлигига бўйсундирилган, аммо эфталлар ҳам, турк хоқонлари ҳам уларнинг ички ҳаётига деярли аралашмайдилар. Воҳа ҳокимлари муайян миқдордаги божни тўлаб, ўз мустақиллигини сақлаб қоладилар [А. Отахўджаев. *Илк ўрта асрлар Марказий Осиё цивилизациясида турк-суғд муносабатлари. Тошкент – 2010. Б. 108.*]. Мовароуннаҳр худудлари Ғарбий Турк хоқонлиги (*Турк хоқонлиги 581-603-йилларда иккига – Шарқий ва Ғарбий қисмларга бўлиниб кетган* [А. Отахўджаев. *Илк ўрта асрлар Марказий Осиё цивилизациясида турк-суғд муносабатлари. Тошкент – 2010. Б. 88.*]) вассали бўлса-да, мустақил ички сиёсат юргизиш имтиёзига эга эди. Кучли марказлашган ҳокимият йўқ бўлиб, ўлка бир неча мулклардан ташкил топган конфедерацияга бирлашиб турарди. Жумладан, Суғд ва Тохаристон конфедератив мулкларга, Чоч ва Илоқ хоқонлик вассаллигидаги ярим мустақил мулкларга, Фарғона эса шимолий ва жанубий ҳокимликларга бўлиниб кетган эди [Бичурин Н.Я. *Собрание сведений. Т. II. – С. 281; Beal S. Buddhist records of the Western World. – S. 37–38.*]. Уструшона, Чағониён, Кабодиён, Хутталон, Рашт, Дарвоз, Бадахшон (Вахон, Шугнон, Рушон) каби ўлкалар ҳам ярим мустақил мулклар сифатида ўз ҳокимлари томонидан бошқариларди [Аҳмедов Б. *Тарихдан сабоқлар. – Тошкент: Ўқитувчи, 1994. – Б. 154.*]. Ҳар бир мулк ҳукмдорлари ички мустақил бўлгани боис, ўзларини кўп ҳам марказга тобе, деб ҳисоблашмасди. Бу араб истилосига қарши Мовароуннаҳр халқларининг бирлашишига тўсиқ эди.

86 (705 мана шу таҳлит келтирилган саналарнинг дастлабкиси ҳижрий, кейингиси милодий саналардир - муаллиф) йилда ал-Валид II ибн Абдулмалик (86-705–96-714\715) Қутайба ибн Муслим ал-Боҳилийнинг Хуросон ноиблигига тайинлаб [История ат-Табари. – С.96; Наршахий. *Бухоро тарихи. – Б. 120.*], Мовароуннаҳрга талончилик юришларини, истилочилик юришларига айлантирди [Кадырова Т. *Из истории крестьянских движений. – С. 33; Вамбери Х. Бухоро ёҳуд Мовароуннаҳр тарихи. – Б. 11*]. Хусусан, Қутайбанинг ноиблик даври шу жиҳати билан ажралиб туради.

Қутайба Хуросон ноиби этиб тайинланиши билан Араб халифалиги томонидан Мовароуннаҳрни босиб олинишининг биринчи босқичи (705-йилгача) ниҳоясига етди. Қутайбанинг ноиблиги бошланишини тарихчилар Араб халифалиги томонидан

Мовароуннахрни истило қилинишининг иккинчи босқичи (705-715) бошланиши сифатида белгилайдилар. Қутайба ибн Муслим Мовароуннахр худудларини бирин-кетин эгаллай бошлади. Хусусан, у ўз фаолиятини 705 йилда Балх вилояти атрофларини забт этишдан бошлайди. Тез орада Чағониён ҳокими жангсиз таслим бўлади. 707 йилда Қутайба катта қўшин билан Пойкандни қамалга олади. 50 кунлик қамал натижасида Пойканд эгалланиб, қўлида қурол тутишга қодир бўлган барча эркак зоти кириб ташланади, шаҳар эса вайрон этилади. Сўнгра Қутайба қўшини Бухоро томонга йўл олган Наршахийга кўра бу даврда Бухорони Туғшода (692–724) бошқарган *[Наршахий. Бухоро тарихи. Тошкент. 1966 й. Б 17.]* Бухороликлар ҳар йили халифаликка бож тўлашга, уйлариининг ярмини арабларга бўшатиб беришга мажбур этилади. Қутайба 710 йилда Нахшаб ва Кешни босиб олади ва Самарқандни босиб олишга ҳозирлана бошлайди. Бироқ Хоразм шоҳи Чағон укаси Хурзод бошлиқ халқ кўзғолонидан қўриқиб, 711 -йилда Қутайбага ёрдам сўраб мурожаат қилади. Хурзод гарчи душман қўли билан тор-мор қилиниб ўлдирилса ҳамки, Хоразмшоҳ бундан ўз мустақиллигини йўқотиб, арабларга бож тўлашга мажбур бўлди. Унинг қўшини эса Қутайбанинг ҳарбий юришларида иштирок этишга мажбур этилади. 712 йилда Қутайба қўшинлари Самарқандга ташланади. 710 йилда ихшид Тархун тахтдан туширилиб, унинг ўрнига Ғурак (710–737) Суғдга подшо қилиб кўтарилган эди. Ғурак арабларга қарши кураш олиб борди. Кучлар тенг бўлмаганлиги оқибатида Самарқанд таслим бўлади. Ғурак билан Қутайба ўртасида “Самарқанд шартномаси” тузилиб *[Кадырова Т. Из истории крестьянских движений в Мавераннахре и Хорасане в VIII – начале IX в. –Ташкент: Фан, 1965. – С. 63–64.]*, арабларга бир йўла 2 минг, йилига эса 200 минг дирхам ҳисобида бож тўлаш, 30 минг нафар одам бериш, шаҳарда биронта ҳам аскар сақламаслик, ички шаҳарни арабларга бўшатиб бериш, масжид бино қилиш каби шартларни бажаришга мажбур этилади. Қутайба мана шу таҳлит Мовароуннахр худудларини бирин-кетин шиддат билан эгалламоқда эди.

Мана шу таҳликали вазиятда Араб халифалигига муносиб қаршилик кўрсата оладиган куч етилмоқда эди. У ҳам бўлса, биз юқорида таъкидлаб ўтган, номи XX асрга қадар манбаларда аҳён-аҳён кўзга ташланиб, пировардда рўёбга чикмаётган Деваштич эди. Тархун Суғд ҳукмдори бўлиб турган пайтда (700-710) у 708 йилдан бошлаб Суғд ҳукмдорлигининг Панж вилоятига ҳоким бўлган. Деваштичнинг келиб чиқиши ҳақида тарихчи олимлар томонидан қўшлаб гипотезалар илгари сурилмоқда. Айрим тадқиқот натижалари Панч мулки ҳокими Деваштичнинг келиб чиқиши туркийлиги ҳақида ҳам маълумотлар беради. Унинг аجدодлари Баҳром Гўр (Жўр) (421-431) асос солган “Микола хонадони”га бориб тақалган. Сосонийлар ҳукмдорлар Йаздигирд (439-457), Пероз (459-484) каби Деваштич ҳам шу сулола вакили ҳисобланиб, 695 хонадон эронийлашган туркий “чур-жўр”лардан эканлиги кўп нарсага аниқлик киритди. Агар Деваштични эронийлашган “чур”лар сулоласига мансуб десак, у ҳолда В-14 ҳужжатида кўра, Деваштич Йодхшетак ўғли (δyw'styc uwδ'γytk ВRУ)нинг *[6 СДГМ II. – С. 59.]* туркий Чакин чур Билгандан сўнг 708 йилда Панч мулкига тасодифан ҳоким этиб тайинланмаганлиги аён бўлади. *[А. Отахўжаев. Илк ўрта асрлар Марказий Осиё цивилизациясида турк-суғд муносабатлари. Тошкент – 2010. Б. 86.]*

712 йилдаги Қутайба ва Ғурак ўртасида имзоланган “Самарқанд шартномаси” ва бунда Ғуракнинг арабларга ён босишига Деваштич қараб тура олмади, қолаверса, бундай нотенг шартномадан Суғд халқи, хусусан, Ғуракнинг ўз укаси, Хахсар ҳокими Афарун ҳам норози эди. Қутайба Ғуракни Самарқанд, Кеш ва Насаф, яъни Суғд “подшоси” деб эътироф этган *[Смирнова О.И. Каталог монет с городища Пенджикента. – С. 20, прим. 80.]*. Истилонни оқлаш мақсадида Қутайба ўзини Тархуннинг ўлими учун “қасоскор” деб, эълон қилди. Бу қасос Суғддан, унинг ихшиди Ғуракдан олиниши баҳона эди. Айни вақтда бу Ғуракнинг Суғд тахтида ҳукмронлигини хавф остига қўярди. Араб истилочиларининг бу каби “сиёсий ўйинлари” Суғд аслзодаларини чалғитишга қаратилганди. Шундан бўлса керак, Панч ҳокими Деваштич бу найрангдан бохабар, ўзини Суғд тахтига “даъвогар” сифатида эълон қилган *[А. Отахўжаев. Илк ўрта асрлар Марказий Осиё цивилизациясида турк-суғд муносабатлари. Тошкент – 2010. Б. 86.]*. Бу вазиятда Деваштич учун сиёсий пешдомонликни қўлга олиб, арабларга қаршилик кўрсатишнинг ягона йўли сифатида марҳум Тархуннинг икки ёш ўғли

орқали Суғд тахтига даъвогарлик қилиш қолган эди. У шундай қилиш орқали Араб халифалиги кучларига қарши минтақа кучларини бирлаштиришни мақсад қилган. Яна шунингдек, ўзининг халифалик кўшинларига қарши фаолиятини тактик жиҳатдан уюштириш мақсадида Ўрта Осиёда арабларга қарши коалиция тузишга ҳаракат қилган ва А–14 хужжатида кўра, у ўз элчиси Фатуфарнни Чоч, Фарғона ва Турк хоқонлиги билан иттифоқчиликка жўнатган [*Шоёқубов Ш. Илк ўрта асрларда Суғд. – Б. 33.*]. 712-713 йилларда араб истилосига қарши Турк хоқонлиги, Суғднинг арабларга бўйсунмаган шарқий қисми, Чоч ва Фарғонадан иборат коалицияси тузилди [*История Самарканда. Том первый. – С. 80.*]. Суғд томонидан бу иттифоққа ўзини “Самарқанд тахтига даъвогар” деб билган Деваштич бош бўлди. Шу боис Қутайбанинг 712 йилда Чоч ва Фарғонага юриши ва кейинги йиллардаги (95-96 /713-715) ҳарбий ҳаракати Суғд, Чоч, Фарғона ва Турк хоқонлигидан иборат коалицияга зарба беришга қаратилди. Хусусан, 95 (713-714) йилда у Чочга иккинчи қайта юриб, уни ўз қароргоҳига айлантиришга, бу ердан эса Исфижоб томонга ҳаракатланишга режа тузди. 715 йилда Фарғона водийси ҳам Қутайба томонидан эгалланди ва шу йили у халифа Сулаймонга қарши исён кўтарганлиги учун ўлдирилди. Қутайбанинг ўлиmidан сўнг Ғурак Суғд подшоси сифатида Шарқий ва Ғарбий турклар (туркашлар) ҳамда Хитой ёрдамига суянар эди. Худди у каби Деваштич ҳам тахт даъвогари сифатида марказга итоат қилмай, мустақил равишда турклар ва хитойлар ёрдамидан умидвор эди [*Togan A.Z.V. Umumi Türk tarihi'ne giriş. Cild I. – S. 75.*]. Хусусан, Деваштичнинг арабларга қарши курашида Тархун ва Ғуракнинг укаси Афарун унга иттифоқчи бўлиб, 720-722 йиллардаги курашларида иштирок этган [*СДГМ II. – С. 115–123 (док. В-17), 123-126 (док. В-18) , 126-129 (док. В-16), 129-131 (док.В-14), 200.*]. В.А. Лившиц фикрича, Деваштич Ғуракнинг кучсизланишидан фойдаланиб, маълум муддат Суғд тахтини бошқаришга ҳам муваффақ бўлган [*СДГМ II. – С. 65.*].

Ғарбий Турк хоқонлиги Хитой билан ва умуман жанубий ҳамда жануби-шарқий кўшнилари билан олиб борилган ҳарбий ҳаракатлар натижасида бир мунча заифлашган эди. Суғдга эса Шарқий Турк хоқонлигининг таъсири орта борди. Айниқса, Шарқий Турк хоқонлиги Қапағон хоқон даврида (692-716) ўзининг минтақадаги етакчи ўрнини қайта тиклаб, геосиёсий позициясини мустаҳкамлади. Шу боис ҳам Муғ архиви А-14 хужжатида кўра, VIII аср бошларидаги (717-719) “Суғд подшоси” Деваштич элчиси Фатуфарн Чочда “вақтинча” бўлиб турган Шарқий Турк хоқони билан музокаралар олиб боришга юборилган. Деваштич ўзини ҳам Ғарбий, ҳам Шарқий хоқонликнинг вассали [*СДГМ II. – С. 84.*] деб билган. Арабларга қарши курашда улардан ёрдам ва мадад кутган [*А. Отахўжаев. Илк ўрта асрлар Марказий Осиё цивилизациясида турк-суғд муносабатлари. Тошкент – 2010. Б. 101.*]. Қутайба ўлдирилгандан кейин халифаликнинг Суғддаги ҳокимияти сезиларли даражада заифлашади. Бу эса араблар учун ўз йўриғига юрадиган кўғирчоқ ҳукмдорни Суғд тахтига ўтказишни кўндаланг қилиб қўйди. Уларнинг наздида бундай кўғирчоқ куч марҳум Тархуннинг ўғиллари эди. Деваштич ҳам айнан шу омилдан фойдаланиб, регентлик орқали Суғд тахтини эгаллашни мақсад қилган. Қолаверса, Деваштич сиёсий дипломатияни маромига қўя олган, хусусан унинг саройида араб тили ва маданияти, дипломатияси ва сиёсатидан яхши хабардор бўлган ҳаттот унинг хизматида бўлган. Ваҳоланки, бу Деваштич ва араб мансабдорлари ўртасида илиқликни юзага келтирган [*Б. Ғойибов. Деваштич. Тошкент – 2013 й. 6-8 б.*]. Тўғри, Ғурак ҳам араблар билан кўрқоқлик нуқтайи назаридан эмас, балки шароит тақозаси билан шартнома имзолаган. Деваштич эса Суғд тахтини эгаллаш орқали арабларга зарба беришни ўзининг бош мақсади деб билган. Нима бўлганда ҳам араблар Ғурак ва Деваштич ўртасидаги зиддиятдан том маънода манфаатдор ҳам эдилар. Воқеалар ривожини шу таҳлит кетса, бу араблар учун Суғдни бошқариш ишини анча енгиллаштирган бўларди. Негаки, Суғдда амалдаги кучлар Ғурак ва Деваштич ўртасида тақсимланган эди. Албатта, бу ҳол Суғднинг зиёнига ишламоқда эди.

Араб халифалиги ва Деваштич ўртасидаги муносабатларда илиқликнинг юзага келиши Ғуракни тож-у тахтни сақлаб қолиш борасида арабларга суяниш мумкинлиги ғоясини амалда йўққа чиқарди. Натижада Ғурак Суғддаги ҳокимиятни сақлаб қолиш учун яна кураш

9. Бичурин Н.Я. (Иакинф) Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. В 3-х томах. – М.–Л.: Изд. АН СССР. – том I. – 1950. Том II. – 1950. Том III. – 1953.
10. Beal S. Buddhist records of the Western World. – London, 1906. – vol. 1.
11. Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар. – Тошкент: Ўқитувчи, 1994 й. 430 бет.
12. Смирнова О.И. Каталог монет с городища Пенджикента. – М.: Наука, 1963. 201 с.
13. Шоёкубов Ш. Илк ўрта асрларда Суғд. – Тошкент: Иқтисод-Молия, 2008. 154 бет,
14. История Самарканда. В двух томах. Том первый. С древнейших времен до великой Октябрьской социалистической революции / Отв. ред. И.М. Муминов. – Ташкент: Фан, 1969. 505 бет.
15. Togan A.Z.V. Umumî Türk Tarihi'ne giriş. Cild I. / En eski devirlerden 16. asra kadar. 3 Baskı. – Istanbul: Enderun Kitabevi. Aksiseda matbaası, 1981. Sayfa Sayısı 1056
16. Байпаков К.М. Западнотюркский и Тюркешский каганаты: тюрки и согдийцы, степь и город // Известия НАН РК. Средневековая археология. Серия общественных наук. – 2009. – № 1. 456 с.
17. Grenet F., de La Vaissière E. The last days of Pandjikent. Silk Road Art and Archaeology. 8. // Journal of the Institute of Silk Road Studies. – Kamakura, 2002.

УЎК 93/94

ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА БОҒДОРЧИЛИК ТАРИХИ ВА УНИНГ ТУРИЗМДАГИ ЎРНИ

Х. Холдорев, к/х.ф.н., ТДТУ Қўқон филиали, Қўқон

Аннотация. Фарғона водийсида мавжуд чорбоғ ва боғдорчилик тарихи ва хориж мамлакатлари билан интеграцион жараёнлари очиб берилган.

Калим сўзлар: рекреация, туризм, чорбоғ, боғ.

Аннотация. Описана история садоводства и садоводства в Ферганской долине и процесс интеграции с зарубежными странами.

Ключевые слова: отдых, туризм, сад, огород.

Abstract. The history of horticulture and horticulture in the Fergana Valley and the process of integration with foreign countries are described.

Keywords: recreation, tourism, garden, garden.

Фарғона вилояти Ўзбекистон Республикасида рекреацион имкониятларининг юқорилиги билан бошқа вилоятлардан ажраб туради. Шунга қарамадан ушбу соҳада рентабеллик охириги йилларида 10% дан ошмаганлиги туризмнинг ушбу тури бевосита бошқа туризм турларидан фарқли ўлароқ, ҳаражатлар салмоғининг катталиги билан бошқа туризм турларидан фарқ қилади. Рекреацион туризмга қизиқувчиларни асосий қисми ўрта табақадан юқорилиги бу соҳанинг истиқболи юқори эканлигидан далолатдир. Фарғона вилоятида рекреацион туризм йўналишларидан истироҳат боғлари туризми ўзининг жозибдорлиги билан ажралиб туради. Шу билан бир қаторда ўзининг узоқ ривожланиш тарихига эга. Биргина Фарғона вилоятининг йирик туристик марказларидан бири Қўқон шаҳри нафақат бугун ўзининг сўлим гўшалари билан, шу билан бир қаторда Қўқон хонлигининг пойтахти сифатида Қўқон хонлари томонидан бунёд этилган истироҳат боғ ва чорбоғлари билан ҳам ўтмишда машхур бўлган.

Қўқон хонлари ўзларини келиб чиқишларини Олтин Бешик орқали Бобур билан боғлашган. Қўқон хонлари насабномасида Саид Муҳаммад Ҳудоёрхон Заҳириддин Муҳаммад Бобур, у орқали эса соҳибқирон Амир Темурга боғлаган. Амир Темур ва унинг ўғли Умаршайхдан бошланган сулола Қўқон хони Ҳудоёрхон ва унинг ўғли Насриддинбекгача давом этиб келган. Профессор Шариф Юсупов шундай хулоса қилади Қўқон хонлигининг сўнги ҳукмдори Саид Муҳаммад Ҳудоёрхон Соҳибқирон Амир Темурнинг йигирма учинчи авлоди, хоннинг иккинчи ўғли Саид Муҳаммад Аминбек йигирма тўртинчи ҳамда Муҳаммад Аминбекнинг ўғли Саид Ислонбек Соҳибқироннинг йигирма бешинчи авлоди болиб чиқди. Темуршунос, бобуршунос француз олими Ўзбекистоннинг „Дўстлик“ ордени билан тақдирланган профессор Люсен Керен „Шаҳзода Ислонбек“ Мақоласида Қўқон хонлари Темурий Мироншоҳга бориб тақалади, деган ғояни илгари сурган. Бу ишни Ўзбек олими Шариф Юсупов давом эттирган.

Кўкон хонари томонидан Кўкон ва унинг атрофида Амир Темур даврида бунёд этилган боғларга монант равишда коплаб боғлар бунёд этиш ишларини ҳам давом эттирган. Жумладан боғи майдон Муҳаммад Алихон 1824-йилда шаҳар атрофидаги бўш майдонни сотиб олиб у ерга, Суворийларни бир дастасини жойлаштирган суворийлар майдонда машқ ўтказганлар. Атроф маҳаллаларининг одамлари ҳар куни майдон атрофида тўпланиб, суворийлар машқларини томоша қилишган. Шу туфайли ушбу боғ халқ томонидан боғи майдон деб аталган.

Боғи Дилкушо. Кўкон хонлари ўзларини келиб чиқишларини бевосита Амир Темур ва Мирзо Бобурга боғлаганликлари туфайли Темурийлар даври анъаналарини ҳам давом эттиришган. Бунёд этилган боғларга Амир Темур боғлари номи берилган. Кўкон шаҳрида барпо этилган шундай боғлардан бири –боғи Дилкушо 1824-йилда Муҳаммад Алихон томонидан барпо этилган.

Боғинав. Боғинав –янги боғ демакдир. XIX асрнинг иккинчи яримида Сайид Муҳаммад Худойирхон тахтга қайта ўтириши муносабати билан бу манзилда бир боғ барпо этган. У боғ хон боғлари ичида энг янгиси ҳисобланиб, “Боғанав” деб ном олган ҳозирги кунда Кўкон шаҳрининг айнан шу ном билан аталувчи қисмида барпо этилган.

Боғи баланд. Бу боғ Сайид Муҳаммад Олимхон томонидан барпо этилган.

Жаҳоноров боғи. 1826-1829-йиллар мобайнида Кўкон хони Муҳаммад Алихон янги сарой қурдиради. Бу сарой тарифида бир шоир шундай ёзади:

**Бино бўлмиш бир касри оливаш жаҳон, оро,
Арзигај қилса ҳавас қайсара рум ила доро.**

Сарой очилиши муносабати билан ўтказилган тантанада саройга ном қўйиш масаласи кўрилганда Муҳаммад Алихон баяги шоир ўқиган шерни эслаб шундай деган экан саройга ном қидиришга эҳтиёж қолмади уни “Касри Жаҳон оро” деб атаймиз. Кегинчалик бу жумладаги каср сўзи тушиб қолиб, Сарой Жаҳоноро деган ном билан машҳур бўлди.

Боғи беҳишт. 1812йилда Амир Умархон Кўкон шаҳрида бир чорбоғ солдриб шуерда кўпроқ ижод қилди. Шоир Фазли бу чорбоққа Боғи беҳишт Жаннат боғи деб ном беради. Ҳозирда бу боғ шаҳарнинг шу ном билан аталувчи маҳаласи ўрнида барпо этилган эди. [1.]

Боғи нақши жаҳон 1750 йилларда Кўкон хони Эрдонабий томонидан Боғи нақши жаҳон –жаҳонинг нақши деса арзигулик боғ барпо этиради. Худди шундай боғ Хиротда Хусайин Бойқаро Мирзо томонидан барпо этилган экан. Боғ ўрни истиқлол йиллари тарихий ном сифатида қайта тикланди.

Чорчаман ўтмишда қабристон яқнида жойлашган хушманзара ўтлоқ бўлиб, табиий гуллар яшнаб турган. Кўкон хонлиги ташкил топган пайтда бу ўтлоқда биринчи ҳуқумдор Шохруҳбек учун ёзлик кўшк қурилиб тўрт томони текисланиб хушманзара боғ барпо этилган. Шу туфайлик бу жойни ярми тожик-ярми ўзбек тилида Чаҳор чаман –тўрт чаман деб номлаганлар. У кўшк ва гулзорлар вақт ўтиши билан экинзорларга айланиб кетди.

Исковотлик ойим боғи. Кўкон хони Худаёрхон бу ерда суюкли хотинларидан бири Исковотлик Ойимга атаб боғ қурдирган. Исковотлик ойимнинг ҳақиқий исми Мохзода бегим бўлиб, Наманган вилоятининг тоғлик Исковот қишлоғидаги Абдулатифхон Тўранинг қизлари бўлган хоннинг хотинларининг исмлари ҳурмат юзасидан тилга олинмасдан туғилган жойлари номи билан ёки алоҳида бир сифати унвони билан айтилган. Хоннинг хотинлари “Ойим” қизлари “Ойимча” унвонида бўлганлари. Исковотлик Ойим боғи ўрнида XX асрда вужудга келган кўчага Норин номи берилган.

Чортоқлик боғ. Чортоқ – тўрт томони айвонли баланд ҳашаматли бино. Токи айвон: чор (чаҳор) – тўрт. Бундай тўрт томони айвонли, одатда боғлар ичида қурулган. Бу боғ Худойёрхоннинг томонидан бунёд этилган бўлиб, боғнинг ўртасига чортоқ қурулган. [2.]

Шайх Носир Валий боғи. Шайх Насриддин Валий ҳазратлари Олимхон ва Умархонларнинг саводларининг чиқариб энг олдинги мадрасалар таълимини бердилар. Бундан миннатдор бўлган Нарботабий у кишига Тошлоқ ва Қатағон маҳаллалари оралиғидаги ҳос ерларини ином этдилар. Шайх бу ерда катта боғ яратди. Улар боғни қисмларга бўлиб, “Боғи беҳишт”, “Боғи раҳмат”, “Боғи атиргул” каби номларини бердилар.

Шоҳаншин боғи. Бу боғ Қўқон хони Муҳаммад Алихон томонидан Қўқон шаҳрининг Афғонбоғ қишлоғи яқинида ёзги сарой кўринишида барпо этилган. Ўзининг ҳушманзара табиати билан бу ер шаҳар аҳолисининг XX аср бошларига қадар асосий истироҳат боғи бўлиб келган кейинчалик қаровсизлик натижасида йўқ бўлиб кетган.

Лабиҳовуз. Қўқон шаҳридаги Лабиҳовуз Бухородаги Лабиҳовуз сингари обод, кўркам, гавжум бир сайилгоҳ ҳисобланган. Ҳовуз суви атрофидаги кўп сонли булоқлардан йиғилган бир қирғоғидан “Ҳуббиота” номли мақбара ва ҳонақоқи бўлган. Ҳубби – исломдан олдин сув мабуди ҳисобланган. Ислом нозил бўлгач, аجدодларимиз эски мабудлардан вос кеча олмай, уларнинг айримларини исломлаштирилганлар. Шу тариқа Ҳубби – Ҳуббиота бўлиб қолган. Бу ерда унинг номи билан аталган мақбара ва ҳонақоҳ бу ерда булоқлар ва ҳовузлар билан боғлиқдир. Бу сайилгоҳ гавжум жой бўлиб, байрам ва ҳайитларда, жума кунлари бу ерда сайиллар ўтказилган. Ҳонақоҳда кўпчилик иштирокида зикри-само ўтказиб турилган. Сайил бўлмаган кунлари бу жой улфатларнинг ошхўрлик қиладиган маскани сифатида хизмат қилган.

Жанжалбоғ. 1730 йили қалмоқлар Қўқон хонлигига ҳужум қилиб Қўқон шаҳрини эгалайди. Ўратепа ҳукумдори Фозил оталикка ёрдам сўраб Абдулкаримбий мурожат қилди. Фозил Оталиқ ўз кўшини билан етиб келгунча қалмоқлар шаҳарнинг бир қисмини олишга муваффақ бўлди. Фозилбек Оталиқ етиб келгунча, қалмоқларга қарши кескин кураш бошланади. Шаҳар атрофида ва ичида ҳал қилувчи жанглар бўлиб ўтади. Энг катта ҳал қилувчи жанглардан маскур боғ ўрнидаги дала ва яйловларда бўлади. Қалмоқ уруғлари ўз ҳаётларининг катта қисмини урушларда ўтказган тажрибали жангчилар эди. Бироқ Қўқонликлар уларга бас кела олдилар. Бу жангларда Нурбой ботир деган бир кипчоқ йигити катта жасорат кўрсатиб, ўзи ҳам қаҳрамонларча ҳалок бўлди. Уни қаҳрамон сифатида катта истехком билан ўраб чортоқлининг боғига дафн этдилар. Жанг бўлиб ўтган ҳудудда Абдулкаримбий томонидан катта жангда вафот этганлар хотирасига катта боғ барпо этилади. [3.]

Чилдухтарон боғ. Қўқоннинг биринчи хони Шохруҳбий вафотидан бир – икки ой олдин якка-ю ягона қизи Бегим Бонуни Бадахшон ҳукумдор Қаноат шохга берган эди. Орадан бир қанча вақт ўтгач, Қаноатшох афғонларга қарши урушда ҳалок бўлади. Унинг ўрнига тахтга ўтирган укаси Муборакшох гўзал келиноини қўлдан чиқаргиси келмай, унга оғиз солади. Бегим Бону қайноғига тегишни ҳоҳламай, Қўқонга мурожат қилади. Шохруҳбекнинг ўғиллари Муборак шохга элчи юбориб, қўлларини сўраб оладилар. Афғонлар билан уруш ҳолатида турган Муборак шох Қўқон хонлиги билан муносабатни бузмаслик учун Бегим Бонуни қирқта канизагига ва совға саломлар билан элчининг қўлига топширади. Бегим Бону қайтиб келгач, унга маскур маҳалла ўрнида бўлган Ширмонбулоқ мавзесида сарой ва катта боғ қурдиради. Бегим Бону қирқта канизаги билан ушбу саройда истиқомад қила бошлайди. Қўқон хони бу сарой ва боғни “Чилдухтарон” деб айтила бошланди.

Жаҳонобод Қўқон ҳукмдори Норбўтабек гул ва дарахтга ишқибоз киши бўлган. Шаҳар айланиб юрган пайтда бу жойлар хонга маъқул бўлиб бу ерда боғ барпо этиш ҳаракатига тушади. Ғозийғлик ариғидан сув келтириб, савдогарлар, элчилар миқийёсида турли мамлакатлардан гул ва манзарали дарахтлар кўчатлари, уруғларини келтириб келиб, каттагина боғ ва бўстон барпо этади. Турли жойлардан келтирилган ўсимликлар ўсгани учун боғга “Жаҳонобод” деган ном берилади. Бу боғ катта ҳудудни эгаллаган бўлиб, ҳозирги Истиклол кўчаси ҳудудигача етиб борган. Чор Россияси даврида бу боғ заминида “Рамановлар хиёбони” барпо этилади. Совет даврида бу хиёбон ҳам йўқ бўлиб, ўрни аҳолига уй жой куриш учун берилади.

Боғишамол Бу жойнинг номланиши Амир Умархон билан боғлиқ. Амир Умархон қирғовул овига чиққан пайтларида, сангзордан дам олиб ўтирадилар. Шунда Шикорбеги уларга шу яқин ўртада бир боғ борлигини айтиб истироҳат қилишга ўша ерга олиб боради. Амир Умархон истироҳат қилиб ўтириб, боғнинг бино бўлиш тарихини сўрайди. Маълум бўлишича, Қўқонлик бир йигит (тарки дунё қилган киши) шаҳар ҳаётидан қўл силтаб, даштга чиқиб кетган, шу ерга келиб қолиб, яқин ўртадаги сойдан арик тортиб келиб, бу ерда

бино қилиб, шу ерларда вафот этган. Истироҳат қилиб ўтирганларида шамол келиб турганлиги туфайлик Амир Умархон бу боғга “Боғишамол” деб ном қўйиб кетган эдилар.

Амир Темур ва Темурийлар даврида яратилган боғ-саройларга ҳос чорбоғ услуги ва бу услубнинг шу чоққача Ўзбекистон олимлари томонидан ишлаб чиқилган график экскурсиялари асосида Қўқон шаҳри бўлган боғлардан ҳеч бўлмаса бири қайта мақсадга мофиқ бўларди. Бу объектлар буюк аждодларимизнинг шаҳарсозлик ва меморчилик ананаларини ўрганиш ва тиклашга хизмат қилиши баробарида Қўқон шаҳрининг сайёҳлик салоҳиятини ҳам ошириши шубҳасиз. [4.]

Ўзбекистон Республикаси вазирлар маҳкамасининг 2013-йил 25-июндаги “2013-2018-йилларида замонавий маданият ва аҳоли дам олиш марказларини ташкил этиш чоратадбирлари тўғрисида”ги 178-сон қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида вилоят ҳокимининг 2014-йил 24-январдаги “Маданият ва аҳоли дам олиш марказлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги 17-сонли қарорига биноан вилоят шаҳар ва туманларида маданият ва аҳоли дам олиш марказлари ташкил этилди. Фарғона шаҳрининг Мустақиллик ва Аҳмат Фарғоний кўчаларида ландшафт архитектураси асосида Каштанлар хиёбони ташкил этилди. Шу билан бир қаторда Фарғона вилояти ҳудудидаги коплаб маданият ва истироҳат боғларида капитал реконструкция ишлари олиб борилди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, Фарғона вилоятида жойлашган маданият ва истироҳат боғларида ҳам халқаро стандартлар асосида ҳорижий туристлар учун барча қулайликлар яратилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Шу билан бир қаторда ҳар бир истироҳат боғи алоҳида ўзига ҳос бетакрор бренд лойиҳалар ишлаб чиқиб амалга оширилса, миллий ва анъанавий кадрларимиз намоиши йўлга қўйилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. ФВДА. 1141-фонд, 1-рўйхат, 48-йиғма жилд, 24-вароқ.
2. ФВДА. 1141-фонд, 1-рўйхат, 48-йиғма жилд, 25-вароқ.
3. ФВДА. 1141-фонд, 1-рўйхат, 48-йиғма жилд, 26-вароқ.
4. ФВДА. 1141-фонд, 1-рўйхат, 49-йиғма жилд, 26-вароқ.

УЎК 323.1

МИЛЛИЙ – МАДАНИЙ МАРКАЗЛАР МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Ш.З. Шарипов, ўқитувчи, Самарқанд давлат университети, Самарқанд

Аннотация. Мақолада Ўзбекистон Республикасида ташкил этилган миллий – маданий марказлар фаолияти ва унинг миллатлараро тотувликни таъминлашдаги ўрни тўғрисида маълумотлар келтирилган бўлиб, тегишли илмий маълумотлар ва манбалар асосида ўрганилиб илмий хулосалар чиқарилган.

Калим сўзлар: диний бағрикенглик, миллат ва элатлар, миллий – маданий марказлар, урф – одат, умумий уй, тинчлик – тотувлик, байналминал.

Аннотация. В статье представлена информация о деятельности созданных в Республике Узбекистан национально-культурных центров и их роли в обеспечении межнационального согласия, которая изучается на основе соответствующих научных данных и источников и даются научные выводы.

Ключевые слова: религиозная толерантность, нации и народы, национально-культурные центры, традиция-обычай, общий дом, мир-согласие, интернациональность.

Abstract. The article provides information on the activities of national cultural centers created in the Republic of Uzbekistan and their role in ensuring interethnic harmony, which is studied on the basis of relevant scientific data and sources and scientific conclusions are given.

Key words: religious tolerance, nations and peoples, national-cultural centers, tradition-custom, common home, peace-harmony, internationality.

Ўзбекистонда мустақиллик остонасида миллатлараро тотувликни таъминлаш масаласи долзарб аҳамият касб этди. Мана шундай оғир бир вазиятда миллатлараро тотувликни

таъминлаш учун миллий – маданий марказларни ташкил этишни кечиктириб бўлмаслигини Ўзбекистон Республикаси ҳукумати тушуниб етди. Ўзбекистонда дастлабки миллий – маданий марказлар 1989 йилда ташкил этилган. 1989 – 1990 йилларда Тошкентда дастлабки 9 та миллий - маданий марказ (озорбайжон, армани, бошқирд, қозоқ, корес, ненетс, тожик, татар, уйғур) ва бошқа минтақаларда (Самарқанд ва Бухорода тожик, Андижонда уйғур, Сирдарё, Фарғона ва Нукусда корейс) миллий – маданий марказлари тузилди. Миллий – маданий марказлар ташкил этилишидан мақсад эса Республика ҳудудида яшовчи турли миллат вакиллари шу юртда ўзларини эркин ҳис қилишлари, ўзлари ёқтирган ишлари билан амалдаги қонунчиликка мувофиқ шуғулланишларини ташкил этишдан иборат.

1991 йилда бундай марказлар сони 35 тага етди, шундан 14 таси Тошкентда эди. 1992 йилга келиб 54 та миллий - маданий марказ ишлай бошлади ва энди Республика байналминал маданият маркази уларни фаолиятини мувофиқлаштиришга киришди.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1992 йил 13 январда қабул қилинган “Республика Байналмилал маданият маркази тўғрисида”ги қарори асосида Республика байналминал маданият маркази тузилди.

Байналминал маданият маркази тузилгач миллий – маданий марказлар фаолияти анчагина фаоллашди. Мустақиллик йилларида миллий – маданий марказлар сони йилдан – йилга ошиб борди. Бу эса ўз навбатида Ўзбекистонда яшаётган 130 дан ортиқ миллат ва элатларни ҳар томонлама қўллаб – қувватлашнинг далолатдир.

1994 йилда 76 та марказ (шу жумладан, Тошкентда 22 та марказ) ишлайётган ва яна иккита марказ тузилаётган эди. 2003 йилда уларнинг сони 122 тага, 2005 йилда 135 тага, шу жумладан, Тошкентда 35 тага, Самарқандда 11 тага Бухорода 10 тага етди[1, 266].

Республика байналминал маданият марказининг ташкил этилиши миллий - маданий марказлар фаолиятининг самарадорлигини оширишда асосий омиллардан бири бўлди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Ўрта Осиё халқлари қадимдан миллатлараро муносабатлар соҳасида ўзининг юксак инсонпарварлик намуналарини кўрсатиб келмоқда. Бу борада хорижлик мутахассислар ҳам ўзларининг ижобий муносабатларини билдиришмоқда.

Фикримизни давоми сифатида шуни айтишимиз мумкинки миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик масалаларига етарлича эътибор қаратилмай аксинча «миллатларнинг қўшилиб кетиши» ҳақидаги ғайри – илмий ғоялар зўр бериб сингдиришга ҳаракат қилинган совет режими ҳукмронлиги даврида ҳам Ўзбекистонликлар ўзларининг миллатпарвар эканликларини яққол кўрсатдилар.

Асос сифатида иккинчи жаҳон уруши йилларида кўпгина оилалар яшаш учун шароитлари оғир бўлишига қарамай икки ва ундан ортиқ етим болаларни ўз тарбиясига олганлигини, тошкентлик темирчи Шоаҳмад Шоаҳмудов ва унинг турмуш ўртоғи Баҳри опа Ақромованинг турли миллат фарзандларидан 14 болани ўз оилаларига тарбияга олганлигини келтириш мумкин[2, 456].

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан миллатлараро муносабатлар соҳасида амалга оширилган ислохотлар янги босқичга кўтарилди.

Жумладан, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 май ПФ-5046-сонли «Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора - тадбирлари тўғрисида» ги фармони қабул қилиниши ҳамда Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан БМТ Бош Ассамблеясининг 2018 йил 12 декабрдаги ялпи сессиясида «Маърифат ва диний бағрикенглик» махсус резолюциясининг қабул қилиниши ушбу соҳадаги ислохот ва янгиланишларни халқаро ҳамжамиятга маълум қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисидаги фармонида «Бугунги кунда республикамызда фаол «халқ дипломатияси»

асосида чет элдаги ватандошларимиз билан мунтазам ва ўзаро фойдали муносабатларни йўлга қўйиш, хорижий мамлакатлар билан дўстона муносабатларни ва маданий маърифий алоқаларни мустақамлаш орқали ўз фаолиятини Ўзбекистонда яшаб келаётган барча миллат ва этник диаспораларнинг тарихи, маданияти, маънавий қадриятлари, миллий урф одатларини сақлаш ҳамда ҳар томонлама ривожлантириш тамойиллари» га асосан олиб бораётган Республика байналминал маданият маркази, 138 та миллий – маданий марказлар, Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий маърифий алоқалар жамиятлари кенгаши, шунингдек, 34 та дўстлик жамиятлари фаолият кўрсатиб келмоқда»[3] – деб таъкидланган.

Дарҳақиқат, бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида 140 дан ортиқ миллий – маданий марказлар фаолият олиб бормоқда. Миллий – маданий марказлар фаолияти муҳим йўналишларидан бири сифатида Республика ҳудудида яшовчи турли миллат ва элат вакилларининг Республика ижтимоий, маънавий – маърифий ҳаётида фаол иштирокини таъминлашни келтириш мумкин.

Ўзбекистон Республикасида 9 мингдан ортиқ жамоат ташкилотлари фаолият юритмоқда. Мана шу жамоат ташкилотларининг 140 дан ортиғини миллий – маданий марказлар ташкил этади. Миллий – маданий марказлар аҳоли орасида ўзига хос миллий маданиятни ривожлантириш баробарида, юрт келажаги бўлган ёшларни барча миллатлар маданиятини ҳурмат қилиш руҳида тарбиялашга ҳам ўз ҳиссасини қўшишдан иборат.

Миллатлараро муносабатлар йўналишидаги асосий долзарб масалалардан бири аҳолининг миллий таркибига мос келадиган таълим тарбия тизимини ташкил этиш масаласига Ўзбекистонда мустақилликдан сўнг алоҳида эътибор қаратилиб келинмоқда. 2019 йига келиб Ўзбекистон республикасида ўн мингга яқин мактаб фаолият юритаётгани, шундан 845 та мактабда рус тилида, 491 та мактабда қозоқ тилида, 259 та мактабда тожик тилида, 52 та мактабда туркман тилида, 40 та мактабда қирғиз тилида, 7 та мактабда корес тилида таълим бериш жараёни йўлга қўйилган[4, 272].

Ўзбекистон Республикаси миллатлараро муносабатлар соҳасида амалга ошираётган ислохотлари билан жаҳон жамоатчилиги эътиборини тортиб келмоқда, бу борада тарих фанлар доктори Ш.Ўлжаеванинг Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар тарих ва ҳозирги замон номли мақоласида 2015 йилнинг 1 ноябр куни АҚШ давлат котиби Жон Керри Темурийлар давлатининг пойтахти бўлган Самарқандда бўлиб, Темурийлар даврининг шон шавкати, унинг турли миллат ва элатларни бирлаштирган марказ бўлганига яна бир бор ишонч ҳосил қилади. Ўзбекистон сафаридан кийиноқ Қозоғистонга йўл олган Жон Керри Остонадаги Назарбоев – Университетида Самарқанд ҳақида қўйидагиларни таъкидлади: «Бу турклар, араблар, мусулмонлар, яҳудийлар, юнонлар, арманилар, христианлар, католик ва несторианлар билан бирдай муносабатда бўлинган шаҳардир. Биз Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Нью – Йоркда 70 йил муқаддам ташкил қилинган деб ҳисоблаймиз. Йўқ бу Самарқандда бир неча юз йиллар муқаддам содир бўлган»[5] - деган фикрларни келтириб ўтганлиги алоҳида аҳамиятга эга.

Хулоса қилиб айтганда Ўзбекистон Республикасида қадимдан ривожланиб келган миллатлараро муносабатлар соҳасидаги анъаналарни давом эттирган ҳолда жаҳон андозаларига мос келадиган миллий сиёсат юритиб келмоқда. Бу борада миллий, диний, сиёсий толерантликни янада ривожлантиришда миллий – маданий марказлар фаолияти асосий омиллардан бири бўлиб хизмат қилмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Муртазаева Р. Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ва толерантлик. Т. «Мумтоз сўз» 2019, Б - 266
2. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон Совет муштамлакачилиги даврида. Т. «Шарқ» 2000. Б - 456
3. Қаранг: «Халқ сўзи» газетаси. 2017 йил 23 май 101 (6795) – сон.
4. Қаранг: Муртазаева Р. Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ва толерантлик. Т. «Мумтоз сўз» 2019 йил. Б - 272
5. <http://fikt.uz/blog/poems>. 18.09.2019.

ХОРАЗМ ВОҲАСИДА РАДИОНИ ПАЙДО БЎЛИШИ ВА ШАКИЛЛАНИШ ТАРИХИ (1936-1940 й)

*Х. Юсупов, ўқитувчи, Урганч давлат университети қошидаги 2-сон Академик лицей,
Урганч*

Аннотация. Мазкур мақолада Хоразмда округ ва вилоят даврида Радиони пайдо бўлиши натижасида ҳудудда юз бераётган воқеа-ҳодисаларни тезкорлик билан оммага етказишдаги энг қулай алоқа тармоғи эканлигининг ҳақидаги маълумотлар жой олган.

Калит сўзлар: Радио, округ, радиостанция, радиогазета, радиопирёмниклар, инқилоб қўйиши, сукхандон тошсоқа.

Аннотация. В данной статье содержится информация о появлении в Хорезме в районный и областной период Радио, которое является наиболее удобной сетью связи для быстрого публичного освещения событий в регионе.

Ключевые слова: Радио, район, радиостанция, радиогазета, радиоприемники, солнце революции, камень Сукхандон.

Abstract. This article contains information about the emergence of Radio in Khorezm during the district and regional period, which is the most convenient communication network for the rapid dissemination of events in the region.

Key words: Radio, district, radio station, radio newspaper, radio receivers, the sun of the revolution, the Sukhandon stone.

Радио мамлакатимиз ва жаҳонда юз бераётган воқеа-ҳодисаларни тезкорлик билан оммага етказишда энг қулай алоқа тармоғидир. Унинг инсонлар ҳаётидаги қирралар, жамиятдаги кенг қўламли ислохотлар, ўзгариш ва янгиланишларни холисона ёритиб беришдаги ўрни жуда муҳим.

Илмий техника тараққиётининг кескин ўсиши оммавий ахборот ва тарғиботнинг кўплаб замонавий воситаларини вужудга келтирди. Мана шундай воситалардан бири радиодир [1]. Радионинг (лотинча radio – “нурланаман”, “нур тарқатаман”) ихтиро қилиниши ва пайдо бўлиши ҳақидаги дастлабки маълумотлар 1895 йилларга бориб тақалади. Дунёда биринчи мартаба рус инженери Александр Степанович Попов радиоузатгич ихтиро қилди ва 1895 йил 7 майда лаборатория шароитида симсиз масофага сигналларни узатишни намоёни қилди. Ўзбекистонда 1924 йилдан бошлаб радиоэшиттиришларнинг моддий техник базаси яратилди [2].

Ўрта Осиёда ўтказилган миллий давлат чегараланиши тадбирлари оқибатида Хоразм воҳасининг катта қисми Ўзбекистон ССР таркибига кирди. 1926 йилдан Хоразм округ ва 1938 йилдан вилоят деб атала бошлади. Самарқанд, Тошкент, Бухоро, Қўқон каби Хивада округ алоқа бошқармаси ташкил қилинди. Унга барча почта-телеграф тугунлари бўлимлар ва телефон алоқа агентлари, қабул қилувчи ва узатувчи радиостанция бўйсунарди [3].

Хоразмда темир йўл йўқлиги туфайли марказ ва бошқа вилоятлар билан алоқа яхши йўлга қўйилмаганди. Ўзбекистон Республикаси таркибига киритилган Хоразм округининг маркази қилиб Хива шаҳри белгиланди. 1928 йилга келганда округ маркази Хива шаҳридан Урганч шаҳрига кўчирилди. Бутун Ўзбекистон Республикасида бўлгани каби Хоразм округида ҳам партия ва совет ташкилотлари олдида, аҳолини халқ хўжалигини тиклашдек долзарб вазифага жалб этиш вазифаси турарди [4].

1931 йил декабрида Тошкентда Ўрта Осиё радиоэшиттириш комитети ташкил қилинди, кейинчалик у Ўзбек давлат радиокomiteти деб қайта номланди. 30 йилларда радиоэшиттиришнинг радиомитинг, радиойўқлама, радиорейд, радиокўрик каби янги жанр ва шакллари пайдо бўлди. Радиогазета ўрнига “Сўнгги ахборот” информация эшиттиришлари ташкил этилди. Радио республика маданий, ижтимоий ҳаётида мустаҳкам ўрин эгаллай бошлади [5].

Хоразм воҳасига биринчи радиотўлқинлар 1931 йилда Тўрткўл шахридан тарқатилганди. СССР алоқа Халқ қоммисарлиги Тўрткўлга радиотехник Мурасов ва Ликсонни жўнатганди. Улар 909 тўлқинли “РВ -81” радио аппарати орқали 100 уйга эфир тўлқинини юборилган эди [6].

Бу даврда радио билан бир қаторда граммафон ва патефонлар ҳам расм бўла бошлади. Уларга қўлда товлаб куч бериларди ва ашулалар ёзилган пластинкалардан мусиқа ва қўшиқ эшитиларди. Радио эса биринчи бор ўша даврдаги жамоа хўжаликлари ва бошқа ташкилот идораларида ишлай бошлади. Радио пирёмниклар электр энергияси бўлмаганлигидан батареялар кучи билан ишлатиларди [7].

1932 йил 1 декабрида Ўзбекистондаги радиоқурилмалар 1900 тага етди. Клубларда ва чойхоналарда 176 та, колхозларда, совхозларда ва машина трактор станцияларида 583 та, мактабларда 15 та ва ҳоказо 655 та индивидуал қурилмаларга эга бўлган. Шундай қилиб, радио маданиятнинг асосий элементларидан бири бўлиб, аста-секинлик билан ҳаётга кенг тарқала бошлади. 1932 йил охирида республикада 5 та қабул қилувчи радио-станциялар (Тошкент, Самарқанд, Хива, Термиз ва Янги Бухоро) 9 та умумий қуввати 62, 65 квт. бўлган аҳоли ҳар куни 7,5 соатдан музикали (49, 3%), ахборотли (13, 7%), адабий-драматик (44%), болалар (26%), ўқув таълимий (66%) узатиш циклларини эшитиш имкониятига эга бўлди. Қишлоқ туманларда алоқа кенг ривожланди [8].

Радиоҳаваскорлар ва радиодўст-ларнинг оммавий ҳаракати авж олди. 1933-1934 йилларда Урганч шахрида чоғроққина радио станция ташкил этилиб ундан сим орқали шаҳар хонадонларига радио эшиттиришлар бериларди. Ўша станцияда ҳар куни ярим соат Хоразм вилояти хабарлари ҳам эшиттириб бориларди [9].

Хоразмда аҳолининг маданий савиясини оширишда 1937 йилда ташкил этилган матбуот комитетининг роли катта бўлди. Айнан шу йили радио комитети ҳам ташкил этилиб, округ аҳолисига Хоразм радиоси эшиттиришлари бериб борилади. Бу даврда округда матбуот иши анча йилга қўйилди. “Инқилоб қуёши”, “Хоразмская правда” округ, шунингдек, туманларда туман газеталари чиқарилиб, уларда аҳоли дунё ва мамлакатда бўлаётган янгиликлар билан таништириб борилди [10].

Хоразм республикамиз пойтахти Тошкентдан узоқда бўлганлиги сабабли, Ўзбекистон радиоси эшиттиришларини Хоразм округи ҳудудида тарқатиш имкони бўлмай қоларди. Округ ижроия қўмитасининг 1936 йил 13 январдаги 13/1-сонли қарорига асосан радиокомитет ташкил қилинди. М. Отажонов округ радиокомитетининг биринчи раиси, ўринбосари этиб И. Ибрагимов тайинланади. Радиокомитетга 3 хонадан иборат бино ажратилади [9]. Хоразм округида биринчи радиоэфир 1936 йил 15 январ куни соат 18.00 да амалга оширилган. Дастурга “Инқилоб қуёши” газетасининг шарҳи, концерт, машина трактор станциялари таъмирлаш ишларининг бориши ҳақидаги эшиттириш ва радиотингловчилар учун эртақ киритилганди. Кундалик эфир вақти икки соат бўлиб, эшиттиришларнинг 75 фоизи ўзбек тилида, 25 фоизи рус тилида берилганди [10].

Воҳа аҳли Хоразм радиоси эшиттиришларини жуда катта қизиқиш билан кутиб олган. Биринчи радиожурналистлар Г.Р. Корков, Р. Курбанғалиев, А. Бобожоновларнинг эшиттиришлари тингловчиларда катта қизиқиш уйғотарди. Дастлабки йилларда эфир жадвалидан сўнгги янгиликлар, газеталар шарҳи, грампластинкалар орқали бериладиган концерт дастурлари, “Театр микрофон олдида” туркумидаги эшиттиришлар, адабий эшиттиришлар ва болалар учун мўлжалланган дастурлар ўрин олганди

1937 йилда Хоразм округ радиокомитетининг штатлар жадвали 10 нафар ходимдан иборат таркибда тасдиқланган. Бобожонов, Худойберганов, Сидоровлар муҳаррир, Бекчанова, Атамуратов диктор бўлиб фаолият кўрсатган. 1941 йилда Хоразм радиокомитети штатлар жадвали қуйидаги таркибда бўлган: 1. Масъул муҳаррир (редактор). 2. Сиёсий эшиттиришларни таҳрир қилувчи. 3.Тармоқ эшиттиришлари маъсул ходими. 4. Радио-ҳаваскорлик йўриқчиси. 5. Сухандон (диктор – 2 киши). 6. Котиба. 7. Катта бухгалтер. 8. Тўловлар бўйича йўриқчи. 9. Фаррош [10].

1939 йил кузида бошланган Тошсоқа канали қурилишида воҳанинг барча туманларидан 35 минг деҳқон, ишчи-хизматчи, инженер-техник ходимлар қатнашдилар. Қурилиш жараёнидаги воқеалардан раҳбариятни тезкор хабардор қилиш мақсадида 9 та вақтли почта бўлимлари, билан бир қаторда радио нуқталари ҳам ташкил қилинганди [9]. 1939 йилнинг ўзида Хоразм вилоятидаги ҳар 100 кишига 0,2 телефон аппарати, 40 та шаҳарлараро сўзлашув, 38 та телеграмма, 0,1 та почта қутиси, 4,2 радио нуқталари тўғри келмоқда эди [10].

1940 йилда №-1 қувватли база станция негизида Радйоалоқа ва радйоёштириш Тошкент дирекцияси РА ва РЭ Ўзбек дирекцияси деб қайта номланди. Радйонинг афзаликидан йирик қурулишларда хусусан “Лангар”, Катта Фарғона канали қурилишида кенг фойдаланди. 1940 йилнинг охирида Ўзбекистонда радйо қабул қилувчи нуқталар сони 72 мингга етди.

Хоразм воҳасида радиони пайдо бўлиши ва шакилланиш тарихи 1936-1940 йиллар мақоласидан қуйдаги хулосаларга келиш мумкин. Биринчидан Мамлакатимизда юз бераётган энг муҳим воқеа-ҳодисалар ҳақидаги маълумотлардан вилоят аҳолиси радио орқали тезда хабардор бўлиш имконияти яратилди. Иккинчидан радиони инсонлар ҳаётидаги ва жамиятдаги кенг қўламли ислоҳотлар, ўзгариш ва янгиланишларни ҳолисона ёритиб беришдаги ўрни кўрсатиб берилган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. ЎзМЭ. — Тошкент: Қомус, 1973. – Б. 16.
2. Мўминов А. А. Мўминов Ўзбекистон ахборотлашган жамият сари Тошкент Турон замин зиё 2013 йил . – Б. 8.
3. История развития связи Узбекистана // [http:// infocom.uz](http://infocom.uz) .5.01.2005. – С. 18.
4. Х.Раҳмонов, К. Нуржонов. Тўртқўл. — Урганч, 1993. – Б.33.
5. Машарипов О. Хоразмнома. 5-китоб: Хоразм Ўзбекистон Республикаси таркибида (1924-1994й). — Тошкент: Хоразм, 2013. – Б. 352.
6. Хоразм вилоят давлат архиви (ХорВДА), 69-жамғ., 1-рўйхат, 442-иш, 28-варак.
7. ХорВДА, 69-жамғ., 1-рўйхат, 442-иш, 29-варак.
8. ХорВДА, 251-жамғ., 1-рўйхат, 43-иш, 1-варак.
9. ХорВДА, 453-жамғ., 1-рўйхат, 4-иш, 5-варак.
10. ХорВДА, 453-жамғ., 2-рўйхат, 24-иш, 19-варак.

УЎК 94

ХИВА ХОНЛИГИДА МАРКАЗЛАШТИРИШ СИЁСАТИ: АБУЛҒОЗИ БАҲОДУРХОН ФАОЛИЯТИ МИСОЛИДА

А. Якубов, таянч докторант, Самарқанд давлат университети, Самарқанд

Аннотация. Мазкур мақолада изланувчи Хоразм минтақасидаги марказлашган Хива хонлигининг шаклланиш жараёнлари тадқиқ қилинган. Шунингдек, марказлаштириш тарихи кетма-кетликда ёритилиб, бу жараёнда Хива хони Абулғозихон фаолияти ўрганилган. Тадқиқот ишида бошқарув тизимидаги ўзгаришлар, марказлаштириш жараёнига ўзбек уруғларининг муносабати тарихий фактлар асосида кўрсатилган. Хива хонлигида марказлаштириш учун ички ва ташқи сиёсатдаги амалга оширилган ишлар бирламчи манбалар асосида таҳлил қилиниб унинг ўзбек давлатчилигида тутган ўрни ва ахамияти очиқ берилган.

Калит сўзлар: Хива, Абулғозихон, ўн тўрт ўзбек уруғи, Дашти Қипчоқ, хон, маъмурий ислоҳот, марказий бошқарув.

Аннотация. В статье рассматриваются процессы формирования централизованного Хивинского ханства в Хорезмской области. Также последовательно освещается история централизации, и в этом процессе изучается деятельность хивинского хана Абулғозихана. В исследовании представлены изменения в системе управления, отношение узбекских племен к процессу централизации на основе исторических фактов. На основе первоисточников проанализирована проделанная во внутренней и внешней политике работа по централизации Хивинского ханства, выявлена его роль и значение в узбекской государственности.

Ключевые слова: Хива, Абулғазихан, четырнадцать узбекских племен, дашти-кипчак, хан, административная реформа, центральное правительство.

Abstract. In this article, the scientific researcher investigated the formation processes of the centralized Khiva Khanate in the Khorezm region. Also, the history of centralization was covered in a series and the activities of Khiva Khan Abulgozhon were studied in this process. In the research work, the changes in the management system, the attitude of Uzbek seeds to the process of centralization are indicated on the basis of historical facts. The work carried out in domestic and foreign policy for centralization in Khiva Khanate was analyzed on the basis of primary sources and revealed its role and significance in Uzbek statehood.

Keywords. Khiva, Abulgozhon, fourteen Uzbek seeds, Dashti Kipchak, Khon, administrative reform, central government.

XVI асрнинг бошларида Хоразм Темурийлар ҳокимияти остида бўлиб, Хуросон хукмдори Султон Хусайн Бойқаро Мирзога тобе эди, аслида эса мамлакатда кўнғирот уруғига мансуб сўфийлар сулоласи хукмронлик қиларди. Шайбонийхон у ерда ҳам Темурийлар хукмронлигини тугатишга бел боғлаган 1505 йилда Урганчни ўн бир ойлик қамалдан сўнг эгаллаб, бутун Хоразм воҳасини қўлга киритади. Аммо у 1510 йилда жангда ҳалок бўлганидан кейин Хоразм Эрон хукмронлиги остига тушиб қолади. Шиа мазҳабида бўлган қизилбошлар зўравонлигидан безган халқ дашт ўзбекларига мурожаат қилиб, 1511 йилда Муҳаммад Шайбонийхон қариндошларидан Берка Султоннинг ўғиллари Элбарс ва Билбарсни Хоразмга хон бўлишга таклиф қилишади. Дастлаб Вазир, Янги шаҳар, Тирсак каби шаҳарлар, кейинчалик Урганч шаҳри Элбарсхон бошчилигидаги ўзбеклар қўл остига ўтади. Кўп ўтмай қизилбошлар Хива, Қиёт ва Хазораспни ҳам ташлаб чиқиб кетадилар.

1538 йилда Элбарсхон вафотидан кейин тез-тез хонлар алмашиб турганлиги Хива хонлиги сиёсий ҳаётининг ўзига хос томонларидан бўлди. Тадқиқотчи Женкинсоннинг ёзишича, Урганчда етти йил ичида тўрт марта хон алмашган. Бошқа ўзбек хонлиқларига нисбатан олганда, бу ерда ўзбек уруғ бошлиқларининг ижтимоий-сиёсий ҳокимиятдаги таъсири кучли бўлиб, бу таъсир узоқ сақланган. Жумладан, Абулғозихон даврида (1643-1663) Хоразмдаги дашт ўзбеклари қиёт-қўнғирот, уйғур найман, қанглиқипчоқ каби қабила ва уруғларга бирлашиб, қолганлари ҳам ана шу иттифоқ таркибига кирган.

1643 йилда Орол ўзбеклари Абулғозини хон қилиб кўтардилар[7. 326-330.]. Аммо Хоразмнинг барча худудларини бир вақтда бирлаштириш имкони бўлмади. Чунки Исфандиёрдан қолган ўғиллари Юшан ва Ашраф султонларга берилган ерлар Бухоро хони Нодир Муҳаммад таъсирида эди. Шу боис Абулғози бир неча бор Хива устига юриб, бўйсунмаган одамларни қирди. Хива қалъаси яқинида Бухоро хонининг невараси Қосим султон қўшинлари билан бўлган жангда Абулғози лашкарлари жасорат кўрсатиб, ғалаба қозондилар.

Қосим султон бошлиқ бухороликларнинг Хива остонасидаги мағлубиятидан хабар топган Нодир Муҳаммад 1644 йилда Хоразмга Ёқуб Тавсат исмли амалдорни юборди, аммо у ҳам енгилди. Шу орада Бухоро беклари Нодир Муҳаммадни тахтдан ағдариб, ўрнига ўғли Абдулазизни кўтардилар[1.167].

1644 йилда Абулғози Хивага келиб, хон тахтига расман чиқди. Хон барча туркманларнинг гуноҳини ўтгани ва уларнинг ўз ерларига қайтиб келишлари мумкинлиги ҳақида хабар тарқатди. Аммо унинг қароргоҳига икки мингга яқин туркманлар йиғилгач, уларни қириб ташлаш ва ўғил-қизларини асир олиб Хивага жўнатишни буюрди[1.168].

Хоразм воҳасидаги туркманларни тор-мор келтиргандан кейин Абулғози 1646 йилда Тажан воҳасидаги туркманлар устига юриш қилди. Уларни ҳам жазолаб, кўпларини ўлжа олиб қайтди. Кейинчалик Тажандан қочган ва Хивадан борган туркманлар Қизил Арвотнинг жануб-шарқий тарафидаги Боми баурма деган жойда тўпланганини эшитган Абулғози яна қўшин тўплади. Туркманлар ўз бола-чақаларини Қорақусти деган ерга жўнатиб, ўзлари тошдан қалъа қуриб, Боми бавурмада жанг қилишга тайёр турдилар. Туркманлар харчанд уринмасинлар, бу тўқнашувда ҳам хон қўшинлари ғалаба қилди[1.169].

Келгуси йили жанубий Хоразмдаги йирик қалъа ҳисобланган Катни қолмиқларнинг қўшут уруғидан бўлган Дурди Тойши одамлари талаб кетди[6.125-124]. Уларнинг изидан қўшин билан таъқиб қилган Абулғози 15 кун деганда Югрукбош деган жойда талончилар орқасидан етди. Ярим кунлик жангу-жадалдан кейин қолмиқлар қочиб кетдилар. Бироз дам олгач, хон қўшинлари яна бир ҳафта давомида қолмиқларни таъқиб қилишни давом эттирди. Натижада қолмиқлар кўплаб от ва туялари, босқинчилик билан талаган мол–мулкларидан айрилиб, фақат бир қисми жон сақлашга муваффақ бўлдилар, холос[7.328].

Хивага қайтган Абулғози Атрек дарёси бўйида яшаётган туркманларнинг Одий сардор бошлиқ байраж уруғи устига юриш қилди. Абулғози одамлари байражлар элига савдо ишлари билан кетаётган Авнаш исмли така туркманнинг қарвонига дуч келдилар. Олинган маълумотлар асосида хон байражлар устига юриш қилди. Абулғозининг шу жангги ҳақида Урганҷий шундай ёзганди: “Андағ уруш бўлдимиз, ҳаргиз мундағ бўлмай эрди. Ногоҳ хони жаннат маконнинг бир қули Одий байрамни милтиқ билан узуб йиқитди. Андин сўнг ўттиз йигит кўтарила от солдилар. Тақи туркманларни ўлтуруб, ўғлон-ушоқини ўлжа ва асир қилиб, хонга олиб келдилар. Хон ҳам бу йигитларга инъомлар берди. Тақи бир неча кундин сўнг фатҳ ва нусрат билан қайтиб Хевакга тушдилар” [1.183]. Кейинги йили Абулғози туркманларнинг йимрайли (эмирэли) ва сарик уруғларини бўйсундирди.

Хонликнинг шимолий ва шарқий ҳудудлари ҳавфсизлигини таъминлаш ҳам Абулғозининг эътиборида турарди. 1655 йилда қолмиқларнинг турғавут уруғидан Мерган Тойши ва Ўқчуртаба Тағул исмли етакчилари Ҳазораспнинг бир қанча қишлоқларини талагандан кейин, Садвар ва Дарғанота қишлоқлари аҳолисининг мол-мулкани талон-тарож этди. Бу ҳақдаги хабарни эшитган Абулғози қолмиқларнинг 10 кун олдин юртига қайтиб кетганлиги ҳақидаги ахборотга қарамасдан уларни таъқиб қилишга қарор қилди. Катта талофат бериб қочишни давом эттираётган қолмиқларнинг асосий кучлари Сангин работ деган жойга яшириндилар. Урушга юраги бетламаган қолмиқлар хонга одам юбориб, “Бухорога борамиз деб, адашиб сизнинг юртингизга бориб қолибмиз, бизни кечиринг” дея ялиндилар. Шундан сўнг талаган мол-ҳолларини олдига солиб, қиличларини бўйнига осиб хон олдига келган қолмиқларни кечирдилар. Улар бундан кейин ҳеч қачон Хива хони ерларига ҳуруж қилмасликка онт ичдилар[10.330].

Академик Б.Аҳмедов ёзганди: “Абулғози ҳаммаси бўлиб йигирма йил атрофида хонлик маснадида ўтирди. Лекин бошқа ҳукмдорларга ўхшаб ҳузур-ҳаловат кўрмади. Умри кўпроқ уруш–талашларда ўтди”. Дарҳақиқат Абулғози бутун умрини тахт учун кураш ва жангу–жадалларга бағишлаган фотиҳ деса, муболаға бўлмас. Аммо у давлат арбоби сифатида ҳам жуда катта қобилиятли инсон эди. Даставвал у хонликда бошқарув тизимини мустаҳкамлашга эътиборни қаратади. Тез орада туркманларнинг нуфузли амалдорларини бошқарув ишларидан четлаштирди, уларнинг мол-мулки, ер-суви тортиб олинди. Айрим бўйсунмаган туркманлар Ахал-Така ва Манғишлоқ ҳудудларига қочишга мажбур бўлдилар. Хонликни бошқаришда ўзбекларнинг мавқеи ортиб борди ва уларнинг 360 вакили хон саройида турли лавозимларга кўтарилганини Мунис “Фирдавс ул-икбол” асарида келтиради (28^а). Хон янги амалдорлардан 32 нафарини маҳрам қилиб, ўз ёнига олди[11.52].

Хоразмга Дашти Қипчоқдан келган кўчманчи қабилаларни ўтроқлаштириш тадбирлари ҳам Абулғозининг ички сиёсатида муҳим ўрин эгаллади. Улар тўртта гуруҳга бўлиниб, Бухоро билан чегара бўлган Дояхотун (Дарғонота яқинида) дан тортиб, то Оролгача бўлган ерларга жойлаштирди. Тўпа деб аталган бу гуруҳларнинг катталаридан бири – уйғур ва найман қабилалари ташкил қилиб, уларга дўрман, юз, минг, шайх, бурлоқ каби кичик уруғлар ҳам қўшилди. Уйғурларга Ҳазорасп беқлигининг чекка қишлоғи Питнақдан тортиб, Янгиариқгача бўлган ерлар, найманларга эса Янгиариқдан то Гурлангача бўлган ҳудудлар ажратилди.

Қиёт-қўнғиротлар тўпасига ўзбекларнинг жалойир ва туркманларнинг али эли уруғлари ҳам бирлаштирилган бўлиб, уларга Шовотдан Қўнғиротнинг Қуйғун деган жойигача бўлган ерлар ажратилди. Учинчи тўпага – нукус-манғит қабилалари бирлаштирилиб, уларга кенагас

ва хўжаэли уруғи киритилди. Қанғли-кипчоқлар алоҳида тўпага ажратилган бўлиб, унга кўчманчиларнинг яна бир нечта уруғлари бирлаштирилди[8.328].

Гурландан то Лавзан каналигача бўлган ҳудудлар ҳамда Амударёнинг куйи қисмида нукус ва манғит қабилалари жойлаштирилди. Амударёнинг сўл соҳилидаги Қипчоқ атрофи, Хўжаэли ва Кўкўзак ораллиғида қанғли ва қипчоқ қабилалари жойлаштирилди. Улар таркибида Дашти Қипчоқдан келган ўзбекларнинг ўнтўрт уруғи (ўнтўрт уру) ҳам ўрнаштирилди[8.329].

Хива атрофига жойлаштирилган қипчоқ ва кўнғирот ўзбекларига алоҳида ерлар ажратилиб, уларнинг ўтроқлашув жараёни сал кам икки аср давом этди. Шу орада Оролбўйи ва Куйи Амударё ҳудудларига жойлашган қорақалпоқлар ҳам ўзбек уруғлари билан аралашган ҳолда қон-қардошлик ришталарини шакллантирдилар.

Дашти қипчоқ ўзбекларининг Хоразмга кўчиб келиши ва ўтроқ ҳаётга ўтиши жараёнида деҳқончилик соҳаси сезиларли даражада ривожлана бошлади. Аҳоли сонининг ошиши ва озиқ-овқатга бўлган зарурат экин майдонлари учун янги ерларни ўзлаштириш, суғориш эҳтиёжларини қондириш мақсадида янги наҳр (канал) ва ариқлар қазилди, қишлоқ (кент) ва шаҳарлар қуриш ишларини мислсиз кенгайтди. Шу билан бир қаторда табиатнинг инжиқларини ва ўзгариб туришишини ҳисобга олишга ҳам тўғри келди. Хусусан, Амударё ўзанининг ўзгариши натижасида Ўзбой, Дарёлик, Қўнадарё хавзасидаги Урганч, Вазир, Девкескан, Ақча келин, Шоҳсанам каби қалъалар билан бир қаторда қишлоқ ва овуллар аҳолиси ичимлик ва деҳқончилик учун зарур бўлган сув танқислигини сеза бошладилар.

Хон топшириғи билан Вазир қалъаси аҳолиси Гурлан қалъаси яқинида тикланган Кичик Вазир қишлоғига кўчирилди. Абулғози 1646 йилда Урганч-арна ариғини қазирди ва унинг яқинида асос солинган қалъага Янги Урганч деб ном берди. Бу ерга Кўхна Урганч аҳолисининг бир қисми кўчириб келтирилди. Шундан биров кейин Ғозибод канали ҳам қазилиб, унинг яқинида чегара истехкоми ҳисобланган қалъа тикланди.

Бунёдкорлик ишлари билан шуғулланган Абулғози тарихчи ва табиб олим сифатида ўзидан бебаҳо мерос қолдирди. Тахминан 1657 йилда Абулғози табобатга оид “Манавий ул-инсон” (“Инсонга фойдали нарсалар”) номли асар[5.148], 1658-1661 “Шажарайи тарокима” (“Туркманлар шажараси”) номли бир китоб, 1663–1664 йилларда “Шажарайи турк ва мўғул” номли яна бир тарихий асарни ёзган[2.11].

“Шажарайи турк” асарида Абулғози ўзининг улуғ ҳукмдорлар авлодидан эканлиги ва Хоразмнинг хон унвонидаги ҳақиқий ҳукмдори эканлигини исботлашга ҳаракат қилиб ўз исмига Чингизий, ал-Хоразмий каби тахаллусларни қўшиб ёзишга интиланган.

1663 йилда тахтга чиққан Ануша Муҳаммадхон (1663-1687) Хива хонлиги мавқеи ва қудратини ошириш мақсадида отаси ишларини давом этказди. У Бухоро, Самарқанд, Хуросонга бир неча бор ҳарбий юришлар уюштирди. Хоннинг ҳарбий юришларида жасорат кўрсатган туркманларга нисбатан муносабат яхши томонга ўзгарди. Хон туркманларга Хоразм воҳаси ва унинг атрофларига кўчиб келишига рухсат берди.

1687 йилда сарой аъёнлари уюштирган фитнанинг қурбони бўлган Анушахон ўрнига тахтга ўғли Худойдод (1687-1688) ўтказилди. Янги хоннинг ҳукмронлик даври узоқ бўлмади. Сиёсатда билимдон ва халққа адолатли хон сифатида обрў орттира бошлаган Худойдонни иниси Арангхон шаҳид этди[7.332].

Арангхон (1688-1695) даврида[7.330-331] Хивада амалдор Муҳаммад Ризо Хўжамбердийнинг мавқеи катта бўлиб, унинг маблағи эвазига мадраса ҳам бино қилинди. Аммо хон ҳокимиятининг заифлиги ва унинг мустабид сиёсатидан юртда ички низолар кучайиб, аҳолининг ҳаёти оғирлашиб борди. 1695 йилда Амир Саййид иноқнинг ўғли Одина Муҳаммад бошлиқ кўнғирот ўзбеклари хонга бўйсунмай қўйдилар. Улар ўзбекларнинг манғит, қанғли, қипчоқ, хўжаэли уруғларидан тўплаган аскар ва Дарғонота туркманлари ёрдамида Хивани эгалладилар. Арангхон ўлдирилиб, тахтга Ҳожимхон наслидан бўлган дашти қипчоқлик Жўжихонни (1695-1698) ўтказдилар. Кейинги 15 йилда Хива хонлиги тахтида 10 га яқин ҳукмдорлар алмашди (Жўжихон (1695-1698), Валихон (1698-1699), Шох

Ниёзхон (1699-1702) [7.332], Шобахтхон (1702-1703), Саййид Алихон (1703-1705), Мусохон (1705-1706), Ёдгорхон (1706-1713) ва ҳ.) [10.332-335]. Сиёсий барқарорликнинг йўқлиги ва халқ аҳволининг оғирлашиб бораётганлиги норозиликларни ҳаддан ташқари кучайтириб юборди.

Абулғозийхон ҳокимият тепасига келган биринчи кундан бошлаб асосий эътиборни давлатни мустаҳкамлаш масаласига қаратди. Хива тарихчиси Муниснинг кўрсатишича, Абулғозихон маъмурий ислоҳот ўтказиб, хонликнинг марказий бошқарув тизимини батамом янгидан ташкил этди. Яъни саройда 32 та марказий бошқарув лавозимларини ташкил этиб, улар қуйидагича тақсим этилди: 2 нафар шайхулислом, 1 нафар мутавалли, 1 нафар ноиб, 4 нафар оталиқ, 4 нафар иноқ, 4 нафар мироб, 4 нафар бий, 1 нафар парвоначи, 2 нафар оқа, 2 нафар арбоб, 4 нафар чигатой иноқи, 1 нафар вазир ва яна 1 нафар қўшбеги лавозимларидир. Шу билан Абулғози ўзбекларни ва ерни аҳолининг нуфузли вакиллари давлат бошқарув ишларига жалб этиб, улар орасида маълум барқарорликни вужудга келтирди. Давлат ҳокимиятини мустаҳкамлаб олиши Абулғозига ички ва ташқи сиёсатни кенг қўламда амалга ошириш имкониятини берди [4.48-70]. Абулғозихоннинг ички сиёсат борасида ўтказган энг муҳим тадбирларидан яна бири ўзбек қабилаларини бутун воҳа бўйлаб ўтроқлаштириш сиёсати бўлди.

Хуллас, XVII-XVIII асрларда қўчманчиларнинг ўтроқлашиш жараёни Орол бўйидаги ўзбеклар ва қорақалпоқ қабилалари орасида ҳам кучайди. Уларнинг оммавий ўтроқлашуви ва уларнинг деҳқончилик ҳаётига ўта бориши билан Хоразмда суғориладиган экин майдонларни ўзлаштириш, янги ариқлар чиқариш, янги шаҳар ва кишлоқлар бунёд этиш заруриятини туғдирди. Бу борада Кўҳна Урганч шаҳри аҳолиси учун 1646 йилда Янги Урганч шаҳрининг барпо этилиши Абулғозихоннинг муҳим бунёдкорлик ишларидан бири бўлган. Тез орада бу шаҳар хонликнинг йирик савдо ва ҳунармандчилик марказига айланган. Шу билан бир қаторда илгари Гурланга кўчириб келтирилган Вазир шаҳри аҳолиси ҳам Амударё яқинида деҳқончилик ишларини давом эттиришган.

Бир сўз билан айтганда, Абулғози Баҳодирхоннинг бунёдкорлик ишлари унинг мамлакатни марказлаштириш сиёсати билан уйғунликда давом эттирилди. Бунинг натижаси ўлароқ Хива хонлиги минтақада ўз ўрнига эга бўлиб борган ва ташқи алоқаларда фаоллашган. Бу эса Абулғози Баҳодирхоннинг Ўзбекистон ва умуман Марказий Осиё тарихи учун қимматли манба бўлган “Шажараи турк” ва “Шажараи тарокима” асарлари асосида ўз тасдиғига эга.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абулғози Баҳодирхон. Шажарайи турк. – Б.183.
2. Аҳмедов Б. Абулғози ва унинг “Шажарайи турк” асари ҳақида икки оғиз сўз // Абулғози Баҳодирхон. Шажарайи турк. – Тошкент: Чўлпон, 1992. – Б. 11.
3. Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар. – Б. 219.
4. Воҳидов Ш., Холиқова Р. Марказий Осиёдаги давлат бошқаруви тарихидан.-Тошкент.: Янги аср авлоди. 2006. – 48-70
5. Маҳмудов М. Хоразм: тарих, одамлар, воқеалар. – Урганч, 2004. – Б. 148.
6. Моисеев В.А. Джунгарское ханство и казахи. XVI-XVIII вв. – Алма-Ата: Гылым, 1991. – С. 125-126.
7. Мунис ва Огаҳий. Фирдавс ул-иқбол. – Б.330.
8. Мунис. Фирдавс ул-иқбол // МИТТ. – Т. II. – С. 328. (прим.1); Муравьев Н. Путешествие в Туркмению и Хиву. – С. 36.
9. Қўшжонов О., Дурдиева Г. Хива хонлиги туркманлари. – Хива, 2008. – Б. 11.
10. Огаҳий. Фирдавс ул-иқбол // МИТТ. – Т. II. – С.330.
11. Иванов П.П. Очерк истории каракалпаков // Труды ИВ АН СССР. – Т. VII – С. 52.

УЎК 93/94

ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР – ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ РЕНЕССАНСИ АНЪАНАЛАРИНИНГ ИЛҒОР ДАВОМЧИСИ

А.Яхшиев, т.ф.н., доц., Тошкент давлат иқтисодийт университети, Тошкент

Аннотация. Мазкур мақолада мавжуд манбалар ҳамда “Бобурнома”да келтирилган маълумотларга таянган ҳолда Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ва ижоди қисқача ўз таҳлилини топган. Унда асосий эътибор Бобур шахсининг жаҳон тарихида тутган ўрни ва аҳамиятини очиб беришга қаратилган.

Калим сўзлар: “Бобурнома”, ренессанс, темурийлар, “Муфассал”, “Мубайин”, шеърят, сарой, ободонлаштириш, ислоҳат, бунёдкорлик, “Хатти Бобурий”, қадрият, бобурийлар, сулола.

Аннотация. В статье на основе имеющихся источников, а также сведений, приведённых в “Бабур-наме”, сделан краткий анализ жизни и творчества Захириддина Мухаммада Бабур. Основное внимание в ней уделено раскрытию роли и значения личности Бабур в мировой истории.

Ключевые слова: «Бобурнома», ренессанс, Темуриды, «Муфассал», «Мубайин», поэзия, дворец, украшение, реформа, творчество, «Хатби-бабури», ценности, Бабури, династия.

Abstract. In the article, a short analysis of the life and work of Zahiriddin Muhammad Babur is made on the basis of available sources, as well as the information given in Babur-name. It focuses on revealing the role and significance of Babur's personality in world history.

Key words: «Boburnoma», renaissance, Temuridy, «Mufassal», «Mubayin», poetry, dvorets, ukrashenie, reform, creativity, «Xatbi-baburi», tsennosti, Baburi, dynasty.

Ўзбекистоннинг ўтиз йиллик мустақил тараққиёт йўли бой ва бетакрор тарихимиз, миллий-маънавий, ижтимоий-сиёсий қадриятларимизни қайта тиклаш, уларни холис ўрганиш ҳамда ҳаётга қайтариш имконини берди. Шонли тарихимизда ўтган, Ватан озодлиги, юрт тинчлиги ва халқ фаровонлиги, қолаверса, илм-фан равнақи йўлида ғайрат-шижоат кўрсатиб, номлари жаҳон тарихи зарварақларига мангу муҳрланган буюк сиймолар – Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Захириддин Мухаммад Бобур сингари кўплаб аждодларимизнинг давлатдорлик соҳасида тўплаган тажрибалари, ижтимоий-сиёсий фикр тараққийси, жаҳон илм-фани, маданияти равнақига қўшган хиссалари, уларнинг инсоният тарихида тутган ўрни ва эгаллаган мавқеини бутун бўйи-басти билан кўрсатиш нафақат Ўзбекистон, ёинки Марказий Осиёда, балки дунёнинг кўплаб малакатлари шарқшунослари учун ҳам шарафли вазифага айланди.

Ўзбек халқининг йирик мутафаккири, атоқли давлат арбоби, сиёсатчи, лашкарбоши, ўзбек мумтоз адабиётининг кўзга кўринган вакили, тарихчи олим, таржимон ва шоир, темурийлар даври ренессанси анъаналарининг илғор давомчиси Захириддин Мухаммад Бобур ана шундай улуғ, жаҳон миқёсида эътиборли, ўзига хос ўрин тутган тарихий шахслардан биридир. У темурийлар авлодидан бўлиб, Ҳиндистонда ташкил этилган Буюк Бобурийлар давлатининг асосчиси ҳисобланади.

Бобур номи Ўзбекистон мустақиллигининг олтин пойдеворига асос солган Широқ ва Тўмарис, Беруний ва Форобий, Абу Али ибн Сино ва Ал-Хоразмий, Амир Темур ва Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий каби юзлаб улуғ зотлар қаторида юксак ҳурмат ва эҳтиром билан тилга олинishi бежиз эмас [1].

Бобур Андижонда туғилди. Унинг отаси Умаршайх ибн Абусаид темурийлар сулоласига мансуб бўлиб, Фарғона вилоятининг ҳокими эди. Бобур сарой муҳитида тарбияланди, ёшлигиданоқ илм-фанга меҳр қўйди, айниқса, адабиёт ва тарихга катта ихлос ва иштиёқ билан ёндашди. Отаси Умаршайхнинг бевақт вафотидан кейин Бобур 12 ёшда тахтга ўтириб, давлатни бошқариш билан машғул бўлди.

Бобур мирзо тахтга чиққан XV аср охирида сиртдан қаралганда Мовароуннаҳр ёхуд Марказий Осиёда темурийлар давлати ўзининг сўнгги шавкатли даврларини бошдан кечираётган, баъзи ҳукмдорлар орасидаги тожу-тахт учун кураш ҳамда у ёки бу минтақани ўз тасарруфига олиш учун нифок, фитна ва зиддиятлар истисно қилинса, нисбатан тинч ҳаёт давом этар эди. Ҳар бир темурий ҳукмдор, айниқса, Самарқандда Абусаид мирзо, Султон Аҳмад мирзо, Ҳиротда эса Шоҳруҳнинг ўғли Бойсунқур мирзо, кейинчалик Султон Ҳусайн Бойқаро даврларида иқтисодиёт, ижтимоий ва маънавий ҳаёт, илм-фан, маданият, диний, бадий-ахлоқий ва ижтимоий-сиёсий фикрлар тараққийси ҳали давом этаётган эди. Ҳар бир мулк соҳиби, масалан, Бойсунқур Мирзо ёки Султон Ҳусайн Бойқаро, шу жумладан, Фарғона ҳокими Умаршайх мирзо ҳам давлат идораси ва бошқарувини мустаҳкамлаш билан чекланиб қолмай, ўз саройларида маърифат, илм-фан, маданият аҳли, нуфузли дин

арбобларини, тасаввуф тариқатларининг таникли пири муршидларини кадрлаб, бир “маърифатли подшоҳлик” даврини, муҳитини яратишга интилар эди [2]. Фақат ҳукмдорлар саройларидагина эмас, балки баъзи нуфузли шаҳар ҳокимлари, амирлар, масалан, Самарқандда Амир Аҳмад Ҳожибек ва бошқалар ҳам юқоридагидек илм-фан, маданият, дин-тасаввуф аҳлини тўплаб, ўз қаламварларида маданий кўтарилиш муҳитини яратиш пайда эдилар. Ана шундай, нисбатан тинчлик, осойишталик ва барқарорлик, илм-фан, фалсафа, маданият, бадий-ахлоқий, ижтимоий-сиёсий фикрлар тараққиётида Ҳиротда Мирзо Бойсункур асос солган, нафис тасвирий санъат асарлари, бадий, ахлоқий, тарихий билимларнинг энг буюк ютуқ ва муваффақиятларини ўзида бирлаштирган “Бойсункур академияси”, Самарқандда эса Мирзо Улуғбек “Астрономия мактаби” анъаналари ҳамон давом этарди [3].

Айнан ана шу даврнинг ижтимоий-сиёсий, тарихий шарт-шароитлари таҳлил қилинса, Мовароуннаҳр, Туркистон, Марказий Осиё ва Ҳиндистон давлатлари орасида анчайин тифиз илмий-маданий, диний-тасаввуфий, ижтимоий-сиёсий алоқалар мавжуд бўлганлиги ҳамда сиёсий-ҳарбий иттифоқлар юзага келганлигини кўриш мумкин.

Бобур шоҳ ва авлодларининг илмий-фалсафий, диний-тасаввуфий, бадий-ахлоқий дунёқарашлари, Марказий Осиё ва Шимолий Ҳиндистон минтақасида олиб борган катта ижтимоий давлат сиёсати ана шу маънода нафақат мазкур минтақада ривожланган, балки жаҳон илғор илмий-фалсафий тафаккури ва сиёсатининг ўша давр учун ҳам ва ҳатто бугунги кун учун ҳам кадрли саналган замонавий тамойиллари, кадриятлари – адолат, қонун устуворлиги, инсонпарварлик, этник ва диний бағрикенглик маданиятининг асосий тамойиллари кафолатланишига ҳал қилувчи таъсир кўрсатган эди.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ёш бўлишига қарамасдан бобокалони Амир Темур тузган буюк салтанат шавкати қайта тиклаб, Амударё ва Сирдарё оралиғида марказлашган қудратли давлат барпо этиш мақсадини ўз олдига қўяди. Шу мақсадда, у ҳали жуда ёш бўлишига қарамасдан, Амир Темур пойтахти Самарқанд шаҳрини икки бора қўлга киритади. Афсуски, турли объектив ва субъектив сабаблар туфайли унинг бу эзгу нияти амалга ошмасдан қолди.

Темурий мирзолар учун Самарқанд тахтига эгалик қилиш ғоявий-сиёсий, иқтисодий ҳамда жўғрофий аҳамият касб этганлиги шубҳасиз. Бу туйғу Заҳириддин Муҳаммад Бобур учун отамерос бир орзу эди. Чунки Умаршайх мирзо ҳам бу ишга бир неча бор бел боғлаб, муроди ҳосил бўлмаганлиги хусусида Бобурнинг ўзи қуйидагича хотирлайди: “Чун Умаршайх мирзо баланд ҳимматлик ва улуғ доялик подшоҳ эрди. Ҳамиша мулкгирлик дағдағаси бор эди, неча навбат Самарқанд устига черик тортди, баъзи маҳал шикаст топти, баъзи маҳал бемурод ёнди” [4].

Темурийлар ўртасидаги ўзаро ихтилофлардан усталик билан фойдаланган дашт ўзбекларининг йўлбошчиси Муҳаммад Шайбонийхон Самарқанд, Андижон ва Тошкент мулкларини қўлга киритгач, ёлғизланиб қолган Бобур Мирзо Фарғона ва умуман Мовароуннаҳр ҳудудларидан бош олиб 1504 йили Кобул ва Бадахшон сари, ўзи айтмоқчи, “азимат қилишга” мажбур бўлади. У тарқоқ турк ва афғон қабилаларини ўзига бўйсундириб, Кобул ва Ғазни шаҳарларини қўлга киритади ҳамда 1508 йилда ўзини шу ерларнинг ҳокими деб эълон қилади [5]. Бобурнинг Афғонистонда ҳукмронлик қилган даври расман 1504-1526 йилларни ўз ичига олади.

Шу ўринда Бобур нима сабадан айнан Кобул мулкани танлаганлиги масаласи кўпчиликни қизиқтириши табиий. Бунинг мазкур ҳудудни Амир Темур давридан буён асосан темурийлар тасарруф этиб келганлигидан ташқари, яна бир жиддий сабаби бор эди. Яъни Бобурнинг бобоси Абусаид мирзо Кобул мулкани дастлаб ўғли Умаршайх мирзога хатлаб беради. Фақат Амир Темур Фарғона мулкани ўғли Умаршайх мирзога тортиқ этганлиги ҳурматидан, ўғлининг Умаршах ибн Темурга отдошлигини риоя этиб, кейинчалик Андижон мулкани айнан Умаршайх отлиқ ўғлига туҳфа этганлигини “Бобурнома”даги қуйидаги маълумотлар тасдиқлайди: “Султон Абусаид мирзо аввал Кобулни Умаршайх мирзога бериб, Бобур Кобулийни бек атка қилиб, рухсат бериб эди. Мирзоларни суннат қилур тўйи

жихатдин Дараи Газдин ёндуриб, Самарқанд элтти. Тўйдин сўнгра ул муносабат билаким, Темурбек улуғ Умаршайх мирзога Фарғона вилоятини бергандур. Андижон вилоятини бериб, Худойберди Туғчи Темуртошни бек атка қилиб йиборди” [4].

Бобур Афғонистонда ҳукмронлик қилар экан, мамлакат хўжалиги ва маданиятини юксалтиришга эътибор берди, ариқ ва каналлар қаздирди, чорбоғлар солди, йўл ва кўприклар қурдирди, мактаб ва мадрасалар барпо этди. Мовароуннаҳрда ўсадиган дарахтлардан келтириб, Афғонистон тупроғида янги боғлар барпо эттирди. Маҳаллий аҳолининг диний эътиқодларига, урф-одатларига эркинлик берди, маҳаллий амалдорлар ва зодагонларнинг ҳурмат-иззатини жойига қўйиб, ғайримусулмонлардан ундириладиган “тамға” солиғини бекор қилиб, шу тариқа бутун афғон қавмлари меҳрини қозониб, юксак ҳурмат-эътиборга сазовор бўлди.

Бу даврда Бобур ҳали Мовароуннаҳрни шайбонийзодалардан қайтариб олиш ниятидан буткул воз кечмайди. Аммо кўп уринишлари беҳуда кетиб, айниқса, 1511 йилги Бухоро яқинидаги Кўли Маликда Убайдулла султон билан бўлган жангда шайбоний султонларнинг бирлашган кучларидан мағлубиятга учраши ва мутаассиб уламолар томонидан эълон қилинган шиалик ёрлиғи таъсирида у энди Мовароуннаҳрда давлатдорлик қила олмаслигини англайди. Шу тариқа Бобур мирзо 1514 йилдан бошлаб Мовароуннаҳрга бўлган даъвосидан воз кечишга мажбур бўлади. Бироқ Бобур мирзодек шижоатли, довюрак ва улкан салтанат қуриш орзусида юрган ҳукмдорга Кобул подшолиги торлик қиларди. Шундан сўнг у ана шу мақсадини амалга ошириш илинжида эътиборини бобокалони Амир Темур мусаххар этган юрт – Ҳиндистонга қаратади. Шимоли-Ғарбий Ҳиндистон устига 1519 йилдан бошлаб 1925 йилга қадар беш марта амалга оширилган [6] дастлабки бесамар юришлардан сўнг, 1526 йилдан Ҳиндистонни эгаллашга жиддий киришади. Дехли султони Иброҳим Лўдийнинг ғаними Аллам хоннинг ёрдам сўраб Бобурга қилган мурожаати унинг мазкур юришига қонуний асос тақдим этади. Шу йили 21 апрель куни Дехли шимолидаги Панипат жангида Дехли султони Иброҳим Лўдий қўшинини мағлуб этиб, Дехли ва Агра шаҳарларини эгаллайди. Шу тариқа Бобур Шимолий Ҳиндистонни қўлга киритиб, бу ерда қарийб 300 йил фаолият кўрсатган Буюк Бобурийлар салтанатига асос солади.

Ma'lumki, mamlakatimizning dunyoga yuz tutishi, jahonning ilg'or mamlakatlari bilan madaniy, iqtisodiy, siyosiy sohalarda o'zaro teng ravishda hamkorlik ishlarining yo'lga qo'yilishi va hamfikrlilik munosabatlarini shakllanishi milliy tilimizda o'z ifodasini topmoqda. Ayniqsa keyingi o'n yilliklarda tilimizga "twitter", "blog", "blogger", "klaster", "hosting", "telegram", "instagram", "feysbuk", "feyk", "follor", "follor", "chellenj", "kasting", "onlayn", "oflayn" "layfxak" "fleshmob" kabi yuzlagan chet so'zlar o'zlashdiki, ular nafaqat matbuot sahifalarida, radio eshittirishlarida va televideniye ko'rsatuvlarida balki, oddiy avom xalq so'zlashuv tilida xam kundalik hayot uchun zaruriy muloqot vositasi va ijtimoiy turmushning ifoda tarziga aylanmoqda.

Maqolamizda avvalo "blog" o'zlashmasining tilimizga kirib kelishi va tilimizdagi ma'no tahliliga to'xtalamiz. "Blog" tushunchasi inglizcha "web log"- "vob-kundalik" birikmasi asosida yuzaga kelgan, zero bu ibora dastavval "web log", keyinchalik "weblog" shaklini olib, "web" (to'r- kompyuter tarmoqlari setkasi) umumtushunarli so'z komponenti sifatida ortiqcha sezilgan, qisqartirilgan. Shu tariqa internet sohasi atamaları ichida yangi termin "blog" so'zi yaratilgan. Shu ma'noda bu termin vob-saytninig bir ko'rinishidir yana soddaroq aytilsa, „blog“ onlayn (internet) kundalikdir. Kundalik esa xronologik xususiyatga ega bo'lib, aksariyat hollarda unda ma'lum bir mavzuga tegishli yangilik yoki sharh qayd etilib boriladi. Qaydlarning oshib borishi, kundaliklar sonining ko'payishi bu so'zning mushohadamizda internet jurnal tasavvurini ham hosil qiladi. "Blog"da odamlarning fikrlari biror voqea yoki hodisaga nisbatan munosabati boshqa qiziquvchilar bilan muntazam fikr almashuvi, "blog" tushunchasini ancha kengaytirdi. Matn, tasvir yoki multimedial vositalar orqali berilgan axborotlar uni muntazam xabarlar bildirilib (qo'shib) boriladigan vob-sayt maqomiga ham chiqardi.

"Blog" termini tarixan yangi so'z. Kashf qilinishi va dunyo tillariga kirib kelishiga hali 30 yil bo'lmadi. Washington Profile ma'lumotlariga ko'ra birinchi blog varaqasida 1992- yili TIM BERENS-LI tomonidan yangiliklar nashr etilgan. 1996- yildan boshlab esa bloglardan foydalanish keng ommaga yo'yildi.

1999- yil avgust oyida San-Fransiskolik PYRA LABS kompaniyasi Blogger saytni ochdi. Bu birinchi bepul blog xizmati edi. Keyinchalik Blogger Google kompaniyasi tomonidan sotib olindi. 2004 – yil Apple kompaniyasi hali rasmiy e'lon qilinmagan yangi tovarlari haqida *bloggerlar* ma'lumotlar tarqatganligi uchun *bloggerlarni* sudga berdi, ammo sudda yutqazib qo'yishdi.

2006- yili sud bloggerlar ham jurnalistlar ega bo'lgan huquqlarga ega deb qaror chiqardi. Hozirgi kunda bloglarning ajralib turadigan jihati shundaki, ularga ma'lumot qo'shish, o'zgartirish judda sodda tarzda amalga oshiriladi.

"Blog" tushunchasi jamoatchilik o'rtasida shu darajada kengayib, mohiyati esa mumkin qadar oshib ketdiki, xozirgi kunda uning omma o'rtasidagi quyidagi turlarini nomlash mumkin:

1. Mualliflik turlariga ko'ra:

- *Shaxsiy blog*- bir kishi tomonidan yuritiladi.(qoidaga ko'ra blog egasi)

- *Timsoliy blog*- ma'lum bo'lmagan noaniq shaxs tomonidan yuritiladi.

- *Jamoali yoki ijtimoiy blog* – blog egasi aniqlab bergan ma'lumotlar asosida bir guruh shaxslar tomonidan yuritiladi.

- *Jamiyat blogi*- muayyan bir tashkilot a'zolari tomonidan yuritiladi.

Multimedia turlariga ko'ra:

- *Matnli blog*- matnlar asosida tuziladi.

- *Suratli blog*- suratlar asosida tuziladi.

- *Musiqiy blog*- musiqalar asosida tuziladi.

- *Video blog*- video fayllar asosida tuziladi.

Texnik asoslarga ko'ra:

- *Stand alone blog* – aloxida xosting (xizmat) va dvijkali(takror) blog

- *Blog- platform* – blog xizmati kuchi asosidagi blog

- *Moblog*- mobil vob blog, kontentli(ma'lumot tarkibi)

Maqola davomida o'z navbatida "blogger" so'zining imlo, talaffuz va ma'no tahliliga to'xtalamiz. Mazkur til birligi ham ingliz tili mahsuli bo'lib, "blog" so'zidan (blog+er) yasalgan. Tilimizda uning "blogger", shaklan lotin alifbosiga asoslangan, yozuvimizda esa "блогер", kirill alifbosiga asoslangan imlo variantlari bor. Ayrim hollarda (matbuot sahifalarida) esa uning har ikkala muqobili ham uchraydi:

blogger

"2010 yil iyunda "Twitter" mikrobloglar tarmog'ida mashhur blogger Yevgeniy Grakni quyushqonga sig'maydigan behayo gaplar bilan haqoratlagan." (Darakchi. 23.12.2010)

blogger

***Blogger** sotuvdan tushgan pullarni hayriyaga yo'naltirmoqchi.* (Daryo.uz 23.12.2018)

Endi "blogger" so'zining tilimizdagi ma'nosiga to'xtalinadigan bo'lsak u "blog" yurituvchi, yohud veb- sayt yoki sahifa yurituvchi degan ma'nolarni anglatadi. Ayni holda esa "blogger" **blog yurituvchi shaxs** demakdir. U yuritayotgan blogni davomiylik va to'ldirib borilishi nuqtai nazardan kichik gazeta yoki jurnalga o'xshatish mumkin, faqat bu ommaviy axborot vositasining shtatida birgina muxbir- blogger bo'ladi. U bir vaqtning o'zida ham muallif, ham muharrir, ham sahifalovchi hisoblanadi. Bundan tashqari dizaynerlik, dasturchilik, foto va videolar montajini ham blogerning o'zi qiladi.

Bugungi kunda bloggerlarning o'z blogini yuritishi turiga qarab quyidagi guruhlarga bo'lish mumkin:

1. veb-sahifa blogeri; 2. youtube blogeri; 3. ijtimoiy tarmoq (facebook, vkontakt va h.k.) blogeri; 4. messenjer bloggerlari (telegram, instagram, whats'up) 5. radio blogeri va h.k.

Bloggerlar asosan quyidagi yo'nalishlarda ishlashadi: * moddiy va ma'naviy hayotimiz darajasiga nisbatan ijobiy va salbiy fikrlarni bildirish (mavjud siyosiy, iqtisodiy, ijtimoiy vaziyatga nisbatan rag'bat, ma'qullovchi yoki tanqidiy fikrlar); * ijtimoiy turmushning yaxshilanishi uchun foydali maslahatlar berish (ovqat pishirish (kulinariya), ustachilik, duradgorlik kiyim tikish, hayotda uchrovchi biror bir muammo hal qilish bo'yicha maslahatlar); * ilm-fanga oid bo'lgan maqolalar (musiqa asboblari, kompyuter savodxonligi, matematika, fizika, chet tillarni o'rganish, biologiya, kimyo bo'yicha qiziqarli amaliyotlar va eksperimentlar); * biror vaziyatga nisbatan ekspertlar fikr-mulohazalari (zamon taqozosi bilan bog'liq va yuzaga kelgan global masalalar-iqlim o'zgarishi, havo ifloslanishi, siyosiy, iqtisodiy, ijtimoiy, yuridik vaziyat) va boshqalar.

Blogger va jurnalistning farqi shundaki, blogger mavjud vaziyat yoki muammoga nisbatan shaxsiy yoki odamlar fikrini bildiradi va ko'p hollarda aniq va ishonchli ma'lumotga ega bo'lmaydi. Ular ommaviy axborot vositalari (OAV) tarkibiga kirmaydi. Jurnalistdan farqli ravishda blogger o'z blogini ochiq tarzda yoki anonim shaklda olib borishi mumkin. Jurnalist esa barcha taqdim etgan axboroti uchun mas'uliyatni o'z zimmasiga oladi. Aynan shu narsa blogger va jurnalistning asosiy farqi hisoblanadi. Blogger bo'lish uchun jurnalistika bilan bog'liq oliygohni tamomlash, diplom olish, turli standart, professional malakaga amal qilish sharti mavjud emas. Ba'zi bir o'z vazifasi mohiyatini tushunmagan bloggerlar blogini o'zi bilganicha yuritishi ularda hech qanday faktlarga asoslanmagan fikrlar bo'lishi, mish-mishlardan kelib chiqishi, yolg'on va mubolag'alarining xech ikkilanilmay qo'llanilishi bloggerlarning auditoriyasini kengayishiga olib keladi, zero inson tabiatan bunday narsalarga qiziquvchan bo'ladi. Jurnalistikada esa kasbiy etika mavjud bo'lib, muloqotda belgilangan doiradan chiqmaslik, til normalari va so'zlar kodifikatsiyasi talab etiladi. Yuqoridagilar hisobga olinsa, bloggerlik qilish jurnalistlik faoliyatini olib boruvchilarga nisbatan hayot bilan hamdam qadam tashlashni istovchi va ijtimoiy turmushning yaxshi va yomon tomonlariga qiziquvchi avom(o'qimagan) xalq vakillariga mos tushadi.

E'tiborlisi shundaki, "blogger" til birligi ingliz tilidan (bu tilda biologik yoki grammatik rod yo'q) kirib kelgani sabab muloqotda "blogger" lar jinsini yaqqol ko'rsatmaydi, yohud bu so'z egasi orqasida erkakmi yoki ayol kishimi turganligini anglab bo'lmaydi. Shu jihatdan ingliz va o'zbek tillari ayni. Nemis tilida esa bu til birligining "der Blogger" (erkak blogger) va "die Bloggerin" (ayol blogger) muqobillariga mazkur o'zlashmaning nemis tiliga kirib kelgan kunidayoq o'z-o'zidan tushunarli holat deb qaraldi. Xuddi nemis tiliga o'xshagan odam jinsi muloqotda doimo ko'rsatilishini tilning mutloq qonuni deb hisoblovchi rus tilida unga "-ka" (блогерка) yoki "-ша"

(блогерша) suffikslarini qo'yishda til egalari (mazkur xalq tilshunoslari) hozirgi kunda ikkilanilayaptilar. Chet so'zlarga nisbatan bunday munosabat rus xalqida oldindan mavjud. Masalan rus tilidagi nemischa o'zlashma "мастер" so'zining *мастеруша* yoki *мастерка* shakli so'zlashuv tilida deyarli qo'llanilmaydi. Zero xalq bu so'zlarni tan olmadi, hush ko'rmadi, kodifikatsiya qilmadi, hozircha uni til normasidan chetda tutayapti. Chunki ko'zda tutilgan shaxsning jinsi asosan kontekst orqali ma'lum bo'ladi. Umumma'lumki milliy tilimizda arab yoki fors tillaridan kirib kelgan "a" suffiksi (rais- raisa, muallim-muallima) e'tiborga olinmaganda rod bildiruvchi so'z yo'q. Jins bildirishi uchun odatda *qiz*, *ayol* (rais qiz, muallim ayol) so'zlari yordamida birikma yasash kerak. "Blogger" so'zi bilan bog'liq bunday holatlar bizning matbuot sahifalarimizda uchraydi. Misol keltiramiz:

*"Anjuman chog'ida Registon maydonida yahudiylar kongressining bayram dasturi bo'lib o'tgani va Butunjahon inflyunserlar kongressi davomida **bloger qizning** tarixiy hududda gimnastika kiyimida video tasvirga olgani, bu ikki holatga noroziliklar bildirilgani masalasi ko'tarildi"* (Kun.uz 24.09.2019)

Endi "blogger" so'zining milliy tilimizga nisbatan tez singishib ketgani matbuot sahifalarida va so'zlashuv tilida eng faol leksik birliklardan biriga aylanganligi sabablari borasida ayrim fikr mulohazalar bildiramiz. Buning uchun sobiq ittifoq davridagi xalqimizning ijtimoiy hayot tarzi sahifalarini biroz varaqlashga to'g'ri keladi. Nainki bu davrda ham jurnalistlarga juda katta e'tibor berilar, hatto ular to'rtinchi davlat vakillari deb qaralar edi. Ommaviy axborot vositasining maxsus (o'qigan, oily ta'lim olgan, diplomli) vakillari bilan bir qatorda, hayotimizning moddiy, madaniy, siyosiy, iqtisodiy tomonlariga qiziquvchi avom xalqdan yetishgan shtatsiz muxbirlar, o'quvchi va talabalar orasidan ijtimoiy turmushimiz, kundalik hayotimizning muammoli masalalarini ko'tarib chiqish va ularning isloh qilish yo'llarini ko'rsatish istagida yozilgan xabarlar, maqolalar, reportajlar va felyetonlar uchrab turardi. Bunday "shtatsiz muxbirlar" ning ijobiy maqolalari jamoatchilik tomonidan ma'qullanar va ular moddiy (gonorar) va ma'naviy (maqto'v qog'ozlar, faxriy yorliqlar bilan) rag'batlantiriladi. Salbiy maqolalar, tanqidiy fikrlar matbuot organlari tomonidan xush ko'riksada, tanqidga aloqador kishilar yoki jamoalar tabiiy ravishda buni xush ko'rmasdilar. Jamoatchi muxbirlar orasida yana shundaylar ham bor ediki, ular o'z fikrlarini matbuot sahifalarida e'lon qilmay, bevosita rahbar hodimlarga, sud va prokratura organlariga, kommunistik partiyaning markaziy qo'mitalariga "yozib" bildirar edilar. Bularda asosan qishloq xo'jaligi, xalq xo'jaligi, muayyan korxonalarining rahbarlarini yomonlash, ularning ba'zi shaxsiy kirdikorlarini fosh qilish, poraxo'rlarni aynan nomlash, rejalarni muddatida bajarish ishtiyoqida qilinayotgan qo'shib yozishlarni ko'rsatish inobatga olinar edi. Odatda ular o'z nomlarini bildirmas, anonim saqlashar edi. Jamoatchilik orasida bunday kishilar (asosan erkaklar) "yozuvchilar", "anonimshiklar", "yumaloq xatchilar" deb nomlanar edilar. Bular o'zlarini xalq tarafdorlari, xaqiqat jangchilari, to'g'rilik posbonlari deb ko'rsatar edilar. Ulardan ijtimoiy hayotning qarama-qarshi kuchlari unumli foydalanar, zero ular ba'zi kishilarning shaxsiy manfaati va karyerasi uchun kurashda qo'l kelar edilar. Yaxshi chiqqan va ko'zlangan maqsadga ko'maklashgan "yumaloq xat" sohiblari g'olib chiqqan shaxs yoki tarafdorlar orasida yuksak obro' qozonar va mo'maygina daromad orttirar edilar. Avom xalq esa bunday "yozuvchi" larni xush ko'rmas, ulardan o'zlarini chetda tutardilar. Anonimshik, yumaloq xatchilar yuzaki hurmat qilinar, ularga ma'raka va marosimlarda chin qalbdan istalmagan holda yuqori o'rinlar ko'rsatilar, to'rdan joy berilar edi. Ularning g'arazli-g'arazsiz yozishmalari sabab, "yozuvchi" nomi ham deyarli badnom bo'lgan edi. Odamlar **shoir** so'zini eshitishsa quvonar, ruhlari ko'tarilar, biroq **yozuvchi** so'zini eshitishsa darhol ikkilanish paydo bo'lar va mazkur shaxsning "qanaqa yozuvchiligiga" qiziqilar edi. Bunday ko'chma ma'nodagi yozuvchilar hozir ham oramizda bor. Endi ular o'zlarini yozuvchilar deb nomlashmaydi. Ularga ham "blogger" nomi xush keldi. Avvalari yozuvchi so'zidan orlanib yurgan bu kimsalar, endi "blogger" so'zini faxrlanib tilga olishadi, g'urur bilan o'zlarini shu nom ostida tanishtirishadi. "Blogger" larga davlat tomonidan berilgan imtiyozlar, ijtimoiy munosabatlardagi ustunlik, ishlab chiqarish va xo'jalik ishlariga aralashish, hatto davlat manfaati va siyosiy qudratida ham ularning fikr mulohazalari inobatga olinishi ularni "xalq qahramonlari" ga aylantirib qo'ydi. Mamlakatimizda ijobiy o'zgarish deb qaralayotgan bu ijtimoiy hodisaning hozirgi kunda salbiy

tomonlari ham sezilib qoldi. Binobarin ommaviy axborot ishlariga “blogger” nomi ostida bilgan ham bilmagan ham aralashib, mamlakatda amalga oshayotgan ezgu amallarga muayyan xalaqitlar berishayapti. Ularning ayrimlarida masala mohiyati tushunilmay asosli asossiz fikr mulohazalar bildirilib, hayotning barcha jabhalariga oid yuqori malakalai kasb egalari (maorif, tibbiyot, qishloq xo'jaligi va ishlab chiqarish) ishlariga idiotlarcha munosabat seziladi.

Mamlakatimiz hayotidagi “blogger” lik faoliyatining yuqoridagi salbiy oqibatlarini o'tkinchi narsa. “Blogger” lar chiqishlarining qaysi biri safosatidan iborat va qaysi birida mamlakatimizning baxtli hozirgi kuni va kelejagini yaratishdagi aktual masalalarni o'z vaqtida yechish, mustabid tuzum qoldiqlarini isloh qilish yo'llari ko'rsatilyapti, intellektual xalqimiz buni sezadi, inobatga oladi. Ommaviy tus olib borayotgan bloggerlar harakatining ilg'or vakillari, mamlakatimizning gullab-yashnashiga hissa qo'shayotgan fidoiylar vaqti kelib tan oliniladi va ularning chiqishlari xavas bilan o'qiladi, mehnatlari e'zozlanadi, xalq tarafidan qadrlanadi, davlat tomonidan rag'batlantiriladi.

UDC 81-13

AUTHENTIC VIDEO MATERIALS IN TEACHING METHODOLOGY

M.J. Mirzayeva, teacher, Tashkent State Agrarian University, Tashkent

Аннотация. Мақолада талабаларнинг тил кўникмаларини ривожлантириши учун тақдим этилган аутентик видео материаллардан фойдаланиши ҳақида сўз боради. Дарс аутентик видео материаллардан фойдаланган ҳолда ташиқил қилинса, талабаларнинг тил кўникмаларини ривожлантиришига катта ёрдам беради. Шуни назарда тутган ҳолда, мақолада аутентик видео материаллардан фойдаланишининг афзалликлари ва уларнинг талабаларнинг тил кўникмаларини ривожлантиришига таъсири тўғрисида назарий маълумотлар тақдим этилади.

Калит сўзлар: чет тилни ўргатиши, видео материаллар, ахборот ташувчи, лексик таркиб, аутентик материаллардан фойдаланиши.

Аннотация. В статье рассматривается использование аутентичных видеоматериалов, предоставляемых в целях развития языковых навыков студентов. Если организовать работу с использованием аутентичных видеоматериалов, то это способствует развитию языковых умений обучающихся. А также предоставлено теоретический материал о преимуществах использования аутентичных видеоматериалов и их влияния на развитие языковых умений студентов.

Ключевые слова: обучения иностранному языку, использование видеоматериалов, носитель информации, лексическое наполнения, аутентичные материалы.

Abstract. The article discusses the use of authentic video materials provided for the development of students' language skills. If you organize work using authentic video materials, then this will contribute to the development of students' language skills. It also provides theoretical material on the benefits of using authentic video materials and their impact on the development of students' language skills.

Key words: teaching a foreign language, using video materials, information carrier, lexical content, authentic materials.

At the present stage of development of society, the study of a foreign language is of particular importance. One of the most effective and creative means of teaching a foreign language is the use of video materials. We consider video material as any video production recorded on an electronic medium (or reproduced via the Internet), combining visual and sound sequences, characterized by situational adequacy of language means, natural lexical content and grammatical forms. Modern approaches to learning assert that a person is actively and willingly ready to receive information himself, interacting with his environment.

This is much more interesting than waiting for the moment when information will be transmitted directly to him. In modern learning environments, students must interact with authentic

activities and materials that reflect real life. Because authentic materials include real-life challenges and complexities, they provide students with real-life experiences. In addition, students collaborate and communicate with friends, parents, or more advanced people such as teachers in school and out-of-class settings. Consequently, they continue to study both at school and outside. In foreign literature for authentic materials there is the concept of "real texts", they mean materials that are created for native speakers.

Authentic materials, if used correctly in teaching, can improve knowledge of a foreign language, despite the fact that they are not specifically designed for teaching a foreign language. Ferit Kilikia believes that authentic material is one whose language correlates with the real language and its use in its own community. He also added that the English presented in the classroom must be authentic and not artificially reproduced for educational purposes. As a rule, this involves the use of materials that include the language naturally occurring in communication, in the use of native speakers [4, p.115].

According to Jerry Gebhard's definition, authentic materials include anything that is used for communication. They can be presented in the form of newspapers, magazines, television or radio programs, films, songs, advertisements [2 p. 10]. Today, video is not considered a new technology in the process of learning English in higher education. The potential for learning with authentic videos in a communicative approach to language teaching is clear. Of all the available means, authentic video materials provide the most accurate display of speech in, since the speaker's speech is closely related to a specific language situation, and its communicative element is complemented by a number of visual encoded non-language characteristics (posture, facial expressions, gestures). A teacher should always use both non-standard forms of work and include new techniques and methods of teaching foreign languages in the teaching process. It is also important to turn to new technical teaching aids. All this is necessary in order to form a stable positive motivation of students in relation to a foreign language and in order to achieve the most optimal level of assimilation of educational material.

It is believed that the use of video in the classroom can increase student motivation to learn, as it can expose them to a wide range of situations that can help them understand similar situations in real life and learn how to act in them. There are several advantages to using authentic language learning and teaching videos. First, they can provide video examples for learners on how to communicate in real life situations, showing them ordinary people and the problems learners might face in everyday conversation. Second, authentic videos can help the student focus on the language skills they really need and ignore the skills they might not need for work or study. In addition, authentic materials can reinforce learning strategies that can then be used in different situations.

Self-taught learners generally have knowledge of what language learning strategies they can best use. The visual content of videos can facilitate comprehension and understanding for language learners in an ideal visual context, making such materials effective language tools. The videos are also said to offer a variety of methods and resources for teaching a foreign language, helping students improve their listening and communication skills.

In general, the following advantages of using authentic video can be highlighted:

1. Attracting increased attention of students to the studied language;
2. Increasing motivation to learn a foreign language;
3. Providing the teacher with a huge layer of material for teaching speaking and vocabulary, developing listening skills;
4. Providing students with information about the culture of the country of the target language;
5. Immersion in the language environment of the target language, life and everyday life of native speakers of this language.

Using video in the lesson contributes to the solution of the following tasks:

1. Increase the motivation for learning;
2. Creation of a comfortable learning environment;
3. Promotes the intensification of learning;
4. Increases the activity of trainees;

5. Creates conditions for independent work of students [1, p. 3].

Video fragments can have a strong emotional impact on students, which in turn affects the formation of a personal attitude to what they see. Another advantage of a video clip is the immediacy of the image of reality. special attention is paid to the special manner of communication of the presenter with the audience (in the event that it is a TV show or TV show), the use of large or long-range shots of the plan, the use of special effects, unobtrusive presentation of information, colorfulness, the presence of a background music. When in contact with what is happening on the screen, conditions are created that are closest to natural ones, and the student is immersed in a natural linguistic environment, namely, in a set of speech and non-speech conditions that reflect the life, history, culture and traditions of native speakers in the facts of the given language). Authentic video materials help to form the socio-cultural competence of a student, promote memorization of material, accompany emotional assessment, and diversify educational activities with the help of visual and auditory support. Now there is a huge amount of video materials that can be viewed and used in English lessons. They can be represented by commercials, and interviews with famous people, and cartoons, stories from world films, fragments of news and television programs. In the scientific and methodological literature, there is no strict classification of video materials. However, if we take the technical side as a criterion, then we can distinguish the following types:

1. Video recording, (ie materials recorded on an information medium);

2. Materials that are directly broadcast. Thanks to modern technologies and the Internet, almost any information can be found on the global network and recorded on a carrier [3, p. 28 - 32].

A special layer of means of teaching English is educational video materials. They consist of small episodes and have additional didactic material. According to B. Tomalin, there are 2 types of educational videos:

1. Directly teaching the language;

2. Acting as an additional source for language learning. For the educational material of the first type (directly teaching the language), teaching "straight from the screen" is characteristic, where the leader, performing the role of a teacher, demonstrates patterns of structures. The role of the teacher in this case is to improve the skills and abilities of the learners with the help of the teacher's book and other aids. Videos of the second type (additional source for learning) contain more cognitive information that shows how the language is used at different levels.

They are usually presented as unrelated episodes, where the degree of complexity and speech functions are taken into account. From the point of view of methodology, an educational film (video) is an audiovisual teaching tool specially prepared in a methodological and directorial plan, designed to create natural situations of verbal communication and possessing a great power of emotional impact on students through the synthesis of the main types of visualization (visual, auditory, motor, figurative, extralinguistic, etc.).

And so we conclude that authentic video materials offer a wider variety of language and speech patterns, including various linguistic differentiations such as regional accents, common and special vocabulary, idioms. Moreover, they are used in a real context, exactly as native speakers use them. They provide opportunities for mastering a foreign language culture.

REFERENCES:

1. Chilikina Y.A. Video film as a means of motivation to study a foreign language / Yu.A. Chilikina / 2012.
2. Gebhard J.G. Teaching English as a Foreign or Second Language. USA. 2006. 300 p.
3. Gez N.I., Lyakhovitsky M.V., Mirolyubov A.A. and other Methods of teaching foreign languages in secondary school: textbook. M. 1982.372p.
4. Kilickaya F. Authentic materials and culture content in EFL classrooms // The Internet ELT Journal. 2004 / V. 10(7) P. 111-137.

UDC 802.0-462.2

MAIN TYPES OF MODIFICATION OF PHONEMES IN ENGLISH

M.M. Norxojayeva, teacher, Uzbekistan University of Journalism and Mass Communication, Tashkent

Annotatsiya. Ushbu maqolada ingliz tilidagi fonemalar modifikatsiyasining asosiy turlari va ularni faol tilda amalga oshirish haqida so'z boradi. Lingvistik talqinda bu shuni anglatadiki, bir

xil fonemani, uning allofoniylarining ko'plab realizatsiyasi nutq davomiyligida paydo bo'ladi. Shunday qilib, har bir fonemaning allofonlar soni ushbu fonema yuzaga keladigan fonetik pozitsiyalar sonidan kam emas.

Kalit so'zlar: fonema, modifikatsiya, til tizimi, artikulyatsiya, allofon.

Аннотация. В данной статье рассматриваются основные типы модификации фонем в английском языке и их реализация в активном языке. В лингвистической интерпретации это означает, что в речевом континууме появляется множество реализаций одной и той же фонемы, ее аллофонов. Таким образом, количество аллофонов каждой фонемы не меньше количества фонетических позиций, в которых эта фонема встречается.

Ключевые слова: фонема, модификация, языковая система, артикуляция, аллофон.

Abstract. This article discusses the main types of phoneme modification in English and their implementation in the active language. In linguistic interpretation, this means that many realizations of the same phoneme, its allophones, appear in the speech continuum. Thus, the number of allophones of each phoneme is not less than the number of phonetic positions in which this phoneme occurs.

Key words: phoneme, modification, language system, articulation, allophone.

Introduction. A number of great linguists and phoneticians such as V.Vassilyev, A.Abduazizov, D.Jones, A.Gimson and many others have fruitfully investigated different features of modification of phonemes or in other words combinatory – positional changes in English and Uzbek languages. Their works have been taken as the base of our research. Although this matter has deeply been investigated it still needs further investigations.

In oral speech grammar and vocabulary as language aspects are expressed in sounds. The modification of words and their combination into sentences are first of all phonetic phenomena. We cannot change the grammatical form of a verb or a noun without changing the corresponding sounds. The communicative type of sentences can often be determined only by intonation. Hence the importance of the sound (phonetic) aspect of a language is obvious. To speak any 1% of the vocabulary may be sufficient.

The modifications that sounds undergo in connected speech vary greatly. The speaker avoids articulatory movements that are not absolutely necessary for speech intelligibility. But this process is to some extent regulated by articulatory habits, the orthoepic norm, the system of phonemes in the language, and the system of phonological oppositions that phonemes form in the language.

Thus, in the English language lenis, the consonants / b, d, g / in the final position may be voiceless, but they cannot be replaced by fortis / p, t, k /, since in English the consonants fortis and lenis distinguish words (for example, “cab -cap”, “Hat”, “back bag”). It has been noted that / l / can be “clear” or “dark” in the same phonetic positions; but the “pure” allophone / l / does not occur in positions that use the “dark” allophone / l /, if the former is used instead of the latter, it is immediately detected by native speakers as a foreign accent.

Methods. Phonetic modifications occurring in the speech continuum can affect (1) its sound structure (these modifications occur due to assimilation, accommodation, contraction, exclusion of consonants, the appearance of a connection / r / or obsessive / r /); (2) its syllabic structure (by highlighting syllable sounds); (3) accentual structure of words (due to rhythm).

For purposes of analysis, it is convenient to distinguish the following three phases in the articulation of an isolated speech sound;

(1) the initial phase, when the organs of speech are placed in the position necessary for the reproduction of sound;

(2) the central phase, during which the organs of speech maintain their position for a certain period of time;

(3) The final phase, during which the speech organs return to the resting position.

In coherent speech, the phases of sounds interpenetrate.

The degree of interpenetration of the phases of neighboring sounds depends mainly on the nature of these sounds (whether both sounds are consonants, or one of them is a consonant, and the other is a vowel).

When neighboring sounds have a different nature (for example, consonant + vowel or vice versa), the final phase of the first sounds penetrates into the initial phase of the next sound, and both sounds are only slightly modified. This process is called accommodation.

Accommodation is the process of adapting the articulation of a consonant to a vowel, or a vowel to a consonant.

When a consonant and a vowel are used together, various phenomena arise:

1. Sewerage - lowering of the soft palate, in which vowels take on a nasal tone when they come into contact with nasal consonants (/ n /, / m /, / ŋ /). (from "men" - "tell").

2. Shortening of vowels before consonants, especially before consonants (from "see" - "grasp" - "stop").

3. Elongation / m, n, ŋ, l / after short vowels (from "sun" - "soon").

4. Labialization - lip rounding, which consonants acquire upon contact with rounded vowels (o /, / u: /, / ou /).

5. Velarization - raising the back of the tongue to the soft palate, hence the velar burial coloration, which the consonants acquire upon contact with the back vowels (/ u /, / o /, / uə /).

6. Labio-velarization - raising the back of the tongue and rounding the lips, hence the valerian and labial features, which the consonants acquire when they come into contact with the rounded lips with the vowels of the back (/ o /, / u: /).

7. Palatalization - raising the central part of the tongue, hence the palatal shade, which such consonants as / f, ʒ, tʃ, dʒ, ʃ / acquire when they are followed by vowels or / j /. But it should be noted that palatalization in English is rather weak, and the tendency towards palatalization is much less obvious in English than in Russian and French.

Reduction is a change in the quality and length of a vowel due to a weakening of its articulation and a reduction in its duration.

Any English vowel can be abbreviated if it occurs in weakly stressed syllables. The general tendency is that / i: / and / e / are shortened to the weaker front vowel / I /, while the rest of the vowels are hidden to the central vowel / ə /.

Modern English is characterized by the use of / ə / in weakly stressed syllables, while the more conservative form had and has a stronger / I /, as noted by A. Gimson. For example. / aɪ bə'li: v / for / aɪ bɪ'li: v /, / ɪn'trəstɪŋ / for / ɪ'trɪstɪŋ /.

This very often leads to the neutralization of oppositions between words, for example accept – except, forward - forward, affect effect, etc. But / I / in morpheme endings such as “-ed”, “-es”, “-y”, As a rule, remains, and the opposition “-ed”, “-es”, “-y” usually remains, and the opposition of “-ed”, “-ered”, (matted-mattered), “-es” - “-ers” (mixers-mixers), “-y” - “-er” (Betty is better), as a rule, are not neutralized.

Phonological analysis shows that assimilation, leading to phonemic changes, occurs mainly at the junction between words: isn't it / tʃ /> / t = /, isn't it / dʒ /> / dz /, of course / vk /> / fk /.

It can also occur at the junction of parts of a compound word: goseberry / sb /> / zb /, newspaper / zp /> / sp /, horseshoe / sf /> / ff /.

At the same time, the degree of phonetic modification is governed by the language's orthoepic norm and intelligibility, which prevent modifications that might hinder communication.

Conclusion. The study of the phonetic modification taking place in the speech continuum reveals the phonetic tendencies of the language. This is one of the main reasons why there is a need for further investigation of this problem, especially the influence of prosodic features on the sound structure of speech, which has almost not been subjected to any treatment.

REFERENCES:

1. Alimardonov R.A. Pronunciation Theory of English. T, 2009, 113p
2. Jones D. The Phoneme. Its Nature and Use. Cambridge, 1967, 233p
3. Gimson A.C. An Introduction to the Pronunciation of English. Bristol, 1973, 214p
3. Kurath H A Phonology and Prosody of Modern English, Ann Arbor, 1914, 234p

4. Leontyeva S.F. English Phonetics. M, 1980, 264p
6. Sokolova M.T. et. al. English Phonetics. A theoretical Course, M, 1991, 209p
7. Vassilyev V.A. English Phonetics (A. Normative Course), M, 1962, 211p
8. Weinreich U. Languages in Context, The Hague, 1963, 234p

UO'K 544.421.42:536.755

ILMIY- TEXNIK MATN TARJIMASINING MUAMMOLARI

L.U. Radjabova, o'qituvchi, Toshkent irrigatsiya va qishloq xo'jaligini mexanizatsiyalash muhandislari instituti Buxoro filiali, Buxoro

Annotasiya. Maqolada ilmiy va texnik matnlarni tarjima qilishning qiyinchiliklari tasvirlangan. Zamonaviy tarjimaning dolzarb muammolari orasida ilmiy-texnik matnlarni tarjima qilish kabi sohani rivojlantirish muhim o'rin tutadi; ilmiy-texnik jarayonning tezlashishi tufayli ushbu tarjima turi tobora ko'proq bo'lib bormoqda talab. Matnni chet tiliga tarjima qilish har doim tarjimon duch keladigan ko'plab qiyinchiliklar bilan bog'liq.

Kalit so'zlar: tarjima qilishda qiyinchiliklar, ilmiy va texnik matnlar, texnik tarjima, asl hujjat matni, barcha turdagi adabiyotlar, lug'atlar.

Аннотация. В статье описаны трудности перевода научно-технических текстов. Среди актуальных проблем современного перевода важное место занимает развитие такой сферы, как перевод научно-технических текстов, в связи с ускорением научно-технического процесса этот вид перевода становится все более востребованным. Перевод текста на иностранный язык всегда связан со многими трудностями, которые возникают у переводчика.

Ключевые слова: трудности перевода, научно-технические тексты, технический перевод, текст оригинала документа, все виды справочной литературы, словарей.

Abstract. The paper describes the difficulties of translation of scientific and technical texts. The development of such an area as translation of scientific and technical texts is of great importance among the urgent problems of modern translation as this type of translation is becoming more and more required due to the acceleration of the scientific and technical process. Translation of a text into a foreign language is always associated with many difficulties that arise for a translator.

Key words: difficulties in translation, scientific and technical texts, technical translation, the text of the original document, all kinds of references, dictionaries.

Zamonaviy tarjimaning dolzarb muammolari orasida ilmiy-texnik matnlarni tarjima qilish kabi sohani rivojlantirish muhim o'rin tutadi; ilmiy-texnik jarayonning tezlashishi tufayli ushbu tarjima turi tobora ko'proq bo'lib bormoqda talab. Matnni chet tiliga tarjima qilish har doim tarjimon duch keladigan ko'plab qiyinchiliklar bilan bog'liq. Tarjima qilishda chet tilining barcha nozikliklarini hisobga olish kerak. Tarjimonning vazifasi maqola uslubini his qilish, tarjima qilingan materialning barcha nozikliklarini asl nusxasini buzmasdan etkazishdir. Tarjimaning eng qiyin turlaridan biri bu ilmiy va texnik tarjima, chunki materialni boshqa tilga etarli darajada tarjima qilish nafaqat lingvistik, balki texnik bilimlarni ham talab qiladi.

Texnik tarjima - bu texnik matnlarning tarjimasi, xususan, turli xil ixtisoslikdagi hujjatlar, barcha turdagi ma'lumotnomalar, lug'atlar, mahsulotga muvofiqlik sertifikatlarini, foydalanish bo'yicha ko'rsatmalar, muhandislik rejalari, ilmiy-texnik maqolalar, biznes shartnomalari va boshqa tijorat takliflari. Ilmiy ishlar mualliflari ilmiy va texnik tilning asosiy printsiplari - taqdimotning aniqligi va ravshanligini buzmaslik uchun tilning ko'plab ifodali vositalarini ishlatishdan qochishadi. Lug'at nuqtai nazaridan texnik tarjimaning asosiy xususiyati ma'lum bir bilim sohasi uchun xos bo'lgan maxsus terminologiyaning maksimal darajada to'yinganligidir.

Badiiy matnlarni tarjima qilishdagi asosiy qiyinchilik muallifning niyatlarini talqin qilish, uning adabiy uslubini, psixologik va hissiy elementlarini saqlab qolish zarurligidadir. Biroq, ilmiy va texnik matn tarjimonining vazifasi oddiyroq: muallifning fikrini uning uslubining xususiyatlarini saqlab, aniq etkazish. Yuqorida ta'kidlab o'tilganidek, ilmiy va texnik matnni to'g'ri tushunish uchun

ushbu mavzuni va u bilan bog'liq bo'lgan terminologiyani bilish juda muhimdir. Tarjima qilingan hujjatning ma'nosi saqlanib qolgan bo'lsa ham, texnik matn bepul qayta yozish mumkin emas. Bunday matnda hissiy bayonotlar va sub'ektiv baholar bo'lmasligi kerak.

Ilmiy-texnik matnlar tarjimasining asosiy xususiyatlari tarjimonning tarjimaning ma'lum bir texnik sohasi bilan bog'liq bo'lgan barcha atamalarni majburiy bilishi bilan namoyon bo'ladi. Ilmiy-texnik matn bilan ishlaydigan mutaxassis nafaqat tarjima qilingan so'zlarning ma'nosini tushunishi, balki ularni qo'llashning barcha nuanalarini hisobga olishi kerak. Ilmiy-texnik matn bilan ishlaydigan tarjimon nafaqat tilshunoslik, balki texnik fanlar bilan ham shug'ullanishi kerak. Ilmiy va texnik adabiyotlarni tarjima qilishda siz har doim asl hujjat uslubiga rioya qilishingiz kerak. Odatda ilmiy-texnik xarakterdagi barcha hujjatlar asosiy xususiyatlarga ega. Ular orasida ekspozitsiyaning aniq va ixcham xususiyati, texnik terminologiyaning qat'iy taqdim etilishi, ma'lumotlarning aniq mantiqiy ketma-ketligi va faktlarni talqin qilishdagi konkretligini ta'kidlash lozim.

Ilmiy-texnik matnni tarjima qilishda turli xil epitetlar chiqarib tashlanadi, bir tildan ikkinchi tilga texnik tarjima aniq va mantiqiy muvofiqlashtirilishi kerak. Bu nafaqat matnning mohiyatini etkazish, balki mayda-chuyda xatolardan saqlanish ham juda muhimdir. Masalan, uskunalar uchun texnik qo'llanmani tarjima qilishda kichik xatolik muvaffaqiyatli ishga tushirishni oldini olish yoki uskunaning noto'g'ri ishlashiga olib kelishi mumkin. Ingliz tiliga texnik tarjimani amalga oshiradigan tarjimon o'zbek va rus va ingliz tillarini yaxshi bilishi, shuningdek, ma'lum bir faoliyat sohasiga xos bo'lgan texnik terminologiyani bilishi va axborot manbalari bilan ishlashni bilishi kerak. Ko'pincha texnik matnlarni tarjima qilishda texnik terminologiyani biladigan va lingvistik qobiliyatlari rivojlangan tarjimonlarning etishmasligi tufayli muammolar paydo bo'ladi.

Shuning uchun matnni tarjima qilishdagi kamchiliklarni bartaraf etish va uni asl hujjat matniga maksimal darajada tarjima qilish uchun, amalda amaliy foydalanishdan oldin, tarjima qilingan matn qo'shimcha ravishda texnik tarjima sohasi mutaxassislari va tilshunoslar tomonidan tekshiriladi. Ilmiy-texnik matnlar maqsadli tilda tegishli leksik ekvivalentlardan foydalangan holda aniq tarjimani talab qiladi. Odatda, sinonimlar va tavsiflovchi tarjimalar faqat favqulodda holatlarda qo'llaniladi. Xavfsizlik qoidalarini yoki texnik vositalardan foydalanish bo'yicha ko'rsatmalarni to'g'ri tarjima qilish katta mas'uliyatni o'z ichiga oladi, chunki har doim qat'iy cheklovlar mavjud bo'lib, ularga rioya etmaslik jiddiy jarohatlarga yoki oqibatlariga olib kelishi mumkin. Agar siz texnologik jarayonning o'ziga xos xususiyatlarini tushunmasdan materialni tarjima qilsangiz, siz katta korxonada ishini to'xtatishingiz mumkin.

Agar so'z bir necha ma'noga ega bo'lsa, texnik hujjatlar yoki ilmiy ishlarni tarjima qilishda sezilarli qiyinchiliklar paydo bo'ladi. Tarjimaning ma'nosini buzibgina qolmay, balki ma'lum bir texnik ish uchun atamani to'g'ri talqin qilishga imkon beradigan narsani tanlash tarjimonning mahoratidir. Darhaqiqat, ba'zida texnik terminologiya muhandislik ma'lumotiga ega odamni qiyin ahvolga solishi mumkin, ayniqsa, turli xil texnik sohalarda bitta so'zning turli xil ma'nolari ishlatilsa. Ko'pincha turli mamlakatlar uchun mintaqaviy semantik farqlarni hisobga olish kerak, bir xil atama turlicha eshutilishi mumkin.

Yana bir muhim muammo - bu matnda qisqartmalar mavjud bo'lib, ular texnik mutaxassislar uchun ham doim ham aniq emas. Ushbu pasayishlar sifatli tarjima uchun engib bo'lmaydigan to'siq bo'lishi mumkin. Mamlakatimizda hali ildiz otmagan yangi texnik so'zlarni tarjima qilishda ko'plab qiyinchiliklar yuzaga keladi. Bunday holda, mutaxassis asl nusxasiga to'liq mos keladigan mos rus yoki o'zbek so'zlarini qidirib topishi kerak. Ilmiy va texnik tarjimalar uchun xarakterli xususiyat - bu taqdimotning ma'lum bir usuli.

Buning sababi shundaki, tarjima qilingan matnlardan foydalanadigan mutaxassislar ma'lumotni yoki harakat ko'rsatmalarini osongina tushunishlari va ma'lumot taqdimoti shakli bilan chalg'itmasliklari kerak. Ilmiy-texnik maqola muallifi o'rganilayotgan mavzuni o'zboshimchalik bilan talqin qilish imkoniyatini istisno qilishga urinadi, natijada ilmiy adabiyotda metafora, metonimiya va boshqa uslubiy figuralar kabi ekspresiv vositalar deyarli yo'q. badiiy asarlarda jonli, obrazli xarakter berish uchun ishlatiladi. Ilmiy ishlar mualliflari ilmiy va texnik tilning asosiy

printsipi - fikr bayonining aniqligi va ravshanligini buzmaslik uchun ushbu ekspresiv vositalardan foydalanishdan qochishadi.

Ilmiy-texnik tarjima doimo hissiyot va tasavvurdan xoli bo'lib, ilmiy uslubda bajarilishi shart. Ilmiy-texnik tarjimalar aniqligi, taqdimotning aniq ketma-ketligi, lakonizm, iboralarning mantiqiy tuzilishi, ravshanligi va ob'ektivligi bilan ajralib turishini yana bir bor ta'kidlash lozim. Lug'at nuqtai nazaridan ilmiy-texnik matnning asosiy xususiyati bu bilim sohasiga xos bo'lgan maxsus terminologiyaning nihoyatda boyligidir.

Ilmiy va texnik adabiyotlarning har bir professional tarjimoni yordamchi vositalarning to'liq arsenaliga ega bo'lishi kerak. Bular turli xil mavzuli ilmiy-texnik va ma'lumotnomalar hamda tarjimonga har ikkala tilda noto'g'ri va uslubiy xatolardan saqlanish uchun yordam beradigan ixtisoslashgan va lingvistik lug'atlar. Texnik tarjima nafaqat so'zlarni bir tildan boshqa tilga tarjima qilish, balki lisoniy va yuqori darajada ixtisoslashgan barcha bilimlardan foydalanishni o'z ichiga oladi. Tilshunoslik ta'limidan tashqari, ilmiy-texnik tarjima bilan shug'ullanadigan mutaxassislardan texnologiya sohasidagi ma'lum bilimlar ham talab qilinadi. To'g'ri texnik tarjima uchun tarjimon matnning ma'nosini to'liq tushunishi kerak, agar u tushunmasa, tarjimon ushbu matnni ishonchli va to'g'ri tarjima qila olmaydi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. Федотов А. В. Основы общей теории перевода / А. В. Федотов — М.: Философия Три; СПб: Филологический факультет СПбГУ, 2002. — 416 с. 2.
2. Рецкер Я. И. Методика технического перевода / Я. И. Рецкер — М.: Дрофа, 2007. — С. 14–20.
3. Комиссаров В. Н. Современное переводоведение: учеб. пособие / В. Н. Комиссаров. — М.: Учебное пособие. ЭТС, 2001. — 424 с.
4. Глушко М. М. Функциональный стиль общественного языка и методы его исследования / М. М. Глушко. — М.: Наука, 1974. — 215 с.
5. Glushko M. M. (1994). Ranni D. W. The Elements of Style. (An Introduction to Literary Criticism) / D. W. Ranni. — London, 1951. Ranni, D.W. (1951), «The Elements of Style», London, England.
6. Левицкая Т. Р. Теория и практика перевода с английского на русский / Т. Р. Левицкая, А. М. Фитерман — М.: Изд-во л-ры на иностранных языках, 1963. — 125 с.
7. Раджабова, Д. А. Difficulties of the translation of scientific and technical texts / Д. А. Раджабова. — Текст: непосредственный // Молодой ученый. — 2017. — № 13 (147). — С. 595-599. — URL: <https://moluch.ru/archive/147/41270/> (дата обращения: 25.01.2021).

UO'K 81-13

SIROJIDDIN SAYYIDNING DOSTONNAVISLIK MAHORATI

*B.Rahimova, dots., Urganch Davlat Universiteti, Urganch
Sh.Isakjonova, talaba, Urganch Davlat Universiteti, Urganch*

Annotatsiya. *Mazkur maqolada badiiy adabiyotda tarixiy shaxs obrazini yaratish talqinlari masalasi shoh va shoir Bobur haqida yozilgan asarlar misolida, xususan, O'zbekiston xalq shoiri Sirojiddin Sayyidning "Yuz oh, Zahiriddin Muhammad Bobur" dostoni asosida o'rganilgan, shoirning dostonnavislik mahorati yoritilgan.*

Kalit so'zlar: *doston, tarixiy obraz, mahorat, talqin, tahlil, an'ana, mahorat, ramziylik, ijodkor shaxs obrazi.*

Аннотация. *В данной статье исследуется проблема трактовки образа исторической личности в художественной литературе на примере произведений о правителе и поэте Бабуре, в частности, на основе эпоса "Юз ох, Захириддин Мухаммад Бабур" народного поэта Узбекистана Сирожиддина Саййида.*

Ключевые слова: *эпос, исторический образ, мастерство, интерпретация, анализ, традиция, мастерство, символизм, творческая личность.*

Abstract. *This article illustrates the issue of interpretation of the image of a historical figure in fiction on the example of works about the king and poet Babur, in particular, based on the epic "Yuz oh, Zahiriddin Muhammad Babur" by the People's Poet of Uzbekistan Sirojiddin Sayyid.*

Key words: *epic, historical image, skill, interpretation, analysis, tradition, skill, symbolism, image of a creative person.*

O'zbek mumtoz adabiyoti mana necha asrlardan buyon o'zining o'lchovga sig'mas boy tarixi, ta'rifga sig'mas tamadduni, tavsifda tengsiz buyuk ijodkorlari bilan jahon ahlini lol qoldirib kelmoqda. O'zbek adabiyoti ummonida minglab yetuk irmoqlar hosil bo'lganki, ularning har biri hozirda buyuk bir dengizga qiyos qilgulik tarixga aylanib ulgurgan. Ilmiy va badiiy ijod olamida shunday buyuk zotlar bo'lganki, ular, eng avvalo, o'z xalqining asl farzandi, millatning faxr-u iftixori bo'lish bilan birga, butun bir dunyo silsilasida hech qachon o'chmas nomlarini qoldirib ketganlar. Ana shunday barkamol, yetuk siymolardan biri Zahiriddin Muhammad Boburdir. "Bu buyuk zot o'n ikki yoshidan boshlab Temuriylar davlatini saqlab qolish uchun o'zini o'tga ham, cho'qqa ham urdi, hech qanday dushmanidan ham, sinovdan ham qo'rqmadi. Qirq olti yillik umri davomida bir zum ham halovat bilmasdan o'tdi. O'z avlodlariga Vatanga bo'lgan buyuk muhabbatni, ezgu fazilatlarini meros qilib qoldirdi"[1]. Ana shu merosni avaylab-asrash, uni avloddab-avlodga yetkazishda badiiy adabiyotning roli kattadir. Adabiyotshunos olim I.Haqqulov ta'kidlaganidek: "Bobur biz uchun eng yorqin, eng mahobatli bir yulduz. Bu yulduz ham juda olis, ham behad yuksak. Uning zavqboxsh nuri hech qachon so'nmaydi. Ana shu musaffo nur biz-u sizning ong va idrokimizni yorishuviga xizmat qiladi. Bundan qariyb bech asr muqaddam shunday bo'lgan. Hozir ham shunday. Keyin ham shunday bo'lib qolaveradi"[2]. Jahonga mashhur bobokalonimiz hayoti, uning jozibador ijodi haqida juda ko'plab turli janrlardagi asarlar bitilgan va unda Boburning adolatli shoh, benazir shoir, davlat arbobi, mehribon ota, oddiy inson sifatidagi timsoli yaratilgan.

Гул. Ўзбек тилида бу фитоним бир неча маъноларда қўлланади. Хусусан, 1) ёпик уруғли ўсимликларнинг урчиш учун хизмат қиладиган, гулбанд, косачабарглар, тожбарглар, чангчилардан иборат қисми; 2) атиргул ва умуман зийнат учун экиладиган ёки табиий, ўзи ўсадиган гулли ўсимликлар; чечаклар; 3) бирор нарсага табиатдаги гуллар шаклида чизиб, тикиб, босиб ёки ўйиб туширилган безак, нақш; орнамент; 4) кўчма маънода бадий адабиётда гўзал маъносида ҳам қўлланади; 5) 1-шахс эгалик қўшимчаси билан бирга қўлланиб, бадий адабиётда кўчма маънода ёр, севикли аёл маъносини ифодалаш учун хизмат қилади; 6) 3-шахс эгалик қўшимчаси билан бирга қўлланиб, кўчма маънода энг яхшиси, сараси; файз киритувчиси, қизитувчиси; 7) қадимда марҳумнинг хотирасига бағишлаб баҳорда, гуллар очилганда, йили ўтказилмасидан аввал ўтказиладиган маросимни ҳам “марҳумнинг гули” деб аташган. Қолаверса, қизилча ва қизамиқ каби касалликларда баданга тошган тошма ҳам гул деб аталади [5. 517.]. Баъзан оловнинг қип-қизил бўлиб ёниб турган чўғи ҳам гул дейилади. Қизил рангни ҳам гул (гулранг) дейиш расм бўлган. Гул ҳам авестизлардан бири бўлиб, у “Авесто”да *varədhā* шаклида қўлланган ва қизил гул маъносини англаган. Кейинчалик бу сўз бутун Шарқ тилларига ва бутун жаҳон тилларига турли фонетик вариантларда кириб борган. Хусусан, бу сўз араб тилига ҳам *ورد* – *вард* шаклида ўзлашган ва у гул (қизил гул) маъносини ифодалайди. Моний матнларида бу сўз *w'r* шаклида учрайди ва қизил гул маъносини англатади. Қадимги арман тилида бу сўз *vard*, *vardgēs* тарзида қўлланган. Кейинги даврларда паҳлавийда бу сўз *gul*, *vardā*, *vartā* шаклида қўлланган ва қизил гул маъносини англаган. Курдийда бу сўз *gûl* шаклида қизил гул маъносида, *gul* шаклида тупроқ маъносини англаган ҳолда истеъфода этилади. Зозода бу сўз *vil'e* тарзида, гийлакийда эса *gûl* [6. 1833.] шаклида қўлланади ва гул, қизил гул маъноларини англатади. Бу сўз инглиз тилидаги *flowers*, рус тилидаги *цветок* сўзларини пайдо бўлишига асос бўлганлиги шубҳасиздир. Ўзбек тилида бу сўз *гулбарг*, *гулкоса*, *гулбанд*, *гулқанд*, *гулбун*,

гулоб, гулқад, гулрух, гулчеҳра, гулрухсор, гулранг, гултожжихўроз, гулбеор каби кўплаб сўзларда компонент сифатида яшаб келмоқда.

Барг. Ўсимлик барги ёки гулбарг маъноларида ҳозирги ўзбек тилида кенг қўлланади. Бу сўз авестизмлардан бири бўлиб, у “Авесто”да *varəka* тарзида қўлланган ва гулнинг барги маъносини англатган. Паҳлавийда бу сўз *valg*, сўнгги давр паҳлавийда *vark*, гийлакийда *balg*, фаризандий, ёроний ва натанзийда *valg*, самнонийда *varg*, сангсарий ва лосгардийда *valg*, шаҳмирзодийда *barg*, ишкашмийда *barg*, вахийда *palc*, сарикўлийда *pork*, шўғнийда *pārg*, юдгада *panuk* [б. 260.] тарзида қўлланиб, ўсимликнинг нозик ва юпка гулбарги ҳамда барги маъносини ифодалаган. Ўзбек тилида кенг қўлланивчи *вароқ* (*варақ*) сўзининг пайдо бўлишида ҳам айна *барг* сўзининг авестовий шакли *varəka* асос бўлганлиги шубҳасиздир. Гул ва барг сўзлари ҳам дастлабки босқичда онома тарзида истеъмолда бўлганлигига ҳеч шубҳа йўқ. Шу сабабдан ушбу ўринда уларга фитоним сифатида қаралди ва генетик таҳлили амалга оширилди.

Лола. Ўзбек тилида лоладошлар оиласига мансуб, йирик, чиройли гулли кўп йиллик ўсимлик; манзарали экма гул ва унинг қизил, сариқ ёки тарғил гули маъносини англатган ҳолда қўлланади. Қолаверса, кўчма маънода бадий адабиётда *қизил*, *қирмизи*, *лола рангли* [5. 507.] маъноларини ҳам ифодалаш учун хизмат қилади. Бу фитоним ҳам авестизмлардан бири бўлиб, у “Авесто”да *alālak* тарзида, паҳлавийда *alālak*, ўрта ва сўнгги форс тилида *الاله* – *алоле*, *اله* – *лоле* тарзида қўлланган бўлиб, *қизил гул*, *лола* маъноларини англатган. Кейинги даврда табарийда бу сўз *halālah* тарзида, қадимги курдийда *halbal*, сўнгги давр курдийда *lalé* тарзида қўлланиб, *қизил гул*, *лола* маъноларини ифодалаган. Илмий тилда (лотин тилида) лоланинг турлари турли номлар билан аталади. Чунончи, лоланинг *Papaver rhoeas* (*лолақизгалдоқ*), *Tulipa* (нилуфаргулдошлар оиласига мансуб 80 дан ортиқ турдан иборат ўсимлик, гулнинг умумий номи, асосан, шимолий Эрон, Помир, Олой ва Тянь-Шан тоғларида ўсади), *Liliacées* (нилуфаргулдошлар оиласига мансуб, узун қирра баргли, чиройли майда ёки йирик гуллайдиган ва манзарали, асосан, шимолий ярим шарда кенг тарқалган гулнинг умумий номи), *Ranunculus* (раъногулдошлар оиласига мансуб бир ва кўп йиллик, сувда ва қуруқликда ўсадиган гулнинг умумий номи. Асосан, совуқ иқлим бўлган шимолий ярим шарда учрайди), *Anemone pulsatilla* (раъногулдошлар оиласига мансуб “уйку гули”, қадимдан халқ табобатида кенг фойдаланилган), *Clematis vitalba* [б. 54.] (раъногулдошлар оиласига мансуб узумбаргли клематис) каби турлари мавжуд. Уларнинг барчаси, асосан яқин ва ўрта Шарқ, Кавказ тоғлари ва сув ҳавзаларида кенг тарқалган.

Лола сўзи пайдо бўлишига туркий *āl* ўзаги асос бўлган. Авестовий *alālak* аслида туркий қатламдан “Авесто” тилига кириб борган сўздир. Қадимги туркий тилда бир неча маънони ифодаловчи *āl* омоним ўзаги мавжуд бўлган. Улардан бириси *āl* қизил гул, қирмизи ранг маъносини ифодалаган. Айна шу ўзак асосида *alālak* сўзи ҳосил қилинган ва шу тарзда кенг истеъфода этилган. Кейинчалик бу сўзнинг *лола* шаклига ўтган ҳамда туркий тилларга ҳам шу шаклда форс тилидан қайта кириб келган ва шу шаклда яшаб қолган.

āl ўзаги қадимги туркий тилдан орийга ва бошқа ҳинд-европа тилларига кириб борган ва барча жаҳон тилларида бугунгача кенг қўлланиб келмоқда. Орий тилида бу сўз *al*, *ag* [4. 309.] тарзида қўлланиб, *қизил*, *қирмизи* ва *қизилча* (тошма ва иситма билан боғлиқ касаллик) маъноларини англатган. Кейинчалик санскрит тилида қўлланган *alāta* – *машъала* сўзининг пайдо бўлиши ҳам қадимги туркий тилдан орийга кириб борган *āl* ўзаги билан боғланади. Индоевропа тилида ҳам *āl* ўзаги учрайди ва *қизил*, *қизилча касаллиги* маъноларини ифодалайди. Қолаверса, индоевропа тилида *āl* *ёнмоқ*, *куймоқ* маъноларида ҳам истеъфода этилган. Кейинчалик *āl* ўзагининг бу маъноси швед тилидаги *ala*, лотин тилидаги *ol*, *altāre* [2. 28.] сўзларининг пайдо бўлишига асос вазифасини ўтаган ва маъно кенгайиши натижасида *меҳроб*, *олов ёниб турадиган макон*, *алтарь*, *қурбонлик қилинадиган жой* маъноларини англата бошлаган. Осетин тилидаги *ala* – *қурум*, *дуд*, *тутун* [3. 43.] сўзи ҳам таҳлил қилинаётган қадимги туркий тилдаги *āl* ўзаги билан боғланади. Хотансаксадаги *agādā* [1. 25.] – *буғланиш* сўзининг пайдо бўлишида ҳам туркий ўзак *āl* асос бўлган. *āl* туркий ўзаги орий ва индоевропада *āl* ва *ag* фонетик вариантларида қўлланганлиги маълум. Кейинчалик

бу ўзак маъно кенгайиши асосида *олов* маъносини англата бошлагани ҳам аслида туркий тилларнинг таъсирида бўлганлиги шубҳасиз. Чунки айна *āl* ўзагидан бугунги барча туркий тилларда кенг қўлланаётган *олов* пайдо бўлганлиги ҳам ортиқча изоҳ талаб қилмайди. Бундан келиб чиқадики, рус тилидаги *огонь* – *олов*, *факел* – *машъал*, *алтарь* – *меҳроб*, араб тилидаги *شعله* – *шуъла* ва *مشعله* – *машъала* каби сўзларнинг пайдо бўлишида ҳам туркий *āl* ўзаги асос вазифасини ўтаган.

Олу. Раъногулдошлар оиласига мансуб данакли мева дарахти ва унинг меваси [5. 119.]. Бу фитоним ўзбек шеваларида кенг қўлланади. Ҳозирги ўзбек адабий тилида унинг ўрнида шу маънони ифодалаган ҳолда *олхўри* фитоними истеъфода этилади. *Олу* фитоними ҳам авестизмлардан бириси бўлиб, “Авесто”да у *alūk* тарзида қўлланган ва *олча*, *олхўри* маъноларини англатган. Кейинги даврда паҳлавийда бу сўз *alūk*, *alūg* тарзида қўлланган ва *олча*, *олхўри* маъносини ифодалаган. Шу маънода авестовий *alūk* турли фонетик вариантларда кейинги давр тилларига кириб борган. Хусусан, курдийда *hulu*, табарийда *halī*, шахмирзодийда *halī*, гийлакийда *xālū* ва *ālū* [6. 2360.] тарзида қўлланиб, *олча*, *олхўри*, *шафтоли* маъноларини англатади. Демак, ўзбек тилидаги *олча*, *шафтоли*, *олхўри* мевалари эроний тилларда қадимдан бир ном билан аталиб келинган. Фитонимнинг илмий номи латин тилида *Amygdalus Persica* бўлиб, *эрон бодоми* маъносини англатади. Ҳозирги Европа тилларида унинг иккинчи қисми *Persica* *шафтоли* мевасининг номи сифатида оммалашиб кетган. Хусусан, француз тилида бу мева *pêche* деб аталса, инглиз тилида *peach*, олмон тилида *pfirsisch* тарзида номланади. Шафтолининг (*persica*) эрон бодоми (*amygdalées*) деб аталишига сабаб, у айнан Эрон орқали Ғарб дунёсига кириб борган ва данаги ва меваси шаклий жиҳатдан бодомга ўхшаш бўлгани ва бу меваларнинг барчаси раъногулдошлар оиласига мансуб бўлиб, гулининг шакли ҳам бир хилда бўлганидандир. Демак, ўзбек тилидаги *олча* (*олуча* – *кичик олу*), *олхўри* (*олу хўрий* – *ейишли олу*), *шафтоли* сўзларининг пайдо бўлиши авестовий *alūk* сўзи билан боғланади. Авестовий *alūk* сўзининг пайдо бўлишида эса туркий ўзак *āl* асос вазифасини ўтагани шубҳасиздир. Авестовий *alūk* аслида *қизилча*, *қизил мева*, *қизил гул* маъноларини англатган ва кейинчалик маъно кенгайиши натижасида *олхўри*, *олча*, *шафтоли* меваларига ном сифатида қўллана бошлаган. Бу ҳол *олча* сўзидаги *–ча* аффикси аслида туркий қатламдан эроний қатламга ўзлашгани ҳам фикримизнинг исботи бўла олади.

Най (найча). Камиш. Шу сабабдан ундан ясалган чолғу асбобини ҳам *най* деб аташ урф бўлган. Бу сўз “Авесто”да *nada* тарзида қўлланган ва *қамиш*, *най* маъноларини англатган. Қадимги форс тилида бу сўз *nada* шаклида, паҳлавийда *nai* ёки *nad*, қадимги ҳиндийда *padá*, *nadhá*, арманийда *net*, афғон тилида *nāra*, санскритда *padá*, сўнгги давр паҳлавийда *nadh*, курдийда *nei*, лурийда *nei* [6. 2221.] шаклида қўлланади ва *ниҳол*, *қамиш*, *най*, *найза* каби маъноларни ифодалаш учун хизмат қилади. Демак, ўзбек тилида кенг қўлланувчи *найза* сўзининг пайдо бўлишига ҳам авестовий *nada* сўзи асос вазифасини ўтаган. *Най* сўзини *найшакар* фитонимида ҳам айна маънода қўлланганини кузатиш мумкин.

Найшакар. Шакарқамиш. Ўзбек тили ва унинг баъзи шеваларида шу маънода қўлланади. Ушбу сўз икки қисмдан ташкил топган бўлиб, аввалги қисм *най* авестовий *nada* бўлиб, *қамиш*, *най*, *ниҳол* маъноларини англатади. Иккинчи қисм *шакар* “Авесто”да *shakar* тарзида, паҳлавийда *shakar*, санскритда *sarkarā*, астийда *saekaer*, гийлакийда *shaker*, техронийда *shekar*, юнон тилида *sakxaron*, латин тилида *saccharum*, француз тилида *sucre*, инглиз тилида *sugar*, олмон тилида *Zucker* [6. 1279.], рус тилида *сахар* тарзида қўлланади. Найшакар илмий тилда *Saccharum officinarum* деб аталади. Асосан Ўрта Осиё ва Жанубий Осиё ҳамда Шимолий ва Марказий Африка ҳудудларида ўсади ва баландлиги 5 метргача боради. Уни, асосан, шакар олиш учун етиштирадилар.

Тарвуз. Қовоқдошлар оиласига мансуб, палак отиб ўсадиган бир йиллик полиз ўсимлиги ва унинг ейиладиган юмалоқ ёки овалсимон, қизил гўшти, серсув ҳосили [5. 679.]. Бу фитоним ҳам авестизмлардан бири бўлиб, “Авесто”да у *harbūc*, *harbūcak* тарзида қўлланган ва қовун ёки тарвуз меваларини аташда бирдек қўлланаверган. “Бундахишн”да у *harbēc* [6. 725.] тарзида қўлланган. Моний матнларида ба сўз *hrbwz* тарзида қўлланиб қовун маъносини

англатган. Пахлавийда бу сўз *harbûc*, *harbûcak* шаклида, сўнгги давр пахлавийда эса *harbuz* тарзида қўлланиб қовун ёки тарвуз маъносини англатган. Арман тилида ҳам *harbuz* ёки *harbzak* қовун ва тарузни номлашда тенг истеъфода этилган. Гийлакийда бу сўз *harbûzae*, фаризандийда *harbâzâ*, ёронийда *harbâzâ*, натанзийда *harbûzâ*, самнонийда *harbâzâ*, сангсорийда *harbozé*, шахмирзодийда *harbûzâ*, дизфулийда *harbeza* тарзида қўлланади ва қовун маъносини англатади. Жаҳоннинг кўпгина тилларида бу сўз *melon* тарзида қўлланади. Илмий номи *Cucumis melo*. Инглиз тилида ҳам *melon* асосан қовун маъносида қўлланади. *Water-melon* эса тарвуз мазмунида истеъфода этилади. Ҳозирги форс тилида ҳам *خربوزه* – *харбузе*, асосан, қовун маъносида қўлланади. *هندوانه* - *хендвоне* сўзи эса тарвуз маъносини англатади, форсийлар баъзан тарвузни ҳам *خربوز* – *харбуз* дейверадилар. Хоразм шеваларида тарвузни *харбуз*, *харвуз* деб аталиши ана шундай жуда қадимий асосга эга. Бу сўз рус тилига ҳам деярли шу шаклда (*арбуз*) кириб борганлиги ажабланарли эмас.

Хулоса қилиб айтганда, ўзбек тилидаги фитонимлар кўлами жуда кенг бўлиб, уларнинг катта қисми субстрат қатламга оиддир. Илк ўзлашма сифатида таҳлил қилинган ушбу фитонимлар асосан умумэроний тиллардан туркий тилларга, хусусан, ўзбек тилига кириб келган бўлса-да, айрим фитонимлар ўз қатлам ва субстрат қатламга оид сўзлардир. Уларнинг пайдо бўлишида туркий халқлар ҳам бирдай иштирок қилганлар. Бу фикрлар туркийлар кўплаб халқларнинг маданияти, тили, луғат қатлами ривожига улкан рол ўйнаганлигини яна бир бор исботлайди.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Bailey H.W. Dictionary of Khotan Saka. Cambridge-London-New York-Melbourne, 1979. – P. 25
2. Pokorny J. Indogermanisches etymologisches Wörterbuch. Bern, 1959.
3. Абаев В.И. Историко-этимологический словарь осетинского языка. Т. I. М.-Л., 1958.
4. В.С.Расторгуева, Д.И.Эдельман. Этимологический словарь иранских языков. Том 1. М. Восточная литература. 2003.
5. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Том I. 2006.
6. شمس الدين محمد بن خلف تبریزی . برهان قاطع. با اهتمام دکتر محمد معین. تهران. امیر کبیر. ۱۳۸۶. در چهار جلد.

УДК 81-13

ТИПЫ СОКРАЩЕНИЯ ИНТЕРНЕТ-ТЕРМИНОВ

М.С. Мирханова, учитель, Бухарский филиал Ташкентского института инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства, Бухара

Annotasiya. Maqolada zamonaviy dunyoda dolzarb bo'lgan Internet atamalarining qisqartirish turlari tasvirlangan. Internet-atamalar uchun qisqartirish turlarining namunalari ham maqolada keltirilgan.

Kalit so'zlar: qisqartirish turlari, Internet atamaları, leksik qisqartmalar, grafik qisqartmalar, qisqartmalar

Аннотация. В статье описаны типы сокращения интернет-терминов, которые актуальны в современном мире. Примеры типов сокращений интернет-терминов тоже принесены в статье.

Ключевые слова: типы сокращения, интернет-термины, лексические сокращения, графические сокращения, аббревиатуры

Abstract. The article describes the types of abbreviations of Internet terms that are relevant in today's world. Examples of types of abbreviations of Internet terms are also brought in the article.

Keywords: types of abbreviations, Internet terms, lexical abbreviations, graphical abbreviations, abbreviations

Существует два типа интернет-терминов с точки зрения использования и содержания:

1. Лексические сокращения. 2. Графические сокращения.

Сокращения, используемые в приведенном выше анализе, являются лексическими аббревиатурами. Графические аббревиатуры также называют "условными аббревиатурами", которые представляют собой аббревиатуры, используемые в собственном имени - в тексте

документов, букв, решений, с целью экономии места и времени, во избежание дублирования, на практике они читаются в полном объеме, а аббревиатуры - только в письменной форме. Например, в буквах: St. - Улица - кўча, Mr. - Mister - жаноб, Mrs. - Missis - хоним, Dr. - Doctor - доктор. В научных книгах и словарях: n. - от, v. - феъл, adj. - сифат, adv - равиш и др. В отличие от обычных лексических сокращений, временные сокращения могут формироваться практически из любой части слова. В частности, временная форма этих графических сокращений используется для того, чтобы предотвратить повторение слова в тексте более одного раза, поскольку его значение известно в зависимости от контекста.

Мы можем видеть следующие временные графические сокращения в интернет-терминалах на сопоставимых языках: I / O - Input / Output - ввод / вывод на узбекском языке; S / PDIF - Sony / Philips Digital InterFace (разъем) - цифровой интерфейс Sony / Philips. Цифровой оптический аудиоинтерфейс, разработанный Sony и Phillips; CSMA / CD - Carrier Sense Multiple Access с обнаружением столкновений - организация, занимающаяся разработкой общедоступных моделей и стандартов приложений; CSMA / CA - Carrier Sense Multiple Access с предотвращением столкновений - Полный доступ к оператору связи, который слышит и отвечает на вопросы, вопросы и ответы - Вопросы и ответы; НИОКР - НИОКР - Исследования и разработки и другие вопросы количество и одновременно повысилась значимость графических сокращений.

Помимо сохранения типографских строк, они также широко используются, так как используются для создания короткого, лаконичного текста.

Сокращения в Интернете на английском языке пишутся в соответствии с определенными правилами пунктуации. Например, в сокращенном виде составного термина тире между буквами в слове не ставится тире, а проставляется дефис. Когда единицы сокращаются, они добавляются, не оставляя пробела между числом, обозначающим число, и аббревиатурой, обозначающей единицу. Интернет-термины могут быть сокращены при наличии чисел: PCI-64 - соединение периферийных компонентов, 64-разрядная - 64-разрядная шина PCI, шина PCI-64. 64 - отсек системной шины для подключения оборудования к компьютеру. Обычно используется на серверах. ROT-13 - ROTate 13 - 13 оборотов; RS-232 - Рекомендуемая спецификация 232 - Рекомендуемая спецификация 232. Спецификация интерфейса последовательной связи и т. д.

В нижнем реестре Интернета есть сокращения: id, dir, src, alt и т. д. Одно из важнейших понятий Интернета - это «домен». Домен - это адрес сервера, на котором расположен сайт. Точный IP-АДРЕС компьютера в Интернете должен быть пропорционален домену. Из-за доменов можно добавить несколько сайтов к одному IP-адресу сервера. Два домена, три или более домена могут указывать ровно на один адрес электронной почты. Уровни домена определяются количеством адресов, разделенных точкой, т.е. .uz - домен 1-го уровня, site. uz - домен 2-го уровня, name.site. uz - домен 3-го уровня и др. В Интернете есть общие, международные и национальные домены. Названия этих доменов можно рассматривать как международный словарь. Например, общие и международные домены могут относиться к организациям или социальным доменам: gov - государственные учреждения, mil - военная система, edu - образовательные и научные центры, com - commerce, net - network, org - негосударственное предприятие (негосударственное предприятие).

Национальный домен представляет государство: uk - Буюк Британия (Великобритания), jp - Япония (Япония), ru - Россия (Россия), uz - Ўзбекистон (Узбекистан), us - АҚШ (США), au - Австралия (Австралия), kr - Корея (Корея), cn - Хитой (Китай), br - Бразилия (Бразилия), de - Германия (Германия), it - Италия (Италия).

В контексте принятия Интернет-терминологии все процессы, связанные с формированием терминов в этой области, находятся под влиянием английского языка, в основном его американской версии. Влияние англо-американизма и русского языка на узбекский язык очевидно и гораздо сильнее.

Одной из наиболее влиятельных терминологических систем Узбекистана является язык информатики и информатики. Это связано с тем, что английская терминология является

мировым лидером в этой области науки и техники. Большая часть терминологии в Интернете заимствована также из американского английского языка.

В соответствии со структурным анализом аббревиатур английского языка были выделены шесть типов аббревиатур, таких как заглавные аббревиатуры, частичные аббревиатуры, вырезанные, числовые и символические аббревиатуры, эллипсис и смешанные аббревиатуры. Они составили 73,25% от общего числа проанализированных сокращений, в то время как метод аббревиатур также оказался эффективным при создании терминов в области ИТ.

Если рассмотреть аббревиатуры, используемые в узбекской системе интернет терминологии, то мы увидим, что их количество действительно растет. Большинство аббревиатур узбекских интернет-терминов являются иностранными ассимиляциями. Существуют сокращения для Интернет адресов, служб, протоколов, названий каналов, а в узбекских сокращениях используется английский алфавит.

Все отраслевые термины имеют номинативную функцию, а в процессе номинации Интернет-термины служат для выражения абстрактных и специфических понятий, живых и неживых объектов, перечисляемых и бесчисленных объектов. Причина заключается в том, что "термины как специфические языковые единицы обычно считаются существительными или на их основе строятся словосочетания" [T.L. Kandelaki, 1977; 15].

Независимо от того, когда были выдвинуты сроки, в науке уже давно доказано, что понятие поля появляется до его выдвижения. Несомненно, эта ситуация уникальна, особенно для сектора Интернета. Развитие новых видов электронных средств, программного обеспечения, услуг в области компьютерных технологий и Интернета с течением времени требует их выдвижения. Суть номинации заключается не в том, чтобы выразить имя каким-либо языковым знаком, а в том, чтобы интерпретировать определенную абстракцию как конечный результат познавательной деятельности человека. Другая функция термина - это определяющая функция, т.е. слово служит не только выражением определенного понятия, но и средством логического определения.

Ряд лингвистов также утверждают, что данный термин не относится к номинативной функции. Например, по мнению В. Лейчика, С. Шеловой, номинальность термина не является важным признаком, отличающим его от других лингвистических единиц, поскольку номинальность является лингвистическим признаком. Следовательно, номинативная функция характерна не только для терминов, но и для всех существительных и существительных фраз [Paluanova X.D., 2016; 33].

Хотя формирование наименования следует определенным законам, наиболее важным из них является то, что наименование, данное объекту или событию, соответствует природе этого объекта, т.е. понятие чего-то и события подтверждается в языке, который называется номинацией [Хасанова Д.О., 2011; 11].

С точки зрения терминологии, термины в Интернете, созданные в виде фраз, имеют взаимосвязанные значения. На уровне формулировок структура этих типов терминов позволяет идентифицировать семантические отношения, составляющие смысл аргументов, выполняющих определенные семантические функции. Наличие уже существующих лексических значений в новых именах и возможность создания новых терминов в Интернете зависят от внутренних возможностей языка, определяемых развитием различных методов и моделей словообразования. Такие интернет-термины создаются ассоциативно и семантически.

Вторичная категория интернет-терминов - это уникальный творческий процесс, направленный на создание новых терминов.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Hojiev A. Term selection criteria. –Т.: Fan, 1996, P. 23-25.
2. Kadirbekova D. Terminology of English-Uzbek information and communication technologies and its lexicographic features. can. philological sciences... dis. Tashkent, 2017.
3. Kandelaki T.L. Semantics and motivation of terms. – М.: Nauka, 1977.

4. Kandelaki T.L. The main groupings of terminological units of ordered terminologies // Questions of linguistics. 1987. – No. 6. P. 84-89.
5. Khodakova A.G. System semantics of the term (based on the English terms of the Internet). Author's abstract ... can. philological sciences. Tula, 2010, P. 13.
6. Kurilo N.A. Abbreviations in modern English: a functional aspect. Minsk, 2005.
7. Lotte D. Fundamentals of building scientific and technical terminology: theory and methodology. Moscow. 1961.
8. Mirzoeva M.M. Abbreviated words in Russian and Tajik languages. Abstract of a thesis dissertation of the candidate of philological sciences. Dushanbe, 2006.

УЎК 81-13

ТАЛАБАЛАРДА ФРАНЦУЗ ТИЛИ ОРҚАЛИ МИЛЛАТЛАРАРО ТОЛЕРАНТЛИКНИ ШАКЛЛАНТИРИШ УСУЛЛАРИ

Н.М. Музаффарова, ўқитувчи, Тошкент давлат педагогика университети, Тошкент

Аннотация. Ушбу мақолада олий таълим муассасаси француз тили орқали миллатлараро толерантликни шакллантиришнинг энг муҳим институтларидан бири бўлган қатор атамалари ишлатилиши уларнинг мазму ва моҳиятини кенг очиб баён қилинган. Ўзбек тилида эса “ўзга ҳаёт тарзи нуқтаи назаридан, ғоялар, эътиқодларга тоқатлилик ва диний бағрикенглик, мупувватли бўлиш” тушунчаларини қисқача ёритилган.

Калим сўзлар: толерантлик, *tolerantia*, сабрлилик, чидамлилик, ғоя, бағрикенглик

Аннотация. В статье подробно описано использование ряда терминов, содержание и сущность которых является одним из важнейших институтов формирования межнациональной толерантности через французский язык высшего образования. На узбекском языке кратко описаны понятия «толерантность к идеям, убеждениям и религиозной толерантности, толерантность к другому образу жизни».

Ключевые слова: толерантность, толерантность, терпение, выносливость, идея, толерантность

Abstract. This article describes in detail the use of a number of terms, the content and essence of which is one of the most important institutions of the formation of interethnic tolerance through the French language of higher education. In Uzbek, the concepts of "tolerance of ideas, beliefs and religious tolerance, tolerance in terms of a different way of life" are briefly described.

Keywords: tolerance, *tolerantia*, patience, endurance, idea, toleration

Олий таълим муассасаси миллатлараро толерантликни шакллантиришнинг энг муҳим институтларидан бири ҳисобланади. “Толерантлик” атамаси латинча “*tolerantia*” сўздан олинган бўлиб, инглиз тилида “*tolerance, toleration*”, немис тилида “*Toleranz*”, француз тилида “*tolerance*” сўзлари орқали ифодаланиб келмоқда. Толерантликнинг синоними сифатида “сабрлилик, чидамлилик” атамалари ишлатилади. Ўзбек тилида эса “ўзга ҳаёт тарзи нуқтаи назаридан, ғоялар, эътиқодларга тоқатлилик ва диний бағрикенглик, мупувватли бўлиш” тушунчалари билан фикран боғланади.

1995 йилда ЮНЕСКОнинг Бош конференциясида “Бағрикенглик тамойиллари Декларацияси” қабул қилинган бўлиб, жаҳоннинг 185 давлати қатори Ўзбекистон ҳам мазкур декларацияга амал қилади. Айни чоғда ушбу баённома жаҳон аҳлининг ирқий, миллий, тил эркинлиги ва динига таҳдид солаётган зўравонликларнинг олдини олиш, уларга йўл бермасликка чақиради, турли миллат вакилларини тинч-тотув яшашга ундайди. Мазкур ҳужжатда таъкидланишича, бағрикенглик – бу тинчликка эришиш имконини берадиган фазилат бўлиб, уруш маданиятининг тинчлик маданияти билан ўрин алмашинишига имконият яратади. Бағрикенглик ўзаро ҳурмат, миллий маданиятларнинг бойлиги ва турли-туманлигини тушуниш, миллий ўзига хослик ҳамда ўз-ўзини намоён қилиш шакли сифатида ифодаланади. Бағрикенглик – ақидапарастликдан воз кечиш, инсон ҳуқуқлари ва халқаро миқёсда тан олинган ижтимоий меъёрларга амал қилиш демакдир [1.Б.15].

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида, “Бағрикенглик масалага кенг қўламда, очиқ кўнгиллик билан ёндашишлик” демакдир [6. Б. 192.]. Маънавият асосий тушунчалар изоҳли луғатида

“Бағрикенглик (толерантлик) – ўзгаларга нисбатан меҳр-мурувватли, ғамхўр, сахий, кенгфёлли бўлган, ана шундай маънавий фазилатларга эга кишиларни ифодаловчи тушунча [4. Б. 760]. Толерантликни ривожлантиришнинг мақсадлари жуда кенг миқёсли бўлиб, улар нафақат ушбу концепциянинг мазмунини ўзлаштириш, балки инсон кадр-қиммати билан боғлиқ барча зарур кўникмаларни шакллантиришни ҳам ўз ичига олади. Толерантлик муаммоси психологик ва педагогик муаммолар қаторига киритилган, шунинг учун психологлар ва педагоглар унинг ривожланиши устида илмий изланишлар олиб боришмоқда. Ҳозирги вақтда олимлар инсонни бардошли ва бағрикенг бўлишга ўргатиш мумкинми деган саволга жавоб беришмоқда. Психологлар ва педагогларнинг ўқитиш усуллари ва миллатлараро толерантлик муносабатини шакллантириш бўйича турли хил қарашлари жуда кенг доирага эга: тўлиқ оптимизмдан экстремал пессимизмгача. Биринчи тадқиқотчилар гуруҳи ҳар бир бола дастлаб бардошли бўлиб туғилади ва уни махсус ўқитишга ҳожат йўқ, шунчаки чидаб бўлмас ва тажовузкор таъсирни истисно қилишингиз керак дейишади. Иккинчи гуруҳ қарама-қарши нуқтаи назарга амал қилади: ҳар бир киши дастлаб табиий тажовузкорлик ва мурасасизликка хосдир ва ижтимоийлашув жараёнида ушбу хиссиётлар жилолланади [3. Б.32]. Фан ўқитувчилари дарсларида ҳам, талабалар билан дарсдан ташқари ишларда ҳам (фан тўғараклари) миллатлараро толерантликни шакллантириш мумкинлигини исботлайдилар. Биз талабалар ўртасида миллатлараро толерантлик ва мулоқотни уйғун шаклланишига ёрдам берадиган миллатлараро толерантликни шакллантиришнинг бир қатор усулларини ўрганиб чиқдик.

Асосий усуллар гуруҳларга бўлинади:

1. *Дидактик усуллар*: ўқитиш, йўналтириш, брифинг.
2. *Эвристик усуллар*: муаммоли машғулотлар, лойиҳа фаолияти, суҳбатлар ва турли этник гуруҳ вакиллари ҳикоялари, мунозаралар.
3. *Эмпирик усуллар*: ролли ўйинлар, тренинглар, бошқа маданият вакиллари билан учрашувлар, видео материалларни томоша қилиш ва муҳокама қилиш.

Улардан баъзиларини кўриб чиқамиз.

Дидактик методлар, ушбу усулларнинг мақсади - маълумот олиш, этник маданият ҳақида назарий асос бўлади. Ўз навбатида, таълим энг узоқ ва режалаштирилган жараён бўлиб, этник гуруҳлар тўғрисида мунтазам билим олишга ёрдам беради. Йўналиш - бу талабанинг тахминий этник зоналарда рухсат этилган кадриятлар, меъёрлар ва қоидалар билан танишиши. Брифингнинг асосий мақсади - бошқа этник гуруҳларга мансуб шахслар билан алоқа қилишда юзага келадиган қийинчиликларнинг олдини олиш ва бартараф этиш кўникмаларини ривожлантиришдир.

Ушбу усуллар оммабоп ва ўқитувчиларнинг амалий фаолиятида кенг қўлланилади, аммо улар шубҳасиз камчиликка эга, кўпинча ушбу усуллар бўйича олинган билимлар шаффоф, амалда етарлича самарали эмас ва миллатлараро тушунишни шакллантиришга ёрдам бермайди. Миллатларо толерантлик ва маданиятлараро ўзаро муносабатларни шакллантириш учун эвристик услублар энг кенг тарқалган бўлиб, суҳбат, ривоят, таҳлил, фильм терапияси, бу борадаги мунозаралар [5].

Маданий кадриятларни таҳлил қилиш, маълум бир миллатнинг хусусиятлари ва ўзига хослигини белгилаб, талабаларга муваффақиятли маданиятлараро мулоқот учун зарур бўлган кўникмаларни эгаллашга имкон беради, уларнинг ўзларининг маданий кадриятлари билан муносабатлари моделнинг ўзгаришига таъсир қилади. Қуйидаги ўйинларни (карта ўйинларини) тавсия қилишингиз мумкин. Халқ мақолларини этнопедагогик восита сифатида ишлатиб, “Ҳикматлар билимдонлари” танловларини ўтказиш мумкин. Мусобақа шартлари: 1. Ким кўпроқ мақол, топишмоқ топади? 2. Ким немис ва ўзбек мақоллари ва топишмоқларини билишини намойиш этади? Бундай тадбирларни ўтказишдан олдин, гуруҳда намойиш этилган ўша миллатларнинг халқ мақоллари ва топишмоқлари банкани яратиш учун талабалар гуруҳларга бўлинади. Мақолларни номлашда уларнинг маъноси ҳам очилиши керак. Жумбоқлар табиий равишда топишмоқларни таклиф қилади. Ушбу воситалар - бу эртақ, турли халқларнинг эртақларини саҳналаштириш халқ оғзаки ижоди

билан танишишга ёрдам беради, этник гуруҳларнинг маданияти ва кадриятлари тўғрисида тасаввур беради. Таълим жараёнидаги усул сифатида эътиқод турли шакллар орқали амалга оширилади, хусусан, турли адабий асарлар, тарихий ўхшашликлар, масаллар ва ривоятлардан парчалар ишлатилади. Ишонтириш ўз-ўзини ишонтиришга мос келади - ўз-ўзини тарбиялаш усули, болалар онгли равишда, мустақил равишда, ижтимоий муаммони ҳал қилишда ўзларида заҳарларни тўпламини ҳосил қилишларини назарда тутадилар. Ушбу шаклланиш боланинг ўзи томонидан қилинган мантиқий хулосаларга асосланади. Юқорида айтиб ўтилган усуллар ичида энг самаралиси, аниқ тавсиялар ва билим тизимига эга бўлмаган, аммо ўспиринни муайян амалий вазиятларда миллатлараро алоқани мустақил равишда текшириб, уларга берилган билим ва омилларни таҳлил қилиш ва таҳлил қилишга ундайдиган усуллар бўлиб, олинган билим ва кўникмаларни қайта ишлаш ва қўллаш. маданиятлараро ҳамкорлик натижасида келиб чиқадиган муаммоларни муваффақиятли ҳал этишдир. Шундай қилиб, мутахассис томонидан бошқариладиган бевосита амалга оширишга имкон берадиган вазиятни таҳлил қилиш, мунозаралар, рол ўйнаш, машғулотлар каби усуллар жуда машҳур бўлиб келмоқда [5].

Мунозара усули: Бу усул бошқа инсонларга нисбатан ижобий мулоқот меъёрларини излаш ва жамлаш қобилиятига эга. Мунозара усуллари субъектив фаолиятни ривожлантиришга ёрдам беради, тинглаш, ўз нуқтаи назарини ҳимоя қилиш ва гуруҳ фикрининг тазйиқидан қатъи назар танқидий фикрлаш қобилиятини ўстиради [2. Б.96].

Миллатлараро толерантлик таълимини ташкил этиш шакллари сифатида назарий ва амалий дарслар ташкил этилади: ушбу дарсларда ўқитувчилар “толерант муносабатни”, гуруҳ талабалари учун бир мунозара шаклида қўллайдилар. Кўзгу усули одамнинг ҳаракатларига онгли муносабатни, ахлоқий ўзини ўзи яхшилаш истагини, ўзига ва бошқаларга муҳаббат, тананинг гўзаллиги, нутқ, руҳнинг гўзаллиги ҳақида ғамхўрлик қилишни, ўзидаги ахлоқни англашни шакллантиради. Ушбу соҳа одамга бошқа одамлар билан муайян муносабатларга киришга ёрдам беради. Бу инсоннинг муносабатларини бошқариш қобилияти билан тавсифланади. Шунингдек, замонавий педагогикада ўспиринларнинг этник бағрикенглигини шакллантиришга қаратилган турли хил технологиялар мавжуд, масалан, ҳозирги кунда Европада, хусусан Англияда кенг қўлланиладиган энг сўнгги педагогик технология психодрама (социодрама)дир. Бу ижтимоий-психологик театр бўлиб, унда улар жамоадаги вазиятни ҳис қилиш, шахснинг ҳолатини баҳолаш ва ўзгартириш, бошқа миллатдаги одам билан алоқа қилиш қобилиятини ривожлантиради. Ушбу технология ўсмирлар учун самарали; чунки ўйинда улар бир-бирининг қиёфасини яратадилар, ўзларининг ролларига қайтадилар, бир-бирларининг хусусиятларини кучайтирадилар, аниқлайдилар, этник-маданий фарқларни кўрсатишга ҳаракат қиладилар ва энг муҳими - зиддиятли вазиятларни “ўйнаш”га йўл қўйилади. Шунингдек, талабаларда толерантликни тарғиб қилиш бўйича маърифий фаолиятнинг самарадорлиги ўқитувчининг мавқеига, унинг талабаларга таъсирига, шахсий намунага, бошқа маданият соҳибларига фуқаролик муносабати намунаси сифатида ва умуман инсоннинг кўп маданиятли муҳитда бўлишига боғлиқлигини аниқладик.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Бағрикенглик тамойиллари Декларацияси: ЮНЕСКО Бош конференциясининг 28- сессиясида қабул қилинган (1995 й. 16 ноябрь, Париж)// Нашр учун масъуллар: А.Саидов, К.Жўраев. – Т.: ЮНЕСКО, 1999. – 15 б.
2. Макова Л.Л. Воспитание толерантности: формы и методы для индивидуальной и групповой работы // Научные исследования в образовании. 2007. №6. С. 94-97.
3. Мамбетова Р.Т. Проблема формирования толерантного сознания в условиях школы // Педагогика и психология образования. 2009. №2. С. 31-37.
4. Маънавият асосий тушунчалар изоҳли луғати. –Т.: Гафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2010. – 760 б.
5. Петрицкий В.А. Толерантность - универсальный этический принцип //Известия СП лесотехнической академии. Спб.; 1993.-С.139-151.
6. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 1-жилд- Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. – 680 б.

ДОМИНИРУЮЩАЯ СИСТЕМА ЦЕННОСТЕЙ В «ЖЕНСКОЙ ПРОЗЕ» ЗУЛЬФИИ КУРАЛБОЙ КИЗИ**Ф.Р.Муртазаева, преподаватель, Бухарский государственный университет, Бухара**

Аннотация. Мақолада Зулфия Куролбой қизи насрида ҳукмрон қиладиган қадрият тизимларини тушунишларига бағишланган. Муаммони ўрганиш учун материаллар "Қадимий қўшиқ" тўпламидан олинган ҳикоялар бўлиб, унинг ижоди мисолида ушбу мавзунини ўрганиш Ўзбекистонда "замонавий хотин-қизлар прозаси" ҳақидаги тушунчани чуқурлаштиришига ва аксиологик асослар тизимидаги асосий мавзу ва муаммоларни ёритишига имкон беради.

Калим сўзлар: замонавий "аёллар насри", қадриятлар, аксиологик асослар, оилавий анъаналар, оналик, доминантлар.

Аннотация. Статья посвящена осмыслению доминирующих систем ценностей в прозе Зулфии Куролбой кизи. Материалом для изучения проблемы явились рассказы из сборника «Древняя песня» Исследование данной тематики на примере ее творчества позволяет углубить представление о современной женской прозе Узбекистана, выделив в нем основную тематику и проблематику в системе аксиологических основ.

Ключевые слова: современная «женская проза», ценности, аксиологические основы, семейные традиции, материнство, доминанты.

Abstract. The article is devoted to the understanding of the dominant value systems in the prose of Zulfiya Kuroolba kizi. The material for the study of the problem was the stories from the collection "Ancient Song" "The study of this topic on the example of her work allows us to deepen the understanding of modern women's prose" in Uzbekistan, highlighting the main topics and problems in the system of axiological foundations.

Keywords: modern "women's prose", values, axiological foundations, family traditions, motherhood, dominants.

Система ценностей человека, в целом, и семьи, в частности, считается «фундаментом» его отношения к миру. Семейные ценности обуславливаются уникальностью и социальным значением семьи. Но, следует отметить, что перемены, случившиеся в нашем обществе в течение последних десятилетий, деструктивно оказали влияние на экономическую стабильность семьи и ее духовную целостность. Происходит девальвация семейных ценностей, снижается социальная важность материнства и отцовства.

Исследователи справедливо отмечают, что в нынешнем мире случилась замена позиций во взаимодействии трех разноуровневых субъектов: общества, семьи и индивида. Прослеживается феномен перевернутой пирамиды: если ранее в её основе был индивид, а в вершине – общество, то сейчас они как бы поменялись местами – в основе пирамиды располагалось общество, а в вершине – индивид. Семья сохранила свое центральное положение в данной иерархии, в том смысле, что как являлась, так и является каналом разрешения противоречий между социумом и индивидом. Однако сменились акценты в оценке значимости семьи, произошла переоценка этих моделей, которые мы наблюдали, казалось, совсем не давно и тех, которые в современных условиях классифицируются как альтернативные, возвращение семье функции накопления частной собственности и передачи ее по наследству [1, с.41]

Литература всегда не только отображала действительность, но и участвовала в её преобразовании и на примере своих лучших произведений пропагандировала культ семьи и материнства.

В этой связи особую важность приобретает выявление доминирующих аксиологических основ существования семейно-брачных отношений, общих закономерностей и тенденций взаимодействия семьи с другими социальными структурами, проблема соотношения личности и семьи. Как известно, доминирующие аксиологические координаты реализуются в художественном тексте посредством тематики.

Человеческое счастье начинается с малого, с семьи, любви, семейных отношений. Именно эти аспекты жизни как основополагающие и привлекают З.Куролбой кизи в рассказах «Любовь и невеста», «Келин».

В произведении «Любовь и ненависть» главная героиня Дилдора, обычная сельская девушка, ещё очень молодая – она хочет любить и быть любимой. Безумная любовь к красивому женатому мужчине Абдулло, заставила девушку потерять здравый рассудок: *"Абдулла чиройли йигит еди. Қадди-қомати келишган, қош-кўзлари қоп-қора, юзи худди тарашилган тошдек силлиқ. Дилдора букўркам йигитга қандай қилиб ихтиёрини бериб қўйганини сезмай қолди. У икки йил ҳеч нарса ни ўйламай Абдулла билан учрашиб юраверд*[4,С.163] (Перевод: «Абдулло был красивым парнем. Высокий, упругое гладкое лицо, черные глаза и брови. Дилдора не заметила, как отдала свою волю этому красивому молодому человеку. Он встречалась с Абдуллою два года, ни о чем не думала»)

Любовь, заставляет Дилдору, жить в гражданском браке с Абдуллою, который имеет законную супругу и детей. Но со временем Дилдору такое положение не устраивает, она хочет большего – настоящую семью, законный брак, любовь навечно, достаток. Эта погоня героини за чем-то большим на протяжении всего рассказа играет с Дилдорой злую шутку – изначально имея только любовь, хотя и не в избытке, она постепенно теряет то, что ей дорого: Абдулло.

Тема одиночества выразительно звучит в рассказе Зульфийи Куролбой кизи «Ёлғизлик Курбони» («Жертва одиночества»). В рассказе, главной героиней является бездетная, одинокая женщина по имени Тамара хола. Одинокая женщина осмысливает, что её жизнь стала пустой и бесцельной – после утраты супруга. Она жалеет, что когда-то у неё была возможность усыновить чужого ребенка, но страх воспитывать и а самое главное кормить его, пугает ее. На протяжении всего повествования, через образ Тамары хола, через её внутренние монологи и воспоминания, автор пытается передать читателю, что изначально ценностью бытия рода человеческого и его собственной жизни являются семейные ценности, семейные узы и дети, которые представляются продолжением этой связи. Тамара хола, ставшая бесцельной и одинокой в настоящей жизни, отправится в вечный мир одна – не будет рядом человека, который бы подал немного воды в последнюю минуту, нет человека родного, кто уложит ее в могилу после кончины, когда она будет на пороге смерти.

Так в рассказе «Солнце на моей стороне» представлено несколько тем – семья, предательство, измена.

Ведь по своей простодушности и доверчивости Гузаль не смогла сохранить семью. Ведь что может быть главнее и важнее семьи и семейных ценностей? Именно ничего, ведь ничто не может заменить семью! Когда человек остаётся без семьи, он теряет поддержку, силу и многое другое. Но, прежде всего, он теряет близких и родных, которые имеют важное значение в твоей жизни, которые верили и любили тебя. Мы приходим к выводу, что семья – это огромная часть нашей жизни, занимающая самую важную роль, и в основном от неё зависит судьба любого человека.

Рассказ Зульфийи Куролбой кизи «Солнце на моей стороне» не утратил своей актуальности и по сей день, ведь каждая из героинь женской прозы представляет свою стратегию поведения и репрезентации в современном мире. Предлагая, свое решение традиционной оппозиционной пары «мужчина — женщина», автор демонстрирует, что ценность формируется во многом от окружающей действительности. Её художественная концепция в том, что не только женщина ответственна за сохранение традиционных семейных ценностей, но и мужчина.

Главная героиня рассказа Гузаль, красивая, простодушная на вид женщина, которая заботится о своей семье и детях. Для неё дом, семья, дети значимые ценности бытия, женщина всегда ожидает, от супруга заработной платы, переживает чем же вспоить и вскормить проголодавших детей. В её семейной жизни нет места для любви, потому что она всегда беспокоится о том, чтоб ее супруг приносил заработок в семью Она воспитывает детей, терпеливо относится к безденежью, к изменам мужа, чтобы сохранить семью. Автор

изображает проблему того, что как любящей женской натуре всегда свойственна безоглядная жертвенность во имя семьи.

Что касается главного героя Тахира, мужа Гузаль, он совсем противоположен устоявшим стереотипам в обществе, касающихся мужчин, это, как правило, кормить семью, зарабатывать и т.д. Главный герой поздно возвращается с работы, не ночует дома, если у других зарплата повышалась, то у него снижалась.

В конце рассказа Тохир окончательно разрывает отношения с супругой и приводит домой другую женщину. Дети остаются с ним. Гузаль, которая потеряла свою семью, детей, свою честь и достоинство, оказывается в ужасе от судьбы. Лицемерие, равнодушие и жестокость людей уничтожают Гузаль. Главная героиня оказывается в трудной жизненной ситуации и попадает в психиатрическую больницу с диагнозом шизофрения. Женщина совершенно опустошена и безсознательна. Красота и покой, которые ее муж Рустам не мог найти в своей собственной семье, не могли быть переданы ни одной другой женщине, кроме ее собственной. Автор изображает женщину стойкой, терпеливой, но доверчивой.

Ведь по своей простодушности и доверчивости Гузаль не смогла сохранить семью. Ведь что может быть главнее и важнее семьи и семейных ценностей? Именно ничего, ведь ничто не может заменить семью! Когда человек остаётся без семьи, он теряет поддержку, силу и многое другое.

Тема материнства изображается в образе главной героини рассказа Бахорой. Рассказ «Грех» – история непродолжительной любви Даврона и Бахорой. Недолгое счастье скрытых встреч обернулось для молодых людей, у каждого из которых имелась семья, трагедией. Молодая женщина, которая мечтает забеременеть родить младенца, от чужого мужчин, так муж был бесплоден, толкает ее на грех. Забеременев, Бахорой изводится беспокойным чувством вины перед супругом, ненавидит свой совершенный грех и его «конечный результат» и осмеливается на безрассудное преступление. Внутренняя борьба, не находя выхода, заканчивается трагедией: женщина, мечтавшая о материнском счастье, решается на добровольное убийство ребенка, не находя в себе сил, независимо и самостоятельно определить свое место в жизни, противостоять общепринятому общественному мнению.

Материнское чувство, наполненное самой великой и прекрасной любовью, несмотря на разных культур и религий, у героинь русских и узбекских писательниц обычно имеет типический характер и по словам Ф. Ницше: «Во всякого рода женской любви проступает и элемент материнской любви»[3,С.10]

Тема повседневной жизни нашла отражение в рассказе Зульфийи Куралбой кизи «Тўхтаб қолган вақт сувратлари» («Картины застойного времени») События в рассказе совершаются в зимнюю стужу и холод в доме старика Исака. Сам Исак и члены его семьи убедительно изображают свою повседневную жизнь. А это, в свою очередь, помогает читателю наглядно представить себе сельскую жизнь. События в рассказе совершаются в зимнюю стужу и холод в доме старика Исака. Сам Исак и члены его семьи убедительно изображают свою повседневную жизнь. А это, в свою очередь, помогает читателю наглядно представить себе сельскую жизнь. Например: по деревенскому мусульманскому обычаю новой невесте не разрешают выполнять чёрную работу в течении двух- трёх месяцев. Потому старшая невестка Норбуви со своей одиннадцатилетней дочкой занимаются повседневной работой по хозяйству и тем самым не тревожат жениха и невесту. Норбуви, не обижалась, когда молодая невестка Малика регулярно заходила к себе домой, оставляя всю работу по хозяйству старшей невестке. Даже из данного изображения, видно, что автор стремится доказательно изобразить образ жизни узбекской невесты.

Невестка Малика из городской жизни преступает к сельской жизни. Автор не старается детально изобразить сельскую жизнь в данном рассказе, а элементарно демонстрирует жизнь женщины, которая с утра до вечера передвигается как муравей. Более или менее понимающая жизнь Малика, на женские плечи которой тоже ввалилась чёрная не лёгкая работа по домашнему хозяйству, восстаёт против нелёгкой жизни сельских женщин, Малика пишет статью в газету. Понятно, что каждая женщина, прочитавшая эту статью,

поразмыслит «это обо мне». Так и произошло. Старшая невестка Норбуви, старик Исак оскорбились. Автор с бесподобным мастерством изобразил в этом рассказе мир женщины, которая устремляется к лёгкой светлой жизни.

Итак, доминирующая система ценностей находит отражение в современной «женской прозе» Зульфийи Куралбой. Основная тематика отражающая аксиологические основы ее творчества - тема любви, семьи, одиночества: отсутствие взаимопонимания между супругами, проблема некритичного анализа состояния семейных взаимоотношений, отсутствие ответственности в семейной жизни, измены и т.п.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Василенко В.А. Ценность и ценностное отношение // Проблема ценности в философии. М-Д. 1966. С. 41.
2. Грабовенко Н. В. Социология [Текст] / Н. В. Грабовенко, С. Т. Крикунова. Луганск: ЛНАУ, 2009. (Грабовенко: 2009 74-76).
3. Дмитренко, С. Афоризмы о женщинах и мужчинах [Текст] / С. Дмитренко. - М., 2010. С.10
- 4.Зульфийа Куралбой кизи. Сборник рассказов «Кадимий кушик» С. 308
5. Сорокин П.А. Кризис современной семьи // Вестник МГУ. – 1997 – №3.С.53.
6. Тугаринов В.П. О ценностях жизни и культуры. Л., 1960. С. 121

УЎК 81-13

ТИЛ КОНТАКТЛАРИ МУАММОЛАРИ ВА ИНГЛИЗ ТИЛИГА ЎЗЛАШГАН ҲАРБИЙ ТЕРМИНЛАР

Л.Дж. Мухамедова, мустақил тадқиқотчи, ўзбек тили ва адабиёти университети, Тошкент

Аннотация. Ушбу илмий мақолада тил контактлари муаммолари ва инглиз тилига ўзлашган ҳарбий терминларига оид жаҳон тилшуносларининг тажрибалари ва фикр мулоҳазалари баён қилинган. Тилшуносликда тил контакт тушунчаси ва моҳияти сабабалари ўрганилган.

Калим сўзлар: тил контакти муаммолари, байналмилал термин, тил аралашуви, ўзлашган, термин, инглиз тили ҳарбий терминлари.

Аннотация. В этой научной статье обсуждаются проблемы языковых контактов, а также опыт и мнения мировых лингвистов о военных терминах, принятых в английском языке. В лингвистике изучается понятие языкового контакта и причины его сущности.

Ключевые слова: проблемы языкового контакта, международный термин, языковая коммуникация, усвоенный, термин, английский военный термин.

Abstract. This scientific article discusses the problems of language contacts and the experiences and opinions of world linguists on the military terms adopted in English. In linguistics, the concept of language contact and the causes of its essence are studied.

Keywords: language contact problems, international term, language communication, mastered, term, English military term.

Буюк ўзбек адиби Абдулла Қодирий айтганидек: “тиллар бир биридан қарз олиб яшай олмайди” [1,32]

Тилнинг қиёсий жихатидан ўрганиш бўйича тажрибалар энг қадимги замонлардан бошланган бўлишига қарамай, жаҳон тилшунослигида тил контактлари муаммолари билан тилшунослар XIX аср охири – XX аср бошидан шуғуллана бошлаганлар. Хусусан, Г.Шухардт ва И.А.Бодуэн де Куртенэ бир-биридан мустақил равишда «тилларнинг аралашуви» деган тушунчани тилшуносликка олиб кирганлар [2]. Бодуэн де Куртенэ қариндош тилларни қиёсий-тарихий метод асосида тавсифлаш билан бир қаторда генетик жихатдан боғланмаган, географик ва ижтимоий-тарихий ёндош тилларни тавсифлашни тил назариясининг принципиал вазифаси деб ҳисоблаган [3]. Ҳар бир соҳа терминологияси шаклланишининг асосий манбаси адабий тил ҳисобланади [4].

Ҳозирги замон жаҳон тилшунослигида *тил контактлари* бирикмаси кенг қўлланилиб, ушбу термин тилшуносликка француз тилшуноси Андре Мартине томонидан биринчи марта

киритилди, американилик тилшунос Уриель Вайнрайх томонидан эса оммалаштирилди. *Тиллар аралашуви* термини ўзининг мавҳумлиги сабабли кўп тилшунослар томонидан танқид қилинган бўлиб, *тилларнинг аралашуви* термини ўрнида *тил контактлари* бирикмаси кенг қўлланила бошланди. Г.Шухардтнинг фикрича, «тил аралашувининг имкониятлари ҳеч қандай чекланишларни билмайди; у тиллар орасида ҳам максимал, ҳам минимал фарқланишга олиб келиши мумкин»[5]. Бодуэн де Куртенэ қариндош тилларни қиёсий-тарихий метод асосида тавсифлаш билан бир қаторда генетик жиҳатдан боғланмаган, географик ва ижтимоий-тарихий ёндош тилларни тавсифлашни тил назариясининг принципиал вазифаси деб ҳисоблаган [6].

Ўрганганлик зарурати. Тилшуносликда ўрганадиган асосий масала «Тил контакти» тушунчасидир. Контакт лотинча «contactiss» сўзида олинган бўлиб, «бевосита алоқа», «бевосита боғланиш» маъноларини билдиради. Икки ва ундан ортиқ тилларнинг фонетик, лексик-семантик ҳамда синтактик тузилишига таъсир қилувчи тилларнинг ўзаро алоқалари ва муносабатлари тил-контакти ҳисобланади [7]. Коммуникат ва коммуникант ўртасидаги ўзаро лингвистик муносабатни юзага чиқарувчи тил **контакт тил** деб ҳисобланади. Бунда икки ҳолат ўзаро фарқланади: 1. контакт тил - алоқага киришган миллатлардан бирининг тили. Мазкур жамиятдаги лингвокоммуникатив мулоқот вазиятга кўра биринчи ёки иккинчи миллат тилидан бўлиши мумкин. 2. Ўзаро алоқага киришувчи ҳар икки миллатнинг тиллари ҳам контакт тил ҳисобланмаслиги мумкин. Бунда коммуникатив муносабат учинчи тил орқали амалга оширилади. Бундай ҳолатларда контакт тил **воситачи тил** деб юритилади.

Тил контакти билан бирга билингв, билингвизм, полилингв, пололингвизм терминлари мавжуд. Мулоқотни ҳар иккала тилда амалга ошиши билингвизм (иккитиллик) демакдир. Билингвизм лотинча *bi* – икки, *lingua* – тил маъноларини англатади. Ҳар икки тилда сўзловчи билингв (икки тил билувчи) терминлари ва тил контакти ҳодисасига дахлдор моногlossия (грекча *monos* бир, *glossa* – нутқ, тил) ва дигlossия (грекча *di* – икки, *glossa* тил, нутқ) ўртасидаги фарқ шундаки билингвизм ва моногlossия бир бирига зид тушунчалар, дигlossия – бир тилнинг турли вазифавий ёки худудий шакллариغا хос нутқий амали тушунилади ҳам адабий ҳам шувага хос шаклидан бир хил фойдалана олади.

Тил контактининг тилнинг амали билан боғлиқлиги шундаки, у нутқий жараёнда содир бўлади. Маълумки, нутқий жараённинг асосини мулоқот ташкил қилади. Мулоқот икки шахс ўртасидаги фикр алмашинувдир. Мулоқот жараённинг иштирокчиларидан бирини сўзловчи, иккинчисини тингловчи дейилади. Сўзловчи фан тили билан адресант, тингловчи эса адресат дейилади. Фикр сўзловчи – адресант томонидан тил ашёлари воситасида узатилади. У (фикр) тингловчи-адресат томонидан қабул қилинади. Ана шу жараённи мулоқот дейилади. Бу жараён индивидуал-психик характерда бўлади. Тилнинг психик ҳодисахарактери ҳам нутқ, нутқ фаолияти орқали белгиланади. Сўзловчи-адресант ва тингловчи-адресат бир тил жамоаси вакиллари бўлса, мулоқотда тил контакти бўлмайди. Мулоқотнинг тил контактига асосланиши учун сўзловчи-адресант ва тингловчи-адресат ҳар хил тил жамоаларига қарашли бўлиши шарт. Бундан ташқари, тингловчи-адресант тингловчи адресат мансуб бўлган, тингловчи-адресат сўзловчи – адресант мансуб бўлган жамоанинг тилини билиши, албатта, зарур. Акс ҳолда, тил контакти вужудга келмайди. Жумладан, француз тили жамоасига мансуб бирор-бир ҳарбий шахс билан инглиз тили жамоасига мансуб бирор бир яна бошқа ҳарбий шахс мулоқотга киришадиган бўлса, мулоқот воситасини ё француз тили ё инглиз тилида бажариши керак. Шунинг учун сўзловчи-адресант инглиз тили жамоасига мансуб бўлса, у француз тилидан ҳам яхши хабардор бўлиши керак. Сўзловчи-адресант француз тили жамоасига мансуб бўлса, у инглиз тилини ҳам яхши билиши керак. Шунинг учун мулоқот тил контактига асосланиш учун, мулоқотга киришувчи ҳарбийлар ўз тилидан ташқари, мулоқот воситасига айланувчи ҳарбий тилни ҳам билиши зарур. Мулоқот воситаси вазифасини бажарган тилни контакт тил дейилади.

Француз ва инглиз ҳарбийларига мансуб икки шахснинг мулоқоти инглиз тилида олиб борилса, француз тили контакт тил вазифасини бажаради. Инглиз тилига француз тилига

ўзлашган кўп миқдордаги ҳарбий терминлар эвазига инглиз – француз тил контакти вужудга келган. Бу тил контакти мулоқотлар француз-инглиз тили воситасида пайдо бўлган.

Европа лингвистлар жамияти Биринчи президенти француз тилшуноси Андре Мартине «Тил контакти» атамаси фанга илк бор олиб кирилган. У ўзининг *Les langues dans l'Europe nouvelle* китобини биринчи жаҳон урушидан сўнг 1928 йилда нашр қилган ва илк бор ушбу атама пайдо бўлган кейинчалик Уриэл Вейнрейх уни социолингвистик тушунча атамаси сифатида оммалаштирган [8]. Лингвист олим Л.В.Шчерба тил контактларига алоқадор назарий ишларида тилларни қиёсий аспектда ўрганишнинг аҳамияти ниҳоятда катта эканлиги таъкидлаган ва билингвизмнинг умумий-назарий жиҳатлари, моҳияти, кўринишлари, турли ҳудудлардаги ўзига хос хусусиятлари, билингвизмнинг индивид учун аҳамияти юқори бўлиши ҳақидаги қарашларини баён қилган [9].

Ўзбек тилшуноси С. Нурматова рус тилига ўзлашган терминлар XVI аср ўрталари ва XVII аср бошларида бошлаб ҳарбий европа терминларининг айниқса латинизм ва германизмларнинг адабий тилга кириб келиши ва нутқда тез кириб борган. Аксарият терминологиялар ва номенклатуралар дипломатик алоқада, ҳарбий, илмий-техник ҳамда давлат бошқаруви тизимига оид бўлган терминлар ўзлашганлиги ва унга бир неча сабабларни кўрсатиб ўтган [10]. Демак шундай ҳулоса қилиш мумкинки латинизм рус тилига ҳам ўзлашганлар деб ҳисоблаш асосли бўлмоқда.

Тилшуносликда – байналмилал деган лексика мавжуд бўлиб, байналмилал лексика деганда қардош бўлмаган тилларда бир хил маънода, шунингдек, айнан бир фонетик таркибда ёки қисман ўзгариш билан қўлланадиган, ана шу тиллар учун умумий бўлган сўзлар. Бундай сўзлар асосан фан-техника, иқтисодиёт ва бошқа соҳаларга мансуб терминлар бўлади [11].

Байналмилал терминлар деганда олимлар унинг негизи грек ва лотин тиллардан келиб чиққан сўзларни назарда тутадилар. Жумладан, *aggression* – лот. инглиз тилининг терминлар терминологик системаларида, айниқса техник ва ҳарбий терминологияда байналмилал терминлар кўп учрайди. Байналмилал терминлар деганда кўпинча негизи лотинча ва грекча сўзлар тушунилишини таъкидладик. Гарчи, инглиз тилида ўзлашган сўзлар асосий қисми француз тилини ташкил қилсада негизида байналмилал терминлар ҳам озроқ қисмини эгаллаб олган. Мисол тариқасида *army*-армия, французча – *armée*, лотинча *armare* сўздан олинган ёки *soldier* – аскар, қадимги французча – *soulde* лотинчада *solidus*, 17 аср бошларида француз тилидан ўзлашган.

Терминлар ясалишида лотин ва грекча тил элементларидан кенг фойдаланилади. Чунки мазкур тилларга хос асос ва қўшимчалар ҳар қандай тилнинг сўз ясалиш қонуниятига мос келади. Ҳозирги интернационал терминларнинг асосий қисми лотин ва грек тилидаги реал сўзлар эмас, балки мавжуд моделлар асосида мазкур тиллар элементларидан ҳосил бўлган янги сўзлардир. Бунга қўшлаб мисоллар келтириш мумкин. *Auto*-(грек. *autos* ўзи) фр. *pilote* = учувчи *autopilot* (ҳарбий термин) учиш аппаратлари (самалёт, верталёт, снаряд ва бошқалар) автоматик тарзда (учувчисиз иштирокисиз) бошқариш механизми. Ушбу термин 1898 К.Сиолковский схемасини яратишидан сўнг Парижда илк бор 1914 йилда намоиш қилингандан сўнг оммалашиб кетган. *Auto-igniton* (техн.) ўз-ўзидан ёниб кетиш. *Aero (aer) aerorome-aerodynamicscy; cyclo* (грек. - *kyklos* айлана, доира)-*cyclotrone; graph* (грек. *graphein* ёзмоқ)- *telegraph; -meter* (грек. *metron* ўлчов) *thermometer; micro* –(грек. *micros* кичик) *micrometer* каби.

Инглиз тили ҳарбий терминологиясининг генетик қатламини ўрганиш мақсадида биз Уильям Дуэйннинг (1810 й) «ҳарбий луғати»ни таҳлил қилдик. Маълум бўлишича, инглиз тили ҳарбий терминологиясидаги ўзлашмаларнинг асосий қисми француз тилидан қолган қисми лотин, грек, герман тилларидан қўшилган.

Ўзбек терминшунос олим П.П.Нишонов шундай фикр билдирган байналмилал сўзлар дастлаб бир тилнинг ўз қатламига мансуб бўлади. Кейинчалик улар бошқа тилларга ўзлашади ва шу тилнинг нормаларига мослашади. Бундай мослашиш ўзлашма сўзларда

бўлгани каби орфографик, морфологик ёки семантик доирада юз беради. Айтиш жоизки, байналмилал сўзлар ўзлашма сўзларнинг ўзига хос бир қисми ҳисобланади.

Терминологияда байналмилал терминлар деганда бир неча тилларда маъно жиҳатдан бир-бирига мос келадиган, шаклан яқин бўлган терминлар мажмуи тушунилади [12].

Тилнинг мулоқот воситасига айланиши мураккаб социолингвистик ҳодиса ҳисобланади. Тил контактининг икки асосий тури қайд этилади: 1) проксимал тил контакти 2) Дисталь тил контакти. Этник жиҳатдан фарқ қилувчи, кўп миллатли мамлакат ёки давлатларда билингвизм ёки полилингвизм бўлган ҳамда проксимал тил контактида фонетик, луғавий ва грамматик тизими фарқ қилувчи бошқа этник груҳдаги тилни ўзлаштиради. Мисол учун Англия ва Франциядаги инглиз ва французлар икки тилликлага асосланган мулоқот шакллари киради. Бунда модификациялашиш (ўзгартириш) ҳолати содир бўлиб, янги тил тизими вужудга келиши мумкин. Дисталь тил контакти ўзаро ҳудуддош бўлмаган этник жиҳатдан фарқ қилувчи тиллар, бевосита алоқада бўлмаган ҳолатларида амал қилади. Бу жараёнда бир тилнинг бошқа тилга лисоний бирлик (одатда сўзлар) ўзлашади. Масол учун инглиз ва ўзбек тиллари муносабатида тил контактининг дисталь шакли амал қилади

Хулоса қилиб айтганда, бошқа тиллардан ўзлаштирилган терминлар маълум бир лингвистик хусусиятларга эга бўлгандагина уларга ўзлашма терминлар сифатида қараш мумкин. Сўз ўзлаштириш ҳарбий терминология шаклланишининг муҳим манбаларидан бири ҳисобланади. Маълумки, дунёда деярли барча ҳарбий тизим асосида шаклланган давлатларнинг ҳарбий тили ва лексиконидаги терминлар бир-бирига яқиндир. Шундай экан давлатлар ўз ҳарбий стратегиясини белгилашда баъзи тизимларни яратишда бошқа давлатларнинг тажрибаси билан фикр алмашишда табиийки, ҳарбий терминлар ўзлаштирилишига сабаб бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Қодирий Х. Абдулла Қодирий таърифи адиб. Тошкент., 2004. - 32 Б.
2. Шухардт Г. Избранные статьи по языкознанию. М., 1950, стр. 175. Бодуэн де Куртенэ И.А. Избранные труды по общему языкознанию. 1, М., 1963, стр. 362-372
3. Бодуэн де Куртенэ И.А. Избранные труды по общему языкознанию. 1, М., 1963, стр. 362-372.
4. Даниленко В.П., Скворцов Л.И. Лингвистические проблемы упорядочения научно-технической терминологии. В.Я., №1, 1981. - с.7-17.
5. Шухардт Г. Избранные статьи по языкознанию. М., 1950, стр.177
6. Ўша манба Бодуэн де Куртенэ И.А. Избранные труды по общему языкознанию. 1, М., 1963, стр. 362-372.
7. Лингвистический энциклопедический словарь. М., 1990, стр. 237.
8. Uriel Weinreich. Languages in contact. Paris. 1968. P.149
9. Щерба Л.В. Языковая система и речевая деятельность. Л., 1968, стр. 522.
10. Нурматова С.Х Истоки формирования и функционирование астравиакосмической терминологии в лексике английского, русского и узбекского языков. Т., 2000, стр. 21
11. Ҳожиёв А. Тилшунослик терминларнинг изоҳли луғати.- Тошкент, 2002, бет-20.
12. Нишоннов П.П Француз ва ўзбек тиллари юридик терминологиясининг қиёсий – типологик тадқиқи. Тошкент., 2009. 60 б.

УДК 81-11

РОЛЬ КАТЕГОРИИ МОДАЛЬНОСТИ В СФЕРЕ ВЕЖЛИВОГО ОБЩЕНИЯ

Н.Х. Рузиева, ассистент, Бухарский Государственный Университет, Бухара

Аннотация. Мақолада ҳурмат категориясининг ўзига хос хусусиятлари ва ҳурмат стратегияларини фаоллаштирувчи лисоний воситалар тузилиши жиҳатидан ўзаро фарқи ўрганилган. Ҳозирги замон тилшуносларининг мазкур муаммога доир қараш ва таълимотлари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: *социопрагматика, ҳурмат тамойили, ижтимоий статус, «салбий» ва «ижобий» образлар, маданий статус, салбий ҳурмат стратегияси, мулоқот акти, образни сақлаш- қадрлаш.*

Аннотация. В статье исследуются особенности категории вежливости и различие структуру лингвистических средств активизирующие стратегии вежливости. Приводится анализ взглядов и учений современных лингвистов касательно данной проблемы.

Abstract. The article investigates the features of the category of the politeness and the difference of the structure of the linguistic means activating the strategies of politeness. The analysis of views and doctrines of modern linguists concerning this problem has been provided.

Key words: sociopragmatics, politeness principle, social status, negative face and positive face, cultural status, negative politeness strategy, speech act, face saving act.

Разные функционально-семантические категории в рамках каждого данного языка могут (но необязательно должны) опираться на грамматическую или лексическую категорию, которая образует как бы ядро, центр функционально-семантической категории. По отношению к этому «центру» другие компоненты функционально-семантической категории представляют собой «периферию». Ядром макрополя вежливости является категория модальности, поскольку она сосредоточивает специальные средства выражения содержания, свойственного данной функционально-семантической категории.

Маркеры вежливости могут выполнять как функцию снижения иллокутивной силы высказывания (в англоязычной литературе их называют 'downgraders'), так и усиления ('upgraders'). Для реализации стратегии дистанцирования, главным образом, привлекаются так называемые 'downgraders'. Их основная функция состоит в смягчении категоричности высказывания. По определению М. Стабса, смягчение (mitigation) – есть важнейшее средство взаимодействия в разговорной речи ('basic interactive dimension' of spoken language). Образно говоря, высказывание может иметь как «вежливое» содержание, так и «невежливое».

Так, например, просьба имеет «невежливое» содержание, так как предполагает, что слушающий затрачивает усилия для осуществления коммуникации. И поскольку просьба изначально является лицеущемляющим актом (face-threatening act), в высказывании должны быть использованы лингвистические средства, позволяющие смягчить его содержание. Последние, как уже отмечалось, представлены в английском языке разнообразными формами [1].

Итак, одним из основных и наиболее значимых языковых средств выражения принципа вежливости в современном английском языке является категория модальности, которая играет важную роль в реализации негативной/дистанцирующей стратегии, или так называемой стратегии отдаления, столь характерной для английской лингвокультуры.

Грамматическая категория модальности была довольно подробно освещена в различных работах лингвистов (см.: известные труды В.В. Виноградова, Е.В. Гулыги, Е.И. Шендельс, О.И. Москальской, Т.В. Строевой, J. Bybee, R. Perkins, H. Narrog, W. Pagliuca, A. Kratzer, E. Traugott и многих др.), поэтому мы рассмотрим здесь лишь ту часть представляющих ее средств, которые наиболее ярко эксплицируют категорию вежливости. Модальность, как известно, отражает взаимодействие между четырьмя факторами коммуникации – говорящим, слушающим, содержанием высказывания и действительностью.

В современном английском языке имеется богатая система лексико-грамматических средств выражения модальных значений: модальные глаголы *can, could, may, might, must, ought to, will, would, shall, should* и так называемые квазимодальные глаголы *have (got) to, need to, had better*. Некоторые исследователи (например, Lyons, 1977; Hermeren, 1979; Perkins, 1983) включают в этот класс единиц также модальные выражения типа *to be going to, to be able to*, «модальные» прилагательные и наречия *propable/probably, possible/possibly, perhaps, maybe* и некоторые вводные конструкции (parentheticals), а также условное (сослагательное) наклонение [2,3].

В современном английском языке предложения типа *She may/ might/ can't/ couldn't have done it* различаются не в грамматическом (временном) плане, а в семантическом, поскольку в них варьирует семантический компонент степени вероятности выражаемого предположения.

А формы *could, might, would* чаще выражают не временную соотнесенность события, а иные значения.

Включение модальных единиц в состав предложения приводит не только к изменению семантики предикатной части предложения, но и иначе номинирует представленную в нем ситуацию. Таким образом, модальные глаголы можно рассматривать в качестве одного из средств реализации категории уверенности/неуверенности в возможности осуществления обозначенного основным глаголом действия. Включение модального глагола в структуру предикации позволяет сознательно описать ситуацию с точки зрения говорящего, что предполагает наличие определенной когнитивной пресуппозиции (знание фона, знание о пространственно-временных рамках ситуации, знание прагматического/коммуникативного контекста и его компонентов). Сравним следующие предложения с модальным компонентом предикации:

She'll be there by now (prediction based on common sense);

She must be there by now (almost certainty based on deduction);

She is bound to be there (almost certainty followed by inevitability);

She has to be there by now (almost certainty based on objective reasons);

She is likely to be there (probability).

Как видно из приведенных примеров, благодаря наличию богатого арсенала модальных глаголов, которыми располагает английский язык, говорящий имеет возможность дифференцировать разнообразные оттенки модальных значений.

Широкий спектр модальных глаголов, используемый в высказываниях со значением просьбы (*can, could, may, might, will, would*), также позволяет передать разнообразные оттенки и разную степень вежливости высказываний. Ср.:

- May I ask you something?

- If you like.

- Can I... I mean... could I... no, might I have the next dance with you? (Hartley&Viney, Streamline English, 1996: 11)

В английском языке выделяются следующие основные модели реквестивных побудительных высказываний с модальным компонентом:

“**Can (could) you + VP?**”: например, *can you spare me a few minutes?* (просьба о действии); *Can you come over today?* (приглашение).

Следует отметить, что в просьбах, требующих больше усилий и времени, употребляется гипотетическая форма *could*, при этом часто добавляются прагматические маркеры вежливости типа *kindly, possibly* и т.п.: “*Could you + kindly/possibly + VP?*”. Как вариант этой модели довольно распространена форма *Could you do me a (big) favour?* (просьба с эксплицитным выражением коммуникативного намерения).

“**Can't (couldn't) you + VP?**”: Обратим внимание на то, что в английском языке более вежливыми считаются вопросительно-утвердительные высказывания, поскольку в вопросительно-отрицательных высказываниях содержится большее побуждение дать утвердительный ответ. Ср. *Could you do that?* и *Couldn't you do that?* – в отрицательных высказываниях содержится также некоторый упрек в адрес слушающего: “Mrs Mortar: ... Peggy, *can't you* imagine yourself as Potia? *Can't you* read the lines with some feeling, some pity?”. Как нам представляется, степень вежливости вопросительно-отрицательных высказываний будет определяться в каждом конкретном случае их употребления в зависимости от широкого контекста, как семантического, так и прагматического.

Отметим, что, по Дж. Личу, модель “*Can you + VP?*” является более вежливой формой побуждения по сравнению с “*Will you + VP?*” на том основании, что отказ выполнить действие является более естественным по причине возможности/невозможности, чем по причине отсутствия желания (Leech, 1983: 120). “**Won't you + VP?**”: например, *Won't you listen to what I have to say?* Отрицательно-вопросительная форма просьбы обладает большей побудительной силой и употребляется в ситуации, где отсутствует готовность адресата выполнить каузируемое действие, она предполагает только положительную реакцию на

вопрос, поэтому и является менее вежливой, чем утвердительная форма (“*Will you + VP?*”). Вместе с тем употребление “*Won't you + VP?*” в РА приглашения является весьма вежливой, поскольку «заставляет адресата совершить бенефактивное для него действие»: “*Won't you come to our party tomorrow?*”

Приведенные выше результаты анализа свидетельствуют о наличии особых компонентов значения в семантике модальных глаголов, модальных слов и фраз, которые можно определить, как когнитивно-прагматические. Их роль в структуре модальной предикации и в высказывании вкратце состоит в следующем: *модальные единицы языка придают высказыванию меньшую категоричность*. Они могут рассматриваться как формы, расположенные градуально по степени интенсивности выражения иллокутивной силы и определяющие в конечном итоге степень вежливости высказывания.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Апресян Ю.Д. Избранные труды. Том II. Интегральное описание языка и системная лексикография. М.: Языки русской культуры, 1995.
2. Brown, P., & Levinson, S. C. (1987). *Politeness some universals in language use*. Cambridge, England: Cambridge University Press
3. Lakoff, Robin (1990), *Talking Power*. New York: Basic Books.

УЎҚ 1-13

ХОРАЗМ ДОСТОНЧИЛИГИ РИВОЖИДА “БАХШИ КИТОБИ”НИНГ ЎРНИ

Н.Э. Сабирова, PhD, мустақил изланувчи, Урганч давлат университети, Урганч

Аннотация. Ушбу мақолада сўз Хоразмда бахшичилик санъати XIX асрга келиб яна ривожланиш босқичига қадам қўйганлиги, Хоразм достончилигининг тараққиёт босқичида “Бахши китоби”нинг ўрни хусусида сўз юритилади. Шунингдек, Феруз хонлиги давридаги таниқли бахшилар ҳақида айрим маълумотлар келтириб ўтилган. Жумладан, бахшиларнинг ҳомийси ҳисобланган Ошиқ Ойдин пир ҳақида сўз юритилган.

Калит сўзлар: Хоразм достончилиги, бахшичилик санъати, «Бахши китоби», Ошиқ Ойдин пир, бахшилар ҳомийси, Феруз хонлиги давридаги бахшилар.

Аннотация. В данной статье рассматривается тот факт, что искусство бахши в Хорезме снова вступило в стадию развития в XIX веке, роль «Книги Бахши» в развитии хорезмского эпоса. Также есть сведения об известных бахшах Ферузского ханства. В частности, говорится об Ошике Айдыне Пире, покровителе бахши.

Ключевые слова: Хорезмский эпос, искусство бахши, «Книга бахши», Ошик Айдын пир, покровитель бахши, бахши Ферузского ханства.

Abstract. This article discusses the fact that the art of bakhshi in Khorezm again entered the stage of development in the XIX century, the role of the "Book of Bakhshi" in the development of Khorezm epic. There is also some information about famous bakhshis of the Feruz Khan. In particular, there is talk about Oshiq Aydin Pir, the patron saint of bakhshis.

Key words: Khorezm epic, Bakhshi art, "Bakhshi book", Oshiq Aydin pir, patron of bakhshis, bakhshis of Feruz khanate.

Хоразмда бахшичилик санъати XIX асрга келиб яна ривожланиш босқичига қадам қўйди. Хон саройда мақомчилар, машшоқ ва бахшилар сақлаш анъаналарини давом эттирди. Хоразмда ҳам шомон, ўзон, бахшисўзлари ишлатилиб келган ва ҳозирда бахши атамаси кенг оммалашган. Бахшичилик шахсининг илоҳийлаштирилиши уларнинг юксак хотираси ва соз, сўз соҳиби эканлиги билан алоқадордир. Ушбу касб эгаларининг дўмбира жўрлигида достон куйлашлари X-XI асрлар билан алоқадор деган фикрлар мавжуд. Бизнингча, бу ҳодиса анча қадимий бўлиши ҳам мумкин. Қадимги хоразм қалъаларидаги “Арфачи аёл хонаси”даги расмлар бунга асос бўлиши мумкин.

“Бахши китоби”да аниқ бахшилар шахси ҳақида бирор маълумот учрамаса ҳам, достонларнинг турли-туман нусхалари ҳақида сўз юритилиши ўша давр достон ижрочиларининг репертуари хусусида аниқ тасаввур бера олади. Ҳерман Вамбери Хивадан

жўнаб кетгандан кейин бир йил ўтгач, Саййид Муҳаммадхон оламдан ўтиб, Хива хонлиги тахтига унинг ўғли Муҳаммад Раҳимхон Феруз ўтирди. Феруз даврида Хива хонлигида адабиёт ва санъатнинг ривожланиши янги босқичга кўтарилди. Янги хон шоир, бастакор ва созандалик хислатларига эга бўлган истеъдодли шахс эди. Унинг даврида Комил Хоразмий томонидан “Танбур чизиги” деб аталмиш мусиқа ёзуви-нота ҳам кашф этилди. “Хоразм мусиқий тарихчаси” муаллифлари ўз асарларида Феруз давридаги таниқли бахшилар ҳақида айрим маълумотларни келтириб ўтишган. Уларнинг ёзишларича, “Достончилар иккига айриладур. Бири бахши, яна бири эса жирчилардур. Бахшилар буламон, дутор, ғиржак илан соз этарлар. Жирчилар эса, ёлғиз ковуз биландур”. Китобча муаллифлари тубандаги бахши ва жировлар ҳақида баъзи маълумотларни келтирганлар.

Ризо бахши. Мазкур бахши гурланлик бўлиб, Ферузхоннинг хос бахшиси ва жирчиси бўлган. Ризо бахши хоннинг уйкуга кетиши олдидан унга қизиқли ривоятлар, ҳикоятлар сўзлаб берган, лапарлар ижро қилган. Унинг “Бежилов” деган лақаби бўлган. Чунки, уни хоннинг яқин бахшиси бўлгани учун “бежилов” –жиловсиз, эркин лақаби билан аташган.

“Хоразм мусиқий тарихчаси”да унинг репертуаридаги лапаридан учта банд келтирилган. Уларни биз бахши биографиясини беришда келтириб ўтамиз.

Суяв бахши. Суяв аслида туркманларнинг човдур уруғидан бўлиб, ўзбек, туркман ва қорақалпоқ тилларида бемалол дoston куйлай олган. У айна пайтда шоир, бастакор ва дoston ижрочиси бўлган. “Хоразм мусиқий тарихчаси”да басталаган “илғор”, “илғор сарпардаси”, “Кўр қиз”, “Эшвой”, “Шо кўчди”, “Муҳаммас”, “Шоҳсанам” каби куйлар қайд қилинган. Муҳаммад Раҳимхон II даврида Эрнафас бахши, Аваз бола, Нурилла бахши (лақаби тандир) каби машҳур дoston ижрочилари ҳам яшаб ўтган. Аммо уларнинг биографияси “Мусиқий тарихча”да берилмаган.

Муҳаммад Раҳимхон II даврида бахшичилик анъаналари юксак чўккига чиққан. Машҳур бахши Қурбонназар Абдуллаев –Бола бахши ҳам ўша даврнинг маҳсули. У ўн ёшлариданоқ дoston куйлашни бошлаган. Кексаларнинг ривоят қилишларича, Бола бахши ўз қишлоғидаги боғида “Ғариб ошиқ”ни куйлаб турганида дутори дастасига булбул келиб кўнади. Аслида булбул унинг мусиқаси ва овозига мафтун бўлиб, дарахтдан пастга тушади. Қурбонназар эса ёш бола бўлганидан масаланинг моҳиятига тушунмасдан, куйлашни тўхтатиб, булбулни ушламоқчи бўлади. Булбул эса қочади, ёш бахши дуторни ташлаб уни кува кетади. Ўша пайтда даврада дoston тинглаб ўтирган қишлоқ оқсоқоли бу воқеага қараб:

- Қурбонназар барибир бола-да, бўлмаса қушни қувиб кетармиди, дейди. Шундан кейин Қурбонназарни Бола бахши деб аташ расм бўлган экан. Шуниси қизиқки бахши дуторига қуш қўниши билан алоқадор ривоят Эргаш шоирнинг отаси Жуманбулбул ҳақида ҳам тўқилган:

“Жуманбулбул машраб табиатли киши бўлган. Эски одат бўйича, дostonчи чодир ичида айтса, хотин –қизлар ташқарида ўтириб эшитган. Саримсоқ бахши (1872-1938) ўспиринлик чоғларида шўхлик қилиб, Жуманбулбул яхши айтсин деб, чодир ичида дoston айтаётган Жуманбулбулни ташқарида ўтириб ҳар замон аёлчасига туртиб қўйса, шоир қайнаб, чилладаги нордай бўлиб кетар экан... Ана энди Жуманбулбулнинг дostonини эшитинг эди! Ғазалай додлаб, чарх уриб келиб дўмбирасига кўнар эди. Эргаш шоир отасининг болаликдан қўшиқ айтганини таъкидлайди:

Ўн ёшида айтган йиғинга кириб. Одамлар орасида Эргаш шоирнинг бу сўзини тасдиқлайдиган ривоят юради. Жуман бола экан, ўйнаб қолади. Боқиб юрган қўйлари элнинг экинига тушиб кетади. Шунинг учун чўпон бола кўрқиб қочиб қолади. Шу ривоятнинг бошқа бир вариантыда айтилишича, ўғай она зулмидан бешиб, уйдан чиқиб кетади. Хуллас, у юриб-юриб, очиқиб-толиқиб, бир жойда якка тутнинг тагида ухлаб қолади. Ўнгидами-тушидами, бир паст сарғалдоқ деган қуш пайдо бўлиб, Жуманнинг бошида айланиб - ўргилиб, сайрайверади, сайрайверади... Сарғалдоқ бирдан сариқ тўнли, оппоқ соқолли одамга айланади. Болага: “Манглайингга берайми, танглайингга?...”-дейди. Бола бояқиш оч эмасми, танглайингга, дегани таом бўлса керак деб, танглайимга беринг, дейди. “Бўлмаса, юм кўзингни, оч оғзингни...” Бола кўзини юмиб, оғзини очади. Оқсоқол унинг оғзига

нафасини уфлайди. Ўша заҳоти Жуман оғзидан кўпик сочиб, маст бўлиб дoston айта бошлайди[1].

Бахшилар истеъдодининг ғойибдан келиши, уларнинг илоҳий хусусиятларига бағишланган бундай ривоятларнинг тўқилиши бежиз эмас. Ушбу касбнинг қадимий илдизлари шомонликка бориб тақалади. Шомонларнинг илоҳий қудрати ҳозиргача ўз аксадосини йўқотган эмас.

Муҳаммад Раҳимхон II даври ва ундан кейинги пайтларда яшаб ижод қилган бахшилар ҳақида тўла маълумотни Бола бахши ҳикоя қилиб берган.

Бундан ташқари 1873 йилда Хива хонлиги руслар томонидан истило қилинган, Хивага рус шарқшуносларининг сафарга келиши учун қулай шароит юзага келади. Қолаверса, уларни хонликдаги маданий ҳаёт қизиқтириб қолади. Чунки рус истилоси даврида А.Л.Кунь бошчилигида келган бир гуруҳ шарқшуносларнинг хон кутубхонасидаги энг нодир китобларни олиб кетишлари бошқа кўпгина шарқшунос олимларни қизиқтириб қолган эди. Ўша шарқшунос олимлардан биттаси А.Н.Самойловичдир. У 1908 йилда Хоразмга келиб, воҳада тарқалган “Тўрўғли” ва “ошиқ” дostonлари, уларнинг ижрочилари ҳақида энг муҳим маълумотларни тўплади. У Хоразмда бўлган пайтида дostonчиликнинг энг фаол маркази бўлган Пўрсига боради. (Туркменистоннинг ҳозирги Бўлдимсоз тумани маркази) «Мен Пўрсидан бутун хонликда энг машҳур бўлган 58 яшар човдур (уруғноми) Суяв бахшининг айтганларини тингладим»[2], деб ёзади у.А.Н.Самойлович Хивада бўлганида бахшилар ижросини бевосита тинглагани ҳақида қуйидагича маълумот беради «Хивалик бахшининг ўзи дотор чалиб, китобий дostonни ижро этаётганида икки созанда буламон чалишиб, унга жўр бўлиб туришади»[3]. Демак, А.Н. Самойлович бу масалага Ҳ.Вамберига ўхшаб юзаки муносабатда бўлмаган. Шарқшунос олимнинг пўрсилек Суяв бахшидан олган маълумотларига қараганда Пўрси дostonчилик мактабига ўша пайтда Суяв бахши бошчилик қилиб, атрофига кўплаб ўзбек, туркман ва қорақалпоқ бахшиларини жамлаган ва туркман ўзбек ҳамда қорақалпоқ тилларида дoston куйлаган. Суяв бахши ўз устози ўзбек бахшиси Ғарибниёз ва ундан олдин ўтган ўзбек бахшилари Эшвой, Оташ, Нуржон, Ниёзмат бахшилар ҳақида маълумот беради. Суявнинг ўзи 1850 йилда Пўрсининг Сеитназар гўммачи овулида туғилган. Юқорида номи келтирилган бахшилар XIX асрнинг биринчи ярмида яшаб ижод қилишган. XIX асрнинг иккинчи ярмида Абдурахим, Мусо, Отаниёз, Отажон, Ризо бахшилар Суяв билан бир даврда фаолият кўрсатишган. Таниқли фольклоршунос Қалли Айимбетовнинг ёзишича Қўнғирот, Пўрси, Хўжайли атрофларида бу бахшилардан кейин Одилбой, Ўринбой, Оллаёр, Қутим бахшиларнинг дoston куйлаганликлари ҳақида маълумотлар бор. Асримизнинг бошларида Хўжез (қипчоқ), Аҳмад, Қўчқор (Манғит), Хўжез гармончи (Шаббоз), Қўшакўр (Тўртқўл), Эшниёз (Қўнғирот), Жуманазар (Янгиарик), Хўжик бахшилар машҳур бўлганлар. Афсуски, ушбу бахшиларнинг ҳаётига оид батафсил маълумотлар сақланиб қолмаган. Айрим бахшилар ҳаёти ҳақидаги маълумотлар эса уларнинг замондошлари эсдаликлари орқали етиб келган. Масалан, Мадраҳим Ёқубов Шерозий XIX аср охири XX аср бошларида яшаган қуйидаги бахшиларнинг аянчли тақдири тўғрисида хотиралар қолдирган:

Эрниёз бахши. Қўшқўпирнинг Ўзбекёп қишлоғида яшаган. Хоннинг қариндоши Саидабулланинг тўйига бормагани учун бурнидан ип ўтказилиб қўшиқ айттирилган. **Жумёз бахши.** Ҳазораспда яшаган. Зиёфатга кечикиб келгани учун Саидмурод божимоннинг ўғли ҳовузга итариб юборган. Ўпкаси шамоллаб ўлган[4]. Биз қуйида ҳаётининг фаолияти ҳақида айрим ҳужжатлар сақланиб қолган бахшилар ҳақида қисқача маълумот берамиз. **Ғарибниёз.** Тарих саҳифаларига назар ташласак, Хоразм воҳасида яшаб келган турли миллатлар дўстлигига оид кўпгина фактларга дуч келиш мумкин. Бу нарса халқ эпик ижодиётининг вакиллари бўлган бахшиларнинг устозлик - шогирдлик аъъаналарида айниқса яққол кўзга ташланади. XVIII-XIX асрлар туркий халқлар дostonчилигининг энг гуллаган даври бўлиб, ўша даврларда Хоразм воҳасида жуда кўп талантили бахшилар яшаб ижод қилган. Улардан қирқдан кўпроғининг номи маълум бўлса-да, фаолияти ҳақида жуда кам маълумотлар сақланиб қолган. XIX аср ўрталарида яшаган шоир-бахши Ғарибниёз ҳақида ҳам шу фикрни

айтиш мумкин. Шоир тақдири ҳақида сўзлашдан олдин унинг шогирди-туркман бахшиси Суяв (суянч, таянч, елкадош) ҳақида оз бўлса-да, тўхталишга тўғри келади. Академик А.Н.Самойлович ўз асарларида Пўрсидани Тошҳовуз вилоятининг ҳозирги Бўлдимсоз туманида яшаган Суяв бахши ҳақида қимматли маълумотлар беради. Унинг туркман, ўзбек, қорақалпоқ тилларида дoston куйлаганини таъкидлаб, бахшининг 58 ёшда эканлигини айтиб ўтади. Олимнинг Хоразм воҳасига 1908 йилда келганлигини ҳисобга олсак, бахшининг таваллуди 1850 йил бўлиб чиқади. Суяв бахшининг репертуаридаги кўплаб дoston ва термалар туркман, ўзбек, қорақалпоқ бахшилари ижодида ҳозиргача яшаб келмоқда. 1985 йилда вафот этган гурланлик Сакрак бахши (Жумабой Худайберганов), манғитлик Турсун бахши Пўрси дostonчилик мактабининг сўнгги вакиллари бўлишган. Суяв бахши репертуарида «Эшвой» кўшиғи алоҳида ўрин тутган. Мазкур кўшиқ XVIII асрда Пўрси атрофларида яшаган ўзбек бахшиси Эшвойга бағишланган бўлиб, унда бахшининг олийжаноб хислатлари таъриф этилади.

Эшвой бормай ҳеч ким тўйин кўрмади,
Юзин кўрмай қизлар вакил бермади.
Фисқу фужур, харом ишга юрмади,
Шу қилигин эллар суйди Эшвойнинг.

Шу пайтгача бу кўшиқ Суяв бахши ижодига нисбатан бериларэди. Бироқ халқ орасида юрган бу кўшиқнинг турли вариантларини қиёсласак, масаланингбошқа бир муҳим томони ҳам ойдинлашгандек бўлади:

Эшвой Оташ, Нуржон билан соз этди,
Беш кунлик умрини сарафроз этди.
Ўлгандан сўнг васфин Ғарибниёз айтди,
Соз-сўз билан умри ўтди Эшвойнинг.

Шеърнинг мазкур банди унинг Ғарбниёзга тегишли эканлигини тўла тасдиқлайди. Демак, «Эшвой» кўшиғини ижод қилган ва унга куй басталаган киши Суявнинг устози Ғарибниёз бўлиб чиқади. Қорақалпоқ фольклоршуноси профессор Қ.Айимбетов 1968 йилда Нукусда босилган «Халқдонолиги» китобида Суявбахшидан бурун ва у билан бир даврда Эшвой, Оташ, Ғарибниёз каби таниқли бахшилар яшаб, ижод қилганликларини кўрсатиб ўтади. XVIII асрда яшаган Эшвой бахши ва унинг шогирди Ғарибниёз тўғрисида кўпгина маълумотлар мавжуд. Шоирнинг «Эшвой», «Кўзларим» деган кўшиқлари 1963 йилда Ашхободда нашр этилган «Маржон доналар», 1965 йилда Нукусда босилган «Қорақалпоқ халқ кўшиқлари» китобларига киритилган. Кузатишларга қараганда истеъдодли бахши Ғарибниёз ўз устозига бағишлаб «Эшвой» шеърини яратган ва унга махсус куй басталаган. Бу куй баъзан дoston кўшиқлари билан айтилиб ҳозиргача яшаб келмоқда. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Назира Юсупова репертуаридаги «Эшвой» кўшиғи бунинг ёрқин мисолидир. Ўз навбатида бу куй туркман ва қорақалпоқ бахшилари ва хонандалари репертуарида ҳам мавжуд. Суяв бахши бу кўшиқни устозининг мероси сифатида маҳорат билан куйлаб, бизгача яшаб келишида кўприк бўлиб хизмат этган. «Кўзларим» шеъри мазмунига қараганда шоир умрининг охирида кўр бўлиб қолган. Буни ўз шеърида изтироб билан баён қилади:

Икки кам элликка борганда азиз ёшим менинг,
Бунчадардагучкелибдурбуғариббошимменинг.
Сармалаб-излабтопиб, оғубўларошимменинг,
Еттижаҳонникўргалийўкэрурийўлдошимменинг,
Қайғуғам-ғуссабиланйўйганнаҳоримкўзларим.

Кўзи ожизлиги сабабли шоир халқ орасида баъзан Матниёз Қорин оми билан ҳам тилга олинади. Манғитлик Хударган бахши, тўрткўллик Абдулла бахшиларбилан бўлган суҳбатда Ғарибниёзнинг «Ўтгандир» номли шеъри борлиги ҳам маълум бўлди. Бу шеър хивалик ШукурҚори репертуарида айрим ўзгаришлар билан сақланиб қолган. Шоирнинг юқорида тилга олинган «Эшвой», «Кўзларим» каби шеърларининг ўзбекча вариантлари туркман ва қорақалпоқча матнлардан ҳажман кўплиги, айникса «Кўзларим» шеъри арузга

кўпроқ мос келиши ва бошқа айрим хусусиятлари билан ажралиб туради. Албатта халқ орасида унинг бошқа шеърлари ҳам сақланиб қолган бўлиши мумкин. Буни келажакдаги изланишлар тасдиқласа ажаб эмас. Бироқ ҳозирча қўлимизда бўлган икки-уч шеър ҳам Ғарибниёзнинг истеъдодли шоир, бахши бўлганлигидан дарак беради. Шоирнинг қайси миллатга мансуб эканлигини аниқлаш учун уриниб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак. Негаки, у ўзбек бахшисига шогирд, туркман бахшисига устоз бўлган. Воҳадаги барча халқларга уч тилда дoston куйлаб, баб-баравар хизмат қилган. Бу эса қадимий дўстлигимизнинг яна бир қудратли тимсолидир. Шоирнинг ўзбек тилидаги адабий меросини излаш, тўплаш ва тадқиқ қилиш фойдадан холи эмас.

Эшвой бахши. XIX асрнинг истеъдодли дostonчиси Эшвой бахши 1839 йили Хоразм вилояти Шовот туманидаги Доричи қишлоғида туғилган. 15-16 ёшларида дoston йўллари бўйича куйларни ўрганиб, кўшиқ айта бошлаган. Илгари яшаб ўтган бахшиларнинг айтишича у шоир, бастакор, хонанда бўлган. Эшвой бахши машҳур созанда бўлганки, халқ унинг фаолияти ҳақида кўплаб кўшиқлар тўқиган:

Эшвойбахшиовозали,
Қиблаёндадарбозали,
Паловларикўп мазали
КуйлаЭшвой, тилларингдан.

Қарияларнинг эслашига қараганда, Хива хони МуҳаммадРаҳимхон (Феруз) Эшвой бахшини тўйга таклиф қилган. Бахши отланиб, қўлда дотори билан йўлда бораётганида, Қўшқўпирнинг Тақир қишлоғига етганида, бир камбағалнинг тўйи устидан чиқиб, ўша ерда тутилиб қолади. Натижада Эшвойбахши хон ғазабига учрайди. Ғазабланган хон бахшини Калтаминорадан ташлаб ўлдиришга ҳукм қилади. Буни эшитган Хива халқи бахшининг ҳаётини сақлаб қолиш учун минора тагига тўшак сомон, ғоли-палосларни тўшайдилар. У ғоли-палос устига йиқилиб, омонқолади. Бу воқеани эшитган хон Эшвой бахшини ҳузурига чақиртириб, «Менинг ўзим ҳам сенинг ўлимингни истамаган эдим», - деб уни қўйиб юборади. Бу ҳақда бизга етиб келган тўртликлардан бири:

Эшвой деган доричининг боласи,
Бахшидан айлансин Хива қальбаси
Тагигатўшалдиғ оли-палоси,
Тингла, Эшвой жонларинга бандиман.

Бахшининг ғқабри Кўҳна Урганчда жойлашган. Унинг ўғли Ўринбой бахши сифатида танилиб, кўпгина дostonларни куйлаб келган.

Маълумки, Хоразм дostonларининг мусиқа қисми алоҳида-алоҳида мустақил куйлардан иборат. Бола бахшининг маълумот беришича улар 72 куйни ташкил этган. Шулардан бир қисмини Эшвой бахши яратган: Эшвой I, Эшвой II, Туркман Эшвойи, Урганжий, Қурд Эшвойи, Фарғона Эшвойи ва бошқалар. Шовот туманида “Эшвой чўли” деган яланглик бор. Айтишларича, бахши ўша чўлни кесиб ўтишда кўшиқ куйлар экан. Ёш бахшилар ўша чўлда тунаб қолишса, тушида устоз бахшининг овози эшитилармиш. Бу ходиса уларга Эшвой бахшининг фотиҳа бериши деб ҳисобланар экан. Эшвой бахшининг «Гўрўғли» туркумидаги 16 дostonни ёддан билганлиги ҳақида маълумотлар бор. Шунингдек у «Ошиқ» туркуми дostonларидан ҳам кўпчилигини билган. Эшвой бахши ижоди ва ҳаётини ўрганиш, уни халқимизга етказиш фольклоршунослигимиз олдида турган ҳам муҳим вазифалардан биридир.

Умуман, хулоса қилиб айтганда, Хоразмда дастлабки бахши ва бахшилар пири ҳисобланган тарихий шахс (1115-1191) Ошиқ Ойдин (Ошуғиддин Умар Сухравардий) бўлиб, у ҳозирда ҳам бахшиларнинг ҳомийси ҳисобланади. Унинг шахси ҳам илоҳийлаштирилган. Тарихий манбаларга кўра Ошиқ Ойдин соз ва сўз устаси ва айни пайтда давлат арбоби бўлган. Мусиқа тўғрисида рисола ҳам битган. Унинг хоразмшоҳлар ҳукмронлиги даврида яшаганини ҳисобга олсак, ўша даврларда бахшичилик санъатининг ривожланган даври бўлганлигини англаб олиш мумкин бўлади. Ошиқ Ойдин пирдан кейин туркий оламда донг таратган ўзон, шомон, бахши Кўрқут отадир. Ўрта Осиёда битилган “Дўст Султонтарихи”да

Кўркут ота бахшилар пири сифатида тилга олинади. Абулғозий Баҳодирхон уни донишманд вазир деб берса, Рашидиддин асарларида бахши, ўзон сифатида тасвирланади. “Китоби дадам Кўркут” да у донишманд оқсоқол тарзида намоён бўлади. Бу шахс ҳақида турли афсона ва ривоятлар тарқалган. Уларда Кўркут ота шомон, ўзон, давлат арбоби, вазир, донишманд сифатида кўзга ташланади. Унинг бахши қиёфасидаги образи ҳамиша ёрқин кўринади. Аммо унинг тарихий прототипини излашга асос топилмаган. “Кўркут ота китоби” яратилган даврда Чингиз босқини оқибатида Хоразмда бахшичилик санъати таназзул босқичини бошдан кечираётган эди. Айрим маълумотларга қараганда мазкур китоб ҳам Ўрта Осиёда яратилиб кейин Кавказга кўчган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Қўшмоқов М. Чечакликда сўзга сувдайин оқиб. –Т.: “Адабиёт ва санъат”, 1978. Б.93-94. (168)
2. Самойлович А.Н. Краткий отчёт о поездке в Ташкент и Бухару и в Хивинское ханства в 1908 году. //Известие русского комитета для изучения Средней и Восточной Азии в историческом, лингвистическом и этнографическом отношениях. СПб., 1909, №9, 21-22-бетлар
3. Ўша манба, 25-27-бетлар
4. Аваз С. Мадрахимов О. Мадрахим Шерозий. –Т.: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт –матбаа бирлашмаси, 1991. –Б.31. (182)

УДК 37.02

ПРОБЛЕМЫ РАЗВИТИЯ ЧИТАТЕЛЬСКОЙ КОМПЕТЕНЦИИ У БУДУЩИХ ПЕДАГОГОВ

З.А.Салихова, преподаватель, Бухарский государственный университет, Бухара

Аннотация. *Ushbu maqola zamonaviy oliy o'quv yurtlarida bo'lajak o'qituvchilarning o'qish qobiliyatini oshirish va o'qish muammolarini o'rganishga qaratilgan.*

Калит сўзлар: *o'qish, ish, zamonaviylikni rivojlantirish.*

Аннотация. *Данная статья направлена на изучение проблем чтения и повышения читательской компетенции у будущих педагогов в современных вузах.*

Ключевые слова: *компетенция, чтение, произведение, развитие современность.*

Abstract. *This article is aimed at studying the problems of reading and improving the reading competence of future teachers in modern universities.*

Keywords: *competence, reading, writing, development, modernity.*

За последние двадцать лет статус чтения, его роль, отношение к нему во многих странах мира, кардинально изменились. Снижение интереса к чтению является общемировой тенденцией глобализации средств массовой информации и стремительного развития индустрии развлечений, вытесняющей чтение и как престижный источник информации, и как приятную и престижную форму досуга.

Последнее мнение респондентов населения показывает, что не только у школьников, но и у тех категорий граждан, которые имеют высшее образование, значительно снизился интерес к чтению книг.

С появлением электронных СМИ начинается новая эра неотрибализма, "глобальная деревня", когда мир человека снова станет общим, но на этот раз только на глобальном уровне. Меняются средства коммуникации и информации, меняется образ мышления, меняется поведение и формы ассоциаций", - заключают зарубежные ученые [McLuhan, 2005].

Проблема чтения среди студентов и молодежи является одной из актуальных проблем современности [Садыкова, Яшина, Шарафиева, 2014].

Обзор зарубежной литературы, ученые подчеркивают важность чтения в развитии человека. Чтение способствует развитию полноценной интеллектуальной и эмоциональной личности, способной к саморазвитию и самореализации [Валеев и Баранова, 2013; Сагитова, 2014].

О качестве и уровне культуры чтения говорится в педагогических, библиотечных, библиологических, библиографических, культурологических, социально-психологических исследованиях проблем чтения будущих педагогов: Акимова А. Г. [2014], Е.А.Волкова, И.В.Воронцов, Г.Г.Граник, С. М. Бондаренко и Л.А.Концевая, Д.С.Лихачев, В.А.Козырев и В.Д.Черняк, Н. Н. Светлый и Персик-оол, Т. С., И. И. Тихомирова, В. П. Чудинова. О способах повышения качества развития читательской компетенции и культуры чтения пишут зарубежные ученые М. Адлер [1], М. Маклюэн Д. Пеннак. По мнению А. В. Воронцова, читающие люди отличаются от не читающих тем, что:

1) Умение читать определяется специалистами как навык чтения, в процессе овладения которым человек проходит четыре стадии развития: на первой стадии человек учится складывать буквы в слова и читать; на второй ступени-учится читать вслух; на третьей-читать про себя; на четвертой ступени- критически читать. Чтобы стать полноценным, компетентным читателем, необходимо овладеть всеми четырьмя этапами навыков чтения (Воронцов, 2012).

Установлено, что полноценное восприятие художественного произведения не происходит без культуры чтения. Культура чтения - это достижение личности, уровень развития чтения, количественные и качественные показатели сознания, деятельности и общения являются одновременно продуктом и фактором развития личности.[2] Культура чтения включает в себя:

1) рациональная организация процесса чтения в зависимости от текста, более широкого контекста чтения и свойств читателя; 2) глубокое, точное, ясное и полное понимание и усвоение содержания текста, сопровождающееся эмоциональным сопереживанием, критическим анализом и творческой интерпретацией прочитанного произведения; 3) поиск, анализ и отбор текстов (книг, электронных документов, баз данных, поисковых систем в сети Интернет и др.) для чтения в соответствии с интересами и возможностями читателя, а также с целью чтения; 4) разнообразные способы (устные, письменные) и языковые средства сохранения прочитанной работы на родном и иностранном языках (высказывание, суждение, отчет, план, реферат, реферат, реферат, реферат и др.); 5) культура чтения читателя реализуется в действиях читателя как проявление его сострадания, сотворчества с другими людьми в обществе, подчиненном законам природы и общества.

Метод "Театральной премьеры" ориентирован на творческую интерпретацию художественного произведения **Сервантеса**: «Дон-Кихот», возможность вдуматься в смысл прочитанного, соотнести поступки героев с их мыслями, автора – с собственной позицией.

Театральная премьера создает условия для развития творческого воображения, рождения ассоциаций, собственных оригинальных представлений о чтении. Практическое занятие по теме комедии Шекспира «Король лир» проводилось по методике "премьеры". Студентам было поручено прочитать комедии Ромео и Джульетта, Король Лир, Гамлет, Макбет, Отелло.

Реализация "Метода групповой дискуссии".

Групповая дискуссия - это метод организации совместной коммуникации в интересах интенсивного и продуктивного решения групповой задачи.

Основной целью дискуссии является обмен мнениями между участниками, уточнение и согласование их позиций, выработка общего подхода к проблеме. Метод дискуссии способствует закреплению полученных знаний; расширению их кругозора, повышению читательской активности, культуры чтения и культуры диалога.

Реализация "Творческого подхода к прочитанным книгам" На выпускных курсах подготовки "Детская литература" и "Зарубежная детская литература" будущие педагоги подготовили творческое задание, направленное на глубокое развитие читательской компетенции. Проблемы чтения и читательской культуры, вдумчивое чтение книги приняло форму творческого подхода к прочитанным книгам самостоятельно. Затем будущим педагогам была предоставлена возможность выбрать книгу русского или иностранного автора для изучения дисциплины, прочитать ее, оригинально представить ее содержание:

написать стихотворение об этой книге, о главном герое, составить сценарий к книге, написать продолжение выбранной книги, инсценировать работу, создать рекламный ролик.

Чтение - это основная составляющая воспитания, обучения и развития культуры. Это деятельность по формированию и развитию личности, инструмент воспитания и распространения культуры, свидетельство формирования коммуникативной и профессиональной компетентности специалиста, инструмент достижения жизненного успеха. По словам А. Г. Акимовой, "чтение все эти годы было прежде всего развлечением; самый популярный жанр сейчас- детектив и фэнтези.

Вот что тревожит больше всего: ведь в традиции зарубежная литература долгое время формировала ценности и воспитывала подрастающее поколение "[3]. Развитие медиакультуры, стремительный рост интернет – технологий "сдвигают" традиционную структуру чтения - как массового, так и "элитарного".

В. П. Чудинова описывает современную ситуацию с чтением в подростковом и юношеском возрасте так: «Чтение подрастающего поколения становится все более функциональным и утилитарным. Подростки чаще читают как взрослые».

В современной науке существуют различные определения понятия "чтение". Зарубежные ученые дают следующее определение чтения: "Чтение-это навык (привычка, практика, запоминание), работа с печатным текстом".

Это западное определение. Последователи этого направления, в том числе и в России, решают задачи внимательного функционального чтения как совокупности знаний и умений отбирать, понимать и систематизировать информацию.

Чтение как творчество, духовный процесс развития личностных качеств, сознания, ментальных образов, ценностей под влиянием художественной литературы.

В своей книге "Как научиться работать с книгой" ученые дали систему операций на каждом этапе, начиная с работы с названием книги.[3] Следовательно, ученые понимают чтение как процесс получения информации из данного текста.

Другие зарубежные ученые считают, что чтение - это творческий процесс, в котором читатели сталкиваются с собственными мыслями и чувствами, рождаются ассоциации, развивается воображение.

"Чтение - это творческий процесс", - говорит И. Тихомирова (2008). Показателями развития читательской компетентности будущих педагогов являются их способность проникать в содержание и смысл прочитанного, а также анализ и интерпретация прочитанного.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ:

1. Адлер, М. Как читать книги. Руководство по чтению великих зарубежных произведений. Издательство "Манн, Иванов и Фербер", стр. 344.
2. Салихова З.А. Развитие читательской компетентности у будущих педагогов. Warsaw, Poland wydawnictwo naukowe "iscience" 2020. Polish science journal issue 12(33) part 2 international science journal. стр 224-231
3. Акимова А. Г. Культура чтения молодежи: мифы и реальность. 2014г.
4. Электронный источник: <http://lib.1september.ru/2006/08/16.htm> Примерная программа учебных предметов. Москва, Просвещение, стр 400. 2010г.
5. Чудинова В. П. Чтение студентов как национальная ценность. 2008г.
6. Электронный источник: <http://www.polemics.ru>. Граник Г. Г., Бондаренко С. М. и Концевая Л. А. 2007 г.

УЎК 81-13

ЎЗБЕК ТИЛШУНОСЛИГИДА МОРФЕМИКА ОИД ФИКРЛАРИ Ф.Шарипов, ф.ф.н., доц., Гулистон Давлат Университети, Гулистон

Аннотация. Морфема термини XX асрнинг 40-йилларида, яъни илмий тилшунослик шаклланишининг бошлангич даврида А.Фуломов томонидан ишлатила бошланган. Олимнинг «Феъл» китоби, монография ва қўлланмалари, «Ўзбек тилида сўз ясаиш йўллари ҳақида» мақоласи ҳамда унинг бошқа илмий асарларида бу термин кенг қўлланган бўлиб, 1957 йил нашр этилган «Ҳозирги замон ўзбек тили» китобининг А.Фуломов томонидан ёзилган

«Морфологияга кириш» қисмида морфема термини «сўзнинг маъноли элементлари» деган изоҳ билан ишлатила бошланган. «Ўзбек тили грамматикаси» китобининг «Сўз ясалиши» қисмида «Морфемика сўзнинг энг кичик маъноли қисмлари ҳақидаги таълимот» эканлиги ва бу морфемалар турли кўринишларга ҳам эга бўлиши каби фикрлар билан бирга, морф, алломорф, морфема тушунчаларининг изоҳлари очиб беришга ҳаракат қилган.

Калим сўзлар: морфема, морф, алломорф, туб сўз, ясама сўз, тил ва нутқ бирлиги, ўзак, негиз, эргаши морфема, ўзак морфема, етакчи морфема, бош морфема, аффикс, аффикс морфема, ёрдамчи морфема, эргаши морфема.

Аннотация. Термин морфемика был введен в употребление в узбекском языкознании в 1940-х годах А. Гуламовым. В книгах, статьях и монографиях, таких как “Глагол”, и в статье “Способы словообразования в Узбекском языке”, написанных автором, широко используется термин “морфемика”. Термин морфема был использован в его определении как “значимые части слова” А. Гуламовым в его вкладе в книгу “Современный Узбекский язык” в 1957 году. В главе “словообразование “книги” узбекская грамматика” А. Гуломов пытается определить морфемикку как “изучение мельчайших смысловых частей слова” и различает значения морфемы, алломорфа и морфемы.

Ключевые слова: морфема, морф, алломорф, корень, составное слово, единицы языка, корневая морфема, главная морфема, аффикс, аффикс морфема, вспомогательная морфема

Abstract. The term morphemics was introduced to the use in Uzbek linguistics in the 1940s' by A. Gulomov. Books, articles and monographs such as “The Verb”, article on “The Ways of Word-Formation in the Uzbek Language” written by the author widely employ the term ‘morphemics’. The term morpheme was used in its definition as “meaningful parts of word” by A. Gulomov in his contribution to the book “Modern Uzbek Language” in 1957. In “Word-Formation” chapter of the book “Uzbek Grammar” A. Gulomov tries to define morphemics as “a study about the smallest meaningful parts of a word” and distinguishes the meanings of morph, allomorph, and a morpheme.

Key words: morpheme, morph, allomorph, root, compound word, language units, root morpheme, main morpheme, affix, affix morpheme, auxiliary morpheme

КИРИШ. Морфема, морфемика тушунчалари ўзбек тилшунослигида мустаҳкам ўрин эгаллади ва унинг тадқиқи юзасидан илмий ёндашувлар бошланди. Бироқ шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, XX асрнинг 60-йилларида А.Гуломов билан бир даврда бу тушунчаларга эътибор қаратган тилшунос С.Усмонов ўзининг «Ўзбек тилида сўзнинг морфологик таркиби» фундаментал тадқиқотида морфема терминини тилуносликка Бодуэн де Куртенэ томонидан киритилгани, тушунчанинг эса қадимги ҳинд тилшунослигидан ажратилганлигини, яъни сўзларни бирламчи элементларга ажратиб таҳлил қилганликлари, бу элементларга ўзак ва кўшимчалар киритилганлиги, кейинчалик тилшунос шу элементларни «морфема» деб номланган маъноли қисмлар эканлиги ҳақида кенг маълумот беради. Умуман олганда, морфема термини бўйича тилшунослар орасида мунозарали ҳолатлар анча вақтгача давом этди ва бугунги кунда ҳам муҳокамага сабаб бўлиб келмоқда.

АСОСИЙ ҚИСМ: Ўзбек тилшунослигида морфема ва унга ёндашувлар тарихига доир энг мукамал фикрлар, қарашлар таҳлили С.Усмоновнинг 1964 йилда ҳимоя қилган «Ҳозирги ўзбек тилида сўзнинг морфологик хусусиятлари» номли докторлик диссертациясида ўз ифодасини топган. Зеро, сўз тузилиши, морфема уларнинг ўзбек тили материаллари асосида изоҳланиши, ўзбек тилшунослигида кенг ва чуқур изоҳланмаган. Олимнинг шу мавзуга алоқадор бўлган кейинги янгиликлари Низомий номидаги ТДПУнинг илмий тўпламларида чоп этилиб, ўзбек тили ўқитувчилари ва шу даврда таълим олган талабаларининг баъзиларида сақланиб қолган.

С.Усмонов морфема бўйича дунё тилшунослигида Бодуэн де Куртенэ, В.А.Богородицкий, А.Н.Гвоздев, А.И.Томсон, Ж.Вандриес, Ж.Марузо, Э.Б.Агаян, М.Д.Фридман, К.Дийканов, С.Кудайюбергенов, А.И.Смирницкий, Н.М.Шанский, И.И.Мещанинов, А.П.Поцелуевский, Р.А.Будагов, С.Г.Бархударов, Г.Глисон, Н.К.Дмитриев, В.В.Виноградов, И.В.Устинов, О.П.Суник, Р.Ф.Шокирова, Ф.Г.Исхақов, А.А.Пальмбах, А.Маҳмудов каби йирик олимларнинг қарашларига муносабат билдириш билан бирга, ўтган асрнинг 50-йилларидан бошлаб

А.Ғуломовнинг «Ўзбек тили морфологиясига кириш» асарида морфемага кенг таъриф берганлиги, унинг изоҳ ва мисолларида ўзак ва аффиксларнигина морфемалар қаторига киритиб, тўғри иш тутганлигини таъкидлайди. Бошқача айтганда, бу борадаги қарашларга ҳолис баҳо беради.³ С.Усмонов морфеманинг барча хусусиятларига батафсил тўхталиб ўтади. У морфеманинг аффикслари бор бўлган сўзлардангина ажратилишини жуда тўғри кўрсатади. Шу билан бирга, морфемага хос хусусиятлар борасида беш пунктдан иборат асосли хулосалар беради:

1. Морфеманинг сўзга, туб сўзга муносабатини тўғри белгилайди. *Тош, уй, иш* каби бирликлар туб сўзлар, улар морфемалар эмас, морфемаларга ажратилмайди. Морфема, туб сўзга, умуман, сўзга, лексемага ҳам тенг эмаслигини, шунингдек, фақат аффикслари бор сўздагина морфема ҳақида гапириш мумкинлигини тўлиқ асослайди. Бу ҳолат кейинчалик Ё.Тожиёв ишларида ҳам алоҳида исботлаб берилган [1].

2. Морфема энг кичик маъноли қисм сифтида шу тилда сўзлашувчиларнинг хотирасида сақланиши, у билан боғлиқ бошқа ҳолатлар, тил бирлиги, нутқ бирлиги бўла олиши хусусиятлари ҳақида фикр билдирилади. Бу фикрлар асосли, фақат уларни идрок этиш муҳимдир.

3. «Тил элементи сифатида морфемаларнинг хотирада сақланиши уларнинг ажралиш ва мустақилликка эга бўлишларида ёркин кўринади» деган фикрни айтиб, бу ҳолатни бешта пунктда ички жиҳатларини ҳам тўла қайд этган ҳолда асослаб беради.

4. «Морфеманинг лексик ёки грамматик характердаги конкрет маънога эга бўлиши фақат нутқда, яъни гапда юзага келади. Шунинг учун сўзларнинг морфемаларга бўлиниши нутқ жиҳатидан эмас, тил жиҳатидандир» деган қарашни илгари суради.

5. С.Усмонов «Сўзнинг морфемаларга бўлиниши сўзнинг маълум даврдаги структурасини акс эттириши лозим» деган ғояни илгари суради. Бу фикр А.Ғуломов фикрлари билан уйғунлашиб кетади. Ҳар икки олимнинг қарашлари кейинги тўртта пунктда уйғунлашади, бир-бирини тўлдиради. Фақат биринчи пунктдаги ҳолатда олимларнинг қарашлари фарқланади. Чунки ўзак морфема туб сўзга, баъзан эса негизга тенг келиши ҳақидаги фикрлари тўғри эмас эди. Тилшунос кейинчалик ўз қарашларини ўзгартирганлигини С.Усмонов қуйидагича қайд этади: «А.Ғуломов ҳам аввалги асарларида А.Маҳмудов сингари ўзакнинг туб, ясама ва қўшма турлари бўлади деган эди: ўзак туб ва ясама бўлади (*иш* - туб ўзак, *ишчи* - ясама ўзак), шунингдек, ўзакларнинг бирикишидан қўшма ўзак туғилиши ҳам мумкин (ошқозон, қоражигар каби)...» тарзидаги фикрларига ва олимнинг «Морфологияга кириш» рисоласига ишора қилади. «Аmmo, кейинчалик, юқоридаги жумладан ўзак сўзи чиқариб ташланади ва у сўз билан алмаштирилади» - дея, унинг 1957 йилдаги қарашларига ишора қилади. Олим юқоридаги изоҳлари давомида ҳам А.Ғуломов фикрлари ўзининг қарашларига мос эканлигини кўрсатади: «Баъзи сўзларда аффиксларнинг борлиги очиқ сезилиб турса ҳам, уларни морфологик жиҳатдан қисмларга ажратиб бўлмаслигини А.Ғуломов ҳам *хурмача, шолча, эла* каби сўзлар билан кўрсатиб берган эди» деган фикрни айтадики, бу улар қарашларидаги уйғунликни кўрсатади. Олим ўзбек тилида тарихан маъноли қисмларга ажратиладиган, ҳозирги кунда туб сўз ҳолига келиб қолган сўзларга қайта-қайта мурожаат қилади, ўзбек тили доирасида жуда кўп сўзларни йиғади, уларга этимологик жиҳатдан баҳо беради. Бундай сўзлар таркибида соддалашиш ҳодисаси рўй берганини асослаб беради: *уймоқ-уймоқ, уйиган, уйиди-уйгоқ-уйгон, уй (тўпла) қовогини уйди* каби кўп сўзшаклларни таҳлил қилиш орқали улар келиб чиқиши бирлигига ишора қилади.

Бошқатдан, қайтатдан, янгитдан; айрим-ажрим; айир-ажрат; йир-йор-жар-йорим-йоруг каби сўзлар таркибидаги *-т, -а, йир, йор, жар* элементларига баҳо беришга ҳаракат қилади. Унинг фикрларини давом эттириб, кейинчалик проф. Ё.Тожиёв *қайтатдан* сўзи таркибидаги *т* аслида тарихан *олд, орт* сўзларининг қолдиғи - рудимент эканлигини (қайта ортдан ёки олдан - қайта ортдан → қайтатдан каби), *айрим, ажрат* сўзлари бошидаги *а* ҳам аслида сўзнинг, масалан, *ач* сўзининг қолдиғи бўлиши мумкинлигини тахмин қилди (*ач* йир → айир → айир каби). Турк тилидаги *ичинда, бошинда* каби шакллардаги *-н* ҳам аслида *-ан*

³Усмонов С. Ўзбек тилида сўзнинг морфологик таркиби. -Т., 2010 (1964), 19-бет. Тожиёв Ё. Ўзбек тили морфемикаси. -Т., 1992.

олмошининг қолдиғи бўлиши мумкинлигини ҳам айтади: ичи+анда—>ичинда каби. Кўринадики, А.Ғуломов сўзларнинг морфемик таркиби ҳақидаги бундай қарашлари бошқа олимлар учун тадқиқот йўналишларини белгилаб берган. Ана шу тадқиқотлари С.Усмоновнинг юқорида қайд этилган йирик тадқиқоти учун назарий ва амалий манба бўлган бўлиши мумкин.

С.Усмонов тадқиқотида *ўзак*, *ўзак морфема* масаласига алоҳида тўхталиб, унинг тарихига изоҳ беради, *ўзак* ва негиз муносабати, ҳар бирининг ўзига хос энг муҳим жиҳатларига нисбатан айтилган фикрлари, *ўзак* билан аффикс муносабати, *ўзак* ҳақидаги таълимотлар, турлари, маъноси, тарихий ва ҳозирги *ўзак* муаммоси, унинг грамматикага муносабати, *ўзак* ва сўз муносабати масаласи, шу тарзда *ўзакка* алоқадор барча қарашларга ўзбек тили материалларидан келиб чиқиб ўз қарашларини баён қилади ва муносабатини билдиради.

XX асрнинг 60-йилларида морфема, морфемика масалаларига алоқадор энг мукамал фикрлар ва қарашлар олим С.Усмонов томонидан билдирилди. Аммо кейинги вақтларда (XXI асрнинг бошларида) олимнинг бу борадаги асосли қарашлари четлаб ўтилгани ҳолда, «Морфема, морфемикага оид муҳим масалалар ўрганилмаган, чала ўрганилган, бу ҳодисаларга илмий ёндашилмаган» тарзидаги гаплар пайдо бўлди. Ваҳоланки, *ўзак*, негиз, эргаш морфема, *ўзак* морфема, етакчи морфема, бош морфема каби кўп терминларнинг ҳар бирининг туб моҳияти С.Усмонов, А.Ғуломов, Ё.Тожиев каби олимларнинг махсус ишларида аниқ очиқ берилган. Чунки ўзбек тилшунослигидаги етакчи олимлар *ўзак* ва негиз муносабати, *ўзак* ва сўз муносабати, негиз ва сўз муносабати масалаларига атрофлича ёндашганлар ҳамда ўз муносабатларини асосли тарзда тўғри баҳолаганлар. Бу борада, С.Усмонов ва Ё.Тожиевларнинг қарашларидаги барча изоҳлар чуқур ўрганилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки уларда негизнинг турлари тизимли тарзда, айнан ўзбек тилининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб талқин қилинган. Гап шундаки, ўзбек тилшунослигида *ўзак*, *негиз*, *эргаш морфема*, *бош морфема* каби ҳодисаларнинг ўзи йўқ. Йўқ нарса ҳақида гапириб бўлмайди. Ўша терминларнинг ўзи ҳам ортиқча, улар бирор ҳодисани қайд этмайди» тарзида айтилаётган фикрлар бир неча марта такрорланыпти (XX асрнинг 70-йилларидан, ҳозирги кунгача), бироқ тилда ҳам, тилшуносликда ҳам уларнинг ҳаммаси яшаяпти, бор.

Дунё тилшунослиги тарихида *ўзак* (корень) ажратилган ва унинг туб моҳияти маълум, фақат уни тўғри идрок эта олмаслик ҳолатлари кузатилади. Дунёга машҳур олимларнинг барчаси уни тан олади ва энг йирик тадқиқотларида қайд этади. Таркибида аффикслари мавжуд бўлган сўзларнинг, аффикслар ажратиб олингандан кейин қолган ва энди бошқа маъноли қисмларга ажралмайдиган, фонетик тузилишга кўра туб сўз ёки туб негиз кўринишида бўла оладиган, бироқ аффиксларга нисбатан олинганда етакчи хусусиятга эга бўлган, сўзнинг маъноли қисмидир. У негиздан ҳам, туб сўздан ҳам асосий моҳиятига кўра, яъни аффикснинг маъноли қисм эканлигига қиёсан белгиланишига, қариндош сўзлар учун умумий бирлик эканлигига, ҳар бир бирикувда ўзига хос битта маъноси билан қатнашишига ҳамда яна бошқа жиҳатларига кўра фарқланиб турувчи тил ва нутқ бирлигидир. Унинг туб моҳияти дунё тилшунослигида англаб бўлинган, тан олинган. Ўзбек тилшунослигида ҳам уни илмий тадқиқот манбаи сифатида ўрганган олимлар томонидан анланган, мавжуд ҳодиса эканлиги, термини масаласи ҳам ҳал этилган. Фақат терминлардан бирини танлашда ҳар хиллик бор: *ўзак*, *ўзак морфема*, *бош морфема*, *етакчи морфема*, *асосий морфема*. Худди шу каби тилда аффикслар мавжудлиги, улар морфемалар сифатида ҳам тан олинганлиги, бироқ унга алоқадор терминни танлаш давом этаётганлиги маълум: *аффикс*, *аффикс морфема*, *ёрдамчи морфема*, *эргаш морфема*... каби. Маълумки, аффикслар *ўзак*ларга маълум қонуниятлар асосида эргашиб келади, маълум кетма-кетликда кўшилади. Шунга кўра, уларни эргаш морфемалар тарзида аташ мақсадга мувофиқ. Бошқа ном билан айтилганда ҳам моҳият ўзгармайди.

XX асрнинг 70-йилларидан бошлаб А.Ғуломов морфема, морфемикага оид масалалар билан жиддий шуғулланиб, «Ўзбек тили грамматикаси»нинг «Сўз ясалиши» қисмида «Морфемика» ва «Морфема» масалаларига алоҳида эътибор қаратди. Олим морфемаларни ўзбек тилининг ўзига хос сўз ясалиши ва шакл ясалиши тизимлари билан боғлаган ҳолда тарихий ва синхрон ҳолатини назарда тутиб, яна бошқа ўзига хос хусусиятларини ҳам ҳисобга олиб талқин қилди.

Ўзбек тилшунослигининг асосчиси, морфемика соҳасининг бошловчиси бўлган А.Ғуломов ўзининг морфемика бўйича илмий қарашларини ўзбек тилшунослигида илк бор яратилган

«Ўзбек тили морфем луғати» (ҳамкорликда, Т., Ўқитувчи, 1977й.)нинг «Кириш» қисмидаги мақоласида баён қилади. Тўғри, олим бу борадаги қарашларини 40-йиллардаёқ, яъни «Ўзбек тилида ички ўзгаришлар асосида сўз ясалиши», «Аффиксация жараёнида содир бўладиган ўзгаришлар» мақолаларида баён қилган. Бу ишларда А.Ғуломов морфеманинг моҳияти, сўзнинг морфем таркиби, сўзларнинг морфемик анализи, унинг тамойиллари, ўзакка кўшилиш тартиби, эркин, шартланган ўзақлар масаласи, аффикс морфемаларнинг ўзлашиши, унинг қонуниятлари, морфем анализда тарихийлик масаласи, соддаланиш, қайта бўлиниш (ул-ар//у+улар каби), унумли-унумсизлик, регулярилик-регуляр эмаслик, морфемаларнинг ёзилиши каби яна бошқа масалалар бўйича қарашларини баён қилади. Олимнинг морфема, морфемика бўйича асосий қарашлари, XX асрнинг 90-йиллари ва XXI асрнинг бошларида бу соҳада олиб борилган тадқиқотларнинг назарий асосини ташкил этди. Ҳатто, олимнинг назарий қарашларидаги айрим ҳолатлар ҳам, кейинги даврда мунозаралар учун асос бўлди. Жумладан, А.Ғуломов 60-80-йиллар давомида *ўзак*, *ўзак морфема*, *унинг сўзга*, *туб сўзга*, *негизга* муносабати масалаларида аниқ, ишончли қарашлар айтилганлигига қарамай, «Сўз биргина морфемадан иборат бўлиши мумкин» (оёқ, кўз, калла, муз, бир...) «Бир морфемали сўзлар фақат ўзакдан иборат бўлади» «ўзак туб сўзга тенгдир» тарзидаги фикрларни илгари сургани туфайли, 90-йиллардан кейин яратилган баъзи ишларда ҳам давом эттирилди. Морфема сўзга, лексемага тенглаштирилган ҳолатлар кузатилди. Демак, олимнинг қарашлари шу кунларда ҳам ўз қимматини йўқотмаган.

Хуллас С.Усмонов ва Ё.Тожиевлар қарашларида ўзакнинг, умуман, морфеманинг туб сўзга ҳам, негизга ҳам (бунда фақат шаклий ўхшашлик ҳолатини ҳисобга олмаганда), сўзга ёки лексемага ҳам тенг эмаслиги асослаб берилганлигини айтган эдик. Яъни ўзак ўз номи ва моҳияти билан алоҳида морфемадир. У негиз ҳам, туб сўз ҳам, лексема ҳам эмас. Морфеманинг моҳияти ҳам фақат у бошқа морфемаларга нисбатанланганда, зидланганда очилади. Морфема таркибга эга бўлган сўзлардагина морфем таҳлил қилинади, улардаги бирликлар (маъноли бирликлар) морфема мақомини олади. Морфема шаклан фонема кўринишида ҳам бўлади, бироқ улар бутунлай бошқа-бошқа бирликлардир. Бу А.Ғуломов, С.Усмонов, Ё.Тожиев ва бошқа кўпгина олимлар томонидан асосланган бўлса-да, бу тарздаги мунозарали фикрлар ҳозир ҳам давом этапти. Бироқ А.Ғуломов бу қарашларнинг туб моҳиятини тўла очиб берган. Морфема, морфемика ҳақидаги кейинги айтилган фикрлар ҳам ана шу олимнинг қарашлари давоми ва баъзи ҳолларда уларни тўлдириши, асосий фикрларга қисман аниқлик киритиш билан характерланади. 90-йилларда яратилган «Ўзбек тили морфемикаси» қўлланмаси (Ё.Тожиев, 1992й.) А.Ғуломовнинг бу борадаги қарашларининг давоми сифатида юзага келган. Олим фикрларини ривожлантирган, тўлдирган. Бироқ асосий назарий қарашлар А.Ғуломов қарашлари билан уйғунлашганлиги кузатилади.

ХУЛОСА. Кейинги вақтда морфема, морфемика соҳасида билдирилаётган фикрлар моҳият жиҳатидан А.Ғуломов қарашларини тўлдирди, қисман янги изоҳлар билан бойитади. Шундай қилиб, А.Ғуломов, С.Усмонов, Ё.Тожиевларнинг ўзбек тилшунослигида морфема, морфемика бўйича олиб борган тадқиқотлари ўзбек тилшунослигини шу соҳа бўйича бойитди, бу тилшунослиқда янги тадқиқотларга илмий асос бўлди, соҳани ривожлантиришга катта ҳисса бўлиб кўшилди. Олимнинг ўзбек тилшунослигида морфемика бўйича жиддий тадқиқотлар олиб борганлиги, бу соҳанинг асосий тушунчалари моҳиятини тўғри белгилаб берганлиги ҳеч кимга сир эмас. Муҳими, олимнинг бу борадаги қарашлари ҳозирги кун ўзбек тилшунослигида изчил давом эттириляпти, тўлдирляпти.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Баскаков Н.А. Каракалпакский язык. -М., 1952, -Б.154.
2. Бердиалиев А. Ўзбек тилида сўз ясовчи кўшма аффикслар, номзодлик дисс. -Т., 1970.
3. Грамматика русского языка. -М., Наука, 1980, 183 §.
4. Ғуломов А. Ўзбек тилида тарихий сўз ясаиш масалалари. Фил.фан.док. АРТ.: 1955. -Б.13.
5. Мирзакулов Т. Ўзбек тилида шакл ҳосил қилувчи кўшма аффикслар. ном.дисс. -Т., 1980.
6. Маъруфов З. Сўз состави, от ва сифат. Т., 1956, -Б.5.
7. Назаров К. Ўзбек халқ шеваларида эгалик аффикслари, ном. дисс. -Т., 1963.
8. Сауранбаев Н.Т. Семантика и функции деепричастий в Казахском языке, Алма-Ата, 1944, -Б.14.
9. Виноградов В.В. Словообразование в его отношении к грамматике и лексикологии. сб. Вопросы теории и истории языка. М., 1952.
10. Современный русский язык. МГУ нашри, 1962, -Б.263.

11. Суник О.П. О морфологическом составе слов. -С. 337-339.
12. Тожиев Ё. «Аффиксал синонимия» тадқиқоти шаклланди. Докторлик диссертацияси, 1974, 1991.
13. Тожиев Ё. Ўзбек тили морфемикаси, -Т., 1992, -Б.6-40.
14. Ҳозирги ўзбек тили, жамоа, Т., 2007, -Б.145-146.

УЎК: 821.5 12.133 (092)

НОДИРА ШЕЪРИЯТИГА ФОРС ВА ТУРКИЙ АДАБИЁТИНИНГ ТАЪСИРИ
С.И. Эшонқулова, доц., ф.ф.н., Жиззах Давлат Педагогика Институтининг, Жиззах

Аннотация. Ушбу мақолада Нодира лирикасига форс ва туркий адабиётининг таъсири, хусусан форс шеърият мактаби юзага келиши ва уларни ижодий таъсири остида Мовароуннаҳр ва Хуросонда анъанавийлик ва новаторлик масалалари очиб берилган. Шунингдек, Алишер Навоийнинг шоира ижодига таъсири масаласи тадқиқига бағишланган.

Калим сўзлар: форс, араб, туркий, салаф, халаф, анъана, образ, гоя, рамз, фалсафий, бадиий маҳорат.

Аннотация. Эта статья раскрывает влияние персидской и тюркской литературы на лирику Нодир, в частности, возникновение персидской школы поэзии и проблемы традиций и новаторства в Мовароуннахре и Хорасане под их творческим влиянием. Также она посвящена изучению влияния Алишера Навои на творчество поэтессы.

Ключевые слова: персидский, арабский, тюркский, предшественник, преемник, традиция, образ, идея, символ, философский, художественное мастерство.

Abstract. This article reveals the influence of Persian and Turkic literature on Nodira's lyrics, in particular, the emergence of the Persian school of poetry and the issues of traditions and innovation in Movarounnahr and Khorasan under their artistic influence. It also studies the influence of Alisher Navoi on the poetess's work.

Keywords: Persian, Arabic, Turkic, predecessor, successor, tradition, image, idea, symbol, philosophical, artistic skill.

Маълумки, аждодларимиз ижодий мероснинг боқийлиги, бадиий даҳоси замон ва макон чегараларини билмаслиги барчага яхши аён. Адабиётшунослик фанида эътироф этилганидек, бу кўп қиррали ижод ҳозиргача маҳорат мактаби, бадиий санъаткорлик намунаси бўлиб

келар экан, ижодда буюк салафлар анъанасини муносиб давом эттириш, маълум даражада уларни янгилашга, ривожлантиришга интилиш ўзбек мумтоз шеъриятининг ўзига хос хусусиятидир. Шу боис, миллий адабиётимиз тарихининг деярли барча даврларида ана шу хусусият турли шаклларда давом этиб келмоқда.

Дарҳақиқат, ислом мумтоз адабиёти катта тараққиёт йўлини босиб ўтди. Шу ўринда алоҳида эътироф этиш лозимки, X аср биринчи ярмида сомонийлар саройида Абу Абдуллоҳ Рудакий бошчилигидаги бақувват форс шеърият мактаби юзага келиши ва уларни ижодий таъсири остида Мовароуннаҳр ва Хуросонда ҳар томонлама етук форс, араб ва туркий шеърият равнақ топди. Бу даврда Унсурий, Фаррухий, Манучехрий ва бошқалар форс тилида мадҳиявий қасиданинг мумтоз намуналарини яратган бўлсалар, Фирдавсий Тусий (940-1020) 60 минг байтли улкан тарихий эпопея “Шохнома”ни қоғозга туширди. Туркий тилда замонасининг долзарб ижтимоий ва фалсафий қарашларини қаламга олган Ю.Х.Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” достони (1069), араб тилида Абул Аъло-ал-Мааррий (973-1058)нинг юксак фалсафий асарлари кейинчалик мумтоз адабиётда катта бир етук асарлар яратилишга замин пойдевор бўлди, деб бемалол айтиш мумкин.

Фикримиз исботи сифатида шуни келтириш мумкинки, Сомонийлар даври адабиётининг вакилларида Абуллоҳ Рудакийнинг сафдоши ва замондоши Абу Шукурнинг:

*Хираманд шояд: “Хирад-подшо-ст”,
 Ки бар хос-у бар ом фармонраво-ст.
 Зирадро тани одаме лашикар аст,*

Ҳаме шаҳват-у орзу чокар аст.

Мазмуни: Ақлликлар айтур, ақл–подшодур, Ақл барчага бир фармонраводир. Тана аъзолари-ақл лашкари, Шаҳвату орзулар унинг чокари.

Айни шу фикрларини кейинги асрда “Шоҳнома”нинг кириш қисмида Абулқосим Фирдавсий ривожлантиради:

*Хирад беҳтар аз ҳар чи изад бедод,
Ситоиши хирадро беҳ аз роҳи дод.
Ҳирад раҳнамо–ю зирад дилкушой,
Хирад даст гирад ба ҳар ду сарой.
Аз ў шодмони ва–з ў–ят гам–ст,
Ва–з ў–ят фузуни ва–з ў–ят ками–ст.
Хирад тира–ву марди равшан равон,
Набошад ҳам шодмон йек замон...
Каси к–ў надорад хирадро зи пеш,
Дилаш гардад аз кардаи хеш реш.*

Мазмуни: Худо неъматларин олийси идрок, Ақлни васф этар кимки дили пок. Ақл йўл кўрсатиб дилни шод этар, Ҳар икки оламда ақлли обод. Ақлдан ғамгинлик, шодлик, ўктамлик, Ақлдан борлигу, йўқлигу, камлик. Бадан соғ бўлса-ю ақл–нотавон. Бундай инсон бўлмас ҳеч вақт шодмон... Қилмишидан бўлур юрак–бағри чок [9, 25].

Кўрамизки, агар Рудакийнинг замондоши ақлни инсон вужудининг ҳукмдори деб улуғлаётган бўлса, Фирдавсий уни Аллоҳ инсонга ато этган неъматларнинг энг олийси деб талқин қилмоқда. Бундай фикрларни Рудакийдан, Юсуф Хос Ҳожибдан ҳар қанча истасак топиш мумкин [3, 12-13].

Шу нуқтаи назар билан қаралганда, Нодира ижод оламига кириб келар экан, у ҳам форс ва туркий адабиётининг буюк халқ эътирофидаги устоз шоирлари, хусусан Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Бедил, Машраб ижодидан таъсирлангани, улар анъаналарини давом эттирганлиги бугунда адабиёт аҳлига яхши маълум. Шоира ғазалида куйлагандек:

*“Аз китоби ишқ чандон дoston дорад дилам,
Дар чаҳон овозаи ин дostonаи меревад”.*

Мазмуни: Ишқнинг китобидин дилимда дostonлар пайдо бўлди, Энди менинг дostonимнинг овозаси бутун жаҳонга кетади [8, 5].

Шу ўринда айтиш мумкинки, “Нодира ўз даврининг энг истеъдодли ижодкорларидан бири бўлган. Аммо у бундай камолотга бирдан эришиб қолмади. Узоқ меҳнат ва машқ билан ўз истеъдодига сайқал берган” [11, 152-153], – экан, бунга албатта ўз меҳнат ва машқ билан биргаликда туркий ва форс адабиёти намоёндалари қолдирган бебаҳо асарларни таъсир этганлиги дейиш мумкин. Маълумки, Нодиранинг форсий шеърятининг зарофатли юксаклигида туриб истеъдодини намойиш қилган девонида Шарқ алломалари ҳурмат билан тилга олинади. Шоира “Ман” радифли ғазалида ёзади:

*Аз алами дарди ишқ ҳол бaсе мушқил аст,
Гар нанамоянд мадад Қосими Анвори ман [6, 522].*

Мазмуни: Агар менинг Қосими Анворим мадад қилмаса, Ишқ аламининг дардидан аҳволим ғоят мушқулдир.

Бу ўринда қаламга олинган Қосими Анворийни XV асрнинг биринчи ярмида яшаб ижод этган, Алишер Навоий асарларида эъзоз билан эсланган форзийзабон шоир сифатида биламиз. Шоира “Қосими Анворим” деганда ўзининг умр йўлдоши Умархон Амирийни назарда тутмоқда. Лекин бу ишора шуки, Нодира форсий шеър усталаридан бўлган Қосим Анвор ижодидан яхшигина хабардор бўлиб, ундан баҳра топган [12, 69-70], – деганда адабиётшунос олима нақадар ҳақ эканлигини шоира девонидаги шеърларни ўрганганимизда шоҳиди бўламиз.

Нодира форсий шеърятнинг кўзга кўринган, асарлари рамз, киноя ва истиораларга, фалсафий қарашларга бой бўлган Бедилнинг “Илоҳи, пора тамкин деҳ дами ваҳши

нигоҳонро” мисраси билан бошланадиган ғазалига моҳирона мухаммас боғлагани ҳам юқоридаги қарашларни тўғри эканлигини кўрсатади.

*Кафи мо Нодира чуз соғари ҳасрат намегирад,
Зи отаи иштиёоли шамъи мо рифъат намегирад,
Зи об оина мо ҳеч кор сурат намегирад,
Мизочи факри мо бо гарму сард улфат намегирад.
Ҳавое нест, Бедил, сарзамини бекулоҳонро [6, 578].*

Мазмуни: Комила, бизнинг кайфимиз ҳасрат қадахидан бошқасини тутмайди, Оловдан бизнинг шамимиз юксалиш алангасини олмайди. Бизнинг одатларимиз сувидан бирор баҳрамандлик бўлмайди, Фақирлигимиз мизожи иссиқ-совуқ билан улфат бўлмайди. Эй Бедил, кулоҳсизлар манзилида ҳеч бир ором йўқ.

Хўш, Алишер Навоийнинг Нодира шеърятига таъсири қандай бўлган қуйида шу хусусида тўхталаримиз. Бизнингча, Навоийнинг Нодира лирикасига таъсири уч хил шаклда кўзга ташланади:

1. Муайян мавзулар талқинида. Алишер Навоий асарларидаги айрим мавзулар Нодира шеърятига ўзига хос шакл ва талқинда тадрижий давом этирилган. Шундай мавзулардан бири “Кўнгил – Каъбадан афзал” мазмунидаги муборак ҳадиснинг поэтик ифодасида кўринади. Ҳазрат Алишер Навоий “Ҳайрат ул-аброр” достонида шундай ёзади:

*Каъбаки оламнинг ўлуб қибласи,
Қадри йўқ андоқки кўнгул каъбаси –
Ким, бу халойиққа эрур саждагоҳ,
Ул бири холиққа эрур жилвагоҳ [4, 27].*

Нодира ҳазрат Навоий ижодидаги ушбу ўзига хос бадиий талқинни такрорламаган ҳолда ижодий давом этиришга ҳаракат қилади. Шоира кўнгиллар каъбасини зиёрат айлаганини таъкидлаш орқали буюк салафи анъанасига издошлик қилади. Навоий бу фикр ифодаси учун маснавий жанрини танлаган бўлса, Нодира ўз туйғуларини ғазал орқали таъсирчан ифодалайди:

*Кўнгуллар Каъбасин бир-бир зиёрат айладим, эмди
Тавофи Маккау тахти Сулаймон этмасам бўлмас [7,179].*

Инсон – барча яралмишлар афзали. Унинг мукаррам сиймо эканлиги, Ҳақ таоло ўзга яратиклар ичида инсонга алоҳида имтиёз ва шараф берганлиги ҳақида мумтоз шеърятимизда кўп ва хўб ёзилган. Жумладан, “Садди Искандарий”да буюк мутафаккир мана бундай мисраларни битгани маълум:

*Буким ашрафи халқ инсон эрур -
Ки, ҳақ сирри зотида пинҳон эрур [5, 378].*

Нодира наздида ҳам инсон юксак шарафга ноил. Дунёда ундан ҳам азиз ҳеч бир яратик мавжуд эмас. Шоира бу ҳақдаги фикрларини қуйидагича навоиёна ифодалайди:

*Келди ашраф барча олам аҳлидин,
Йўқтурур дунёда инсондин азиз [7, 164].*

Дунё ҳаётининг ўткинчи экани, умрнинг бебақолиги, инсондан фақат яхши ном қолиши мумтоз шеърятимизда кўплаб бадиият дурдоналари яратилишига боис бўлган. Ҳазрат Алишер Навоийнинг муаммо жанрида битилган машҳур ҳикмати бу мавзу чуқур мазмун ва гўзал бадиий шакл уйғунлигида ифодалангани билан алоҳида ажралиб туради:

*Бу гулшан ичраки, йўқдур бақо гулига сабот,
Ажаб саодат эрур чиқса яхшилик била от.*

Ушбу байт мазмуни Нодиранинг “айлаб” радифли ғазалида ўзгача поэтик талқин этилади. Навоий мазкур ҳикматни арузнинг комил баҳрида ифодалаган бўлса, Нодира ҳазаж баҳрини танлайди. Ўз навбатида, бу жиҳат ҳар икки шоир шеърларининг ўзига хослигини таъминлашга хизмат қилган:

*Хушо оқилки, айлаб яхшилик бунёдини маҳкам,
Ўтар бу дайри фанодин ўзини некном айлаб [7, 62].*

Шоира шеърятининг тадқиқотчиси, профессор Маҳбуба Қодирова фикрича: “Бу ҳикматдан баҳра олган Нодира ҳам адолат ва саховат ниҳолини экиб, ҳаётда яхшилик билан ном қолдириш ниятида бўлди” [12, 68].

Мумтоз шеърятнинг етакчи мавзуи бўлган ишқ васфида битилган назмий асарлари ҳам Нодиранинг Навоий анъаналарига ҳар доим содиқ қолганини кўрсатади. Зеро, шоира “ижодининг ибтидосидан интиҳосигача ўзини куйлади: у кулиб боққан бахтга тароналар ёзди, фироқ ўтида куйди-ёнди, Лайли бўлиб Мажнунини, Зулайхо бўлиб Юсуфини куйлади” [2,82].

Нодира учун вафо ва садоқат – инсонийликнинг, ишқ-муҳаббатнинг асосий шарти. Шоиранинг вафони гавҳари ноёб деб аташи сабаби шунда. Ишқ-муҳаббат борасидаги бахтли онлари васфида ҳам, фироқномаларида ҳам шоира ана шу буюк туйғуни бетакрор бадиият, баланд пафос билан тараннум этди ва бу борада улуғ салафлари, жумладан Навоий анъаналарини муносиб давом эттирди. Шоира шундай ёзади:

*Бўлса то умру ҳаётим боқий,
Мену илгимдуру домони вафо.*

Шоира ижодининг тадқиқотчиси Маҳбуба Қодирова фикрича, “Нодиранинг вафо бобидаги бу фидокорона, самимий фикрларини ўқиб, ихтиёрсиз улуғ Навоийни эслайсан. Мажнун тили билан Навфал қизига:

*Ёрингга вафо шиоринг ўлсун –
Ким, Тенгри ҳаммиша ёринг ўлсун,*

–деган мисралари, аслида келажак авлодларга қаратилган насиҳат эди. Нодира мана шу насиҳатни “лаббай” деб қабул этганларнинг бири бўлиб, у шахсий ҳаётида бунга амал қилди” [2, 83-84].

Таъкидлаш керакки, бу икки ижодкор асарларида бир хил мавзулар тамомила бир-биридан фарқли, бетакрор, юксак бадиият билан талқин этилган. Ҳар икки шоир ўзига хос услуби, мавзуга индивидуал ёндашуви билан алоҳида ажралиб туради.

2. Бадиий образларда. Нодира шеърятда юксак даражага кўтарила олган ижодкор. Буни шоиранинг ўзи ҳам бир қанча шеърларида фахрия усулида ифода этган. Жумладан, бир ғазалида ўз даврининг истеъдодли шоири Салмон Соважий номини тилга олар экан, фикрларини мана бу тарзда изҳор этади:

*Тонг эмастур бўлса оз муддатда устоди сухан,
Нодира ашъорига таҳсин этар Салмон кўруб.*

Шоира бетакрор бадиий образлар яратди, ижодкор сифатида образли тафаккурнинг юксак чўққиларига кўтарила олди. Бу ҳол, айниқса, тарихий шахслар образлари поэтик талқинида яққол намоён бўлади.

Масиҳ образи кўхна шарқ, жумладан ўзбек мумтоз шеърятда кўплаб бадиий кашфиётлар яратилишини таъмин этгани маълум. Бу образга мурожаат этмаган шоир йўқ дейилса, муболага бўлмас. Ҳазрат Алишер Навоий “Ғаройиб ус-сиғар” девонидан ўрин олган бир ғазалида мана бундай ёзади:

*Не гаминг юз зарра саргардонлигинин, эй қуёш,
Сенки рифъатдин Масиҳо кеби ҳамдам топқасен.*

Бу образга хос фалакка рифъат қилиш, қуёшга ҳамдам бўлиш сингари хусусиятлар талқинини Нодира қуйидаги шаклда янгича ифодалашга эришади:

*Масиҳ азми сипеҳр айлаб, қуёшга бўлди ҳамсоя,
Бўлур ҳиммат аро афлок устида мақом айлаб [7, 62].*

Сулаймон алайҳиссалом ва Билқис образлари мумтоз шеърятда кўплаб оҳорли назм намуналари яратилишига сабаб бўлгани маълум. Ҳазрат Навоий ғазалларидан бирида мазкур тарихий образлар воситасида ўз ижодининг эътирофи масаласига диққат қаратган. Жумладан, ғазалда қуйидагиларни ўқиймиз:

*Ғар Навоийга Сулаймон мулкича бордур не тонг,
Буки Билқиси замон назмини таҳсин айламиш.*

Нодира эса, мазкур образлар орқали бадиий талқиннинг ўзига хослигига эришади. Шоира қаламига мансуб мана бу мисралар ушбу фикрни тасдиқлайди:

*Дунё мутеъ Хусрави даҳр ўлди ё магар,
Билқис аҳд топти Сулаймонга ихтисос* [7, 189].

Шу мухтасар таҳлилнинг ўзиёқ кўрсатадики, Нодира образли тафаккурда, бадиий образ мукамаллигида улуғ салафи ҳазрат Навоийга чин маънода издошлик қилди, буюк мутафаккир анъаналарини муносиб давом эттирди.

3. Фикрнинг санъаткорона ифодасида. Мумтоз шеърятимизнинг деярли барча жанрларида муваффақият билан қалам тебратган Нодира ҳақли равишда Шарқ мумтоз адабиётининг Лутфий, Навоий, Фузулий, Бедил каби буюк намояндаларини ўзига устоз деб билди. Уларнинг ғазалларига назиралар битди, тахмислар боғлади. Айниқса, ҳазрат Алишер Навоийнинг “*Кўнгул жон бирла бўлди ҳамроҳинг, мен дард ила турдим*” сатри билан бошланувчи ғазалига боғлаган мухаммаси шоиранинг бу борада чин маънода камолга эришганини кўрсатади. “Тил, услуб, оҳанг, ранг-баранг образларни қўллаш жиҳатидан устод йўлини давом эттирган шоира бу мухаммасда инсон ва унинг бой руҳий дунёсини ниҳоятда улуғлайди. У Навоий ғазалларига тахмис қилар экан, кўпроқ устод асарларидаги асосий фикрларни давом эттиришга ҳаракат қилади” [10, 176].

Дарҳақиқат, шоира ушбу мухаммасда фикрни санъаткорона ифодалашда буюк ижодкорлар анъанасини юксак даражада давом эттира олишини амалда намоён этди. Мухаммаснинг мана бу бандидаги образлилик, фикрнинг метафорага бойлиги, бадиий талқиндаги маҳорат буни яққол исбот этади:

*Гирибон чок эрурман субҳи васлинг интизоридин,
Қоронгу бўлди шомим дуди оҳимни губоридин,
Шарарлик шугълалар бош чекти кўксим хор-хоридин,
Туташиди шамъдек ҳар бармогим ҳижрон шароридин,
Илик марҳам қўяй деб чун бағр чокига еткурдим* [7, 308].

“Гирибон чок”, “субҳи васлинг”, “дуди оҳим”, “кўксим хор-хори” сингари метафоралар ифоданинг бадиий қувватини оширган, Навоий мисраларидаги “ҳижрон шарори”, “бағр чоки” каби истиоралар билан ўзаро уйғунлик касб этган, фикр ифодасининг таъсирчанлигини таъминлаган. Ҳазрат Алишер Навоий мисралари билан Нодира сатрлари бир-бирига шу қадар уйғунки, улар бир ижодкор томонидан яратилгандек таассурот уйғотади.

Мухаммаснинг қуйидаги банди ҳам оз сўзга кўп маъно юклангани, поэтик ифоданинг мукамаллиги билан алоҳида бадиий-эстетик қимматга эга эканини таъкидлаш керак:

*Сени топмоқ баса мушкул кўрунди жустужў бирла,
Фироқинг дардига таскин тиларман гуфтуғў бирла,
Гаҳи паймона бирла шугл этиб, гаҳе сабу бирла,
Кўнгул тинмасқа қолмиш эрди ҳар навъ орзу бирла,
Ризо қўйига то қўйдум қадам кўнглумни тиндурдим* [7, 309].

Шу ўринда хулосаларимизни баён этишни мақсадга мувофиқ кўрдик. Булар қуйидагилардан иборат:

1. Нодира шеърятда форс адабиёт вакиллари Абдурахмон Жомий, Қосим Анвори, Бедил ҳамда туркий адабиёт вакиллари Алишер Навоий, Машраб, Амирий анъаналарининг ўрни ва қиммати алоҳида бўлгани шубҳасиздир. Шоира уларнинг назмий маҳоратини, ижодий лабораторияси сирларини, асарларидаги образлар табиатини, поэтик тасвирда эришган юксак даражаси асрорини қунт ва сабот билан ўрганган.

2. Нодира ушбу бемисл ижод мактабининг давомчиси, издоши сифатида бетакрор бадиий асарлар яратди. Бу орқали ўзбек мумтоз шеърятда юксак мавқега эришди, унинг ривожига муносиб ҳисса қўша билди.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Бадиий адабиёт ва тасаввуф тимсоллари. –Т.: Тошкент давлат шарқшунослик институти, 2010.
2. Жалолов Т. Ўзбек шоирлари. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1980.

3. Имомназаров М. Минтақа адабиёти ривожда тасаввуфнинг ўрни / Бадиий адабиёт ва тасаввуф тимсоллари. –Т.: Тошкент давлат шарқшунослик институти, 2010.
4. Навоий А. Ҳайрат ул-аброр. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1999.
5. Навоий А. Садди Искандарий. –Т.: Нашриёт–матбаа бирлашмаси, 1999.
6. Нодира Девон. Ўзбек ва форс тилларидаги шеърлар –Т.: ЎзР ФА, 1963.
7. Нодира–Комила. Девон. –Т.: Халқ мероси, 2001.
8. Нодира–Комила. Иккинчи китоб. –Т.: Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2004.
9. Шомухамедов Ш. Форс–тожик адабиёти классиклари ижодида гуманизм тараққиёти. –Т.: Фан, 1968.
10. Ўзбек адабиёти тарихи. Беш томлик, IV-том. –Т.: Ўз ФА, 1978.
11. Қаюмов А. Нодира /Асарлар. 7-жилд, 1-китоб. Т.: Мумтоз сўз, 2010.
12. Қодирова М. Шеърят ва муҳаббат маликаси. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1998.

UO'K 372.8

CHET TILINI O'QITISHDA OMMAVIY AXBOROT VOSITALARI VA INTERFAOL O'YINLARNING AHAMIYATI

M.B. Ikromova, asissenti, Toshkent Irrigatsiya va qishloq xo'jaligini mexanizatsiyalash muhandislari instituti Buxoro filiali, Buxoro

Annotatsiya. Maqola chet tili darslarida ommaviy axborot vositalaridan samarali foydalanishga bag'ishlangan. Insoniyat taraqqiyoti jarayonida yosh avlodning ota-onalari, bobolaridan farqli o'laroq, tez o'zgaruvchan texnologiyalar davrida o'sib ulg'aymoqdalar. Bizni o'rab turgan turli xil texnologiyalar bizning uylarimiz, ofislarimiz va maktablarimizda mavjud. Ommaviy axborot vositalari va simli texnologiyalardan keng foydalanish ta'lim va aloqani yaxshilaydi. Darslarni turli xil qiziqarli o'yinlar orqali tashkil etish o'quvchilarning bilim olish qobiliyatini boyitadi va mustahkamlaydi. Kurs jarayonini optimallashtirish bugungi kunning dolzarb masalalaridan biridir.

Kalit so'zlar: didaktik o'yinlar, irodaviy urinish, aylana stol, interaktiv usul.

Аннотация. Статья посвящена эффективному использованию СМИ на уроках иностранного языка. В процессе развития человечества родители молодого поколения, в отличие от своих дедушек и бабушек, растут в эпоху стремительно меняющихся технологий. Различные технологии, которые нас окружают, используются в наших домах, офисах и школах. Широкое использование средств массовой информации и проводных технологий улучшает образование и общение. Организация уроков с помощью различных забавных игр обогащает и укрепляет учебные навыки учащихся. Оптимизация учебного процесса - одна из самых актуальных проблем сегодня.

Ключевые слова: дидактические игры, сила воли, круглый стол, интерактивная методика.

Abstract. The article is devoted to the effective use of the media in foreign language classes. In the process of human development, the parents of the younger generation, unlike their grandparents, are growing up in an age of rapidly changing technology. The various technologies that surround us are in our homes, offices and schools. Extensive use of mass media and wired technology enhances education and communication. Organizing lessons through a variety of fun games enriches and strengthens students' learning skills. Optimizing the course process is one of the most pressing issues today.

Key words: didactic games, willpower, round table, interactive technique.

Insoniyat taraqqiyoti jarayonida yosh avlod ota-onalari, buvi-buvalaridan farqli o'laroq shiddat bilan o'zgarib borayotgan texnika asrida o'sib ulg'aymoqdalar. Bizni qurshab turgan turli texnologiyalar uyimizda, idoralarda va maktablardadir. Ommaviy axborot vositalari va simli texnologiyalardan keng foydalanish ta'lim-tarbiya va aloqalarni kuchaytiradi. Darslarni turli ko'ngil ochar o'yinlar orqali tashkil etish talabada bilim olish ko'nikmasini boyitadi va mustahkamlaydi. Darslar jarayonini optimallashtirish bugungi kunning dolzarb masalalaridan hisoblanadi.

Ilmiy izlanishlar natijasi o'laroq, yosh avlodning qay tarzda o'sib-ulg'ayishi, ta'lim olishi, ularning kelajakda o'z yo'lini topishiga muhim ta'sir ko'rsatar ekan. Keng imkoniyatlarga yo'l ochib beruvchi texnologiyalar va yangi axborot vositalaridan foydalanish rivojlanish tamoyillarini belgilab beradi. Bular quyidagilar:

1. Inson hayotini soddalashtirishda axborot texnologiyalaridan tizimli ravishda foydalanish;
2. Yosh avlod tarbiyasida televideniya va axborot vositalaridan yo'naltirilgan holda foydalanish;
3. Ma'lumotlar bazasini qonun qoida asosida elektron shaklda yaratish.

Integratsiya texnologiyasi va interaktiv axborot ilk bolalalik davri dasturlari mustahkam taraqqiyot asosiga quriladi. Yosh avlod bilan ishlovchi tarbiyachilar ham axborot

tehnologiyalaridan foydalanishni mumkin qadar darajada o'rganib borishlari ham talab etilmoqda. Sababi bugungi kun yosh kadrlari yangiliklarni juda tez ilg'ab olishadi. Ba tarbiyachilardan yanada ko'proq ma'lumot olishga ehtiyoj tug'iladi. Ular miyasidagi bo'shliqni to'ldirishning asosiy obyekti sifatida tarbiyachilarini ko'z oldilariga keltirishadi. Ular axborotlashgan asrda yashar ekan soniya sayin o'zlariga yangilikni kashf etib borishadi. Bunda axborot texnologiyalari sezilarli darajada ta'sir ko'rsatib borishadi.

So'ngi yillarda visual axborotning rangli va juda sifatli hajmlarda yetkazilishi axborot texnologiyalariga bo'lgan ehtiyojni oshishiga sabab bo'lmoqda. Doimiy-o'zgarib turuvchi raqamli davrni aks ettirib, ilk bola ta'limi bilan shug'ullanuvchilar texnologiyasi va interaktiv axborotlar haqida yosh bolalarning aqliy, ijtimoiy, hissiy, jismoniy va linvistik qobiliyatlarini rivojlantirishni oshiradi.

Aql, idrok va nutqning o'zaro bog'liqligi avvalo fikrlash jarayonining til orqali ifodalanishida namoyon bo'ladi. Tafakkurning o'sishi axborot vositalariga bevosita tayanadi. Hozirgi kunda so'z va uning mazmuniy tomonini o'rganish maqsadida assotsiativ eksperimentdan foydalaniladi. Assotsiativ eksperimentning barcha turlari uchun xos bo'lgan xususiyat, ularda natijaning asosiy ko'rsatkichi sifatida reaksiya vaqti hisoblanadi. Bu mezonlar nutq-fikrlash jarayonining dinamikasini o'rganish imkonini beradi. Assotsiativ reaksiya vaqti nerv jarayonlarining o'tish tezligini ifodalaydi.

Oliy o'quv yurtlarida talabalarni chet tilida aniq, shoshilmay, yetarlicha baland ovozda gapirishga, so'zlarni dona - dona talaffuz qilishga, unli va undosh tovushlarni to'g'ri talaffuz etishga, intonatsiya vositalaridan to'g'ri foydalanishi amalga oshirishni belgilab beradi. Oliy ta'limda chet tilini o'rgatish vazifalar har bir guruhda, talabalarning kursi va psixologik xususiyatlarini hisobga olgan holda amalga oshirilib boriladi. Zeroki talablarda tilni o'zlashtirish darajasi turlicha bo'lishi mumkin.

Kompyuter texnologiyalari yordamida talabalarni so'zlashuv nutqiga o'rgatish. Talabalarni so'zlashuv nutqiga o'rgatish bo'yicha dastur ishlab chiqilishi lozim bo'ladi. So'roq gap turlariga binoan chet tilida savollar oldindan tayyorlanishi tavsiya etiladi. Ularni butun guruh uchun berilgan savollarga yakka holda javob berishga, jamoa bo'lib so'zlashishiga, suhbatda qatnashishga, o'rtoqlarning javobini qunt bilan tinglash va o'zi ham savol berishga o'rgatilishi ularda chet tilidagi nutqning samarali darajada o'zgarishiga olib keladi. Shu bilan bir qatorda, chet tili o'qituvchilari bilan so'zlashganda samimiy, mazmunli gapirish kabi ijobiy hislatlar ham tarbiyalanib boriladi.

Darslarning qiziqarli va samarali bo'lishini ta'minlovchi unsurlardan biri bu didaktik o'yinlardir. Didaktik o'yinlar qoidali o'yinlar tarkibiga kiradi va rolli o'yinlarni rivojlantirish uchun xizmat qiladi. Bu kabi o'yinlar asosini bilishning u yoki bu mazmunini, o'yinning tashkil etilishini belgilaydigan harakatlarni bajarishga qaratadigan aqliy va irodaviy urinishini belgilab beradi. Didaktik o'yinlarda asosiy fikrlash jarayonlari - tahlil qilish, qiyoslash, xulosa chiqarish va hakazolar takomillashadi. Amaliy darslarni shakllantirishda didaktik o'yinlar uni samaradorligini oshiradi. O'yin paytida bolaning ijobiy ish faoliyatini kuchaytiradi, ixtiyoriy diqqatini, xotirasini takomillashtiradi. O'yinda o'quvchilar o'zlari sezmaganda juda ko'p harakatlarni, mashqlarni bajaradilar, chet tilidagi yangi so'zlarni yod olishadi.

O'z navbatida didaktik o'yinlarga qo'yiladigan talablar quyidagilardan iborat: 1. Didaktik o'yinlar o'quv predmetlari bo'yicha dastur materialiga muvofiq holda tanlab olinishi lozim.

2. Didaktik o'yin unda qatnashuvchilarga bilimlar bo'yicha ma'lum talablar qo'yilgan holda ishlab chiqilishi kerak.

3. Didaktik o'yinning muvaffaqiyatli o'tishi uning maqsadini til o'rganuvchilar tomonidan yaqqol anglab olinishiga bog'liq. Chunki bunda o'quvchilarning fikrini maqsadli yo'nalishga solish, ularning ishini bajarishga qiziqishini oshirish imkoniyati tug'iladi.

4. O'yinlarni tanlashda ma'lum izchillikka rioya qilish ham zarur.

5. Didaktik o'yinlarning qoidasini va tashkil etilishini tuzish va ishlab chiqishda o'quvchilarning o'ziga xos xususiyatlarini, ularning turli bo'sh va kuchli, faol va loqayd guruhlarini hisobga olish kerak.

6. Ta'limiy o'yinning qoidalari sodda, aniq, bo'lishi va yaqqol ifodalanishi lozim. 7. O'quvchi talabalar butun o'yin jarayonida faol ishtirok etishi, o'z «navbatini» uzoq, kutish o'yinga qiziqish susaytirishi mumkinligini unutmazlik kerak.

8. Dars bir o'yinga umumiy va yakka tartibda yondashish, undagi topshiriqlarning qiyinlik darajasini va qanchasi mustaqil holda bajarilishini hisobga olish kerak.

“Aylana Stol” metodi

O'yinning maqsadi:

- mavzu va muammoni erkin suhbat asosida tahlil qilishni o'rgatish, talabalar bilim darajasini tenglashtirish;

- Turli muammolarni tizimli bosqichma-bosqich hal etish yo'llarini o'rgatish

O'yinni tashkil etish uchun kerak bo'ladigan vositalar:

-Xonani o'yin uchun moslagan holda jihozlash ya'ni talabalar yuzma-yuz holatda barcha ishtirokchilarni ko'rib turishlari lozim bo'ladi;

- dasturda ko'rsatilgan tarjima nazariyasiga oid mavzu ma'ruzada tushuntirib berilgan bo'lishi va qo'shimcha ma'lumot topib mustaqil o'qishga vazifa sifatida berilgan bo'lishi lozim;

-“erkin mikrafon” prinsipini o'yinda qo'llash ya'ni so'zlash navbat asosida emas fikr mavjudligiga ko'ra tashkil etish;

- Aylana stol ishtirokchilari javob berishi lozim bo'lgan savol va topshiriqlar bazasini yaratish (mavzuga doir savollar o'qituvchi tomonidan oldindan tayyorlab qo'yiladi);

- berilgan fikrlarni yanada kengroq shaklda davraning o'zida muhokama qilish;

Dars jarayonida interaktiva usullardan foydalanaish bugungi kun talabiga aylangan. O'qitishning interaktiv usullari o'quvchilarning g'oyatda katta ta'lim sa-loxiyatini faollashtirish va foydalanishga, o'quv jarayoniga ijodiylik elementlarini kiritish va ijodiy faoliyat yurituvchi tizmlarga xos bo'lgan iner-giya xususiyatlaridan foydalanishga imkon beradi.

Xulosa qilib aytganda didaktik o'yinlardan til o'rgatishga asoslangan fanlarda foydalanish talabani har tamonlama bilim bazasini boyitish uchun xizmat qiladi. Didaktik o'yinlarni dars jarayonining qaysi qismiga joylashtirish o'qituvchilarning individual qarashlariga bog'liq bo'ladi.

Yosh avlod nutqini rivojlantirishning asosiy vositalaridan (shakllardan) biri bu ta'lim. Ta'limning asosiy shakli amaliy mashg'ulotdir. Chet tilida nutq o'stirish amaliy mashg'ulotlarida talaba o'z nutqining o'qituvchining namunaviy nutqi bilan taqqoslashga, boshqa talabalar bilan o'quv materiallarni bajarishga, ya'ni o'qituvchining tushuntirishini, hikoyasini tinglashga, birgalikda kuylashga ma'lum bir ob'ektga diqqatini qarata olishga, navbat bilan gapirishga o'rgatadi.

